

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Х.Х.ЗОКИРОВ

СУРХОНДАРЁ ТАБИАТИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари учун
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

ТЕРМИЗ-2021

УЎК 502/504:574(575.151)

КБК 20.1

3 74

Ушбу ўқув қўлланмаси 5630100-“Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси”, 5141000-“Тупроқшунослик” мутахассисликлари бўйича таълим олаётган бакалавр, магистр ва тадқиқотчиларга танлов фанидан ўқитишга мўлжалланган бўлиб, унда Сурхондарё вилояти табиати, табиий яшаш воситалари, ҳавоси, суви, биохилма-хиллиги ҳамда экологик муаммолари, шунингдек, айрим соҳалар бўйича изланишлар олиб бораётган олимларнинг ишларидан маълумотлар беради.

Тақризчилар:

М.Х. Арамов,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

М.Абраматов

биология фанлари номзоди, доцент

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- Ўзбекистон Республикасининг энг жануби, Сурхон-Шеробод воҳасида жойлашган.
- 1941 йил 6 мартда ташкил топган.
- Маъмурий маркази – Термиз шаҳри.
- Умумий ер майдони – 20,1 минг км².
- Сурхон-Шеробод воҳаси текислик қисмининг узунлиги 200 км бўлиб, шимолдан жанубга томон тобора пасайиб ва кенгайиб боради.
- Жанубий-ғарбдан – Туркменистон, шимол ва шарқдан – Тожикистон республикалари, жанубдан – Амударё бўйлаб 180 км масофада Афғонистон Ислом республикаси ва шимолий-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош.
- Ҳудуд текислик қисмининг иқлими қуруқ субтропик, йиллик ўртача ҳарорат – 16-18 °С, ёзи жазирама иссиқ, сояда 50°С, очиқ далаларда 65-70°С, қиши қисқа ва илиқ.
- Аҳолиси 2569,9 минг киши шундан шаҳар аҳолиси – 910,6 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1659,3 минг киши (2019 й.). 50 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Уларнинг 83,6 % ўзбеклар, 12,5 % тожиклар, 1,3 % туркманлар, 1,2 % руслар, 0,4 % татарлар, 0,1 % қozoқлар ва 0,9 % бошқа миллатлардир.
- Вилоятда 14 туман ва битта вилоятга бўйсунувчи шаҳар (Термиз), 165 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 847 та қишлоқ аҳоли кўрғони, 691 та маҳалладан иборат.
- Жами фойдаланадиган ер майдонлари – 1476,9 минг га. Жумладан, пахта – 123 минг га, ғалла – 100 минг ва боғлар – 9413 га, узумзорлар – 12861 га ва яйловлар 860667 гектардан иборат.

1-МАВЗУ: СУРХОНДАРЁ ТАБИАТИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

РЕЖА:

1. Кириш. Сурхон табиати ва экологияси ҳақида умумий маълумот.
2. Фаннинг предмети, тадқиқот усуллари ва бошқа фанлар билан алоқаси.
3. Вилоят атроф-муҳити ва экологик ҳолати.

КИРИШ

Она замин табиатнинг гултожи бўлса, ҳаво – унинг ўпкаси, сув эса қон томирларидир.

Она заминнинг таъриф ва тавсифи шу қадар чексиз илҳом манбаидирки, мусаввирлар тавсифида, нотиклар ҳамду саносида, шоирлар мақтовиди, олимлар илмий изланишларида абадул-абад, битмас-туганмас ўзига хос рангин мавзу бўлиб хизмат қилади. Табаррук замин – коинот уммонида маржондек таралган кенг осмон жисмларидан бири қуёш шажарасидаги сайёра ҳажм ва вазн бўйича бешинчи, қуёшга яқинлиги бўйича – учинчи ўринда, бошқа жисмлар сингари қуёш атрофида айланувчи, ўз бағрига олган жамики мавжудотларнинг нури дийдасидир.

Бош ҳарфлар билан ёзиладиган “Ватан” унинг гавҳардан азиз тупроғи, камалакдек жило бериб турувчи мовий осмонни ўз бағридаги шамчироғи ҳисобланмиш ҳазрати Инсонлари кимларни мафтун этмаган дейсиз?

Ушбу ўқув қўлланмада мадҳ этишга ҳаракат қилинган термизийлар юрти ҳисобланган Сурхондарё она замин “олтин бешиги”да бир кўзтумордек умр кўриб келмоқда. Шуни очик эътироф этиш лозимки, бу гўзал воҳа олис тарих ва тақдирга эга бўлса-да, унинг тарихи, табиати, флораси, фаунаси, лозим бўлса, географияси ҳам жуда кам қаламга олинган. Инсоннинг маънавий, иқтисодий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан гўзаллиги, ақлий баркамоллиги ҳам бевосита Она ер ва унинг табиати мусаффолиги билан боғлиқдир.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон табиатга турлича таъсир кўрсатган. Оқибатда инсоннинг табиатга бўлган муносабати ҳам шунга ҳамоҳанг равишда ўзгариб борган. Неча минг йиллар давомида барқарор бўлиб келган экологик мувозанатга путур етиб, инсониятнинг умумий ватани ва макони бўлган она табиат, бебаҳо замин фалокат ёқасига келиб қолди. Ушбу муаммоларга тўхталиб, мухтарам Биринчи Президентимиз И.Каримов бундай деган эди: “Экологик муаммолар ер юзасининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир”.

Швед кимёгари Аррениус 1896 йилдаёқ кўмирдан ёқилғи сифатида фойдаланиш оқибатида ҳавога чиқарилаётган CO₂ глобал иссиқлик сабабчи бўлишини башорат қилган эди. Афсуски, унинг бу башоратлари инобатга олинмади. Оқибатда сўнгги 50 йилда ҳавога CO₂ ажралиб чиқиши 4 баробарга ортди; сўнгги 3 йилда (2005-2008) Антрактидадаги 2 триллион тоннадан ортиқ

музлар эриб, океан сув сатҳи 0,5 см га кўтарилган. Ваҳоланки, ўтган юз йилликда океан сув сатҳи 10-15 см кўтарилганлиги ҳақида маълумотлар берилган эди.

Сув бутун тирикликнинг яратувчиси эканлигини дунёвий илмлар ҳам, диний илмлар ҳам тасдиқлайди. Табаррук китоб Қуръони Каримда “Биз тирикликни сувда яратдик”, деб зикр қилинади. Башарият оламининг $\frac{3}{4}$ қисми сувдан ташкил топган бўлса-да, афсуски, сайёрамиздаги 1 миллиарддан ортиқ аҳоли мутлақо сув танқислиги шароитида яшамокда, 3 миллиарддан ортиқ аҳоли эса тоза ичимлик сувидан бебаҳра қолмоқда. Бунга асосий сабаб аҳоли сонининг жуда тез ўсиши, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланаётганлиги, суғориладиган ер майдонларининг кескин кенгайганлиги сув билан фаолият кўрсатувчи саноат корхоналарининг кескин ортганлигидадир. Масалан, 1 тонна синтетик тола ишлаб чиқариш учун 5000 т, 1т алюминий ишлаб чиқариш учун 1,5 минг тонна тоза чучук сув сарфланади.

Очиқ эътироф этиш керакки, XX аср авлоди ўзининг тупроққа бўлган оқибатсизлиги билан унинг сифат ва унумдорлигининг пасайишига ва ҳаттоки ўлик ҳаётга (**ўлик ҳаёт – чўлланиш, ботқоқланиш, шўрланиш, ҳосил бериш имкониятидан маҳрум бўлиш**) тушишига сабабчи бўлди. Унинг муаммолари қуйидагилардан иборат: шамол ва сув эрозияси, минерал ўғитлар ва кимёвий заҳарли моддалардан меъёрдан ортиқча, бир томонлама фойдаланилганлиги, саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, маҳаллий ва органик ўғитлардан етарлича фойдаланилмаганлиги, оғир техникаларнинг далаларга киритилиши, ҳаттоки, пахтадан кейин ерларни шудгорламасдан ғалла экилиши оқибатида тупроқ зичлашиб, натижада микроорганизмлар, чувалчанглар ва кемирувчилар унинг бағрида кескин камайиб кетди.

Табиатда ўсимликлар дунёси шундай бир улугъ неъматки, унинг таркибидаги сувнинг миқдори ер юзидаги чучук сувлардан 5 баробар кўпдир. Улар бир йилда 200-250 млрд.т карбонат ангидридни ютиб, 180-200 млрд тоннагача кислород ишлаб чиқаради. Афсуски, бир бешйилликда (1990-1995) 65 млн. гектардан ортиқ ўрмонлар кесиб юборилган. Яъни XX асрнинг охирига келиб, ўсимлик ва ҳайвон турлари табиий жараёнга нисбатан антропоген омиллар таъсирида 50-100 марта тезроқ йўқолиб бормокда. Ваҳоланки, ер шаридаги тирик моддалар умумий оғирлигининг 99 % ни ўсимликлар дунёси ташкил этади. Уларнинг асосий қисми яшил ўрмонлардан иборат бўлиб, кислород билан нафас олувчи организмларнинг **“ТИРИКЛИК ФАБРИКАСИДИР.”**

Ҳайвонот оламининг моҳияти шундаки, улар табиатда моддалар алмашилиш жараёнининг асосий иштирокчиси, озиқ занжирининг фаол вакили, озиқ-овқат, дори-дармон ва хонадонимиз кўриқчисидир. Афсуски, бир, бир ярим аср мобайнида инсониятнинг 5,5-6 баробаргача кўпайиши буларни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида деҳқончиликка хос бўлмаган чўл, ботқоқлик, тоғ ва тоғолди ҳудудларининг ўзлаштирилиши оқибатида ушбу ҳудудга хос бўлган ҳайвонот оламининг яшаш ареали кескин камайиб кетишига олиб келди. Шунингдек, ноқонуний овчилар, сохта тадбиркорлар томонидан ёввойи табиат “хунуклиги” (калтакесак, бойўғли), қимматбаҳо суяги ёки мўйнаси, заҳарли ёки йиртқич бўлганлиги учун ҳозирда ҳам аёвсиз йўқ қилинмоқда. XX асрнинг

охирига келиб, сайёрамиздаги 63 турга ва 55 кенжа турга мансуб бўлган сут эмизувчилар умуман йўқ бўлиб кетган, 600 турдан ортиқ ҳайвонлар ўта кучли муҳофазага муҳтождирлар. Ер юзидаги қушларнинг тахминан 150 тури ва кенжа турлари йўқолиб кетган бўлса, 100 дан ортиқ турлари йўқолиб кетиш арафасида турибди (Н.А. Гладков).

Ҳозирги илм-фан, техника тараққиёти ривожланган бир вазиятда, табиий тизимларнинг таназзулга учраши жараёнининг давом этиши, биосфера барқарорлигининг бузилишига, жамиятнинг бир бутунлиги, меъёрий яшаш шароити учун зарур бўлган атроф-табиий муҳит сифат даражаси сақланиши ва барқарорлик мувозанатининг бузилишига олиб келмоқда. Шу сабабли, Она табиатни муҳофаза қилиш ва унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ижобий ҳал этиш масалалари ҳозирги кунда она сайёрамизда яшовчи барча миллат, элатларнинг ижтимоий ва иқтисодий таррақийидаги ўрни энг устувор йўналиш даражасига кўтарилди.

Мамлакатимизда ижобий ечимини ҳал этиш лозим бўлган экологик сиёсатнинг энг долзарб масалаларидан бири – **ўтмишдан мерос бўлиб қолган**, ҳозир ҳам давом этаётган ва келажақда кутилаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун жавобгарлик масалаларини ҳал этиш, мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб қолди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк кунларидан бошлаб, Она табиатни муҳофаза қилиш, **ўтмишдан мерос бўлиб қолган мавжуд экологик муаммолар** ечимини топиш, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳалари ривожланишида ўта муҳимлиги ва уларни ислоҳ қилишнинг ажралмас қисми эканлигини тан олган ҳолда, аниқ ва равшан экологик тадбирлар тизимини амалга оширишга аҳамият бермоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги мавжуд қонун, қарор, меъёрий ва раҳбарий ҳужжатлар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кун талабларига мослаштирилмоқда. Бугунги кунда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга тегишли 40 га яқин қонунлар мажмуаси ва ушбу қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган 70 га яқин ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонуности ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий, раҳбарий ҳужжатлар ва қўлланмаларининг вазифаси келажақ авлод учун Она табиатни асраш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашга мамлакатимиздаги барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилиниши устидан вилоят ҳудудида давлат назорати олиб боришдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифа вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг қўйи тизимлари зиммасига юклатилган.

ТЕРМИЗИЙЛАР ЮРТИ БУ!

(Сурхондарё табиати ҳақида умумий маълумотлар)

Сурхон халқига таъриф бериб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: *“Сурхондарё халқи – гурури тоғдек баланд, яратувчанлик салоҳияти юксак халқ. Сурхондарё халқи – қадим урф-одатларининг минг йиллик анъаналари асрлар оша кўз қорачигидек авайлаб, бойитиб келаётган халқ. Йигитлари Алпомишдек пахлавон, қизлари Ойбарчиндек кўркам, қариялари Термизий боболаримиздек донишманд, иймон-инсофли халқ. Бундай халқ ҳар қанча иззат-икромга муносиб”*.

Бир томондан сайёрамизда машҳур оби ҳаёт манбаи Жайхун, уч томондан Ҳисору Боботоғ, уч томондан уч мамлакат билан чегарадош бу қадимий, ҳамиша навқирон диёр ўзига хос табиати ҳамда танги одамлари билан маълум ва машҳурдир. Деновдаги субтропик ўлкаларга хос шакарқамишию хурмо, анорлари, инсонни мафтун қилувчи Сангардак шаршарасию Хонжизанинг ерости ва ер усти бойликлари, Хўжаикон туз кони, Бойсун-Шарғун кўмирлари, Хўжаипок олтингугуртли сувию шифобахш Ховдак нефти, Боботоғ пистазорларию Вахшивор арчазорлари, Пайғамбар орол тўқайзорларию Каттақум, Хотинработ чўлларидаги жазирама иссиқлари кимларни лол қолдирмаган дейсиз!?

Юнон саркардаси Александр Македонский, араб лашкарбошиси Қутайба, мўғул ҳокони Чингизхон бир кунда йилнинг тўрт фаслини: Термизда – жазирама ёзни, Шеробод адирларида – баҳорни, Ҳисор тоғ чўққиларида – мангу қорни кўриб, бу абадий яшил юртни яратувчанлик ишқи билан тўлиб-тошган, унинг ижодкор халқини кўриб, тасаннолар айтишган бўлсалар ажабмас.

Аксинча, милоддан аввалги 327 йилда Термизни забт этган Македонский бу шаҳарга ўз номини бериб “Александрия” деб номламаган бўларди. Ҳақиқатдан ҳам, одамлари содда ва танги, тупроғига косовни тиксанг, баҳорга келиб кўкариб чиқадиган, иқлими мойдек юмшоқ бу воҳада яшаган ҳар бир ҳазрати Инсон дostonчи ё ижодкор, ё олиму ё чавандоз, ҳеч бўлмаса танги полвон бўлмаслиги асло мумкин эмас. Икки юз нафардан ортиқ машҳур термизийлар, Сўфи Оллоёрларга мангу макон бўлган, Абдуллага ватан бўлган беназир диёрдир бу.

Неандертал одам манзилгоҳи Тешиктош ғори, Будда маданияти маркази Қоратепа, бронза маданияти маркази Сополлитепа, Жарқўтон, Далварзинтепа, Зурмала, илк маданият ўчоғи ҳисболанган Зараут камари каби маданий ёдгорликлари, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота, Сайид оталиқ, Жарқўрғон минораси каби ўнлаб, юзлаб ўрта аср обидаларига эга бўлган бу олтин воҳа ХХI асрнинг илк қадами қутлуғ бўлсин деб қадимий ва ҳамиша навқирон Термизнинг 2500 йиллиги, ўзбек халқининг буюк эпоси “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллиги (2002) тўйларини катта тантаналар билан нишонлади. Термиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган 25 асрдан зиёд тарихга эга бўлган, ватанимизни шон-шуҳратини оламга кўз-кўз қилган, улуғларга бешик бўлган қутлуғ маскандир.

И.А.Каримовнинг 2002 йилнинг 3 апрелида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимида фахру гурур ва юксак эҳтиром

ила айтган ушбу сўзлари ҳам бунинг исботидир: “Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо ат-Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади”.

Мутафаккир Алишер Навоий, шариат ва тариқатда “Машойихи кибор” (Улуғ шайх) тасаввуф илмида “Дурри ятим” (ягона дур) деб таърифланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ибн Ҳаррун ал-Ҳаким ат-Термизий худди шундай беназир алломадир деб таъриф берган эди. Яқин ўтмишда бу табаррук заминда юзлаб меъморий ёдгорликлар бўлиб, собиқ шўролар даврида улар тақдирига бефарқ қаралди, кўплари бузиб ташланди. Айримлари турли омборхоналарга айлантирилди, баъзилари аҳоли томорқалари ичига қолиб, қаровсиз ташландикқа айлантирилди. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, мустақиллик туфайли мустақиллик муаллифи мухтарам Биринчи Президентимизнинг шахсий ташаббуслари билан вилоятдаги бир неча ўнлаб миллат, юрт фарзандлари қўли билан яратилган археологик-меъморий ёдгорликларга қайтадан умр бахш этилди. Жумладан, ат-Термизий, Исо Термизий, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота ва яна ўнлаб миллат мероси бўлган мажмуалар қайта сайқалланди.

Воҳа мамлакатимизнинг саноати ривожланаётган ҳудудларидан бирига айланишига шак-шубҳа йўқ. Хусусан, аср қурилиши деб олган, тоғ бағрини ёриб Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон, Термиз – Мозори Шариф темир йўлларининг ишга тушиши, Хонжиза яримметалл конларини ўзлаштириш борасида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари бунинг исботидир. Мазкур бойликларни ўзлаштириш учун АБН, Амробанк (АҚШ) ва давлатимиз хусусий банклари йирик миқдордаги сармоялар киритмоқдалар. Хусусан, Биринчи Президентимиз ташаббуси билан бу улкан хазинани ўзлаштириш учун 71 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағи ажратилган.

Шеробод (Кампиртепа) гранитлари “**Гобборо**”нинг қизил кулранг, сарғиш ранглари иморатларга бетакрор гўзаллик бериши билан бирга, узоқ йиллар ўз ҳолатини йўқотмайди. Унинг захираси 1,77 млн. м³ бўлиб, шундан 357 минг м³ соф тоза гоббородир. У сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб беради. Шеробод оҳактошлари портландцемент (400 маркали) учун муҳим хом ашё, унинг захираси 123 млн. тонна бўлиб, йилига 17 млн. тоннадан цемент ишлаб чиқарилганда ҳам 50 йил муддатга етади.

Бу диёр ўзининг энг сифатли ингичка толали пахтаси, ипаги ва жаҳонга машҳур бўлган, ҳар бири 100 кг гача гўшт қиладиган ҳисори қўйлари билан ҳам машҳурдир. Қадим тарихга эга бўлган мамлакатимизнинг энг жанубий нуқтаси 37° 10' – 39° 0,2' шимолий кенглик ва 66° 32' – 68° 25' шарқий узунлик ўртасида жойлашган бўлиб, шимол ва шимолий-шарқдан – Тожикистон Республикаси, жанубдан – Амударё орқали Афғонистон Ислом Республикаси, жанубий-ғарбдан – Туркманистон Республикаси ва шимолий-ғарбдан Қашқадарё вилояти билан чегарадош, уч томондан тоғлар билан берк ўралган ўзига хос

табиати ва ландшафтларига эга бўлган Сурхон воҳасида жойлашган бўлиб, табиий иқлими, географик шароитлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кескин фарқ қилади.

Иқлими кескин континентал бўлиб, энг юқори ҳарорат ёзнинг иссиқ кунларида 50 даражагача, январь ойининг ўртача ҳарорати 2,8 даража, июль ойининг ўртача ҳарорати 31,4 даража иссиқ бўлади.

Доимий такрорланиб турадиган Афғонистон Республикаси шимолий чўл ҳудудларидан чанг тўзон олиб келувчи сурункали “Афғон” шамоли куруқ ва иссиқ бўлиб, кишлоқ хўжалиги экинларига сезиларли зарар етказган ҳолда, аҳоли саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиб келади.

Вилоят маркази – Термиз шаҳри. Сурхон ҳамда Шеробод дарёларининг қўйи оқимларидаги суғориладиган жанубий ҳудудлари текисликлардан иборат. Шимол ва ғарбий томондан Ҳисор тоғ тизмалари давоми бўлган Бойсунтоғ, Кўхитанг ва шарқ томондан Боботоғ тизмалари билан ўралган.

Пасттекисликларда йилига 130 мм дан 360 мм. гача, тоғолди ва тоғ ҳудудларида 445 мм. дан 626 мм. гача ёгин тушади. Ҳавонинг нисбий намлиги январ ойида 80 фоизгача бўлса, июль ойида 30 фоизга тушиб кетади.

Ёгингарчилик энг кўп тушадиган фасл киш ва баҳор ойлар бўлиб, бошқа фаслларда деярли ёгингарчиликлар кузатилмайди.

Шамолнинг ўртача тезлиги 3,8 – 5 м/сек, айрим кучли довуллар пайтида 25 м/секундни ташкил этади.

Вилоят ҳудуди зилзилалар сейсмик даражаси Рихтер шкаласига кўра 7-9 баллни ташкил этади ва бу кўрсаткич даражаси жанубдан тоғ ҳудудлари йўналиши бўйича ортиб боради.

Вилоятнинг умумий ер майдони 20,1 минг км² дан иборат бўлиб, 9-10 минг км² майдони текислик, қир ва адирлардан қолган 10-11 минг км² денгиз сатҳидан 1500 – 4500 метргача баландлик ва ундан юқори бўлган тоғ ҳамда тоғ тизмаларидан иборат. Умумий ер майдони мамлакатимиз ҳудудининг 4,56 фоизини ташкил этади.

Экологик тоза электроэнергия ишлаб чиқариш манбаига эга бўлган сув захиралари потенциали жуда юқори. 2006 йилда вилоятда сув энергиясидан фойдаланиш дебочаси бўлган илк экологик тоза электроэнергияси ишлаб чиқариш манбаи бўлган “Тўпаланг” ГЭС қурилишининг 30 МВТ/соат электроэнергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган биринчи навбати ишга туширилди ва бу соҳа ривожлантирилишига биринчи қадам қўйилди. Яқин йилларда ушбу ГЭС нинг 145 МВТ/соат электроэнергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккинчи босқичи қурилиши давом эттирилиши ва Сангардак дарёсида ГЭС қурилишлари кўзда тутилган.

Вилоят ҳудудидаги Тўпаланг, Сангардак, Дарбанд, Халқажар дарёларининг географик жойлашуви ва юқори сув энергияси захиралар потенциалига эга эканлиги, турли қувватдаги катта ва кичик гидроэлектростанциялар қуриш эвазига келажакда энг арзон ва экологик тоза электроэнергия ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд.

Вилоят ҳудудида суғориш мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган 430-450 минг гектар ер майдонлари мавжуд бўлиб, 100 минг гектар майдонларни

ўзлаштириб қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш учун ички сув манбаларининг захиралари етарли бўлмаганлиги сабабли, бу ерларни ўзлаштириб қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиш имкониятлари ҳозирча чекланган.

Мамлакатимизда ўсимлик дунёсининг 15000 га яқин, ҳайвонот оламининг 11000 га яқин хили мавжуд бўлиб, Ўзбекистон “Кизил китоби”га ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган 183 тур жонивор ҳамда 300 дан ортиқ ўсимлик турлари киритилган. Ўзбекистон “Кизил китоби”га киритилган ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларининг асосий қисми вилоятимиз ҳудудида учрайди ва уларнинг баъзи турлари бошқа ҳудудларда деярли учрамайди.

Вилоятдаги мавжуд ер майдонларининг 5 фоизга яқини ўрмон билан қопланган бўлиб, биологик захиралари орасида қимматли озуқабоп ва шифобахш ўсимликлардан ёнғоқ, pista, бодом, шифобахш гиёҳлар ва бошқалар етиштирилади ҳамда кўпайтирилади. Вилоятдаги мавжуд экологик муаммолардан бири бўлган балиқчиликни ривожлантиришда ички имкониятлардан етарлича ва тўлиқ фойдаланмаслик оқибатида, аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бугунги куннинг ечилиши лозим бўлган энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, вилоят ҳудуди ўзининг табиий-географик, иқлим, сув, ер шароитларига кўра, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини кўтариш бўйича қулай экологик шароитлар мавжуд эканлиги билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди ва она табиятимизни келажак авлодлар учун авайлаб-асраш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири эканлигини ҳеч ҳам унутмаслигимиз лозим.

ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Сайёрамизнинг бирон бир жойида Сурхондарёдек тўрт фаслнинг бири бир вақтнинг ўзида ёнма-ён учратиш ўта мушкул. Сахро, қир, адир, ўрмон, тоғ, яйлов ва абадий музликларни ана шу вилоят ҳудудида, 150-200 км. лик масофада учратиш мумкин.

Барханлар, саксовулзорлар, тақирлар, қақроқ ва тошлоқ чўллар, унумдор бўз тупроқли майдонлару ўтиб бўлмас чакалакзорлар ва тўқайлар шу ўлкада намоёндыр. Ҳайвонот ва набототи ниҳоятда ранг-баранг бўлган виқорли тоғлар деярли ёнма-ён жойлашган. Улкан динозавр излари муҳрланган. Юра давридан эсдалик бўлиб, бус-бутун турган қояларни ҳам гўзал Сурхондарё вилоятида учратасиз. Бу шундай мўъжизакор ўлкаки, унинг табиятига мафтун бўлиб боқишнинг ўзи кифоя эмас. Гўзал Ўзбекистонимизнинг бетакрор, сўлим ва ажралмас бўлаги бўлган Сурхон заминининг бойликларини бутун сайёрамиз аҳлига кўз-кўз қилиш биз Сурхон зиёлиларининг бош вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Бежиз бу юртдан 200 дан ортиқ термизийлар макон топган эмас, ҳадисшунос Сўфи Оллоёр абадий макон қилган эмас. Ҳамиша навқирон Амударёни ҳам мамлакатимиз сарҳадларида илк кутиб олувчи мезбон Она Сурхондир. Умумий майдони 27,676 гектарни ташкил этувчи, 1986 йил 8 сентябрда ташкил этилган “Сурхон” қўриқхонаси ҳам айнан шу заминда

жойлашган. Сурхондарё вилояти бутун Ўзбекистон каби тўртинчи вақт минтақасида жойлашган. Ўзбекистон вақти Токиодан – 5, Пекиндан – 4, Олмаотадан 1 соат кейин. Москва ва Анқарадан – 2, Берлин, Париж, Мадриддан – 3, Лондондан – 4, Нью-Йорк, Вашингтон ва Оттавадан – 8 соат, Сан-Франциско ва Сиэтлдан 12 соат олдинда юради. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжи асосий сув манбалари ҳисобланган Дашнобод, Санггардак, Кофирнихон, Тўпаланг, Қаротоғ, Хўжайипок, Сурхон, Аму, Шеробод дарёлари ва кўплаб булоқлари сувидан қондирилади. Сув танқислигини бартараф этиш учун насос кўтармалари орқали қисман Амударё сувидан олинadиган кўшимча сувлар ер ости сувлари ва Тожикистон Республикасидан сув олишга мўлжалланган қўшни “Ҳисор” суви билан таъминланади. Сурхондарё дарёси Тўпаланг ва Қаротоғ дарёларининг қуйилишидан ҳосил бўлиб, Амударёга қуйилади. Унга ўнг томондан “Сангардак” ва “Халқажар” ирмоқлари қўшилади. Шунингдек, деҳқончиликни йил давомида сув билан таъминлаш мақсадида жами майдони 1592,8 млн. кубни ташкил этган 5 та сув омборлари бунёд этилган. Булар Жанубий Сурхон, Тўпаланг, Учқизил, Оқтепа ва Дегрез сув омборларидир. Энг йирик сув омборларидан бири Жанубий Сурхон сув омбори бўлиб, 1967 йилда 800 млн. метр³ лойиҳавий ҳажм билан ишга туширилган.

Сурхондарё заминида “Шарғун”, “Тўда”, “Фангард”, “Хауз Фангард”, “Сангар”, “Вандоб”, “Қизил олма” каби кўмир конлари мавжуд бўлиб, биргина “Шарғун” кўмир кони захираси 62 млн. тоннани ташкил этади. “Ҳовдак”, “Какайди”, “Учқизил” массивларида йод, бром моддасига бой бўлган қудуқлар мавжуд бўлиб, уларнинг 50-75 С ° ҳароратли қайноқ сувлари 2500-3000 метр чуқурликдан 25-28 атмосфера босими остида чиқмоқда. Улар таркибида 1мг/л га 28 мг/л йод, 412,1 мг/л бром моддалари бўлиб, жами вилоят заминидан 9-9,5 минг кг. йод ва 180 000 кг. бром моддалари ажратиш олиш мумкин.

“Вандоб”, “Хонжиза”, “Санггардак”, “Хомкон”(Ғўримбулоқ), “Дарбанд”, “Бойсун-Мачайли сой”, “Фарҳод”, “Сайроб”, “Омонхона”, “Юсупхона”, “Обижалил”, “Қайнарбулоқ”, “Қўтирбулоқ”, “Хўжайипок”, “Сумбула”, “Томчи” каби ўнлаб мўътадил иқлимли шифобахш сувлари, кислородга бой тоза ҳавоси минг дардга даво бўлади.

Очиқ эътироф этиш керакки, XX асрнинг охири XXI асрнинг бошланиши билан сайёрамиз аҳолисининг 6-7 баробаргача кўпайиши бир қатор экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Инсониятнинг табиий яшаш воситаларидан меъёридан ортиқча фойдаланиши, Она заминнинг тупроқдан бир йилда бир неча бор ҳосил олиш мақсадида зўриқтирилиши, сувдан исроф билан фойдаланиш, янги боғлар ташкил этмасдан ўрмонларнинг режасиз кесилиши, ҳайвонот оламини заҳарли, йиртқич, ҳаттоки хунук деб ўлдирилиши каби иллатлар табиатга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Шуни минг афсус билан айтиш керакки, саноат ва саноат ишлаб чиқаришни чиқиндисиз технологияга тўлалича ўтмаганлиги табиатга жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу масалага тўхталиб, В.Ениколопов бундай деган эди: “Ҳар қандай саноат ишлаб чиқариши чиқиндисиз технологияга асосланган бўлиши керак. Ваҳолангки, биз унга эриша олмас эканмиз, уни ишлаб чиқаришга ҳам

татбиқ этмаслигимиз керак”.

“Сурхондарё табиати ва экологияси” танлов фанининг предмети воҳа табиати, ер, сув, атмосфера ҳавоси ва биохилма-хиллигини ўрганиш, табиий яшаш воситаларини тиклаш ва улардан келажак авлодни кўзлаб оқилona фойдаланиш, шунингдек, бугунги экологик муаммолар кескин тус олган паллада табиат ва жамият орасидаги муносабатларни талқин қилиш ва ечимини топиш каби масалаларни ўрганишдан иборатдир.

Мақсади:

-Сурхондарё табиати табиий яшаш воситаларининг бир маромда ривожланиши учун воҳа аҳолиси орасида экологик таълим-тарбия, экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш;

-атроф-муҳит, табиий ҳудудлар ва яшаш воситаларини кўр-кўрона шахсий бойлик орттириш мақсадидаги нопок кимсалардан ҳимоя қилиш;

-биотик, абиотик ва антропоген таъсирлар оқибатида яроқсиз ҳолатга келиб қолган табиий тизимларни қайта тиклаш.

Асосий вазифалари:

-бугун вилоят табиатига салбий таъсир кўрсатаётган шамол ва сув эрозияси, пестицидлардан нооқилona фойдаланиш, ғаллазорлар қолдиғи, сомоннинг ёқилиши, унумдор ерларда уй-жойлар қуриш каби носоғлом одатларнинг олдини олиш борасида табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи-назаридан илмий ва амалий таҳлиллар бериш;

-табиатда рўй берадиган ўзгаришларда инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирини тўла таҳлил қилиш;

-экологик таъсирга учраган табиий тизимларни, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини, яйловларни, тупроқ унумдорлигини, сув ҳавзалари ва бошқа экотизимларнинг маҳсулдорлигини яхшилаш.

Шу ўринда очиқ эътироф этиш лозимки, бугун сайёрамизда экологик нотинчлик ҳукм сурмоқда. Бунга бош сабабчи ҳазрати Инсоннинг ўзи. Бу муаммолар кўламини қуйидаги ҳолатдан ҳам кўриш мумкин:

Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2000 йилларда берган маълумотиға кўра, инсоният пайдо бўлган кундан бошлаб XX асрнинг 50-55 йилларига қадар қанча ёқилғи ёқилган бўлса, сўнгги 40-45 йилда ҳам шунча ёқилғи ёқилган. Бу ҳолат вилоятимизга ҳам хос бўлиб, турли хил сабабларга кўра, ўтин ёки қурилиш ашёси сифатида тоғ ва чўл ўрмонлари кесилмоқда, ноёб ҳайвонот олами вакиллари овланмоқда, деҳқончилик қилиш мумкин бўлмаган тоғ ва тоғолди, нишоб ҳудудларда деҳқончилик қилиниши оқибатида, тупроқнинг шамол ва сув эрозияси тезлашмоқда. Коврак, бургут, тошбақа ва яна кўплаб ноёб, ўта ноёб биохилма-хиллик арзимаган маблағлар учун четга сотиб юборилмоқда.

Бошқа фанлар билан алоқаси. Ушбу танлов фани бевосита умумий биология, ботаника, зоология барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳамда экология, география фанлари билан алоқадор бўлиб, ушбу танлов фан Сурхондарё табиати, табиий яшаш воситалари ва экологик муаммолари ҳақида мукамал маълумот беради.

Танлов фанни ўрганиш методлари: таҳлил, статистик маълумотлар тўплаш, кузатув, амалий лаборатория ва оммавий ахборот воситалари маълумотларидан фойдаланилади ва шу асосида воҳа аҳолиси орасида мактаб, коллеж, академик лицей, маҳалла йиғинлари орасида маъруза суҳбатлар асносида вилоятимиз табиати ва экологик муаммоларини ўрганган машхур инсонлар иштирокида суҳбатлар уюштирилади.

ВИЛОЯТ АТРОФ-МУҲИТИ ВА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ

Вилоят ҳудуди ва туманларида ҳозирги кундаги юзага келган, атроф-муҳит экологик ҳолати бўйича ҳудудларни районлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, 1998 йилда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини экологик районлаштириш» услубий қўлланмаси асосида жойларда атроф-муҳит ҳолати мониторингини ўтказиш ва ташкил этиш, экологик ҳолатини баҳолаш маълумотлари вилоятда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тиклаш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқиш, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси барча тизимларининг иш фаолиятларини режалаштиришда ва давлат назоратини олиб бориш учун хизмат қилади.

Ўқув қўлланма асосида экологик ҳолатига кўра ҳудудлар қуйидаги экологик районларга бўлинади:

- 0 – қониқарли ҳудуд;
- I – экологик танг ҳудуд;
- II – экологик кулфат ҳудуд.

Юқоридаги экологик ҳолатга кўра I, II, III экологик районларга кирмаган ҳудудлар қониқарли ҳисобланади.

Атроф-муҳит экологик ҳолати бўйича экологик районлаштириш учун энг кичик бирлик ҳудуд қилиб туман ва шаҳар ҳудудлари қабул қилинган ҳамда уларни экологик районлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя қилинган бўлса-да, энг кичик бирлик деб қабул қилинган ҳудудларида ҳам ҳар хил экологик ҳолат даражаси кўрсаткичларига эга бўлиши мумкин.

Вилоят, туман, шаҳар ҳудудларини экологик ҳолат ҳудудларига ажратишда, асосан, маъмурий туман, шаҳар ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси, аҳолининг ялпи касалланиши ва тиббиёт органларига мурожаати, болалар ўлими, сизот сувларининг ер сатҳига нисбатан ҳолати, тупроқ унумдорлиги, ер ости ва ер усти сувларининг ифлосланиш даражаси, тупроқ унумдор қатламларининг шўрланиш даражаси ва бошқа шу каби омиллар ҳисобга олиниб, Республика ўртача кўрсаткичлари миқдорига нисбатан баҳоланган. Мисол тариқасида экологик ҳолат даражасини аниқлашда республикада суғориладиган майдонларнинг ўртача балл банитети, аҳолининг тиббиёт муассасаларига мурожаати ва бошқа ўртача кўрсаткичларидан юқори ёки пастлигига қараб аниқланади.

Худудларни экологик ҳолати бўйича районлаштириш у ёки бу кўрсаткичларнинг даврий ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, туман ва шаҳар экологик ҳолати бўйича районлаштирилган худудларда олиб борилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши ёки юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирлари натижасида ўзгариб бориши мумкин.

Вилоят қўмитаси мутахассислари томонидан олиб борилган экологик районлаштириш даражалари ҳисоб китобларига кўра 2017 йил 1 январ ҳолатига қуйидагича:

Сурхондарё вилояти туманлари экологик ҳолатининг ҳозирги тавсифи

1-жадвал

Туманлар	Жами бағлар	Кўрсаткичлар номлаши ва уларнинг ўлчов бирлиги														Нисбатан хавфли объектлар (шт.бағл)
		Ер ўсти сувларининг инфлостанниши (НЗВ,бағл)	Ер ости сувларининг инфлостанниши (НЗВ,бағл)	Атмосфера хавосининг инфлостанниши (ПЗА,Бағл)	Турпок (Бағл,бонитер,сифати (бағл)	Ерларнинг шурланниш даражаси динамикаси (%;зас;зем;раз,бағл)	Турпокиннинг нестиялар Битан инфлостанниши (кг/та,бағл)	Ичимлик сувининг ГОСТга жавоб бермаслиги (%;бағл)	Ўтлоқлар деградацияси (Яқин 10-15 йил ишла Утлоқ ҳажмининг камайиши (%;бағл)	Аҳолининг умумий қасалланиши (минг киши хисобига мурожат қилиш,бағл)	Балалар қасалланиши (1000 кишига 14 ёшгача,бағл)	Умумий улим (1000 кишига,бағл)	Чакотқилар улим 1000 кишига 1 ёшгача,бағл)	Койқалар сони (1000 кишига,бағл)	Врачлар сони (1000 кишига,бағл)	Озин-овекларнинг ГОСТга жавоб бериши (%;бағл)
Ангор	510	4,140	2,240	1,30	51 40	0	13-15 60	37 40	49 60	657 0	452 0	4,5 0	13,4 0	40,9 0	16 0	44 60
Олтинсой	250	3,30	0,360	9,030	610	0	13-15 60	6 0	27 0	503 0	568 0	3,6 0	20,6 40	28,7 40	16 40	27 0
Бандихон	440	1,60	2,440	0,80	47 40	1,5 20	13-15 60	38 40	44 60	519 0	456 0	3,6 0	15,6 0	33,3 40	14,6 40	44 60
Бойсун	210	30	0,680	0,30	44 40	0 40	13-15 60	6 0	8 0	336 0	117 0	4,4 0	16,3 0	36,8 40	16,2 40	8 0
Муробод	510	4,140	2,840	0,70	46 40	1,5 20	13-15 60	44 60	26 0	1445 60	1136 60	3,9 0	16,4 0	27,3 40	13,1 40	26 0
Денов	260	2,60	1,10	930	620	0	13-15 60	24 0	25 0	538 0	337 0	4,2 0	13,1 0	34,2 40	24,6 40	25 0
Жарҳўғон	250	4,340	1,330	1,20	500	0	13-15 60	12 0	24 0	850 0	690 0	4,2 0	13,6 0	31,7 40	15,1 40	24 0
Қумқўғон	330	4,540	1,420	1,10	530	0	13-15 60	18 0	0 0	1462 60	790 40	3,9 0	16,1 0	26,9 40	16,9 40	12 0
Қилиқ	350	4,740	2,654	1,00	47 40	1,5 20	13-15 60	20 20	0 0	660 0	460 0	3,6 0	18,1 0	38,5 40	13,2 40	28 0
Сариосиё	400	1,90	1,40	1040	610	0	13-15 60	17 0	30 0	1214 60	960 40	3,9 0	12,8 0	52,2 40	19,2 40	15 0
Термиз	520	4,440	1,80	1,40	51 40	0 0	13-15 60	66 100	0 0	950 40	550 0	3,6 0	15,7 0	94,5 0	21,7 40	53 100
Узун	260	1,70	0,830	1040	620	0	13-15 60	17 0	30 0	514 0	431 0	4,2 0	17,8 0	33,4 40	19,7 40	15 0
Шеробод	460	5,140	2,140	1,40	47 40	1,5 20	13-15 60	88 100	35 30	690 0	440 0	4,3 0	16,5 0	34,3 40	13,7 40	22 0
Шўри	230	2,70	1,40	1,30	650	0	13-15 60	25 0	0 0	955 40	730 0	3,8 0	15,7 0	37,2 40	19,6 40	23 0
Денов шаҳри	300	4,340	1,050	930	75,80	0	13-15 60	5 0	0 0	960 40	600 0	4,8 0	X X	X X	X x	14 0
Термиз шаҳри	380	4,440	1,810	2,10	61,10	0	13-15 60	13 0	0 0	730 0	630 40	4,9 40	24 60	189,7 0	103,50 60	56 100
Вилоят бўйича					560		13-15 60					0	16 0	47,5 40	23,6 40	

Сурхондарё вилояти туманларида ҳудудини экологик районлаштириш йиғма жамламаси

2-жадвал

Экологик ҳудудлар																				
Туманлар	балл	Коникерли экологик ҳудуд				Ўртамина ҳудуд				Экологик тағ ҳудуд				3-экологик тағ ҳудуд						
		Майдони		Аҳоли миг киши	Шу жумладан суғориладиган	Майдони		Аҳоли миг киши	Шу жумладан суғориладиган	Майдони		Аҳоли миг киши	Шу жумладан суғориладиган	Жами Минг кв.км	Майдони					
		Жами Минг кв.км	Шу жумладан суғориладиган			Жами Минг кв.км	Шу жумладан суғориладиган			Жами Минг кв.км	Шу жумладан суғориладиган									
Ангор	510									0,39	14,36	91,8				Жами Минг кв.км	Майдони	Шу жумладан суғориладиган	Аҳоли миг киши	
Олтинсой	250	0,56	10,31	117,2																
Бандихон	440									0,2	10,78	37,7								
Бойсун	210	3,72	9,58	84,1																
Музробод	510																			
Денов	260	0,76	24,32	279,8						0,74	32,77	99,3								
Жарқўрғон	250	1,14	20,3	151,9																
Қумқўрғон	330				2,21	18,75	153,2													
Қизилқирғиқ	350				0,35	24,15	78,1													
Сариосиё	400									3,93	9,97	146,9								
Термиз	520									0,86	11,98	77,1								
Узун	260	1,63	11,25	123																
Шеробод	460									2,73	31,07	132,6								
Шўрчи	230	0,85	15,13	146,7																
Денов ш.	300																			
Термиз ш.	380				0,03	0,8	118,6													
Вилоят бўйича		8,66	90,89	902,7	2,59	43,7	349,9	8,85	110,93	585,4										

Юқоридаги жадвалларда қайд этилган ҳудудларни экологик районлаштириш даражасига кўра, Қумқўрғон, Қизирик туманлари ва Термиз шаҳар ҳудудларининг ўртамиёна экологик танг ҳудудларга кириб қолишига асосий сабаб, ер ости ичимлик сувларининг тасниф (ГОСТ) талабларига жавоб бермаслиги, тупроқ унумдор қатлами шўрланиши даражасининг ошиб бориши ва пестицидлар билан ифлосланганлик кўрсаткичлари даражасига боғлиқ бўлиб, қайд этилган туманлар ва ҳудудларда вилоятнинг 350 мингга яқин аҳолиси истиқомат қилади.

Вилоят ҳудудида аҳолининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларининг таъминланишида, аниқланган ер ости тоза ичимлик сувлари захиралари тасниф (ГОСТ) талабларига жавоб бермаслиги (Қумқўрғон, Жарқўрғон ҳамда Термиз туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи Сурхон дарёсининг чап қирғоқ ҳудудлари ер ости сувларининг минералланганлик даражаси меъёр талабларидан юқорилиги, «Сурхон» сув олиш иншооти ҳудудлари ер ости сувларининг қаттиқлиги кўрсаткичи бўйича, Музработ ҳамда Шеробод туманлари, Жарқўрғон тумани Боботоғ массивларидаги янги ўзлаштирилган ҳудудларда ер ости сувлари таркибининг тасниф талабларига жавоб бермаслиги ва ер ости сувлари дебитининг пастлиги, Қизирик, Бандихон, Ангор туманлари ҳудудларида ер ости сувлари конлари ва захираларининг мавжуд эмаслиги, Бойсун тумани ва бошқа тоғли ҳудудларда эса ичимлик мақсадларида фойдаланиб келинадиган булоқ сувларининг ёз ва куз ойларига келиб қуриб қолиши каби омиллар), ҳудуднинг сув босиш хавфи кўрсаткичлари, айниқса, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Узун туманлари ҳамда Термиз шаҳрида мавжудлиги ва кутилиши, ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи, атмосфера ҳавосига зарарли ташланмалар ташловчи ва оқова сувлар оқизувчи экологик хавфли иншоотларнинг мавжудлиги, «Сарез» кўли, «Жанубий Сурхон», «Тўпаланг», «Намуна-Дегрез» сув омборларининг тошиб ҳамда уриб кетиш хавфи, саноат ишлаб чиқариши ривожланган Термиз, Денов, Жарқўрғон, Шўрчи туманларида, айниқса, пахта, нефть, буғдой ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари зарарли ташламалари, Тожикистон алюминий ишлаб чиқариш заводи фаолияти давомида атроф-муҳитга чиқарилаётган захарли ташламаларининг вилоят ҳудуди шимолий районлари табиатига, аҳоли саломатлигига бўлган салбий таъсири ва бошқа экологик ҳолат даражаси кўрсаткичларини белгилашда бевосита таъсир қилувчи омиллари ҳисобга олинганлиги сабабли, айрим ҳудудларнинг экологик даражаси кўрсаткичларининг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ҳудудларни экологик районлаштириш учун ҳар бир асосий баҳолаш мезони Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган қўлланма, кузатиш маълумотларни йиғиш, вилоят статистика бошқармасининг маълумотлари асосида ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилди.

Олиб борилган ҳисоб-китобларнинг йиғма маълумотларини таҳлили:

-Олтинсой, Бойсун, Денов, Жарқўрғон туманлари ҳудудлари қониқарли ҳудудга кириб, вилоят ҳудудининг 42,8 фоизини ташкил этиб, вилоят

аҳолисининг 46 фоизи истиқомат қилади;

-Қумқўрғон, Қизирик туманлари ва Термиз шаҳри ҳудудлари ўртамиёна ҳудудга кириб, вилоят ҳудудининг 12,6 фоизини ташкил этиб, вилоят аҳолисининг 17,95 фоизи истиқомат қилади;

-Ангор, Бандихон, Музробод, Сариосиё, Термиз, Шеробод туманлари ҳудудлари экологик танг ҳудудларига кириб, вилоят ҳудудининг 44,6 фоизини ташкил этиб, вилоят аҳолисининг 36,05 фоизи истиқомат қилади;

Туман ва шаҳарлардаги экологик ҳолати бўйича районлаштирилган ўртамиёна ва экологик танг ҳудудларни қониқарли ҳудудларга ўтказиш учун қуйидаги ташкилий тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-тоза ичимлик сув муаммоларини ҳал этиш;

-ТожАЗнинг ишлаб чиқариш қувватини 0,5 дан оширмаслик ва зарарли ташламаларини тозалаш даражасини талаб ва лойиҳа кўрсаткичлари даражасида ушлаб туриш ва ҳозирги кун замон талабларига жавоб берадиган самарали усул ва технологияларни қўллаш;

-ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш;

-аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш орқали беморлар сонини камайтириш;

-қишлоқ хўжалиги экинлари зарарқунандалари ва касалликларига қарши курашда биометодлардан фойдаланиш, кимёвий пестицидлардан фойдаланишларга чек қўйиш;

-кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш;

-экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

-атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир этувчи ишлаб чиқариш ташламалари, оқова сувлари, чиқиндилари ва табиий ресурсларидан фойдаланиш миқдорларини экологик меъёрлаштириш орқали экологик муаммоларнинг ечимини топиш.

-мавжуд сув тозалаш ва газ-чанг тозалаш ускуналарининг тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш

-суғориладиган майдонларда кучли шамолларнинг олдини олиш ва иқлимни мўътадиллаштириш мақсадида ихота ўрмонзорларини барпо этиш.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши орқали олдиндан юзага келган ҳудудларнинг танг экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолининг яшаши учун қулай шароитлар яратиш, табиатни асраш ҳар биримизнинг табиат олдидаги инсонийлик бурчимиздир.

Назорат саволлари

1. Сурхондарё вилояти ҳақида маълумот беринг.
2. Глобал исишга сабаҳи бўлган омилларни санаб ўтинг.
3. “Тириклик фабрикаси” деганда нимани тушунасиш?
4. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов Сурхон халқига қандай таъриф берган эди?

5. Александр Македонский Термизни қандай номлаган?
6. Вилоятнинг қадимий масканлари ҳақида маълумот беринг?
7. Алишер Навоий Ҳаким ат-Термизийга қандай баҳо берганлар?
8. Термиз шаҳрига бир йилга қанча ёғин тушади?
9. Вилоят ҳудудида зилзилалар сейсмик даражаси нечага тенг?
10. Афғон шамолининг салбий оқибатларига изоҳ беринг?
11. Фаннинг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
12. Вилоят ҳудуди экологик ҳолатига кўра неча экологик районларга бўлинади?

Семинар машғулоти мавзулари

1. Сурхондарё вилоятини сув билан таъминловчи дарёлар ва сув омборлари.
2. Вилоят ҳудудидаги кўмир конлари.
3. Сурхондарё вилоятининг шифобахш сувлари.
4. Воҳа табиатига салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар.

Мустақил иш мавзулари

1. "Гўзал Сурхоним мени" мавзусида иншо ёзинг.
2. "Гўзал гўша" мавзусида курс иши ёзинг.
3. "Мамалакатимизнинг жанубий гавҳари" мавзусида реферат ёзинг.
4. "Сангардак" шаршарасига саёҳат ташкил қилинг.

2-МАВЗУ: ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ ВА ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

РЕЖА:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг тизимларининг қисқача тавсифи.
2. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг аҳолини экологик таълим-тарбия ва ахборот маърифий фаолияти.
3. Термиз давлат университети ҳақида қисқача маълумот.
4. Ўзбекистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти табиати ва экологиясини ўрганишга ҳисса қўшган воҳа олимлари ҳақида қисқача маълумот.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг «Низом»и Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 26 октябрида 232-1 сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, унинг тизимларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти мазкур соҳага ҳар томонлама кўрсатган диққат-эътибори ва амалий ёрдами, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларнинг қайта, замон талаблари асосида кўриб чиқилиб, қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ушбу қонун ва ҳуқуқий

ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилган қарорлари ва бошқа тадбирлари асосида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг қуйи тизимлари фаолиятидаги ҳуқуқий ва моддий техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят ҳудудида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, вилоятда фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг она табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид фаолиятларини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган сифатида, ҳукумат фармонлари, вилоят ҳокими қарорлари, топшириқлари ва бошқа амалдаги меъёрий, раҳбарий ҳужжатлар асосида ўз зиммасидаги вазифасини оғишмай амалга оширмоқдалар.

1989 йилда Давлат экологик экспертизаси, 2004 йилда экологик сертификатлаштириш ва меъёрлаштириш бўлимлари ташкил этилди.

Қўмита фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитга чиқарилаётган ташлама, оқова сув ва чиқиндилар манбаларини зарарсизлантириш, шу асосда уларнинг микдорини атроф-муҳит ҳолатига зиён етказмайдиган даражагача меъёрлаштириш бўйича меъёрий лойиҳа ҳужжатлари ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш борасида республикада ва вилоятда фаолият юритаётган бир қанча илмий тадқиқот ва лойиҳа корхоналари қўмита фаолиятига яқиндан ёрдам бермоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси асосий фаолиятини қўмита раиси бошчилигидаги Ҳайъат кенгаши ййғилишлари орқали амалга ошириб бориш тартиби белгиланган. Вилоят қўмитаси Ҳайъат кенгаши ййғилишлари ҳар ойда муҳим экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, қўмита фаолияти, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилиниши, тарғибот-ташвиқот ва бошқа масалалари киритилиб мунтазам равишда ўтказилиб борилади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида қуйидаги тизимлар фаолият кўрсатмоқда:

- вилоят атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси;
- вилоят сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш инспекцияси;
- вилоят ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш инспекцияси;
- вилоят ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олаmidан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш инспекцияси;
- тоғ-кон муносабатлари ва чиқиндилар инспекцияси;
- аналитик назоратга ихтисослаштирилган махсус инспекция;
- табиатдан фойдаланиш иқтисодиётини ташкиллаштириш ва экологик меъёрлаштириш бўлими;
- ахборот-таҳлил инспекцияси;
- тарғибот-ташвиқот бўлими;

- маҳаллий жамғарма бўлими;
- юримдик хизмат бўлими;
- давлат экологик экспертизаси бўлими;
- экологик сертификатлаштириш ва меъёрлаштириш бўлими;
- 14 та туман табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари;
- Термиз шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси;
- ходимлар бўлими;
- ҳисоб бўлими;
- автохўжалик ва хўжалик ишлари бўлими;
- девонхона.

Юқорида қайд этилган махсус инспекция бўлимлари ҳамда Термиз шаҳар ва 14 та туман табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ягона тизимини ташкил этган ҳолда республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бўйсунди ва ҳисобот беради.

Барча қуйи тизимлар ва бўлимларнинг асосий иш фаолиятидаги давлат назорати бўйича олиб борилаётган ишлари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган текширишларни ўтказиш режа жадвали, ҳудудий комиссия рухсатномалари орқали ўтказиладиган қисқа муддатли ҳамда вилоят қўмитаси буйруқлари асосида ўтказиладиган экологик текширишлар вилоят қўмитаси ахборот-таҳлил инспекцияси томонидан мувофиқлаштириб борилади ва вилоят қўмитасининг назорат ишлари фаолияти маълумотлари белгиланган муддатларда қабул қилиниб, таҳлил қилинади ва вилоят қўмитаси тизимлари, давлат нозирларининг иш фаолиятлари рейтинг асосида ҳар чоракда баҳоланади.

Вилоят қўмитасининг қуйи тизимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 1 майдаги 199-сонли, 2006 йил 6 февралдаги 15-сонли қарорлари бўйича олиб борилган ишлари ҳисоботлари, маълумотлари вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маҳаллий жамғармаси бўлими томонидан амалга оширилиб борилади. Давлат экологик экспертизаси ва экологик сертификатлаштириш бўйича олиб борилган ишлар маълумотлари тегишли бўлган экологик экспертиза ҳамда экологик сертификатлаштириш ва экологик меъёрлаштириш бўлимлари орқали амалга оширилади.

Вилоят ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг вилоят қўмитаси маҳаллий жамғармасидан бўлган қарздорлик суммаларини мажбурий равишда ундириб олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ишлашни амалга ошириш мақсадида вилоят қўмитаси таркибида ҳуқуқ бўлими ташкил этилган бўлиб, вилоят қўмитаси томонидан тасдиқланган «Низом» асосида вазифалари белгилаб берилган.

Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг структураси



Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг юқорида қайд этилган тузилмасига кўра, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг барча йўналишларини камраб олган бўлиб, 100 га яқин олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар кечаю кундуз белгилаб берилган вазифалари асосида, она табиатни муҳофаза қилиш ва унинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш бўйича вилоятдаги юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя қилишлари устидан давлат назорати фаолиятларини олиб боришмоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, вилоят ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг она табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид фаолиятларини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлари, Президент фармонлари, Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг қарорлари, топшириқлари ва бошқа амалдаги меъёрий, раҳбарий ҳужжатлар ва ўз низомига амал қилган ҳолда давлат назорати ишларини амалга ошириб келмоқда.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил этилган кундан 2004 йилгача бир неча жойларга кўчиб қўним топмаган, охириги йилларда фаолият кўрсатиб келган маъмурий биносининг авария ҳолатига келиб қолганлиги,

вилоят қўмитаси ходимларининг иш жойлари билан фақат 50 фоизга таъминланганлиги ва етарлича шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги ҳолатларига барҳам бериш мақсадида, вилоят қўмитаси маъмурияти ва жамоанинг саъй-ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бевосита кўрсатган амалий ёрдами туфайли, Термиз шаҳар ҳокимининг қарори асосида шаҳар ҳудудида алоҳида бино ажратиб берилди ҳамда уни таъмирлаш учун маблағ билан таъминланди ва қурилиш-таъмирлаш ишлар амалга оширилди.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишда асосий эътибор ишчи ва хизматчиларга қулай иш шароитларини яратиш, қўшимча ёрдамчи бинолар ташкил этиш, омборхона, автотранспорт воситаларини сақлаш жойи, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишга қаратилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг табиий бойликларидан унумли фойдаланиш устидан назорат олиб бориш давлат инспекторларининг 2015-2020 йилларда олиб борган фаолиятлари маълумотлари жадвалда келтирилган.

**Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015-2020
йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича олиб борган
ишларининг йиғма маълумоти**

3-жадвал

№	Олиб борилган ишларнинг Мазмуни	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
			2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Назоратга олинган Х.Ю.С сони	та	257	257	257	257	257	257
2	Ўтказилган текширишлар сони	та	257	193	202	150	57	87
3	Маъмурий жавобгарликка тортилганлар шахслар	киши	1045	1054	1250	1418	1456	1502
4	Белгиланган жарима миқдори	минг сўмда	11393	11919	20200	28968	38549	54525
5	Кузатиш/ундирилган даъволар сони	та/та	52/87	57/707	42/59	78/78	85/85	96/96
6	Белгиланган даъво суммаси	минг сўмда	6571	7427	5467	24136	18407	69995
7	Ундирилган даъво суммаси	минг сўмда	21267	10529	8916	24136	18407	69995
8	Ундирилган компенсация тулов суммалари	млн.сўмда	151,4	182,5	184,97	165,5	169,7	71,5
9	Давлат инспекторлари сони	киши	62	63	63	63	63	63
10	Оқова сув тозалаш иншоотлари сони	-та	20	20	20	20	20	20
		-мингм ³ /сут	51,34	51,34	51,34	51,34	51,34	51,34
11	Сув объектларидан чиқарилган оқова сувлар ҳажми	млн/м ³	798	798	798	798	798	798
	Шундан меъёрий тоза		791	791	791	791	791	791
	Меъёрий тозаланган		6,71	6,71	6,71	6,71	6,71	6,71
	Меъёрий тозаланмаган		0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
12	Атмосфера ҳавосига чиқарилган ташламалар миқдори	минг тонна	70,8	59,6	59,6	5,6	3,7	3,2
	Шундан каттик ташламалар (чанг)	минг тонна	3,68	3,6	3,6	0,887	0,769	0,625
13	Бур қушқуқлари сони	дона	3150	3160	3194	3202	3206	3211
	Шундан ишлаётганлари	дона	2074	2035	2074	2053	2022	2004
14	Табиий булоқлар сони	дона	327	327	327	327	327	327
15	Сув манба.олинган сув лимити	млн/м ³	4200	4120	3478,8	3480,8	3418	4130
16	Вилоятнинг умумий ер майдони	минг.га	2009,91					
	Шундан суғориладиган майдон	минг.га	325,69	326	326	281,3	281,3	281,3
	Қўйиллик дарахтзорлар	минг.га	33,3	33,3	33,3	32,9	32,7	32,7
	Яйловлар	минг.га	865,7	865,7	865,7	861,5	861,3	861,3
	Томорка ерлар	минг.га	58,8	58,8	58,8	61,5	61,7	61,7
	Ўрмон	минг.га	191,5	191,5	191,5	200,2	200,2	200,2
	Шундан ўрмон билан қопланган ерлар	минг.га	143,9	143,9	143,9	143,9	143,9	143,9
17	Шўрланган ерлар	Минг га	120,92	116,44	115,31	113,7	115,3	113,5
18	Собик к/х аэродромлари	Дона га	47	47	47	45	45	45
			405	405	405	405	405	405
19	Карьерлар сони	Дона	34	34	34	34	34	34
	Шундан қонунийлари	дона	30	30	30	30	30	30

20	Нефть ва газ казиб олувчи суб.	дона	6	6	6	6	6	6
21	Қазиб олинган нефт	м.тонна	75,7	75,7	75,7	75,7	75,7	75,7
22	Қазиб олинган газ	м.м³	14	14	14	14	14	14
23	Қўмир казиб олувчи субъектлар	Дона М.тонн	2 61,8	2 63,7	2 63,0	2 63,0	2 63,0	2 63,0
25	Ҳисор дорив.ўсимл.йиғ.олув. Наъмагак Равоч Тоғ райхони Кийик ўт Зира Догбой Далачай Зирк	Дона Тонна Тонна Тонна Тонна Тонна Тонна Тонна тонна	1 7,0 40,0 0,8 0,5 1,0 0,4 - -	1 8,0 40 0,6 0,5 - 0,7 0,1 -	1 13 40 1,0 0,5 - 0,5 0,2 -	1 13 40 1,0 0,5 - 0,5 0,2 -	1 13 40 1,0 0,5 - 0,5 0,2 -	1 13 40 1,0 0,5 - 0,5 0,2 -
26	3 га овчилик жамияти ум.майдон Йирткич хайвонлар Бошқа хайвонлар (майда) Йирткич кушлар Майда кушлар Сув кушлари Туёқлилар	м.га бош бош бош бош бош бош	50 2705 6100 770 56000 18500 482	50 2708 6150 765 56500 20000 483	50 2657 6200 760 57000 20500 485	50 2657 6200 760 57000 20500 485	50 2657 6200 760 57000 20500 485	50 2657 6200 760 57000 20500 485
27	«Сурхон» кўрикхонаси майдони Шундан “Пайгамбар” ороли Ўрмон билан қопл.майдони Ўсимлик турлари Шундан ноёб турлари Хайвонлар	минга минга минг га тур тур тур	27,56 3,01 9,28 810 25 20	27,56 3,01 9,28 810 25 20	27,56 3,01 9,28 810 25 20	27,56 3,01 9,28 810 25 20	27,56 3,01 9,28 810 25 20	27,56 3,01 9,28 810 25 20
28	Балик хўжаликлари сони Майдони Баликлантириш	Хўжалик минг. га минг дона	5 0,65 10	5 0,65 15,0	5 0,65 30,0	5 0,65 30,0	5 0,65 30,0	5 0,65 30,0
29	Экспертиза	дона	474	541	717	997	1434	1145
30	Сертификат	дона	46	73	63	120	89	108
31	Тарғибот-ташвиқот Телевидение Радио Матбуот Лекция ва суҳбатлар	Дона Дона Дона Дона дона	X 24 28 61 712	X 26 43 67 841	X 28 41 70 864	X 28 41 70 864	X 28 41 70 864	X 28 41 70 864

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА АХБОРОТ МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасининг асосий йўналиши ва вазифаларидан бири аҳолини экологик тарбиялаш тизимининг яхлит Концепциясини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида экологик маданият ва муносабатларни шакллантириб бориш, тарғибот ва ташвиқот ишларига биринчи даражали аҳамият берган ҳолда, табиатни муҳофаза қилишни умумхалқ иши бўлиб қолишига эришилишини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган ва бажарилиши лозим бўлган ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Экологик таълим ва тарбия Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари миллий ҳаракат дастури», «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2010-2020 йиллар учун ҳаракат дастури» асосларида амалга ошириб бориш белгиланган бўлиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси барча тизимлари томонидан ижроси таъминланиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йил ноябрь ойидаги 242/33/79-сонли «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш» истиқболлари дастури ва концепцияси ҳақида»ги қўшма қарори асосида замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши она сайёрамизда юзага келган, келаётган ва келиши кутилаётган экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича турли соҳа кадрларини тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш, давлатлар тараққиётининг энг муҳим шартларидан бири эканлиги БМТнинг Барқарор ривожланиш учун таълим (БРТ) бўйича 2010-2020 йилларга мўлжалланган декларацияси тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ижросини таъминлаш бўйича маъсуллар белгиланган.

Юқоридаги таълим ва тарбия бўйича олиб борилиши лозим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, атроф-муҳит экологик ҳолатига салбий таъсир этувчи ва табиий ресурслардан фойдаланувчи юридик шахсларни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ва уларнинг доимий экологик малакасини ошириб бориш.

2. Барча таълим муассасаларини экология таълим йўналишидаги ўқув адабиётлари, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш, ўқув-музейлари, экологик амалиётларни ташкил этиш базаларини яратиш орқали ташкилий-услубий ёрдам бериш, ўқувчи-талабалар ҳамда аҳолининг экологик маданиятини оширишда улардан самарали фойдаланиш.

3. Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва тизимлари ўқув

марказларида барча юридик шахсларнинг экологик масалалар билан шуғулланувчи мутахассисларини семинар ва қисқа муддатли курслар ташкил этиш орқали экологик билимларини ошириш.

4. 2015-2016 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълимнинг дастурлари ва ўқув режаларига кирувчи ижтимоий ва табиий фанлар мазмунига экологиянинг долзарб масалалари, экология асослари элементларини киритиш.

Ҳозирги кунда аҳолини экологик тарбиялаш фаолиятини она табиатни асрашга ва унинг табиий бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни тиклаш муаммоларини ҳал этишга йўналтириш мақсадида, жойларда экологик таълим тизимини вужудга келтириш бўйича узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини яратиш бўйича Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан «Экологик таълимда давлат стандартлари», «Узлуксиз экологик таълим концепцияси» ишларининг давом эттирилиши фаолиятларини мувофиқлаштириш табиатни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юклатилган бўлиб, биринчи галда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги белгиланган ва ушбу йўналишда ишлар олиб борилиши бош вазифа қилиб белгиланган:

- болалар боғчаларида олиб борилиши лозим бўлган экологик тарбия;

- ўқувчиларни умумтаълим мактабларида табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш;

- академик лицей, касб-хунар коллежлари ва бошқа билим юртларида экологик таълим-тарбияни йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъектлари раҳбарлари ва экологик масалаларга маъсул мутахассисларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида экологик муаммоларининг ечими масалаларига эътиборни қаратиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича тадбирларни молиявий таъминлаш ва амалга ошириш;

- аҳолини экологик тарбиялаш, экоахборот тизимини ривожлантириш ва аҳолини хабардор қилиш:

- экотуризмни ривожлантириш ва аҳоли ўртасида унинг истиқболларини кенг тарғиб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда турли синф ўқувчилари учун экологик таълимни ташкил этиш бўйича 10 дан ортиқ тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, экологик тўғараклар учун 8 та дастур ишлаб чиқилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликлар, амалий қўлланмалар ва мураббийларга ёрдам учун тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, барча олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида «Экология» ва «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» фанлари ўқитилиб борилаётганлигини мамнуният билан қайд этишимиз мумкин.

Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли муҳим ҳисобланиб, тарғибот-ташвиқот бўлими томонидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг барча тизимлари учун ишлаб чиқилган ва қўмита маъмурияти томонидан тасдиқланадиган режа ҳамда оммавий ахборот воситалари ва матбуотда чиқишлар режа-жадвали

асосида ишни ташкил этиш йўлга қўйилган.

Вилоят телекўрсатувларининг асосий мавзуси, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни тиклаш, вилоят ҳудудида қўмита жамоаси томонидан олиб борилаётган давлат назорати ишлари, «Олам ва одам», «Бир хат изидан», «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш», «Ноёб ҳайвонлар тури ва уларни авайлаб-асраш», «Экологик экспертиза ва унинг экологик муаммоларни ечишдаги ўрни», «Шаҳар ва қишлоқларда тўпланиб қолган маиший чиқиндилар муаммосининг ечими», «Балиқчиликда юзага келган муаммолар», «Собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари ва уларнинг муаммолари», «Оби ҳаётни исроф қилманг», «Ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишларининг атроф-муҳит мусоффолигидаги аҳамияти» каби кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар орқали турли экологик хабарномалар, байрам табриклари, эълонлар билан бир қаторда «Борлиқ бебаҳо», «Оламни асрайлик», «Мафтункор олам», «Шаҳар тозалиги ва ободончилиги барчанинг иши», «Ер ва инсон», «Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш», «Қуёш энергиясидан фойдаланиш», «Сафар таассуротлари» ва бошқа қўплаб мавзудаги радиоэшиттиришлар олиб борилиши доимий йўлга қўйилган.

Оммавий ахборот воситаларининг асосий йўналиши ҳисобланган республика ва вилоятдаги энг нуфузли, кўп ададли «Туркистон», «Правда Востока», «Сурхон тонги», «Аёл ва замон», «Чағониён» ва туман газеталарида вилоят қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган режа-жадвал асосида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик муаммоларнинг ечими, табиат ҳодисаларига доир қизиқарли ҳикоя ва қиссалар мавзусида мақолалар чоп этилиб борилмоқда.

Вилоят қўмитаси томонидан ҳар йили аҳолини экологик таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлаштириш мақсадида вилоят қўмитаси маҳаллий жамғармасининг тадбирлари асосида молиялаштирилиши эвазига бир нечта босқичли оммавий ахборот воситаларидан энг яхши радиоэшиттириш, телекўрсатув ва мақолалар учун кўрик-танловлар ташкил этилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Вилоят қўмитаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимлари томонидан аҳоли, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида маъруза ва суҳбатлар ўз вақтида ўтказилиб, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган текширишлар ўтказиш режа жадвали асосида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда ўтказилган текшириш якуни бўйича маъруза ва суҳбатлар ўтказилиб бориш тажрибаси амалда қўлланилиб борилмоқда.

Бир неча йиллардан буён вилоят қўмитаси муассислиги билан чиқадиган «Аёл ва замон» газетасининг ҳар бир сонидида «Табиат ва биз» рукни остида мақола ва табиатнинг у ёки бу соҳасига оид жамоатчиликнинг фикр, мулоҳазалари, ҳикоя, ҳодиса ва бошқа хабарномалар ўз ўрнини топиб бормоқда.

Вилоят «ЭКОСАН» жамғармаси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, Термиз давлат университети, “Маҳалла” жамғармаси

билан биргаликда «Табиатни муҳофаза қилиш барчанинг ишидир» мавзусида тадбирлар ишлаб чиқилиб, экологик кўрик-танловлар бўйича тадбирлар туман ва шаҳардаги боғча, мактаб, ўқув муассаслари ва маҳаллаларга етказилиб, тегишли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. «Гуллар ва қушлар байрами» мунтазам ўтказилиб борилиб, республика кўрик-танловларида нуфузли ўринларни олиб келишмоқда.

Ҳар йили бўлиб ўтадиган вилоятдаги барча кишлоқ хўжалиги ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўқув семинарларида вилоят қўмитаси, туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияларининг ходимлари томонидан ўқув семинарларининг бир куни экология масалаларига қаратилиб, маъруза ва суҳбатлар олиб бориш йўлга қўйилган. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича вилоят қўмитаси таркибида фаолият юритаётган атроф-муҳит ҳолатига алоқадор бўлган ташкилот раҳбарлари, олимлар ва бошқалар жалб қилинган илмий-техник Кенгаш томонидан вилоятда юзага келган ва келаётган энг долзарб муаммолар кўтарилиб чиқилмоқда, кўпчилик муҳокамасига етказилмоқда ва кенг жамоатчиликнинг қўмағи ёрдамида уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, вилоятнинг шимолий ҳудудлари аҳолиси ва табиатига таҳдид солаётган Тожикистон Алюминий ишлаб чиқариш заводининг заҳарли ташламаларининг салбий таъсирини камайтириш юзасидан олиб борган амалий ишлари, «Учқизил» сув омбори тагидан сизиб чиқаётган нефть моддаларининг зарарли оқибатларини олдини олиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида кутилаётган экологик хавфнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Сурхондарё табиати билан мамлакатимиз аҳолиси ва чет эл фуқароларини таништириш мақсадида «Морхўр изидан», «Ўзбекистон кўрикхоналари ва обод манзиллар», экотуризм масканларини тарғиб қилиш бўйича телефильмлар яратилишида амалий ишлар олиб борилмоқда.

«Оқтепа табиат боғи» ташкил этилиб, у ерда табиий экотизимларни тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар доимий оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиб борилмоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан вилоятда табиат музейини ташкил этиш бўйича ҳамда ҳар бир туманнинг экологик харитасини ишлаб чиқиш ишлари бўйича амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Экологик таълим-тарбия ишларини яхшилаш ва шакллантириш, эколог кадрлар тайёрлашга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу соҳада Термиз давлат университети томонидан ибратли ишлар амалга оширилиб борилмоқда.

СУРХОН ВОҲАСИ ЗИЁ МАСКАНИ

*Бизни ҳавас қилса арзийдиган
буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса
арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор.
Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс
бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман
ҳудо хоҳласа ҳавас қиладиган,
арзийдиган буюк келажакимиз ҳам
албатта бўлади.*

Ш.М.Мирзиёев

Сурхон воҳаси инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутати. Негаки, бу табаррук юрт қадимданоқ илм-фан тараққиёти марказларидан бири бўлган. Илк одамнинг пайдо бўлиши давридан бошлаб унинг ибтидоий турмуши ва маданияти излари айнан шу манзилга бориб тақалади.

Мамлакатимизнинг етук олимлари Т.Н.Қори Ниёзий, И.М.Мўминов, А.Асқаров, А.П.Окладников, М.Е.Массон, Е.Н.Мединский, Ш.Пидаев, С.Н.Турсунов, Э.Қобилов, Ш.Шодуллаев, Т.Аннаев ва бошқалар Сурхон воҳаси тарихини ўрганиш жараёнида, Зараутсой дарасидан топилган 200 дан ортиқ расмлар, Тешиктош ғоридан топилган тарихий обидалар, Айритом харобалари, Сополлитепа, Фаёзтепа қазилмаларини ўрганиб, бу сеҳрли диёрни қадимги маданият ўчоқларидан бири эканлигини исботладилар.

Термизий алломалар ўзларининг беназир истеъдоди билан ёзган бебаҳо асарлари билан инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган бўлса, мард, жасоратли Термиз аҳли ёв ҳамла қилган дамларда ўз она шаҳрини ўзининг бир томчи қони қолгунча ҳимоя қилган, тинч замонларда доимо бунёдкорлик, яратувчанлик кайфияти билан яшаган, шу боисдан ҳам Термизни ўрта аср муаррихлари “*Маданият ур рижол*”, “*Шаҳри гулгула*”, яъни “*Мардлар ва авлиёлар шаҳри*” Гавжум шаҳарлар номи билан шарафлаб келганлар. Айниқса, давлатчилигимиз тарихининг шавкатли дамларидан бири саналган Соҳибқирон Амир Темур давлати тамал тошининг айнан Сурхон заминида бўлиши ҳам бу юрт фарзандларига алоҳида ифтихор бахш этади.

Термиз шаҳри мустақиллик йилларида ҳар томонлама кенгайди, чирой очди ва ўз тараққиётининг тамомила янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизнинг биринчи президенти И.Каримов 1992 йилда Сурхон воҳасига ташрифи чоғида воҳанинг бундан кейинги тараққиёти масаласига тўхталиб Термиз ватанимизнинг жанубий дарвозасидир деб таъкидлаган эдилар. 2009 йилда хусусан, Термиз давлат университетининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу бинонинг очилишида Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти И.Каримов қатнашди ва бўлиб ўтган учрашув жараёнида воҳанинг кўп минг йиллик тарихи, урф-одат ва анъаналарига юксак баҳо бериб, “*Сурхондарё этнографик макон*” иборасини ишлатди. Шунинг қайд этиш жоизки Термиз давлат педагогика институти президент фармони билан 1992 йил 15 мартдан буён университет мақомини

олди. Ушбу юксак мақом университетининг бундан кейинги тараққиётига пойдевор бўлди. Шу даврда университетнинг ўзбек, хориж филология, иқтисодиёт факультетларининг янги бинолари, ахборот ресурс маркази, спорт мажмуаси, бир неча талабалар турар жойлари каби замонавий бинолар қад ростлади, барча ўқув ва маъмурий бинолар қайта таъмирланди.

Мустақиллик йилларида юзга яқин Термизий алломаларининг номлари аниқланиб, уларнинг илмий меросига аниқлик киритилди. Шу боисдан ҳам ЮНЕСКО 1990 йилни Имом Исо Ат Термизий йили деб эълон қилди.

Мамлақатимиз президенти Ш.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан улуғ муҳаддиснинг мақбараси 2016-2017 йилларда қайта таъмирланиб, атрофида улкан меъмор ечимга эга бўлган қатор иншоотлар бунёд этилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Сурхон воҳасида 2017 йилга қадар атиги битта олий ўқув юрти фаолият кўрсатиб келди. Бу эса халқ хўжалигини, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида қатор етишмовчиликларга сабаб бўлди. Воҳанинг кўплаб ёшлари, илм олиш мақсадида бошқа вилоятларга бориб ўқишга мажбур бўлди, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида мутахассислар тақчиллиги юзага келди. Шу ўринда мухтарам президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан ушбу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида вилоятда 5 та олий ўқув юрти фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан И.Каримов номли Тошкент давлат техника университетининг, Тошкент давлат аграр университетининг, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг, Тошкент давлат тиббиёт академиясининг Термиз филиаллари, шунингдек Термиз давлат университети Денов филиалининг очилиши воҳа аҳлининг айниқса ёшларнинг қувончига қувонч қўшди ва уларнинг орзу-истакларини амалга ошишига кенг йўл очиб берди. Бугун ушбу олийгоҳларда 37000 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда, ваҳоланки 4 йил олдин бу кўрсаткич 7000 нафарни ташкил этган. 2021-2025 йилларда вилоятда дастур асосида 17 та талабалар турар жойлари қурилиши ҳисобига қўшимча 6700 ўрин яратилади. Айни паллада Термиз давлат университети ўз маблағлари ҳисобига 1000 ўринли ўқув биносини қуришни якунлаш арафасида эканлиги ҳам таҳсинга сазовордир.

Ўтган йиллар давомида Термиз давлат университетига Ў.Қ.Абдуқаюмов, М.С.Саматов, С.С.Солиев, В.Н.Қодиров, Х.Х.Холиёров, А.Қ.Қулмаматов, О.Х.Ҳайитов, Н.И.Тўраев, С.Н.Турсунов, Ч.С.Саидов, Х.А.Аллақулов, М.Э.Ҳайдаров А.Х.Тошқулов каби олимларимиз раҳбарлик қилдилар. 2021 йил 14 январдан буён профессор А.Р.Мараҳимов ректорлик қилиб келмоқда.



АБДУҚАЮМОВ
Ўлмас Қайумович
(1954 – 1956)



САМАТОВ
Мажит Саматович
(1956 – 1960)



СОЛИЕВ
Собир Солиевич
(1965 – 1966)



КОДИРОВ
Владимир Николаевич
(1966 – 1967)



СОЛИЕВ
Собир Солиевич
(1965 – 1966)



ҚУЛМАМАТОВ
Абдурахмон Қулмаматович
(1971 – 1975)



ХАЙТОВ
Олтибой Хайтович
(1975 – 1983)



ТЎРАЕВ
Назар Йўлдошевич
(1983 – 2000)



ТУРСУНОВ
Сайпулла Нарзуллаевич
(2000 – 2001)



САИДОВ
Чорихон Султонович
(2001 – 2002)



АЛЛАҚУЛОВ
Хидирназар Худойназарович
2002 - 2004



ЧАРИЕВ
Заир Усманович
(2004 – 2009)



ХАЙДАРОВ
Мамат Эшқулович
(2009 – 2017)



ТОШҚУЛОВ
Абдуқодир Ҳамидович
(2017 – 2021)



МАРАҲИМОВ
Авазжон Раҳимович
2021 йилдан ҳ.в

Термиз давлат университети – илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида асосан, 1992 йил 15 мартда Термиз педагогика институти (1954 йилда асос солинган) негизда Термиз шаҳрида ташкил этилган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Абдуқодир Ҳамидович Тошқуловнинг Термиз давлат университетида ректор бўлиб келиши билан барча соҳаларда жўшқинлик пайдо бўлди. Раҳбар ўзини ҳам, жамоани ҳам шижоатли бўлишга ундай олди. Шуниси қувонарлики, ушбу дарсликни ёзиб тугатиш арафасида жонқуяр раҳбар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланди. Бу аҳил жамоанинг ютуғи десак, муболаға бўлмайди.

2021 йил 1 январь ҳолатида университет ректори, сенатор Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов раҳбарлигида 17 та факультет, 45 та кафедрада 717 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Шу жумладан, 28 нафар фан доктори, шундан 12 нафари профессорлар. Фан номзоди ва фалсафа докторлари (PhD) 129 нафар бўлиб, улардан доцент илмий унвонига эга бўлганлар сони 82 нафар, илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар сони 165 нафарни ташкил этмоқда. Биргина 2020 йилда юридик, ахборот технологиялари, миллий либос ҳамда миллий ҳунармандчилик ва кулолчилик факультетлари ташкил этилди.

Бугун университет ҳузурида учта техникум, учта илмий даража берувчи кенгаш, дизайн студияси, Бойсун туманидаги “Дарбанд” амалиёт маркази профессор-ўқитувчилар ва талабаларга хизмат қилмоқда.

Университетда “Сурхондарёда илм ва фан” илмий-услубий ҳамда филология соҳасига ихтисослашган “Филологик тадқиқотлар: тил, адабиёт, таълим” илмий-инновацион журнали фаолият кўрсатмоқда. 2021 йилдан бошлаб “ТерДУ нашр-матбаа маркази” фаолияти йўлга қўйилган.

Очиқ эътироф этиш керакки, ўтган 2020 йил қанчалик синовли келган бўлмасин, ушбу йилда Термиз давлат университетида 4 та факультет, 8 та таълим йўналиши, 6 та магистратура мутахассислиги йўналиши ташкил этилган бўлса, университетнинг профессор-ўқитувчилари Зокиров Х.Х., Қосимов А.С., А.Раҳмонов, О.Бегимкуловлар томонидан дарсликлар ёзилиб, айти шу йилда университет педагог-ҳодимлари томонидан 5 нафар фан доктори (DSc) ва 25

нафар фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоя қилинди, 23 нафар педагог-ҳодимлар доцент унвонига эга бўлдилар.

Айни паллада университет жаҳоннинг 30 дан ортиқ олийгоҳлари билан илмий-педагогик ҳамкорлик шартномалари имзолаган бўлиб, жумладан, Россиянинг Владимир давлат университети, Беларуснинг Полоцк давлат университетлари билан қўшни таълим доирасида 3 та таълим йўналиши ва 1 та магистратура мутахассислигида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

2019-2020 ўқув йили якунида 35 та бакалаврият таълими йўналишида 3288 нафар, 18 та магистратура мутахассислигида 95 нафар жами 3383 нафар битирувчилар олий маълумот олган.

А.Ҳ.Тошқулов Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан муносабати билан 2021 йил 14 январдан деярли умрининг 40 йилини илм ва таълимга бағишлаган 10 йилдан кўпроқ муддатда Халқ таълими вазирлигининг оддий ходимлигидан вазир даражасигача, Олий таълимни қайноқ ўчоғи ҳисобланган Ўзбекистон миллий университетини 5 йил давомида бошқарган мохир раҳбар, Исроилнинг Халлон, Япониянинг Соко университетларининг фахрий профессори, Евроосиё университетлари ассоциацияси вице-президенти, фидойи олим Авазжон Раҳимович Мараҳимов Термиз давлат университети ректори этиб тайинланди..

Шу маънода мен ўқитувчи устозларга мана бу ҳикматларни илиндим:

Италияда

Учта касб эгалари тирбанд йўлда қолмаслиги керак: тез ёрдам, ўт ўчирувчилар ҳамда ўқитувчилар.

Францияда

Бойлар ўз яшаш жойлари билан мақтаниш учун ўқитувчилар билан бир ҳудудда яшашга интиладилар.

Швецияда

“Биринчи фарзандим шифокор, аммо иккинчи фарзандим ундан яхшироқ касб эгаллашни истайди, яъни ўқитувчи бўлмоқчи”.

Германияда

Меркел норозилик билдираётган шифокорларга мурожаат қилди: “Сизнинг маошингиз сизни ўқитган ўқитувчиларнинг иш ҳақидан юқори бўлишини кутмаслигингиз керак!”

Англияда

Бу бола – даҳо, у ўқитувчидек фикрлайди...

Японияда

Соясини топтамаслик учун ўқитувчидан етти қадам ортда юр!

Ўзбекистонда

Устоз – отангдек улуғ.

Термиз давлат университетининг «Экология» кафедраси 1994 йилда университетнинг кимё факультети қошидаги “Анорганик ва аналитик кимё” ҳамда “Қишлоқ хўжалиги асослари” кафедралари таркибидан ажралиб чиққан, унинг бош ташаббускори университетнинг собиқ ректори Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Беруний номидаги Давлат мукофотининг соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, физика-

математика фанлари доктори профессор Тўраев Назар Йўлдошевичдир.

Кафедра илк бор 6 нафар ўқитувчи билан иш бошлаган бўлиб, улар: доцент Зокиров Холмат Хуррамович – мудир, профессор Кулматов Рашид Анорович, ўқитувчилар Алиқулов Р.В, Жўрақулов Й.Ж., Мирзаев Р.М., Х.Р. Тиллаевлардир.



Зокиров Холмат Хуррамович 1954 йилда Шўрчи туманида таваллуд топган. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. Термиз давлат университети ва Нью-Йорк Фанлар академиясининг профессори. 200 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар, 20 дан ортиқ ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, 4 та монография ва 2 та дарслик (“Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш” (2011), “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” (2020) ҳамда илк ўзбек тилида ёзилган “Агрокимё” номли ўқув қўлланма муаллифи (1998).

Термиз давлат университети ўтган йиллар давомида 500 нафардан ортиқ етук олий маълумотли эколог мутахассислар тайёрлашга муяссар бўлди. Ушбу кафедранинг тугатган Мираббос Хўжамбердиев, Шаҳноза Қўлдошева бугунги кунда фан доктори, Мухтор Менгтўраев, Фарход Аллабердиев, Боймирза Иралиев, Шахло Даминова, Боходир Шамаев, Холмамат Тиллаев, Даврон Кенжаевлар фан номзоди илмий даражасини олдилар. Шунингдек, Шаҳноза Қўлдошева, Аъзамхон Нуруллаевлар Улуғбек номидаги давлат стипендияси лауреатлари бўлдилар.

Уринов Баходир, Тангиров Даврон, Ҳамраев Рустам, Қодиров Раҳмиддин, Алиқулов Шерзод, Мадартов Ойбек, Абдиев Камол, Муртозаев Умид, Норқобилова Насиба, Нурқулова Насиба, Шукурова Гулшода, Ёдгоров Сухроб, Тўрамуродов Арал, Хушбоқов Ойбек ва бошқалар Термиз давлат университетининг кимё, биология, экология мутахассисликларининг тугатиб, Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.



Профессор **Рашид Анорович Кулматов** «Заҳарли элементларнинг табиий муҳит объектларидаги микдори ва тарқалиш қонуниятлари» номли мавзусидаги докторлик диссертациясини Д.И. Менделеев номидаги Москва кимё-технология институтида ҳимоя қилган. Илмий ишлари ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» дастурига киритилган. 20 дан ортиқ фан номзодлари 2 нафар фан докторларини тайёрлаган, 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, 50 дан ортиқ давлатларда

экология ва табиатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича халқаро конференцияларда иштирок этиб, маърузалар қилган. 20 дан ортиқ илмий монографиялари Ўзбекистон ва хориж мамлакатларида чоп қилинган. Рашид Анорович Кулматов минтақада табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистонда биринчи фан докторидир.

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон миллий университети “Экология” кафедраси профессори ҳамда АҚШнинг Мичиган университети, Германиянинг Марбург университети, Хитойнинг Пекин университети, Москва давлат университети, Тошкент кимё-технология институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат ирригация ва мелиорация институти, Тошкент давлат техника университети, Қашқадарё давлат университети, Қашқадарё муҳандис-иқтисодиёт институти, Қорақалпоғистон давлат университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари билан ҳамкорликда мамлакатимиз атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳаларида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бормоқда. Ёш экологларга чуқур назарий, илмий-амалий билимлар бериш мақсадида ўқув-тажриба хоналари, дала амалиётлари ўтказиладиган ҳудудлар, тажриба майдончалари ташкил этилмоқда.

Ушбу ўқув дастурдаги режаларнинг бажарилишида факультет декани лавозимида фаолият кўрсатган Холикназаров Бегали Одинаевич ва университет ўқув ишлари бўйича проректори бўлиб ишлаган Хуррамов Шукур Хуррамовичларнинг хизматини алоҳида қайд этиш лозим.



Шукур Хуррамович Хуррамов 1944 йил 5-сентябрда Бойсун туманидаги Хўжабулғон қишлоғида туғилган.

1961 йилда 1 ўрта мактабни тугатиб, 1962-1967 йилларда Қарши давлат педагогика институти химия-биология факультетида ўқиди.

1972 йилда Москвадаги Бутуниттифоқ гелминтология институтида «Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти шароитида шакарқамиш нематодалари» мавзусида номзодлик, 1990 йилда «Ўрта Осиё шароитида мевали субтропик ўсимликлар нематодофаунасининг шаклланиш

қонуниятлари ва фитогельминтларга қарши курашнинг интеграллашган чоралари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1988 йилда кафедра мудири, 1992-1997 йилларда университет илмий ишлар бўйича проректори, 1997-2000 йилларда ўқув ишлари бўйича проректор вазифаларида фаолият кўрсатди. Ҳозирги кунда зоология кафедрасининг профессори лавозимида ишлаб келмоқда. 160 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар, 4 та монография, 8 та методик тавсиянома ва рисоалар, 2 та ўқув қўлланма, 1 та дарслик муаллифидир. Олим 100 га яқин номзодлик ва докторлик диссертациялари, авторефератларга тақриз ёзган, 10 га яқин диссертацияларга расмий аппонентлик қилган.

Олимнинг 1974 йилда Москвада чоп этилган «К изучению фауны нематод лавра благородного и её динамика в условиях Узбекистана» номли илмий иши 1978 йилда Ўзбекистан Фанлар академиясининг лауреатига сазовор бўлди.

1980 йилда «Нематоды сахарного тростника и меры борьбы с ними», 1978 йилда «Praytlenchidae (Thorne 1949) оиласига мансуб паразит нематодалар ва улар зарарлайдиган ўсимликлар» (Т.С. Скарбилович билан ҳамкорликда), 1989

йилда «Қишлоқ хўжалик экинлари паразит нематодаларининг тарқалиши (хизмат учун фойдаланилади)», 2003 йилда «Ўрта Осиёдаги субтропик мевали ўсимликлар нематодалари ва уларга қарши кураш чоралари» номли монографиялари нашр этилган. Олимнинг илмий раҳбарлигида 7 киши номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, 4 киши илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. 2001 йилда Президентимиз фармони билан ёшлар тарбиясига қўшган катта ҳиссаси ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги алоҳида хизматлари учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони берилган.



Саттаров Абдисамат Умирқулович 1971 йил 6 ноябрда Денов тумани Катта Вахшивор қишлоғида таваллуд топган. 1989 йил ўрта мактабни, 1994 йил Термиз давлат университети табиат-география факультетининг география-биология бўлимини тамомлаган.

2009 йили “Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари” мавзусида “11.00.02-иқтисодий ва ижтимоий география” ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

2010-2014 йилларда Абдисамат Саттаров география кафедрасида география фанлари номзоди, катта ўқитувчи ва 2014-2015-йилларда табиёт-география факультетида ўқув ишлари бўйича декан муовини, 2015-2016 йилларда “География” кафедраси мудири, 2016-2018 йилларда табиёт-география факультетида маънавий-марифий ишлар бўйича декан муовини, 2018 йилдан илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

80 га яқин илмий ишлари, 2 та ўқув қўлланма, 3 та монография, 6 та услубий қўлланмаси чоп қилинган.



Тўраев Расул Нортोजиевич 1973 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, 1996 йил Термиз давлат университети физика-математика факультети математика ва информатика таълим йўналишини тугатган. 2001 йилда физика-математика фанлари номзоди, 2016 йилда катта илмий ходим илмий унвонини олишга муваффақ бўлган. Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияси совриндори.

2 та ўқув қўлланма, 6 та услубий қўлланма муаллифи, 130 дан ортиқ мақола ва тезислар чоп эттирган, улар орасида кўплари дунёнинг нуфузли АҚШ, Германия, Испания, Буюк Британия, Украина, Россия ва Қозоғистоннинг scopus базасига кирган журналларида чоп этилган.

Айни вақтда, Ўзбекистон Математика жамияти илмий котиби сифатида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда Ўзбекистон Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги институтида муваффақиятли бажарилган 10 дан

ортиқ лойиҳаларда фаол иштирок этган ва экологиянинг бир қатор долзарб муаммоларининг математик моделлари устида илмий тадқиқотлар олиб борган.

Физика-математика фанлари номзоди, доцент. Р.Н.Тўраев Ўзбекистон Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли илмий кенгаш қошидаги 01.01.02-дифференциал тенгламалар ва математик физика ихтисослиги бўйича илмий семинар аъзоси. Айни вақтда экологиянинг бир қатор долзарб муаммолари, жумладан, диффузия жараёнлари, фильтрация масалалари, бактерияларнинг тарқалиши ва атроф-муҳит ифлосланишининг чизиқсиз ва ноклассик математик моделларини тадқиқ қилиш ва уларни ечиш усулларни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

2021йил январь ойидан Термиз давлат университетида ўқув ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.



Абсаматов Анвар Эргашевич, меҳнат стажи – 21 йил, мазкур вазифада 2018 йилдан буён ишламоқда.

А.Абсаматов Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси сифатида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда халқимизни бугунги кундан рози бўлиб яшашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

А.Абсаматов ташаббуси билан партия сафига 100 дан ортиқ янги аъзолар, жумладан, кўплаб билимли талаба-ёшларимиз, халқимиз орасида машҳур бўлган профессор устозлар, фан номзодлари қабул қилинди.

Иқтисод фанлари номзоди.

2006 йилда “Деҳқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантириш ва даромадларини ошириш йўллари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1998-2007 йилларда Термиз давлат университетининг “Менежмент ва тадбиркорлик”, “Иқтисодиёт” кафедраларида ўқитувчи, катта ўқитувчи, 2007-2010 йилларда Тошкент давлат юридик институтининг “Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида ишлаган.

2010-2012 йилларда Термиз давлат университети молия кафедраси мудири, 2012-2013 йилларда иқтисодиёт факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, молия кафедраси мудири, 2013-2015 йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, 2015-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий факультети декани лавозимларида ишлаган.

2018 йилдан буён Термиз давлат университетининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори лавозимида ишлаб келмоқда.

У 40 дан ортиқ илмий мақола ва рисоалар, 8 та ўқув-методик қўлланма муаллифи.

“Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришиш бўйича қатор тадбирлар уюштириб, “Уюшмаган ёшлар ижтимоий қатламини ўрганиш”, “Уюшмаган ёшлар билан ишлаш: Ўзбекистон ва хориж тажрибаси”, “Уюшмаган ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва бандлигини таъминлаш масалалари” каби мавзуларда вилоятда тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиб, университет педагог-ходимлари ва талаба-ёшларини жалб этмоқда.

У келажак авлод вакилларига чуқур билим бера олувчи, ёшларни мамлакат манфаати йулида меҳнат қилиш, Ватанни севиш руҳида ҳар томонлама тарбиялашга қодир юқори малакали мураббий, ташкилотчи раҳбар.

А.Абсаматов – журъатли, ғайратли, ишчан, ташаббускор, талабчан, очиқкўнги, билимдон ва принципаал раҳбар. Ҳамжиҳатлик, тартибли ишлаш, интизом, ташкилотчиликни талаб қилувчи, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган инсон.



Холикназаров Бегали 1956 йил 1-апрелда Бойсун туманида туғилган. 1980 йилда Термиз давлат педагогика институтини битирган. 1990 йилда “Жанубий Ўзбекистон шароитида сабзавот ва полиз экинлари нематодалари ва бўртма нематодасига қарши кураш чоралари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Диссертация ишида Сурхондарё вилояти шароитида кенг майдонларда экиладиган 12 турга мансуб бўлган сабзавот ва полиз экинларида учрайдиган нематодалар ва бу экинларда

паразитлик қиладиган турлари аниқланиб, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган. Бу натижаларга оид 40 дан ортиқ мақолалар чоп этилган. Айни пайтда Б.Холикназаров онтогенез ва ривожланиш цикл назарияси, назарий биология муаммолари билан шуғулланиб, 10 дан ортиқ мақолалар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг биология йўналиши талабаларига мўлжалланган “Индивидуал ривожланиш биологияси” номли ўқув қўлланманинг муаллифидир.

Бугунги кунда Термиз давлат университети табиий фанлар факультети декани биология фанлари доктори А. Хуррамовдир. Факультетда “Зоология”, “Ботаника”, “Экология ва тупроқшунослик”, “География” кафедралари мавжуд бўлиб, ушбу кафедраларда доц. Х.Тангиров, А.Бегматов, М.Абраматов, г.ф.н. М.Эрдонов мудирлик қилмоқдалар.



Хуррамов Алишер Шукурович 1975 йил Термиз шаҳрида туғилган. 1992 йилда ўрта мактабни, 1997 йил Термиз давлат университетининг биология факультетини биология ихтисослиги бўйича тугатган.

Хуррамов Алишер Шукурович 2006 йилда “Фауна и экология фитонематод пшеницы, дикорастущих и сорных растений Сурхондарьинской долины” мавзусида номзодлик диссертациясини, 2020 йилда биология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

“Нематоды пшеницы и дикорастущих злаковых растений Узбекистана” мавзусида тайёрлаган диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1 та дарслик, 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма ва 120 дан ошiq илмий мақолалар муаллифи. Унинг раҳбарлигида 5 магистрлик диссертацияси ҳамда 50 яқин бакалавр диплом ишлари ҳимоя қилинган. Ҳозирда 1 та докторант ва 2 та мустақил изланувчиларга раҳбарлик қилиб келмоқда.



Холмўминов Жуманазар Тоштемирович 1959 йил 30 августда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Мачай қишлоғида туғилган. 1976-1981 йиллари Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – юрист.

1988 йил 16 сентябрда Қозоғистон Республикасининг Олма-Ота шаҳридаги Қозоғистон Республикаси Фанлар академияси “Фалсафа ва ҳуқуқ” институтида “Правовой режим земель совхозов в условиях орошаемого земледелия” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 1997 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг тавсиясига мувофиқ, “Эколого-правовые проблемы охраны и рационального использования природных ресурсов в Республике Узбекистан” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 1998 йилда юридик фанлари доктори илмий даражасига эришган. 2003 йилдан профессор унвонига сазовор бўлган ва 2003 йил 19 октябрда Қозоғистон Юридик фанлари академиясининг академиги этиб сайланган.

Бир қатор дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, рисоалар, намунавий ва ўқув дастури, модуль ҳамда услубий кўрсатмалар, илмий мақолалар муаллифи, Ўзбекистон Республикаси тарихида илк мартаба 2017 йил 17 майда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида офиси жойлашган “Халқаро Экологик хавфсизлик фанлар академияси (МАНЭБ) академиги этиб сайланган.

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Уч.22.01 рақамли илмий Кенгашга аъзо, шунингдек, Тошкент давлат юридик университети “Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences” илмий-амалий ҳуқуқий журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси раисининг 2020 йил 13 майдаги 87-сон қарорига асосан, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Уч.22.01 рақамли илмий Кенгаш таркиби аъзоси этиб тайинланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 30 декабрь №781 шт сонли буйруғига асосан, **“2-даражали адлия маслаҳатчиси”** даражаси берилган.

2020 йил 9 январ куни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ИХ1-ДХХ сонли буйруғига асосан, “Маънавий-маърифий ишлар аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотланган.

“Экология ва ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари”, “Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш”, “Экология ҳуқуқи” каби ўнлаб дарсликлар муаллифи сифатида мамлакатимизда катта ҳурмат ва эътирофга лойиқ олим.



Умбаров Ибрагим Амонович, техника фандлари доктори, проф.в.б. 1967 йил 12 декабрда ишчи оиласида таваллуд топган. 1989 йил Тошкент давлат университети кимё факультетига ўқишга кириб, 1994 йилда мазкур факультетни кимё мутахассислиги бўйича тугатган. 1994-2011 йй. Термиз давлат университети умумий кимё ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кафедраси ўқитувчиси, аспиранти, 2002 йил 11 сентябрда номзодлик диссертациясини ҳамда 15.05.2018 йил ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/T.35.01

рақамли ихтисослашган Кенгашда “Ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш” мавзусида 02.00.13-“Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 26.06. 2018 йилдан Термиз давлат университети органик ва физикавий кимё кафедраси мудирини лавозимда ишлаш билан бирга 2018 йил Бухоро давлат университети ва Самарқанд давлат университетлари ҳузуридаги илмий кенгашлар аъзоси.

2019 йил Термиз давлат университети ва Тошент кимё-технология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.29.12.2018.T.78.01 рақамли илмий Кенгаш раиси ўринбосари ва 2019 йил 30 декабрдан Термиз давлат университети ҳузуридаги техника фандлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли илмий кенгаш раиси фаолиятида иш юритмоқда.

И.А. Умбаровнинг 2012-2016 йилларга мўлжалланган умумий бюджети 155 миллион сўм бўлган Давлат фундаментал тадқиқот дастурлари доирасидаги “Марказий Осиёда ўсадиган *ColchicumL.* ўсимликлари алкалоидлари ва уларнинг тадқиқоти ва 2018-2020 йилларга мўлжалланган умумий бюджети 180 миллион сўм бўлган ПЗ-20170926176-сонли «Сурхондарё вилоятида ерости шўр сувлари таркибидаги йод ва унинг бирикмаларини ажратиб олиш» мавзуларидаги давлат грантларининг фаол иштирокчисидир.

Ҳозирда Термиз давлат университети архитектура ва қурилиш факультети декани лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг 60 дан ортиқ мақолалари Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимизнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган. Бундан ташқари Умбаров Ибрагим Амонович томонидан 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма нашр этилди. Улардан университет ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.



Тангиров Хасан Тоштемирович 1962 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. 1969 йилда Жарқўрғон туманидаги 32-ўрта мактабни, 1985 йилда Термиз давлат педагогика институтининг агробиология таълим йўналишини имтиёзли диплом билан битирган.

1993 йилда биология фанлари доктори Т.Қобилов илмий раҳбарлигида “Экологический мониторинг гельминтов массовых видов диких и домашних птиц Узбекистана” мавзусидаги номзодлик

диссертациясини ЎзРФА зоология институтида ҳимоя қилган.

1 та монография, 1 та ўқув қўлланма ва 50 дан ортиқ илмий мақолалари Канада, Туркия, Россия, Ҳиндистон ва бошқа Ҳамдўстлик давлатларининг нуфузли журналларида эълон қилинган. 10 дан ортиқ магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилган.

Х.Тангиров томонидан Ўзбекистоннинг турли биоценозларида тарқалган ёввойи кушларнинг гельминтофаунаси ўрганилиб, 10 дан ортиқ гельминтлар учун янги хўжайинлар биринчи марта аниқланган.



Бегматов Абдусамат Маматқулович 1976 йилда Шўрчи туманида туғилган.

1992 йилда Шўрчи туманидаги 43-мактабни, 1998 йилларда Тошкент давлат университети биология-тупроқшунослик факультети экология йўналишини тамомлаган.

2012 йилда биология фанлари доктори, профессор Ж.Ю. Турсунов, биология фанлари доктори Қ.Ҳ. Ҳожиматов раҳбарлигида “Сурхондарё вилояти шароитида интродукция қилинаётган *Stevia*

rebaudiana Bertoni нинг биоэкологик хусусиятлари” мавзусида диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган. 1 та монография, 2 та услубий қўлланмалар муаллифи ва 45 яқин илмий мақолалари АҚШ, Германия, Россия, Украина, Қозоғистон давлатларида нашр эттирилган.

А. Бегматов томонидан Ўзбекистон Республикасида биринчи марта Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида доривор ўсимлик – стевиянинг онтогенез босқичлари бўйича биоэкологик хусусиятлари ўрганилган. Ўсимликни уруғдан кўпайтиришда ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, гунчалаш, гуллаш, мевалаш фазаларининг бошланиш муддатлари келтирилган. Стевия ўсимлиги барги таркибидаги шакарга нисбатан 300-350 марта ширин бўлган “стевиозид” моддасининг 12,5% эканлиги аниқланган.

Ҳозирги пайтда “Сурхондарё воҳаси шароитида эфир мойли ўсимликларнинг интродукцияси ва истикболли турларини плантацияларини ташкил этиш” мавзуси юзасидан биология фанлари бўйича фан доктори диссертацияси устида тадқиқот олиб бормоқда.



Абраматов Муҳаммади Бойқобилович, биология фанлари номзоди, доцент. 1981 йил 7 февралда зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1999-2003 йиллар мобайнида Термиз давлат университетида таҳсил олган. 2005 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети магистратурасини тамомлаган. 2012 йил 8 июнда Ўзбекистон Республикаси ФА зоология институти қошидаги Д. 015.10.01 рақамли ихтисослашган Кенгашда 03.00.08 – зоология ихтисослиги бўйича “*Haemonchus Cobbold*, 1898 авлоди нематодалари морфологик ва молекуляр-таксономик тавсифи ҳамда уларнинг метаболик жараёнлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2019 йилда доцент илмий унвони олган. Ҳозирда Термиз давлат университети “Экология ва тупроқшунослик” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг 40 дан ортиқ мақолалари Руминия, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимизнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган. Бундан ташқари ҳаммуаллифликда 1 та тавсиянома чоп эттирган.



Муҳаммади Нуралиевич Эрдонов география фанлар номзоди, 1955 йил 15 декабрда Жарқўрғон тумани Жалоир маҳалласида туғилган. 1972 йилда ўрта мактабни, 1977 йили Тошкент давлат университети география факультетининг география таълим йўналишини тамомлади.

1987 йил Термиз давлат педагогика институтида география кафедраси ўқитувчиси, илмий ишлар бўйича проректорининг ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, ўқув ишлар бўйича декан ўринбосари вазифаларида ишлади.

Илмий фаолиятини олиб боришда Европанинг Польша, Германия, Чехославакия, Болгария, МДХнинг Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида илмий сафарларда бўлиб қайтган.

М.Н.Эрдонов 1993 йил 19 мартда “Сурхондарё вилояти аҳолисининг жойлашиш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Меҳнат фаолияти давомида талабаларга қизиқарли маърузалар ўтиш билан биргаликда, олий ўқув юрти талабалари учун “Агрометеорология” (Қ.Тўраев билан ҳаммуаллифликда 2016), “Шаҳарлар географияси” (2019), “Жаҳон географияси” (2020) ўқув ва услубий қўлланмалар чоп этган. Шу билан бирга, халқаро ва республика миқёсида чоп қилинадиган нуфузли журналларда ҳамда конференция тўпламларида чоп этилган 100 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи ҳисобланади.

2017 йилдан буён “География” кафедраси мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Кулдашева Шахноза Абдулазизовна 1976 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган, 1998 йил Термиз давлат университети экология ва умумий кимё таълим йўналишини тугатган. 2001 йилда кимё фанлари номзоди, 2018 йилда кимё фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олишга муваффақ бўлган. Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияси совриндори, Экология партияси аъзоси. Университет, балки вилоятимиз тарихида илк бор аёллар орасида фан доктори (DSc) диссертация ишини ҳимоя қилган.

1 монография, 1 та дарслик, 12 та услубий қўлланмалар муаллифи, 150 дан ортиқ мақола ва тезислар чоп эттирган, улар орасида дунёнинг нуфузли АҚШ, Германия, Болгария, Швеция, Ҳиндистоннинг scopus базасига кирган журналларида чоп этилган.

Шу билан бир қаторда, УНКИда муваффақиятли бажарилган 10 дан ортиқ лойиҳаларда фаол иштирок этган ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган ва бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник лойиҳага раҳбарлик қилиб келмоқда.

2015 йилда Халқаро экология ва ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги академияси (МАНЭБ) мухбир аъзоси, 2019 йилда эса (МАНЭБ) академиги.

2018 йилда ўтказилган «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» I Республика танлови ғолиби.

Кимё фанлари доктори Ш.А.Кулдашева Умумий ва ноорганик кимё институти DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгаши аъзоси, Умумий ва ноорганик кимё институти DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар котиби, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD. 30.09.2019.Т.66.02 рақамли Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси.

Айни вақтда Орол ва оролбўйи экологик муаммоларини бартараф этиш чора тадбирлари, саноат оқова сувларини тозалаш, саноат чиқиндилари утилизацияси мавзуларида изланишлар олиб бормоқда.

СУРХОН ВОҲАСИ ЧАШМАЛАРИ ЭДИЛАР

*Олимлар қалами шаҳид
қонидан муқаддас*

Улуғ Шерозий шогирдларига насиҳат қилиб бундай деган эди: “Эй фарзанд ва шогирдларим! Қайси фан бўлмасин, то уни мукаммал эгалламагунларингча, ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердими, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма!” Мен бугун ҳаётнинг энг оғир синовларига бардош бериш,

муваффақиятга эришганда эсанкирамаслик, сабр-бардошли бўлиш, камситилиш, кадрсизликни меҳнат ва муомала билан енгиш, катта-кичик, устоз-шогирдга ҳамиша ақл тафаккур билан ҳурмат, донолик бисотида илм мартабасида, уламолар суҳбатида, одамийлик наздида, ҳалол касбдан чарчамаслик, инсонни муқаддас азиз эканлигини билиш фалсафаси шогирдлари учун тенгсиз хазина сифатида йўл кўрсатган алломаларимизга тўхталмоқчиман.

Сурхондарё вилояти Термиз давлат университети ва вилоятнинг бошқа олийгоҳлари ва илмий муассасаларида фаолият кўрсатиб, умрларини илм-фан равнақида бағишлаган марҳум устозларимиз Абдимўмин Рўзиев, Хуррам Зокиров, Абдурахмон Қулмаматов, Эркин Қулмаматов, Холмурод Саидов, Қурбонтурди Жумаев, Худойкул Турдиқулов, Бойимкул Турдиқулов, Муҳаммадқул Ҳожиёв, Холбой Тожиёв, Маматқул Девонов, Ҳаким Шосаидов, Эшқурбон Абдуллаев, Қурбон Омонтурдиев каби устозларимиз воҳамиз, қолаверса, мамлакатимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилдилар. Бу улуг зотлар бугун орамизда бўлмасалар-да, уларнинг илм, маърифат-маънавият соҳасида қилган беназир меҳнатлари бу табарруқ зотларни абадиятига абадий муҳрлайди.



**Абдимўмин Рўзиев
(1936-2001)**

География фанлари доктори, профессор **Абдимўмин Нормуродович Рўзиев** 1936 йил 18 июнда Шўрчи туманидаги Сайрак қишлоғида таваллуд топди. 1954 йилда мактабни, 1960 йилда Ўрта Осиё давлат университети иқтисодий география мутахассислигини тугатди. 1967 йилда “Сурхон-Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигининг жойлашиши ва ривожланиш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йилда “Ўзбекистон агросаноат комплексининг ҳудудий системалари ва уни такомиллаштириш йўллари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олим қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни агросаноат интеграцияси негизида ривожлантиришнинг ҳудудий системаларига бағишланган 250 дан ортиқ илмий мақолалар, дарслик ва қатор ўқув қўлланмалар яратиб, ўзидан фанга катта мерос қолдирди. 5 та фан номзоди тайёрлади, 15 нафар докторлик ишига маслаҳатчи ҳамда 100 дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий тақризлар бериб, оппонентлик қилди, “Сурхондарё вилояти” номли мақоласи инглиз, француз, немис тилларига таржима қилинган ва чоп этилган.

“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш асослари” дарслиги (1990 й), “Сурхондарё сув омборлари” (1997 й) ва “Ўзбекистон иқтисодий географияси” (2004 й) номли ўқув қўлланмалари чоп этилган. Ўзбекистон география жамиятининг Қарши, Термиз бўлимлари раиси, Ўзбекистон географик илмий Кенгаши аъзоси, VI, VII, IX географлар съезди иштирокчиси, жаҳон географлар XXIII Кенгашининг қатнашчиси.



Хуррам Зокиров (1933 - 2010)

1933 йилда Олтинсой туманидаги Қорлик қишлоғида таваллуд топган. 1952 йил ўрта мактабни, 1960 йил Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. 1967 йил Москва травматология-ортопедия илмий институтида, “Спорт ва балет машғулоти билан шуғулланган малакали спортчиларда тизза бўғинининг шикастланиш хирургияси ва хирургик касалликларни аниқлаш усуллари” мавзусидаги диссертация ишини ҳимоя қилди. Вилоят маҳаллий халқ орасидан биринчи олий маълумотли шифокор, биринчи олим, биринчи Москвада илмий ишини ҳимоя қилган мутахассис. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Академик Назар Тўраев таъриф бериб бундай деган эди: “Хуррам Зокирович Сурхон заминида муболағасиз халқ орасида катта ҳурмат ва иззатга сазовор эди. Нафақат воҳа шифокорлари сардори, балки мамлакатимиз шифокорларининг ҳам сарвари эди”. Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Раҳмон Омонович Муҳамадиев: “Мен каби аксарият шифокорлар бемор билан мулоқот қилиш маданиятини Хуррам акамдан ўрганганмиз”, дейдилар. Камтарин хизматлари учун 2 марта Ўзбекистон Олий Советига депутат этиб сайланган, 2 марта вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, Мустақилликнинг 1 йиллик нишони ва Афғонистон Республикаси давлатининг “Жасорат” медали каби мукофотлар билан тақдирланган.



Қурбонтурди Жумаев (1932-2005)

1932 йили ўша вақтлардаги Термиз тумани (ҳозирги Музработ тумани)га қаршли Болдир қишлоғида туғилган. 1956 йилда ўрта мактабни, 1963 йили Қарши давлат педагогика институтининг биология ва кимё таълим йўналишини имтиёзли тугатиб, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 1965 йилдан Термиз давлат педагогика институтига ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, институт касаба уюшмаси раиси, кафедра мудири лавозимларида ишлаган. 1974 йилда “Сурхон-Шеробод воҳасининг ёввойи ўсувчи эфир мойли ўсимликлари” мавзусидаги диссертация иши ҳимоя қилиб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олган. Сурхондарёда 310 дан ортиқ эфир мойли ўсимликлар борлигини, улардан 27 тури истиқболли эфир мойли ўсимликлар эканлигини аниқлаган. Олим томонидан “Юксак ўсимликлар систематикаси” номли ўқув қўлланмаси нашр этилган. 60 дан ортиқ мақолалари илмий журналлар ва тўпламларда нашр қилинган. Кишинёв ва Симферополь шаҳарларида бўлиб ўтган эфир мойли ўсимликларни

ўрганишга бағишланган Бутуниттифок симпозиумларида маъруза билан чиқишлар қилган.



Маматқул Девонов
(1935-2002)

“Шухрат” ордени соҳиби, моҳир педагог Маматқул Девонов 1935 йили Шеробод туманига қарашли Лайлаган қишлоғида туғилган. 1954 йили ўрта мактабни тугатиб, шу йили Фарғона давлат педагогика институтининг география-биология факультетига ўқишга кирди. 1959 йили институтни аъло баҳоларда тугатиб, Термиз давлат педагогика институти табиёт-география факультети биология кафедрасида ўқитувчи, 1961 йилда Қарши давлат педагогика институти “Зоология” кафедрасида катта ўқитувчи, 1965 йили Термиз давлат университети тикланганлиги муносабати билан биология кафедрасида ишлай бошлади ва факультет декани ўринбосари, “Биология-кимё” кафедраси мудир лавозимларида ишлаб, ўқув жараёнини такомиллатиш ишларига катта ҳисса қўшди. М. Девоновнинг ташаббуси ва тинимсиз меҳнати эвазига 100 дан ортиқ ҳайвонлардан тайёрланган препаратлар, муляжлар, чучелолар, коллекциялар тўпланиб, зоология хонаси ташкил этилди. Унинг дарс жараёнини яхшилашга қаратилган бир неча мақоласи республика журналларида босилиб чиқди. Балиқларни ўрганиш учун кўпгина экспедициялар ташкил қилиб, Сурхон-Шеробод дарёси балиқларининг турлари таркибини, тарқалиш қонуниятлари, келиб чиқиши, ҳалқ хўжалиги учун фойдали турларини асраш ва кўпайтириш муаммоларини ўрганди, бу соҳада 10 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди.

Халқ хўжалигида минглаб етук мутахассис ва моҳир раҳбарлар етказиб берган, камтарин, одамохун юртдошларимиздан бири эди. Ўзбекнинг энг етук хусусиятларини ўзида мужассам қилган, тиниб-тинчимас, меҳнаткаш, оқкўнгил, чеҳрасида нур ёғилиб турган камтарин инсон эди. Бу ҳурматли зотнинг луғатларидан “чарчадим, вақтим йўқ, бора олмайман, тобим йўқ” деган сўзлар аллақачон ўчиб кетган эди. Бунга ишончим комил, чунки Нарғизахон сизнинг изингиздан бориб, моҳир педагог, Улуғбекжон эл-юрт равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилаётган етук мутахассис бўлиб етишди.

Холмурод Саидов
(1938-1995)



1938 йили Шўрчи туманида туғилган. 1956 йилда ўрта мактабни, 1962 йил Тошкент давлат педагогика институтига кимё ва биология таълим йўналишини аъло баҳога битирган. 1973 йилда “Стимулятор модда-дианаболнинг кўй организмидаги азот моддалари алмашинувига, ички секреция безлари структураси ва функциясига ҳамда маҳсулдорлигига таъсири” мавзусида диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди, биология фанлари номзоди илмий даражасига эга

бўлди. 1973 йилдан бошлаб Термиз давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1988 йилдан доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган. “Гармонларнинг моддалар алмашинуви ва чорва маҳсулдорлигига таъсири” номли монография, химия, биология, география, биология мутахассисликларнинг кундузги ва сиртки бўлим талабалари учун одам ва ҳайвон физиологияси курсидан ўқув қўлланма муаллифи. Холмурод Нигматуллаевич шижоаткор ҳар қандай маъсулиятни ўз вақтида англаб оладиган ҳассос, “Асалари мўлжални қандай олади?”, “Сенаж – тўйимли озиқа”, “Ҳайвонларда психика ва ҳуққ автор”, “Муҳитга муносабат ҳар хиллиги”, “Табиат – бизнинг уйимиз” ва бошқа шу сингари қатор илмий-оммабоп мақолалар билан иштирок этиб фан ютуқларига ўз ҳиссаларини қўшиб келган олим эди.

Худойкул Турдикулов (1938-1985)



1938 йил Термиз туманида туғилган. 1957 йили ўрта мактабни, 1962 йилда Тошкент давлат педагогика институти кимё ва биология бўлимини муваффақиятли тугатди. 1973 йили “Лилакция оиласига мансуб бир неча тур ўсимликлар баъзи алколоидларининг медицинада ишлатилиши” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, кимё фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ

бўлган. Олиб борилган илмий изланишлар якунига кўра бир неча илмий мақолалари “Табиий қўшилмалар” журналида босилиб чиқди. 1971 йилдан 1985 йилгача Табиёт факультетида деканлик қилиб, ташкилотчилик намуналарини кўрсатди. У фахрий ёрлиқлар билан бир неча бор мукофотланди. 1980 йили “Мусобақа ғолиби” нишони, Ўзбекистон халқ маорифи аълоҳиси унвони совриндори бўлган, Ўзбекистон ўқитувчиларининг 6-съездида иштирок этган.

Холбой Тожиев (1944-1982)



1944 йилда Денов туманига қарашли “Зардакул” қишлоғида туғилди. 1962 йили Денов туманидаги Охунбобоев номидаги интернат мактабини, 1967 йили Қарши давлат педагогика институти биология ва кимё мутахассислиги бўйича муваффақиятли тугатди. 1973 йили Термиз давлат педагогика институтига ўқитувчи бўлиб ишга келди. 1973 йилда Москва шаҳридаги К.И.Скрябин номидаги гелминтология институти аспирантурасига ўқишга кирди. 1977 йили

“Ўзада вильт касаллигининг пайдо бўлиши ва унга қарши кураш чоралари” мавзусида диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, биология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Х. Тожиев 1982 йилгача Термиз давлат педагогика институтида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб талабаларга Зоология фанидан дарс берди. У илмий тадқиқот ишларини яна давом эттиришга бел боғлади ва докторлик диссертацияси устида ишни давом

этириб, олинган маълумотлар асосида халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларга маълумотлар тўплаб хорижий журналларда, илмий мақолалари билан қатнашган.



Эркин Қулмаматов
(1951-1994 йй)

Жарқўрғон туманидаги Сурхон маҳалласида туғилган. 1968 йилда ўрта мактабни, 1973 йилда Термиз давлат институти биология таълим йўналишини имтиёзли диплом билан тугатган. 1979 йилда Москвадаги К.И.Скрябин номидаги Гельминтология илмий тадқиқот институтида “Ўзбекистон шароитида чорва моллари ўпкасида паразитлик қиладиган протострангилидларнинг биологияси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 50 дан ортиқ илмий мақолалар ҳамда “Ўзбекистон жанубидаги ҳайвонларда учрайдиган паразитлар” номли монография муаллифи. Эркин Қулмаматов бу ҳаёт синовларига эрта таслим бўлган бўлсада, от ўрнини той босади деганларидек фарзанди Ибодатхон олима мамлакатимиз илм уммонида ўз улуши билан иштирок этмоқда.



Эшқурбон Абдуллаев
(1941-2013)

1941 йилда Узун туманидаги Жончекка қишлоқ кенгашига қарашли В.Очилдиев номли колхозда дунёга келган. 1959 йилда ўрта мактабни, 1967 йили Бухоро давлат педагогика институти химия ва биология йўналишини тугатган.

1965 йилда “Туркистон усачи балиғи биологияси” номли мақоласи чоп этилган.

1980 йилда “Ўзбекистон сув ҳавзалари озукаси ва унда учрайдиган овланадиган балиқлар озукаси” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилган.

Мавзуга оид 50 дан ортиқ мақолалар, 2 та услубий қўлланма муаллифи бўлган. “Леш балиғининг биологияси ва озиқланиши”, “Зоғора балиғи биологияси ва озиқланиши” каби қатор қўлланмалари шулар жумласига киради.

1989 йилда меҳнат фахрийси нишони билан мукофотланган. 1990-2012 йиллар психология кафедраси катта ўқитувчиси, тайёрлов бўлимининг мудир, сиртки бўлим проректори, сиртки факультет декани, Экология кафедраси доценти. кафедрани профессори лавозимларида ишлаган.



Ҳаким Шосайдов
(1942-2013)

1942 йилда Дехқонобод туманидаги Дўконхона қишлоғида туғилган. 1961 йилда Дехқонобод туманидаги Папанин номли ўрта мактабни, 1966 йилда Самарқанд давлат университетини муваффақиятли тугатган.

Мактабдаги фаолияти давомида илмий иш қилиш учун материаллар тўплаб, илмий мақолалар ёзди. “Областни

ўрганишга оид комплекс ишлар”, “Табиий географияни ўрганишда бадиий адабиётлардан фойдаланишнинг айрим масалалари” номли мақолалари шулар жумласидандир.

1995 йил “Ўзбекистонда узум етиштириш ва қайта ишлашнинг ҳудудий системалари” (Сурхондарё вилояти мисолида) мавзудаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимнинг “Сурилма” (1998), “Жанубий Ўзбекистон агросаноат комплексида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг айрим масалалари” (1998), “Агросаноат комплексида маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлашнинг ҳудудий бир бутунлигини таъминлаш масалалари” (1990), “Узум етиштириш ва қайта ишлашнинг ҳудудий системалари” (1991), “Ўзбекистоннинг лалмикор ҳудудларида узум етиштиришнинг айрим масалалари” (1993), “Сурхондарё вилоятида узум етиштириш ва унинг истикболлари” (1993), “Сурхондарё вилоятида узум етиштириш ва қайта ишлашнинг ҳудудий системалари” (1994), “Жанубий Ўзбекистонда узум етиштириш экологияси” (1995) каби 20 дан ортиқ илмий мақолалари ҳамда 2 та услубий қўлланмаси чоп эттирилган.

Хорижда ва республикамизда уюштирилган бир қанча анжуманларда иштирок этган. 1990 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси География жамияти **III** съезди делегати, қатор республика илмий-назарий конференциялар қатнашчиси эди.



Курбон Омонтурдиев (1940-2014)

1940 йил 20 февралда Бойсун туманининг Мачай қишлоғида таввалуд топган. 1959 йилда Шу тумандаги 1-сон ўрта мактабни, 1965 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти табиёт-география факультетининг биология ва қишлоқ хўжалиги асослари бўлимини тугатди.

Қ.Омонтурдиевнинг меҳнатларини ҳисобга олиниб, 1979 йилда “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланди. 1979 йил “Алқор биологияси ва уни маданийлаштириш” мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

«Сурхондарё шароитида сосна ўстириш», «Алқор ўстириш ва ундаги фойдали истикболлар», «Барг мавзусини проблемали метод асосида ўтиш» деган мавзуда ёритилган илмий тадқиқотлари, «Алқор ва унинг номланиши», «Алқорда эфир мойининг тўпланиши», «Алқор зараркундаси ва паразити», «Сурхондарё шароитида сано ўстириш истикболлари» каби 40 дан ортиқ мақолалари вилоят, республика матбуотида эълон қилинган.

1979-1984 йиллар давомида Термиз давлат педагогика институтининг табиёт факультети ботаника, химия ва қишлоқ хўжалиги асослари кафедрасининг ўқитувчиси, кафедранинг катта ўқитувчиси, декан ўринбосари ва декан вазифаларида узоқ йиллар ишлади. 1988 йил доцентлик, 2012 йилда Термиз давлат университети профессори унвонига эга бўлган.

Қадимий ва ҳамиша навқирон мамлакатимиз ҳақида ёзилган манбаларининг гувоҳлик беришича, воҳамиз ўзининг тенгсиз тарихи ва тарихий ёдгорликлари

билан қанчалик маълум ва машҳур бўлса, шу заминда яшаб ўтган фидойи инсонлари билан ҳам шунчалик машҳурдир. Ҳар бир ўтган аср ёки даврда қилган ишлари билан касбдошлари қалбида сақланиб қоладиган етук ва комил кишилар бўлади.

*Учиб кетди кўкда бир юлдуз,
Коинотда аза очилди.
Қара, кетди бир нафас қуёш,
Мунгайганча ой қалтиради.*

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг низоми қачон тасдиқланган?
2. Қачон давлат экологик экспертизаси ва экологик сертификатлаштириш ва меъёрлаштириш бўлимлари ташкил топган?
3. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш ҳайъат кенгашининг вазифалари нималардан иборат?
4. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш тизимлари ҳақида маълумот беринг.
5. Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тузилиши ҳақида маълумот беринг.
6. Таълим ва тарбия бўйича олиб борилиши лозим бўлган ишларни санаб ўтинг.
7. Термиз давлат университети ҳақида нималарни биласиз.

Семинар машғулотлари мавзулари

1. Узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини яратиш.
2. “Олам ва одам”, “Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси эъзозга муҳтож”, “Бир хат изидан”, “Оламни асрайлик”, “Ер ва инсон”, “Сув борки – ҳаёт бор” мавзусида семинарлар ёзинг.
3. “Менинг қишлоғим”, “Менинг маҳаллам”, “Сувли ер – гулзор, сувсиз ер – мазор”, “Мафтункор олам” мавзуларида телекўрсатув, радиоёшиттиришлари тайёрлаш ёки ўз маҳаллаларингизга суҳбатлар уюштиринг.
4. “Менинг устозларим”, “Устозлар изидан”, “Мен сизга ўхшагим келади, азиз устозим” каби мавзуларда семинар ёзинг.

Мустақил иш мавзулари

5. Морхўр изидан, Ўзбекистон кўрикхоналари, экотуризм масканлари, Сурхон давлат кўрикхонаси, Оқтепа табиат боғи каби ҳудудларга экскурсиялар ташкил этинг.
6. Сув омборлар уларнинг аҳамияти ва экологияси.
7. ТерДУ устозлари билан учрашувлар, суҳбатлар, илмий-ижодий кечалар ташкил қилинг.
8. Турли хил байрам тадбирларида катта авлод устозларни таклиф қилинг. Суҳбатлар уюштиринг.

3-МАВЗУ: АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

РЕЖА:

1. Атмосфера ҳавосининг бугунги ҳолати ва экологик муаммолари.
2. Тожикистон алюминий заводининг умумий тавсифи атроф-табиий муҳитга таъсири.

XIX асрдаёқ CO_2 нинг меъёрдан ортиб кетиши оқибатида қуёшнинг ердан қайтган нурларини атмосфера ҳавосида ушлаб қолиниши ва ер сиртини исиб бораётганлиги соҳа мутахассисларига маълум бўлган. Инсон демографияси ва фан-техника тараққиётининг илдам ривожланиши билан табиий яшаш воситаларига бўлган талаб ҳам шунча орта борди. Бу эса атмосфера ҳавосини турли хил модда, элементлар билан ифлосланишига сабаб бўлди.

- Швед кимёгари Аррениус 1896 йилдаёқ кўмирдан ёқилғи сифатида фойдаланиш оқибатида ҳавога чиқарилаётган карбонат ангидриди глобал исишга сабабчи бўлишини башорат қилди. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида Аррениуснинг бу башорати инobatга олинмасдан, атмосферадаги ортиқча CO_2 дунё океанига ютилади, деган тахмин ҳукмронлик қилиб келди.

- Энг сўнгги илмий тадқиқот натижаларига кўра, ҳаво ҳарорати XX асрда шимолий ярим шарда сўнгги минг йилликда энг кучлиси ҳисобланиб, энг иссиқ, ўн йиллиги сўнгги 15 йилга тўғри келди (1985-2000).

- Уларнинг ичида энг иссиқ йил 1998 йил бўлди. 1998 йилнинг ўзида рўй берган табиий офатлар 80-йиллар мобайнида юз берган барча табиий офатлардан кўпроқ талофат келтирди.

- Саноат ишлаб чиқариши салмоғининг кескин ортиши туфайли XX асрнинг 2-ярмида (1950-2000 й.й.) карбонат ангидрид ажралиб чиқиши тўрт баробар кўпайди, дунё қитъаларида ёғадиган ёғингарчилик миқдори 1% га кўпайди, денгиз сувларининг ўртача сатҳи 10-15 сантиметрга кўтарилди, 2100 йилга бориб 95 сантиметргача кўтарилиши башорат қилинмоқда, сўнгги 100 йилда иқлимнинг глобал исиши оқибатида жаҳонда ер юзининг ўртача ҳарорати фаренгейт бўйича $0,6-1,2^0$ да исийди (БМТнинг “Минг йиллик” маърузасидан).

1992 йилдаги БМТнинг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги конвенцияси ва унга 1997 йилда Киотода қабул қилинган протоколи, жаҳон давлатларининг мазкур муаммони бартараф этиш учун ўзаро тузилган сулҳлари бунга бир мисолдир. БМТ раҳнамолигида қабул қилинган, ушбу масалага бағишланган яна бир қатор ҳужжатларга қуйидагиларни қўшиш мумкин:

- океанларнинг ифлосланиши;
- қурғоқ ерларнинг таназзули;
- озон қатламига етказилган зарар;
- биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши тўғрисидаги шартномалар ва ҳоказолар.

Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенция эътиборни ғоят долзарб муаммога, бизнинг қуёш энергиясини сайёрамиз атмосфераси билан ўзаро таъсир усулини

ўзгартираётганлигимизга, атмосферанинг йўқолиб бораётганига эътиборимизни қаратдик. Айтиш билан биз ерда иқлимнинг ўзгариш хавфини келтириб чиқармоқдамиз. Натижада эса ер юзи ҳароратининг кўтарилиши ва бутун жаҳон бўйича одатдаги ўрганилган об-ҳаво шароитининг ўзгариши каби оқибатлар келиб чиқади, яъни:

1. Глобал иссиқ оқибатида Антарктидада йирик музлар парчаланмоқда, (ТВ маълумотларига кўра 2008 й. 20-XII). Сўнгги уч йилда 2 триллион тонна музлар эриши натижасида, океан сув сатҳи ярим сантиметрга кўтарилган.

2. Глобал иссиқ юқумли касалликлар тарқалиш хавфини туғдирмоқда.

3. Биологик хилма-хилликнинг жуда тез нобуд бўлиши глобал иссиқ билан боғлиқдир.

4. Пўртана кучи океан сувлари ҳароратининг ортиши билан кучаяди ва ҳоказолар. Кавказ, Ўрта Осиё, Ғарбий ва Жанубий Европада кузатилган (1985-2000 й.й.) сув тошқинлари сўнгги юз йилда умуман кузатилмаган эди. 2003 йилда Европа мамлакатларида юз берган жазирама иссиқ, Ҳиндистондаги қурғоқчилик изидан сув тошқинлари инсониятнинг онгли тарихига хос бўлмаган ҳодисалардир. Иқлим – бу атмосфера ҳавосининг йиллар давомида ўзгаришидир. Бугун бу ҳеч кимга сир эмас, чунки у аллақачон фаразлар ёки илмий мунозаралардан ҳақиқатга айланиб улгурган бош мавзудир. Бунга ойнадан ташқарига бир қараб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Асрлар туташ келган паллада инсоният глобал антропоген иссиқ ҳодисасига дуч келди. Оқибатда, она сайёранинг барча минтақаларида иқлим билан боғлиқ бўлган сув тошқинлари, қурғоқчилик, жазирама иссиқлар, кескин совишлар, довуллар ва ҳоказолар кузатилмоқда. Инсоният ўз фаолияти туфайли тўсатдан иқлимнинг кескин ўзгариш бўсағасига дуч келди. Афсуски, бу офатлар олдиндан режалаштирилмаган, шу сабабли ҳам бошқарилиши қийин бўлиб, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин. Буни сезмаслик ёки қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир.

Сурхондарё вилоятида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ечими топилмаган муаммолардан бири бу Тожикистон алюминий ишлаб чиқариш заводининг атмосфера ҳавосига зарарли ташламаларининг вилоят шимолий туманлари ҳудудлари табиатига етказётган салбий таъсири оқибатида келиб чиқаётган кулфатлари, шаҳар ва аҳоли пунктлари ва магистрал автомобил йўлларида қўзғалувчи манбалар ҳисобланган автомобил ва бошқа механизмларнинг ҳаракати туфайли ёқилғи мойлаш маҳсулотларининг ёнишидан ҳосил бўладиган захарли газлар (бир енгил автотранспорт ҳар минг километр масофани босиб ўтганда бир одамнинг бир йил давомида нафас олиши учун зарур бўлган кислородни йўқотиб углерод оксиди ва бошқа зарарли газларга айлантиради), саноат иншоотлари, шу жумладан, пахта тозалаш ва асфальт ишлаб чиқариш заводлари, Денов ёғ-мой ишлаб чиқариш заводи, Шўрчи ун комбинати, чанг-тўзон олиб келувчи «Афғон» шамоли ва иссиқ гармселлар атроф-муҳитнинг экологик ҳолати, аҳоли саломатлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайиши ва сифатининг ёмонлашуви, чорвачилик ва пиллачиликнинг инқирозга учрашишига сабаб бўлмоқда. Аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, вилоят иқтисодиётига

катта зарар келтирмоқда.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино «Агарда ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганда инсон 1000 йил умр кўриши мумкин», деб бир неча асрлар олдин фан, техника ҳамда саноат ривожланмаган бир даврда башорат қилиб кетган эди. Соғлом туғилган инсон организмнинг яшовчанлик қобилятини ҳозирги шароитда камида 110-120 йилга тенглигини ва шундан кейингина, организмда қариш жараёни бошланишини олимларимиз томонидан илмий ва амалий изланиш ва тадқиқотлар натижасида аниқлаганлар.

Афсуски, она сайёрамизда инсонларнинг ўртача ёши 70-80 йилдан нарига ўтмаяпти. Сабаб ер куррасида экологик ҳолатнинг кескин ёмонлашганлигидир. Ушбу муаммоларга тўхталиб, Люсс Баттан бундай деган эди: «Агар биз чангни йўқотмасак, чанг бизни йўқотади». Инсон яшаш учун нафас олиши орқали ҳар хил зарарли газ, чанг ва ғуборларни ютиши, инсон танасида модда алмашинуви жараёнларига салбий таъсир кўрсатиб умрининг қисқаришига сабаб бўлади. Табиий шароити меъёр доирасидаги иқлими мўтаъдил, ўртача бўлган мамлакатларда ва регионларда инсон умрининг давомийлиги юқорилигини (Кавказорти мамлакатлари ва бошқалар), иссиқ ва совуқ ўлкаларда аксинчалигини кўрамиз. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган мамлакатларда ҳам инсоннинг узок умр кўриш даражаси юқори эмас, жумладан Конго, Танзания каби мамлакатлар аҳолисининг ўртача умри 50 ёшдан ошмайди. Атмосфера ҳавоси таркиби 78-79% азот, 20-21% кислород, 1% бошқа турли хил кимёвий элемент ва моддалардан ташкил топган бўлиб, жумладан, карбонат ангидриднинг улуши 0,03% бўлиши керак эди. Ваҳоланки, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич дунё миқёсида 0,04% га етганлиги такрор-такрор эълон қилинмоқда. Агарда ушбу кўрсаткич 0,07% га етадиган бўлса, ер юзидаги кислород билан нафас олувчи барча тирик мавжудотлар заҳарланади. Вилоятда 215 та корхоналарнинг асосий фаолияти назоратга олинган бўлиб, 319 та манбалардан асбобий усулда таҳлил учун намуналар олиниб 5 та ингредиент бўйича доимий таҳлил ишлари олиб борилиб, уларнинг самарадорлиги кузатилиб борилади ва меъёрий талаб даражасидан паст кўрсаткичда фаолият юритаётган манбаларга нисбатан қонунларда белгиланган тартибда чоратадбирлар белгиланган.



Вилоят ҳудудида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи ташламаларнинг миқдори, олиб борилган мониторинг кузатувлари таҳлиллари ва ҳисоботларига кўра, йилдан йилга камайиб бормоқда. Бунга кўплаб саноат корхоналарида ёқилғи турларидан лойиҳада ва технологик жараёнларда белгиланган тартибда фойдаланиш, чанг-газ тозалаш ускуналарининг самарали ишлатилиши орқали эришилмоқда. Мисол учун, вилоят пахта тозалаш корхоналари илгари 500 минг тоннадан ортиқ пахтани, шу жумладан, ифлосланиш даражаси юқори бўлган пахтани қайта ишлаган бўлса, ҳозирги кунда 350-370 минг тонна пахтани қайта ишламоқда. Халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари ва аҳолининг автотранспорт ва бошқа механизмларда

ёқилғи-мойлаш маҳсулотларидан фойдаланиш ҳажмининг кескин камайганлиги, пестицидлар ўрнига ўсимлик зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашишда биоусул билан курашиш йўлга қўйилганлиги, газ-чанг тозалаш ускуналарининг иш самарадорлигини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш ҳисобига камайиши кузатилмоқда. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва унинг атроф-муҳитга салбий таъсири чегара билмайди. Бир ҳудудда юзага келган экологик муаммолар атмосфера ҳавоси орқали бошқа бир ҳудудга ўтказмай ушлаб қолиш имкониятлари ҳозирги кунда инсонлар томонидан ҳал этилмаган. Афғонистоннинг шимолий чўл ҳудудларидан кўтарилган чанг-тўзонларнинг «Афғон шамоли» ва гармселлар тариқасида вилоят жанубий ҳудудларига ёки мамлакатимиз чегараларидан 12 километр узоқликда жойлаштирилиб фаолият юритаётган ТожаЗ зарарли ташламалари мисолида кўришимиз мумкин.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори кўзгалувчи ва кўзгалмас манбалардан йилдан йилга камайиб борган.

Ҳозирги кунда вилоятнинг Сариосиё, Узун ҳамда Денов туманларида Тожикистон алюминий ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан боғлиқ бўлган экологик ҳолат кескинлигича сақланиб қолмоқда. Заводнинг экологик салбий таъсири доирасида бўлган 800 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда олдинги йилларда ва ҳозирги кунда чиқариб ташланаётган зарарли ташламалар, айниқса, фторли водород аҳоли саломатлигига, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига жиддий зарар етказмоқда.

2008-2016 йилларда вилоятда атмосфера ҳавосига зарарли ташламалар ташланишини динамикаси маълумотлари

4-жадвал

Ифлос.манбала р	Йиллар								
	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
кўзгалмас	7,3	7,8	88,3	8,1	111,0	88,2	44,8	3,7	33,6
кўзгалувчи	779,9	71,4	777,2	82,7	774,0	554,1	553,3	67,1	444,0
Жами	887,2	79,2	885,5	90,8	885,0	662,3	558,1	70,8	447,6



Тоҷикистон алюминий заводининг атроф-муҳитга таъсири

1994 йил 17 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Тоҷикистон Республикалари ҳукуматларининг “Тоҷикистон алюминий ишлаб чиқариш заводи салбий таъсир ҳудудидаги экологик муҳит ҳолатини яхшилаш бўйича ўзаро ҳукуматлараро ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битими имзоланиб экологик кескинликни юмшатиш бўйича айрим ишлар қилинганлигига қарамай, ҳозирги кунгача кутилган натижаларга эришилмади.

Бундан ташқари, Тоҷикистон алюминий ишлаб чиқариш заводи томонидан молиялаштирилиши лозим бўлган алюминий заводининг “1996-2000 йилларда экологик ҳолатни яхшилаш бўйича бажарилиши режалаштирилган техник ва илмий изланишлар олиб бориш дастури”нинг Тоҷикистон ҳукуматига боғлиқ бўлган бандлари ҳозирги кунгача бажарилмади.

Жумладан:

- ўзаро келишув битим доираси 5-бандида кўзда тутилган вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов туманлари аҳолиси ва атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаган.

- иссиқ иқлим шароитларда завод зарарли ташламаларининг санитар-гигиеник, экологик меъёр ҳамда иқтисодий зарарларни аниқлаш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишлари молиялаштирилмаган;

- атмосфера ҳавосининг ҳолатини автоматик назорат қилиш тизимлари тадбиқ этилмади;

- вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов туманлари салбий таъсир доирасига етказилган иқтисодий зарарлар қопланмади.

ТОҶИКИСТОН АЛЮМИНИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАВОДИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ

Завод эски Регар қишлоғининг ёнида қурилган бўлиб, йилига 517 минг тонна алюминий ишлаб чиқариш қувватига эга.

Завод биринчи алюминий маҳсулотини 1975 йилнинг 31 мартида ишлаб

чиқарган бўлса, 1978 йил январ ойида собиқ СССРда биринчи куйдирилган анод ишлаб чиқаришга эришган. 1981 йил январь ойида қуйма-прокат бўлимида биринчи катта ўлчамли қуймалар ишлаб чиқариш, 1980-1990 йилларда заводда алюминий маркасининг 8 хили ва силумин маркасининг 4 хили ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тожикистон алюминий ишлаб чиқариш заводи 1989 йилда 480 минг тонна алюминий ишлаб чиқарган бўлса, кенг жамоатчилик ва аҳолининг ҳақли талаблари асосида, заводнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватларини 50% га тушириши лозим эди. Аксинча, Тожикистон ҳукумати ушбу келишувларга амал қилмасдан, 2004-2007 йилларда алюминий ишлаб чиқаришни 58-67,7% гача камайтирди холос.

Тупроққа таъсири. Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри давлат қўмитаси Агрокимё ва тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари натижаларига кўра, завод ташламаларининг тупроқ қатлами ва ўсимликларнинг ифлосланиш даражасига қараб 4 та ҳудудга бўлишимиз мумкин:

1-ҳудуд – Сариосиё тумани (ТожаЗдан 40 км радиусда): тупроқ қатламида сувда эрийдиган фтор микдори 1,5 ПДК атрофида бўлиб, тупроқнинг 60 см чуқурлигигача фтор бирикмалари билан ифлосланган. Бундан ташқари, тупроқда фторли водороднинг жадал тўпланиш жараёни кузатилди. Ҳайдалма ер қатламида тупроқ ҳосил қилувчи жинсларнинг фтор бирикмаларига нисбати К.2-3 га тенг бўлади.

2-ҳудуд – ТожаЗ дан 40-60 км радиусда. Бу ҳудудда тупроқнинг фтор бирикмалари билан ифлосланиши ПДК меъёрида. Лекин ҳайдалма қатламда фтор бирикмаларининг жадал йиғилиш жараёнлари аниқланган бўлиб К.3 га тенг.

3-ҳудуд – ТожаЗ дан 60-90 км радиусда. Ҳайдалма тупроқ қатламида сувда эрийдиган фтор ПДК кўрсаткичидан кичик. Ҳайдалма қатламда фтор бирикмаларининг жадал йиғилиши кучсиз бўлиб К.1 га тенг бўлади.

4-ҳудуд – ТожаЗдан 100 км ва ундан ортиқ радиусда. Завод ташламаларидан тупроқ таркибида заҳарли фтор билан ифлосланиши қайд этилмайди.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тупроқ таркибида сувда эрийдиган фтор бирикмаларининг мавжудлиги тупроқ таркибида юз берадиган физико-кимёвий ва биологик жараёнларига сабаб бўлади. Жумладан:

-суғориладиган тупроқда дегумификация жараёнининг ошишига сабаб

бўлувчи органик моддаларнинг эрувчанлигини оширади;

-тупрокнинг биологик активлиги ва муайян оксидланиш-тикланиш жараёни пасаяди;

-тупроқ таркибидаги микрофлора таркибининг сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатади;

-тупроқда синтезланиш ва минераллашиш жараёнлари мувозанати бузилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри қўмитаси Агрокимё ва тупроқшунослик илмий тадқиқот институтининг изланишлари натижаларига кўра, ТожаЗ фаолиятига боғлиқ бўлган, ландшафтларнинг яшаш қобилятини аниқловчи, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳитининг сифати ёмонлашувига олиб келувчи трофик занжир инсон-ҳайвонот-ўсимлик-тупроқ-сув-ёки ҳаво экологик функцияларининг бузилишига олиб келувчи техноген ифлосланишларга тўғридан-тўғри боғлиқлигини кўрсатади. Хусусан, ушбу алюминий завод таъсирига тушган Сариосиё ҳамда Узун туманларида ипак қурти боқиш давлат режасидан чиқиб кетганига деярли чорак асрдан ошган бўлса, сўнгги 10 йилликда узумчиликда етиштириладиган ҳосил салмоғи 1990 йилларга нисбатан 3 баробарга камайган.



Аҳоли саломатлигига таъсири. Тожикистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тожикистон илмий изланиш профилактик медицина (НИИ) институти 1994 йилдан бошлаб

Турсунзода туманида ТожаЗ салбий таъсир ҳудудида сувда эрувчи фтор ташламалари мавжуд бўлган ҳудудларда аҳоли саломатлиги аҳволини



ўрганиб чиқди. Ўзбекистон ҳамда Тожикистон мутахассисларининг аҳолининг саломатлигини ўрганиш бўйича изланишлари бир-бирига мос келади. Барча ҳолатларда изланишлар олиб борилган ҳудудларда аҳолининг қон ва қон

айланиш, эндокрин тизимлар, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш органлари ва бошқа касалликлар бўйича соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат қилиш миқдори ва такрорланиши бошқа ҳудудларга нисбатан бир неча маротаба ошган. Икки республика ТожаЗ атрофида янги туғилган чақалоқларнинг аномал (нормадан четга чиқиш) ривожланиши Сариосиё туманида (1,8 марта) ва Турсунзода туманида (1,6 марта) назорат туманларига нисбатан юқори бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, ўрганилган туманларда стоматологик касалликлар таҳлили, фторли водороднинг токсик таъсирида ўзига хос намоён ҳисобланадиган флюороз, оғиз бўшлиғи (жағ-тиш касалликлари) емирилиши каби касалликларининг юқори даражадалигини кўрсатди. Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тожик илмий изланиш профилактик медицина (НИИ) институти Турсунзода туманида флюороз ва перодонтоз, кариес билан касалланишларнинг нисбатан юқори даражадалигини қайд этишди. Болаларда флюороз касаллиги билан касалланишнинг тарқалиши

қишлоқларнинг заводдан узоқлашишига қараб, 46 фоиздан 16,1 фоизгача ўзгариши аниқланди.

Ҳар бир туманнинг даволаш профилактик муассасаларининг олдинги таҳлил махсус статистик ҳисоботлари ТожаЗга чегарадош ҳудудларда аҳолининг овқат ҳазм қилиш, эндокрин системалари касалликлари, қон айланиш органлари ва қон касалликлари, хроник бронхит, юқори нафас олиш йўллари касалликлари билан шифокорларга мурожаат қилганлиги қайд этилган.

Худди шундай ҳолат билан Сурхондарё вилоятида яшовчи аҳолининг тиббиёт муассасаларга мурожаатлари ҳам кузатилган.

Ҳайвонларнинг касалланиши. Ўзбекистон Республикаси Ветеренария илмий тадқиқод институти олимларининг ТожаЗ атроф-муҳитга зарарли ташламаларининг қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари организмига салбий таъсири даражасини баҳолаш ишлари бўйича олиб борган тадқиқодларга кўра, Сариосиё тумани хўжаликларида жами 1361 бош 4-8 ёшдаги сигирлар кўрикдан ўтказилганда, уларнинг аксарияти флюороз касаллиги билан сурункали захарланиш характериға эға бўлган клиник белгилар аниқланган.




Рис -17
Задержание последа, лордоз, сколиоз,
рахит молодняка,
как осложнение остео дистрофии, остеопороза,
остеомаляций и флюороза



Рис -9
На снимке наблюдается сразу три этапа флюороза,
покраснение и кровотечение десен .

Тишларида эмал қобиғининг жигар-қора рангға кириши (пигментацияланиши), сийқаланиши, ликқиллаши, милклардан қон оқиши жараёнлари кузатилди. Айрим ҳайвонларда дум умуртқаларининг юмшаб қолиши, дум бўғинларининг шикастланиши, ориқлаб кетиши ҳолатлари кузатилди. Шунингдек, флюороздан ташқари, ҳайвонларнинг ҳимоя (иммунитет) турли бактериологик ва вирусга қарши курашиш имкониятлари кескин пасайиб кетган деган хулосаға келдилар.

Ушбу тадқиқодлар натижалари гувоҳлик беришича, айти касалликларнинг бош сабабчиси ҳайвонлар танасидаги фтор бирикмаларининг белгиланган миқдордан бир неча бор юқори эканлидан далолат беради. Шу каби қон таркибида фторнинг ортиб бориши ҳайвон танасида кальций элементининг кескин камайиб, қон таркибининг бузилишиға сабаб бўлади.

**2000-2015 йилларда Сариосиё туманида йирик шохли молларининг
флюороз касаллиги билан касалланиш динамикаси**

5-жадвал

5	4	3	2	1	Йиллар											
					Номин											
фоизларда	Тишлари яроқсиз	Флюороз билан касаланган	Шундан: текширилгани	Хайвонлар умумий сони												
29,5	70	605	2044	3014											2000	
29,9	100	544	1814	3840											2001	
31,1	85	605	1940	4000											2002	
31,4	485	670	2133	4123											2003	
32,0	460	550	1716	4400											2004	
32,9	240	540	1638	4200											2005	
33,0	100	213	645	4010											2006	
33,2	240	900	2710	4300											2007	
33,3	157	139	930	3110											2008	
36	157	139	930	2583											2009	
40,3	386	182	1304	3235											2010	
49,6	394	162	1311	2643											2011	
54,3	386	112	1342	2471											2012	
58,6	143	504	1515	2585											2013	
62,4	148	546	1646	2637											2014	
77,5	171	164	1254	1618											2015	

Сариосиё туманида йирик шохли ҳайвонларда кальций ва фосфор, модда алмашинуви динамикаси

6-жадвал

№ т/р	Номи	Йиллар									
		2010	2011	2012	2013	2014					
1	Хайвонлар умумий сони	2643	2471	2585	2637	2638					
2	Шундан текширилгани	317	296	310	316	316					
3	9,5-13,1 меъёрга нисбатан	12,8	11,2	9,3	8,8	8,1					
4	4,2-6,5 меъёрга нисбатан	6,3	5,0	4,3	4,0	3,1					

Ўсимликлар дунёсига таъсири. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти илмий ишлаб чиқариш марказининг олиб борган тадқиқотларига кўра, ТожАЗ ҳудудида табиий флора таркиби ўрганиб чиқилиб, 184 тур гулли 35 оилага мансуб 124 тур ўсимликларнинг сўнгги 10 йил ичида 70 тури чидамли бўлиб қолганлари айтилган фтор билан зарарланган тупроқларда мослаша олмаганлиги қайд этилган.

Шунингдек, ТожАЗнинг зарарли ташламалари таъсир доирасида бўлган ўрик, узум, чинор, тут, хурмо, олма ва анорларнинг меваси ва баргида морфологик ўзгариш аломатлари аниқланган. Айниқса, узум баргида шикастланиш ҳолати жуда юқори даражада кузатилиб, барг қизғиш ранга кириб кейин қуриб қолган.

Шикастланган тут баргини истемол қилган ипак қурти 5-уйқу даври 8 кун бўлиш ўрнига 15 кунга чўзилган ипак қуртларининг 30% и касалланиш оқибатида ҳалок бўлган. Назорат кўрсаткичларига кўра, булғор қалампири, ёввойи арпа, помидор барглари ва поясида цистин-цистиен миқдори 25-35 фоизга камайган. Фенол бирикмалар (хлороген кислотаси, кверцитин ва флавоноидлар) пахта чигитида, помидор, булғор қалампири, маккажўхорида назорат кўрсаткичларига нисбатан 15-20 фоизга кам бўлиши аниқланган.

Шундай қилиб, фторнинг турли бирикмаларининг ўсимликлар нафас олиш даражаси, фотосинтез, асосий ферментларнинг бир катор активлигини, ўсимлик ҳужайраларида метобализмнинг қўллаб томонлари ҳолатига, яъни минерал алмашинуви жараёнларига таъсир қилиб фақат ўсишига эмас, унинг ривожланиши ва ҳосилдорлигининг пасайишига ҳам сабаб бўлади.

ТожАЗ зарарли ташламаларининг вилоят шимолий ҳудудларига келиб ёғилиши ўтириб қолиши оқибатида атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув, ўсимлик таркибида жойлаштирилиши ва ўзлаштирилиши экологик ҳолатнинг ушбу ҳудудларда таранглашувига олиб келмоқда.

Экологик ҳолатни барқарорлаштириш Тожикистон ҳукумати ва ТожАЗ маъмуриятининг астойдил хатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб, экологик танглик муаммоларини ҳал этиш учун Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буюртмаси асосида Ўзгидрометга қарашли Гидрометеорология илмий тадқиқот институти томонидан фторли водород ва бошқа заҳарли

ташламаларининг ўсимликлар учун ишлаб чиқилган меъёрлари Сурхондарё шароитида қайта кўриб чиқилди ва янги меъёрлари белгиланди.

Назорат саволлари

1. Энг сўнгги иссиқли давр қайси йилларга тўғри келади?
2. Ҳаво ҳароратининг бунчалик тез исиб боришига нима сабаб?
3. Киото протоколи нима? Унга етарлича изоҳ беринг.
4. Сурхондарё вилояти атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга изоҳ беринг.
5. Абу Али ибн Сино ва Люсс Баттонларни атмосфера ҳақидаги ҳикматларини айтиб беринг.
6. Алюминий заводи ҳақида нималар биласиз?
7. Завод чиқиндиларининг кимёвий таркиби ҳақида маълумот беринг.
8. Завод чиқиндиларининг тупроққа, сувга, ҳавога, инсонга, ҳайвонга, ўсимликка таъсири нималардан иборат?
- 9.

Семинар мавзулари

1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи омиллар.
2. Тожикистон алюминий заводининг атроф-муҳитга таъсири.
3. Алюминий заводининг ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламига таъсири.
4. Алюминий заводининг сув ва ер ресурсларига таъсири.
5. Алюминий заводини инсон саломатлигига таъсири.

Мустақил иш мавзулари

1. Глобал иссиқ муаммоларини келиб чиқиш сабаблари.
2. Иссиқхона (парник) эффекти нима ва унинг оқибатлари.
3. Шаҳарларда яшил ҳудудлар ташкил этишнинг экологик моҳияти.
4. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари.
5. Кислотали ёмғирлар ҳақида реферат ёзинг.
6. Атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олиш борасидаги сизни тарғибот-ташвиқот дастурларингиз нималардан иборат?

4-МАВЗУ. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

РЕЖА:

1. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш.
2. Ер ости сувлари конлари.

Ер усти сувлари. Сув бутун тирик организмларнинг яратувчисидир. Буни дунёвий диний илмлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Қуръони Каримда «Биз тирикликни сувда яратдик» деб зикр қилинади. Сув инсон организмнинг 65-70% ини, ўсимликлар таркибининг 50-99% ини ташкил этади. Башариат оламининг тўртдан уч қисми сувдан ташкил топган бўлиб, унинг 92-96% и

океанларда 1,73% и абадий музликларда 1,70% и ер ости чучук сув захираларидан иборатдир. БМТ берган маълумотларга кўра, сайёрамизнинг 1 млрд. дан ортиқ аҳолиси тоза ичимлик сув танқислиги, 60-65% и эса тоза ичимлик сув билан етарлича таъминланмаган шароитда яшайди. Шунини очик эътироф этиш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ер юзиди инсониятнинг кескин кўпайиши, фан-техника тараққиёти, саноатнинг чиқитсиз технологияга ўтмаганлиги оқибатида кундан-кунга тоза ичимлик суви муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Бугунги кунда сувнинг ифлосланишига сабабчи бўлган асосий соҳалар қуйидагилардан иборат:

1. Саноат корхоналари.
2. Маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари.
3. Рудали ва рудасиз қазилма бойликлари корхоналари.
4. Шахта нефть кон тармоқлари.
5. Шаҳарлар ва қишлоқ хўжалиги.
6. Кимё саноати.
7. Ёғоч тайёрлаш ёки ёғоч оқизиш хўжаликлари.
8. Чорвачилик, паррандачилик, чўқачилик тармоқлари.
9. Электр станциялари ва сув транспорт тармоқлари ва хоказолар.

Сайёрамизда тоза ичимлик суви муаммосига тўхталиб, Г.Либман бундай деган эди: «Сайёрамизда кишиларнинг саломат қолишлари учун техника мўъжизалари эмас, балки ичиш учун яроқли тоза сувнинг ўзи кифоядир». Бугунги авлод сувга нисбатан бефарқ қараб, жуда катта исрофгарчиликка йўл қўймоқда. Масалан, 1914 йилда Москвада жон бошига 1 кеча кундузда ўртача 60 литр сув сарфланган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 600 литрни, Лондон, Копенгагенда 250 литрни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби, ёз ойларида хонадонларимизни салқинлатиш учун сув жўмракларини очиб қўямиз, томорқаларимизни ичимлик суви билан суғораямиз ва хоказо. Афсуски, бугун 5,5-6 млн. аҳоли яшайдиган Гонконг чучук сувни махсус қувурлар орқали Хитойдан олади. Агар чучук сувга нисбатан бугунги кун даражасида эътиборсиз бўлсак, яқин 10 йилликда «Сув таназзули» бошланишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Вилоят ҳудудида табиий-географик, гидрогеологик, иқлим ва бошқа шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ер усти сувларининг ифлосланиши саноат ва йирик ишлаб чиқариш иншоотларидан оқизиладиган ифлосланган оқова сувларнинг миқдорига унчалик боғлиқ эмаслиги, яъни оқова сувларни қабул қилувчи сув манбаларининг сифатига салбий таъсири сезиларли эмаслигини кўрамиз.

Вилоятда жами суғорилиши мумкин бўлган ер майдонлари миқдорини ҳозирги кундаги 330 минг гектардан 480 минг гектаргача кўпайтириш имкониятлари мавжуд. 2018 йил 1 январ ҳолатига 330,0 минг гектари суғориладиган, шу жумладан, 288 минг гектар экин экиладиган майдонлари мавжуд. Аҳолининг томорқа ерлари ҳозирги кунда 61,4 минг гектарни ташкил этиб, шундан 42,3 минг гектарига экин экилади, 9,12 минг гектари боғ ва бошқа мева дарахтлардир. Иморот ва қурилишлар билан банд бўлган майдонлар 10 минг гектарни ташкил этиб, ушбу ерларнинг 2,0 минг гектарининг мелиоратив

ҳолати ёмонлашган ҳамда 2,22 минг гектари сув таъминоти мавжуд бўлмаган томорқалар сирасига киради.

Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжи асосий сув манбалари ҳисобланган Тўпаланг, Қоратоғ, Сурхон, Сангардак, Олтинсой, Шеробод, Обизаранг, Кофирниҳон дарёлари мавжуд бўлиб, сув тақчиллигини бартараф этиш учун насос кўтармалари орқали, қисман Амударё сувидан олинадиган қўшимча сувлар, ер ости сувлари ва қўшни Тожикистон Республикасидан сув олишга мўлжалланган «Ҳисор» канали орқали таъминланади.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги аграр йўналишда бўлганлиги сабабли, унинг иқтисодиётини ривожлантиришда ер-сув захиралари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, суғориладиган ер фонди, суғоришга ишлатиладиган сув миқдори билан лимитланган. Вилоятда суғориладиган ер майдонлари вилоят умумий ер майдонининг 14 фоизини ташкил этган ҳолда, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 96 фоизидан ошиғини етиштириб беради. Воҳамизда қўшимча ўзлаштирилиши мумкин бўлган 100 минг гектардан ортиқ майдонлар ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш учун яроқли эканлигини эътиборга олсак, вилоятда суғориладиган ер майдонларини 450-480 минг гектарга етказиш имконияти мавжуд. Бу ерлар, асосан, вилоятнинг «Юқори тибит» массивида 25,0 минг гектардан ортиқ, Кўхитанг ширкат хўжалиги «Пошхурт» ботиғида 12,0 минг гектар, Каттақум массивида 22,0 минг гектардан ортиқ, Қорақир массивида 4 минг гектарга яқин, «Хотинробот» массивида 10 минг гектардан ортиқ, Ховдак массивида 22 минг гектар ва бошқалар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилиши мумкин бўлган майдонлар мавжуд бўлса-да, сув захираларининг етишмаслиги, янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун маблағлар етишмаслиги муаммолари мавжудлиги сабабли, суғориладиган майдонлар ҳажмини кенгайтириш учун ҳозирги кунда имкониятларга эга эмасмиз.

Вилоят халқ хўжалиги иншоотларининг сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун амалдаги ирригация тизимларининг сувдан фойдаланиш коэффиценти билан ҳисоблаганда 4,5-5,0 млрд м^3 сув талаб этилади ва қўшимча сувга бўлган талаб Амударёдан насос кўтармалари орқали транзит йўли билан олинадиган сув манбаларидан қопланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир тоннасини, жумладан: буғдой етиштириш учун – 1500 м^3 , шולי етиштириш учун – 4000 м^3 , пахта етиштириш учун 3000 м^3 сув талаб этилади. Суғориш тизимларининг сувдан фойдаланиш коэффиценти 0,7-0,8 ва ундан пастлигини эътиборга оладиган бўлсак, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ўта зарур эканлигини англаш қийин эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, олинаётган сув ресурсларининг ярмидан кўпини фойдаланмасдан самарасиз йўқотмоқдамиз. Сув ресурсларидан имкон қадар унумли фойдаланиш ва йўқотишлар салмоғини камайтириш учун комплекс тадбирларни амалга оширишга тўғри келади ва бунинг учун барчамиздан биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун талабларига

юримдик ва жисмоний шахсларнинг оғишмай амал қилишларига эришмоғимиз лозим. Чунки суғориш учун етказиб берилаётган сув вилоят иқтисодиёти ривожланиши учун зарур бўлган асосий маблағларнинг электр энергия, гидротехник иншоотлар, насос қурилмаларида ҳар йили амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, реконструкция қилиш, магистрал канал ва зовурларни механик тозалаш ҳамда эксплуатация харажатларига сарф қилиниши эвазига таъминланмоқда.

Вилоят ҳудуди сув ресурсларининг таъминланиши кўрсаткичи бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг бир хил тақсимланмаганлигини кўрамиз. Шимолий ҳудудларда жойлашган Узун, Сариосиё, Денов туманлари суғориладиган майдонларида сув таъминоти «Тўпаланг», «Сангардак», «Қоратоғ» ва бошқа дарёларнинг серсувлиги сабабли, сув танқислиги муаммолари ўз ечимини топган бўлса, вилоятнинг бошқа туманларида нисбатан етарли эмас ва сув таъминотини яхшилаш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш лозим.

Вилоят миқёсида ҳозирги кунда фойдаланилиб келинаётган умумий сув сифими 1,23 млрд м³ бўлган 5 та сув омборлари мавжуд. Улар қуйидагилардир: «Жанубий Сурхон» сув омбори (810 млн м³), «Оқтепа» сув омбори (100 млн.м³), Тўпаланг сув омбори (100 млн.м³), «Учқизил» сув омбори (180 млн.м³), «Намуна-Дегрез» (12 млн.м³) сув омбори. Ҳозирги кунда лойиҳа қуввати 12 млн.м³ сифимига эга бўлган Хангарансой сел ва тошқин сувларини тўплаб қолувчи сув омбори қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда. Вилоятда суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Жарқўрғон туманидаги «Оқтепа» ҳамда Сариосиё туманидаги «Тўпаланг» сув омбори қурилишларининг кейинги босқичларини амалга ошириш ва ҳар бирининг сув сифимини 500 млн.м³ га етказиш вазифалари турибди.

Сурхондарё вилоятидаги сув омборлари ҳақида маълумот

7-жадвал

№	Сув омборлар номи	Лойиҳа вий ҳажм млн.м ³	Амалдаг и сув ҳажми млн.м ³	Шунда н фойдали сув ҳажми млн.м ³	Сув сатҳи юзаси км ²	Суғорилади ган майдон минг га
1	Жанубий-Сурхон	800	503	503	65	150,0
2	Тўпаланг	500	120	104	10,8	74,0
3	Учқизил	160	160	80	10	5,0
4	Оқтепа	120	80	80	11,5	27,0
5	Намуна-Дегрез	12,8	12,8	12,8	2,7	2,2
	Жами	1592,8	875,8	779,8	100	258,2

Вилоятнинг энг йирик сув омбори «Жанубий Сурхон» сув омбори бўлиб, 1967 йилда 800 млн.м³ лойиҳавий ҳажм билан ишга туширилган. Сув омборга лойиҳа бўйича йилига ўртача 6-7 млн.м³ лойқа ўтириши кўзда тутилган бўлса-

да, амалда баҳорги сел тошқин сувлари келиши ҳисобига 8-9 млн.м³ лойқа келиши кузатилмоқда.

“Тўпаланг” сув омборига 112,9 минг гектар суғориладиган майдон бириктирилган. Сув омбор орқали тоғдан келган сув миқдори 2019 йил давомида жами 2 млрд 40 млн.м³ ни ташкил этди. 2018 йилга нисбатан 645 млн/м³ кўп сув оқиб ўтган. Энг кўп сув гидрологик кўрсаткичлар асосида 1969 йил ва 2002 йилларда бўлиб, ўртача 460-615 м³/сек. гача сув оқиб келган. Сув омборининг лойиҳавий сув ҳажми 500 млн.м³, сув сатҳи нуқтасидан 965,00 м, тўғон баландлиги 185 м. ни ташкил этади. “Тўпаланг” сув омбори қурилиши 1982 йилда бошланган. Бугунги кунда тўғон баландлиги 122 м, тўғонга тўкилган тоғ жинслари 9,1 млн.м³ га бажарилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларини сув билан таъминлаш мақсадида «Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси» ва унинг таркибида фаолият юритаётган «Қоратоғ-Тўпаланг» магистрал, «Аму-Занг» ҳамда “Шеробод” машина магистрал каналлари ирригация тизимлари бошқармалари мавжуд бўлиб, улар таркибида «Аму-Занг», «Занг», «Ҳазарбоғ», «Қумқўрғон», «Оққапчиғай», «Шеробод», «Какайди», «Чилмироб», «Дайтўлак», «Жайхун», «Файзова», «Боботоғ», «Хидиршо», «Бўзариқ», «Хўжақия» каби умумий узунлиги 1600 километрдан ортиқ бўлган кўплаб йирик туман ҳамда хўжаликлараро магистрал каналлари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда фойдаланилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда халқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни доирасида вилоятда фаолият юритиб келган собиқ ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилганлиги сув хўжалиги ташкилотлари олдида улкан вазифалар юклаган ҳолда, сувдан фойдаланиш режаси асосида ҳар бир фермер хўжалигига шартнома асосида сув билан таъминлашни талаб этади. Сувдан фойдаланишда белгиланган лимитларга риоя қилиш, олинган сув ресурслари учун тўловлар тизимини ташкил этишдек экспериментал тажрибаларни ҳаётга татбиқ қилиш ишларини олиб бориш ва бир қанча ташкилий тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сизот сувларининг кўтарилиб кетиши ва тупроқ шўрланишининг олдини олиш бўйича «Аму Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси» таркибида вилоят гидрогеологик мелиоратив экспедицияси фаолият юритиб, унинг таркибида 1200 километрдан кўпроқ сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва оқова сувларининг оқиб кетишини таъминлайдиган Шеробод ва Музробод туманлари ҳудудидаги К-1, К-2, К-3 К-12, Қизирик ва Шеробод туманлари чегарасидан ўтувчи сув йиғиш тракти (ВСТ), Ангор туманидаги «Ангор», «Ғарбий», «Ўрдали», «Марказий», Бандихон туманидаги «Ўрдалисой», «Гидамсой», Денов туманидаги «Қорасув», «Андижонсой», Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманларидаги «Меҳнат – роҳат-1 ва 2»лар, «Марказий», Шўрчи туманидаги «Қоратепа», «Элбоёнсой», «Қармоқсой», «Жиндибулоқ» каби магистрал зовурлар, вертикал тик дренаж, ёпиқ горизонтал дренаж ва хўжалик ички зовурлари мавжуд.

Суғориладиган майдонлардан ҳосил бўладиган шартли тоза сув ҳисобланадиган оқова сувлар Сурхон, ВСТ, Бандихонсой, Олтинсой, Қизилсув

каби дарё ва сойларга оқизиблиб, минерализация миқдориға қараб, қайта суғориш мақсадларида фойдаланилади. Мисол тариқасида, майдони 10 минг гектарга яқин бўлган Денов-Юрчи ботқоқлигидаги (ДЮБ) ер ости сувларини йиғувчи коллекторлар жамламаси “Дайтўлак” каналининг бош қисми ҳисобланади ва 10 минг гектардан ошиб Денов ва Шўрчи туманларининг қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларининг сувга бўлган талабларини қондиради.

Юқорида қайд этилган очик, ёпиқ ҳамда вертикал дренаж тизимлари тармоқлари орқали вилоятдан ташқарига йилига ўртача 453-508 млн м³/йил, шу жумладан, 13-37 млн м³/йил вертикал дренажлардан минераллашган сувлар чиқарилади. 300-430 млн м³/йил оқова сувлар дарё ва сойларга оқизиблиб қайта суғориш мақсадларида фойдаланилади.

Ер ости сувлари кони – сонларнинг суратидаги олинган сувлар миқдори халқ хўжалигининг суғоришдан бошқа соҳаларининг сувга бўлган эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Вилоят ҳудудида ҳосил бўладиган сув манбаларининг сув оқими миқдори Қоратоғ, Амударё ҳамда Кофирниҳон дарёлари бўйича кўшни мамлакатлар ҳудудларида шаклланади. Қолган сув манбалари сув ҳажми эса вилоят ҳудудида ҳосил бўладиган, булоқ, ер ости сизот сувларининг ер юзасига оқиб чиқиши, ёғин, қорлар ҳисобига шаклланадиган сувлар ҳисобланади.

Амударёнинг Термиз шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи гидрометеорология маркази постидан олинган намуналар таҳлилларига кўра, сув ифлосланиши индекси 2014-2019 йилларда 0,63 дан 0,95 гача ўзгарувчан бўлиб, 2-класс ифлосланиш даражасини ташкил этди.

минг м³ дан ортиқ бўлган 27 та ифлослантирилган оқова сувларни тозалаш иншоотлари мавжуд бўлиб, энг йириклари тозалаш қуввати 22,5 минг м³. бўлган Термиз шаҳар ҳамда қуввати 20 минг м³ бўлган Денов шаҳар биологик сув тозалаш иншоотлари ҳисобланади. Қуввати 1700 м³/сутка бўлган Термиз гўшт-сут комбинатининг тозалаш иншооти корхона фаолият юритмаётганлиги сабабли, ишлатилмай келинмоқда. Денов ёғ-мой комбинатига қарашли, қуввати 0,4 минг м³/кун бўлган биологик сув тозалаш иншооти фаолияти тўхтатилиб, ҳозирги кунда оқова сувлар Денов шаҳар биологик сув тозалаш иншоотига шартнома асосида оқизилади.

Вилоятда бир кеча-кундузги умумий оқова сувларни тозалаш қуввати 60 Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аналитик назорати инспекциясининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги №111 сонли «Ўзбекистон Республикасида атроф-табiiй муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2-иловасига мувофиқ, оқова сувлардан олинган намуналар таҳлил натижаларига кўра, барча тозалаш иншоотларининг сув тозалаш самарадорлиги 0,4-0,65 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, 10 дан ортиқ корхона ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотларининг сув тозалаш миқдори кескин камайганлиги ёки фаолият юритмаётганлиги сабабли ишлатилмай келинмоқда.

Охирги 3 йилда халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қайта фойдаланиладиган сув таъминотининг миқдори ўртача 8 млн м³/йилни ташкил этиб, бу кўрсаткич

ўзгаришсиз қолмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё, сой, ва бошқа сув манбаларидан 2016-2018 йилларда халқ хўжалиги тармоқлари учун олинган сув миқдори ҳамда сув манбалари бўйича ўртача сув оқими маълумотлари

8-жадвал

т/р	Сув олиш манбалари	Жами сув оқиш миқдори/Шундан олинган сув миқдори млн/м3			Сув оқими шаклланиш ҳудуди
		2016	2017	2018	
1	Дашнобод	66,2/66,2	64,3/64,3	63/63	Вилоят ҳудуди*
2	Қоратоғ	111,5/111,5	105,2/105,2	101/101	Тожиқ.Респ.ҳудуди
3	Кофирниҳон	48,1	39,5	36	Тожиқ.Респ.ҳудуди
4	Сангардак:	88,3/88,3	95,2/95,2	92/92	Вилоят ҳудуди*
5	Тўпаланг:	889,5/889,6	835,2/835,2	816,3	Вилоят ҳудуди*
6	Хўжайпоқ:	43,3/43,3	44/44	38/38	Вилоят ҳудуди*
7	Сурхон	1608,2/1608,2	1462,7/1462,7	1483,9/1483,9	Вилоят ҳудуди**
8	Амударё	1278,8	1399,4	1546,4	Тожиқ.ҳамда Афғон.Респ.ҳуд.
9	Дайтулак	124,6/124,6	117,0/117,4	92/92	ДЮБ*
10	Шеробод	157,0/96	157,0/74,1	157/65,3	Вилоят ҳудуди**
11	Булоқлар	25,3/25,3	28,5/28,5	28,5/28,5	Вилоят ҳудуди
12	Зовурлар	350/18,8	350/3,87	350/18,3	Вилоят ҳудуди***
13	Ер ости	382/15,9	382/4,8	382/8,3	Ер ости сувлари қонлари
	Жами:	4414,5	4273,6	4389	Х

Эслатма: Вилоят ҳудуди**- суғориш учун олинган сувлардан ортиқчаси Сурхон дарёси сувларининг шаклланиши манбаси ҳисобланади;

Вилоят ҳудуди**-Ортиқча сувлар Амударёга ташланади;

Вилоят ҳудуди*** - Ортиқча сувлар Амударёга ташланади;

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг асосий ичимлик сув манбалари ер ости сувлари ташкил этиб, вилоят маркази Термиз шаҳри 2 та (Шимолий ҳамда Мангузар) сув олиш иншоотларидан, вилоятнинг Бандихон, Қизирик, Ангор, Шеробод туманлари аҳолиси Хўжайпоқ сув олиш ва тарқатиш тизимларидан таъминланади.

Вилоятда 12 та сув ишлаб чиқариш ва сотиш тизимлари мавжуд бўлиб, шундан 2 та шаҳар, 7 та шаҳар типдаги посёлкалар, 3 та идоровий сув ишлаб чиқариш ва сотиш корхоналаридир. Барча мавжуд сув тарқатиш тизимларининг фаолият юритиб келаётган қисми корхоналар умумий қувватининг 63 фоизини ташкил этмоқда.

Шаҳар ва туман марказлари ҳамда қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаш соҳасида айрим тадбирлар амалга оширилиб борилса-да, аҳолининг тоза ичимлик сув таъминоти билан қамраб олиниши кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолмоқда. Электр энергия таъминотидан бўлаётган узилишлар эса ҳолатнинг янада жиддийлашишига олиб келмоқда.

Аҳолини марказлашган ҳолда сув билан таъминлаш даражаси вилоят ҳудудида 41,6 фоизни, канализация тармоғи билан таъминланиши 4 фоизни

ташкил этади. 2015 йилда ўртача бир кишига олинаётган тоза ичимлик сувининг миқдори 333 м³/суткани ташкил этмоқда. Мониторинг натижаларига эътибор берсак, олинаётган тоза ичимлик сувларининг 10-15 фоизи сув тизимларининг носозлиги туфайли тизимларда йўқотилмоқда. Қолганлари эса тўғридан-тўғри беҳудага оқизилиши ёки ичимлик сувларидан ўз томорқаларини суғораётганлигини Термиз шаҳри мисолида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда вилоятда йирик ҳисобланган Термиз ҳамда Денов шаҳар сув тозалаш иншоотлари иш самарадорлиги 0,4-0,5 ни ташкил этмоқда. Электроэнергиядан бўладиган узилишлар, канализация тизимларига нефть маҳсулотларининг оқизилиши оқибатида иншоотларнинг технологик жараёнларида бузилишлар содир этилиб, ифлосланган оқова сувларнинг ҳеч қандай тозаланмасдан оқизилиши ҳолатлари кузатилаётган. Термиз шаҳар биологик оқова сувларни тозалаш иншооти аэротехникасининг ишлатилмаслиги, бир кунда икки ва ундан ортиқ 2 соатдан кўп кузатилаётган электроэнергия таъминотидаги узилишлар тозалаш иншоотининг ишлаши технологик жараёнининг ишдан чиқишига олиб келди ва ҳозирги кунда оқова сувлар тозаланмасдан Амударё қирғоқ бўйларига оқизилиб, кейин дарёга ташланмоқда. Шу сабабли, лойиҳа корхоналари ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда оқова сувларнинг дарё сувига салбий таъсири оқибатларини камайтириш мақсадида ва авария ҳолатлари юз берганда «Биопруд»лар хизматидан фойдаланиш учун таклифлар киритиб, амалга ошириш масалаларини ҳал этиш талаб этилади.

Ер ости сувлари. Сурхондарё вилоятида халқ хўжалиги соҳалари ва аҳолининг ичимлик сув билан таъминланишида, асосан, ер ости, булоқ, дарё ва сой, вилоят ҳудудий чегараларидан оқиб ўтувчи трансчегаравий дарёлар сувларидан фойдаланилади. Аҳолининг ичимлик мақсадларида фойдаланадиган суви, асосан, ер ости сувлари ҳисобланиб, бу сувлар аллювиал-проллювиал комплекси ҳозирги ва юқори тўртламчи қатламларида жойлашган.

Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида, асосан, 5 та ер ости чучук сувлари конларидан фойдаланилади. «Шимолий Сурхондарё», «Жанубий Сурхондарё», «Амударё», «Шеробод», Тоғли массивлар ер ости суви кони.

Сурхондарё вилоятидаги халқ хўжалигида конлардан фойдаланилган ер ости сувининг тўплам жадвали

9-жадвал

Т/р №	Конлардаги ер ости суви ва сув сакловчи қатламнинг ёши (комплекс)	Фойдаланадиган ер ости суви заҳираси/Тасдиқланган заҳираси	Фойдаланиладиган бурғу кудуги/сони/ўртача сув олиш м.м3/кк	Шундан йўналишлар бўйича сувдан фойдаланиш					
				ХИС	ГТС	ЕС	ГД	ЯТС	Шифо сувлар
				Бур.куд. сони/Сув сарфи м.м3/кк	Бур.куд. сони/Сув сарфи м.м3/кк	Бур.куд. сони/Сув сарфи м.м3/кк	Бур.куд. сони/Сув сарфи м.м3/кк	Бур.куд. сони/Сув сарфи м.м3/кк	Бур.куд. сони/Сув сарфи м.м3/кк
1	Тоғли массив (Бойсун, Пошхурт)	<u>5990</u> <u>65,43</u>	<u>47</u> <u>28,17</u>	<u>39</u> 23,12	<u>3</u> 0,56	<u>5</u> 4,49			

2	Шимолӣ Сурхондарё	<u>2687,04</u> 598,48	<u>1008</u> 581,45	<u>739</u> 325,98	<u>55</u> 23,99	<u>213</u> 231,65	-	<u>1</u> 0,04	
3	Жанубӣ Сурхондарё	<u>1209,6</u> 251,11	<u>415</u> 145,51	<u>345</u> 119,36	<u>39</u> 5,88	<u>20</u> 19,28	-	<u>8</u> 0,84	<u>3</u> 0,15
4	Шеробод	<u>60,48</u> 47,00	<u>281</u> 114,59	<u>225</u> 88,98	<u>27</u> 4,78	<u>19</u> 17,39	<u>10</u> 3,44		
5	Амударё	<u>86,4</u> 17,94	<u>323</u> 108,54	<u>267</u> 87,07	<u>42</u> 7,58	<u>11</u> 9,73	<u>2</u> 4,10	=	<u>1</u> 0,06
	Жами вилоят бўйича	<u>4103,42</u> 979,93	<u>2074</u> 978,45	<u>1615</u> 644,49	<u>166</u> 42,79	<u>268</u> 282,54	<u>12</u> 7,54	<u>9</u> 0,88	<u>4</u> 0,21

Эслатма: ХИС (хўжалик ичимлик суви), ТТС (техник таъминот суви), ЕС (ер суғориш), ТД (тик дренаж) ЯТС (Яйловларни таъминот суви), БК (бурғу кудуғи)

Ер ости сувларининг ифлосланиш (булғаниш) даражасини кузатиш ва ўрганиш учун 55 та кузатув пунктлари, 20 та фойдаланиладиган бурғу кудуқлари, 6 та очик ер усти сув ҳавзалари, ва 26 та сизот сув олиш иншоотларидан йилига 2 маротаба сув намуналари олиниб кимёвий таҳлил қилинади. Кимёвий таҳлил натижаларига кўра №101, 806, 808, 612, 98, 1816-сонли бурғу кудуқларида азот бирикмалари (NO_2 , NO_3 , NH_4) РЭМ дан кўплиги аниқланган. Ер ости сувларининг ифлосланиши (булғаниши) асосан бурғу кудуқларига яқин жойлашган қишлоқ хўжалиги кимё омборхоналари, экинлар учун ишлатиладиган азотли ва чорвачилик комплексларидан чиқариладиган ифлос сувлар ҳисобланади.

Заҳарли химикатлар бурғу кудуқларининг кўпчилигида кузатилмади. Мавжудларида уларнинг микдори меъёрларга нисбатан сезиларли даражада кам.

Нефт маҳсулотлари ҳам № 6, 604, 101, 1814, дренаж-1, заҳкаш-2, Хаудак ва Учқизил нефть олиш пунктларида 0,2-0,5 мг/л мавжудлиги аниқланган бўлиб РЭМ дан юқори ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда вилоят ҳудудида 3194 та бурғу кудуқлари ҳисобга олинган бўлиб шундан 2074 та бурғу кудуғи иш ҳолатида, умумий сув олиш 978,45 минг м^3 /кунни ташкил этади.

Сурхондарё вилояти ҳудудида ер ости сувларидан олинishi мумкин бўлган захираси Республика бўйича ер ости сувларидан олинishi мумкин бўлган захирасининг 9 фоизини ташкил этади.

Кейинги даврларда бўлаётган техника тараққиёти, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, халқ хўжалиги эҳтиёжларида фойдаланиш учун олинаётган сув микдорларининг кескин ошганлиги ҳамда техноген омиллар таъсирида ер ости сувларининг ичимлик учун яроқлилиги микдори йилдан-йилга камайиб бориш жараёнлари кузатилмоқда. «Шеробод», «Амударё», «Жанубий Сурхондарё» ер ости сувлари конларининг баъзи ер ости линзаларининг минерализацияси ва қаттиқлиги айрим кўрсаткичлар бўйича О'zDST талабларига жавоб бермайди. Музрабод, Қизирик, Ангор, Шеробод, Бандихон туманлари ва бошқа айрим ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ушбу ҳудудлардаги ер ости сувларидан ичимлик суви стандарт талабларига жавоб бермасида вақтинчалик фойдаланишга рухсат берилган.

Аҳолининг ичимлик сувиға бўлган талабини марказлашган ҳолда сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун комплекс тадбир дастурлари ишлаб чиқилган. Шу мақсадларда: «Пошхурт» ер ости суви конидан Музрабод тумани аҳолисининг бир қисмини ичимлик суви билан таъминловчи «Оқтош» сув олиш иншооти, Бандихон, Қизирик, Ангор, Шеробод, Музрабод туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминловчи «Хўжаипок» ер ости сувлари конидан сув олувчи «Хўжаипок» сув таъминоти тизимлари ишга туширилган. Лекин ушбу сув таъминоти тизимлари ҳозирги кунда айрим сабабларга кўра тўлиқ қувват билан ишлатилмай келинмоқда.

Вилоят ҳудудида ичимлик ва бошқа мақсадлар учун 3200 дан ортиқ бурғу кудуқлари қазилган бўлиб, ҳозирги кунда 2100 дан ортиғи иш ҳолатида ва йилига 0,36 млрд.м³, шундан 0,235 млрд.м³ дан ортиқ ер ости сувлари ичимлик мақсадлари учун олинмоқда. Аҳолининг 41,6 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, атиги 4 фоизи канализация тармоғи билан таъминланган бўлиб аҳолининг қолган қисми унинг саломатлиги учун хавфли бўлган очиқ сув ҳавзаларидан ичимлик сувини истеъмол қилмоқда ва бу соҳада маҳаллий ҳокимият органлари ва мутассадди ташкилотларнинг олдида қилиниши лозим бўлган вазифалар турибди.

Назорат саволлари

1. Сув ҳақида нималар биласиз?
2. Ичимлик суви муаммосига нималар сабабчи?
3. Сувни ифлословчи соҳаларни санаб ўтинг.
4. Сув ўсимликлар таркибининг неча фоизини ташкил этади? Инсоннинг-чи?
5. Г.Либман сувга қандай таъриф берган?
6. Вилоятда суғориладиган майдонлар неча гектарни ташкил этади?
7. Вилоятни сув билан таъминловчи дарёлар ҳақида маълумот беринг.
8. Вилоятдаги сув омборлар ҳақида маълумот беринг.
9. Сувни ифлослантирувчи табиий ва антропоген омилларга тўхталиб ўтинг

Семинар машғулотлари мавзулари

1. Ер усти сувлари ва уларнинг экологик муаммолари.
2. Вилоят ҳудудидаги ер ости сув захиралари ва улардан фойдаланиш имкониятлари.
3. Вилоят кишлок хўжалигини сув билан таъминловчи сув иншоотлари.
4. Вилоятни сув билан таъминловчи каналлар.
5. Сувдан фойдаланувчи тежамкор технологиялар.
6. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш иншоотлари. Очиқ ёпиқ захкашлар мисолида.
7. Сувни ифлосланишини олдини олиш чора-тадбирлари.

Мустақил иш мавзулари

1. Сув ҳақида иншо ёзинг.
2. Сув ҳақида 10 та ҳикматли гап айтинг.

3. Сувни ифлословчи асосий омиллар ҳақида курс иши ёзинг.
4. “Сув – зар, сувчи – заргар” мавзусида реферат ёзинг.
5. “Сув борки, олам мунаввар” мавзусида курс иши ёзинг.
6. Дарёлар бўйича саёҳат уюштиринг.
7. Ўзингизга яқин бўлган сув омборларига саёҳат ташкил этинг.
8. Сув омборларининг фойдаси ва зарари ҳақида маълумот тўпланг.

5-МАВЗУ. ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

РЕЖА:

1. Ер ресурслари ва уларнинг экологик муаммолари.
2. Сурхондарё воҳасининг тупроқ табиий иқлими ва гидрогеологик шароитлари.

Она замин соф тупроқ бизни оламга келтирган: у боқади ҳам, ўз бағрига қабул қилиб олади ҳам.

Тупроқ – бу табиатнинг бебаҳо неъматидир, ернинг энг юқори ғовак ва унумдор қатлами бўлиб, педосфера деб аталади. Педосфера табиатда мавжуд бўлган барча тирик организмлар учун макон ва яшаш муҳити ҳисобланади. Яъни барча тирик организмлар бутун ҳаёти давомида (инсон ҳам) тупроқ ва тупроқ устида яшайди, ҳаётийлик даври ниҳоялагандан кейин ҳам уларнинг таналари тупроқ билан аралашиб, унга унумдорлик беради. Демак тупроқнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган омиллардан бири ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларидир.

В.В. Докучаев тупроққа баҳо бериб бундай деган эди: «Рус қора тупроғи тошқўмидан ҳам, нефтдан ҳам олтиндан ҳам қимматлироқдир». В.В. Докучаев «Русский чернозём» (“Рус қора тупроғи” – 1883 й) номли асарида қора тупроқнинг пайдо бўлиши, таркиби, хоссалари, географик тарқалиш қонуниятларини, морфологиясини мукаммал баён этиш билан бирга, тупроқ унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини ҳам айтиб ўтган эди. Бу асар яратилганга қадар тупроқ ўсимликларга сув ва озик бериб турувчи оддий бир жисм деб тушунилар эди. Тупроқ таркибидаги мураккаб табиий жараёнларни билмасликлари оқибатида, деҳқончиликда тупроқдан фойдаланишда кўплаб хатоликларга йўл қўйиларди. Олим ер юзасининг муайян омиллар таъсирида ўзгарган устки қаватини тупроқ (грунт) деб номлаган. Бу омиллар таъсирида ёши, она жинси, вақт, рельеф, иқлим шароити, сув, ўсимлик, ҳайвон, микроорганизмлар ва инсоннинг ҳўжалик фаолиятидан иборат бўлиб, тупроқ ана шу омиллар таъсирида пайдо бўлади ва ривожланади. Очик эътироф этиш керакки, XX асрда инсоният ўзининг тупроққа бўлган оқибатсизлиги билан унинг сифати ва унумдорлигининг пасайишига, структураси (донадорлиги)нинг бузилишига ва унумдор ер майдонларининг қисқаришига сабабчи бўлди. Ердан ноўрин фойдаланиш, нотўғри суғориш туфайли тупроқ ботқоқланди, ер ости (шўр) сизот сувлари ернинг юза қатламига чиқиб тупроқни шўрлади. Фойдали

хом ашёлар казиб олиш, уй ва йўллар, йирик иншоотлар, сув омборлари, шаҳарлар қурилиши оқибатида унумдор тупроқлар уларнинг тагига қолиб, инсоннинг хўжалик фаолиятидан чиқиб кетди ва ҳануз чиқиб кетмоқда. Ушбу соҳа тарихининг гувоҳлик беришича, инсоният хўжалик фаолиятини бошлаганидан буён 2 млрд. гектардан ортиқ ерлар турли сабабларга кўра яроқсиз ҳолга келиб қолган. Сайёрамизда ҳозир ҳам турли сабабларга кўра ҳар йили 5-6 млн гектар ер қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб бормоқда. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, тупроқнинг пайдо бўлиш жараёнига нисбатан камайиши 1000 (минг) баробар тезроқ бормоқда. Масалан, 10 см қалинликдаги тупроқ қатламининг пайдо бўлиши учун ўртача 1500-1700 йил керак бўлса, бундай қатламни сув эрозияси 25-30 йилда йўққа чиқариши мумкин. Гоҳида бундай қатламни бир зумда йўқотиш учун битта кучли шамол, сув тошқини, жала ёки дўл кифоя қилади. Тупроқшунослик борасида бугун инсониятни ташвишга солаётган муаммоларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

1.Тупроқнинг шамол ва сув эрозияси.

2.Қишлоқ хўжалигида кимёвий минерал ўғитлар ва кимёвий заҳарли моддалардан бир томонлама фойдаланиш.

3.Саноат ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари чиқиндилари билан тупроқнинг тез ифлосланиб бораётганлиги.

4.Аксарият ҳолатларда унумдор тупроқларни шаҳарлар қурилиши остига қолиб кетаётганлиги.

5.Маҳаллий табиий маъданлардан, хонадон, уй-рўзғор чиқиндиларидан етарлича фойдаланилмаслик оқибатида тупроққа табиий унумдорлик берувчи микроорганизмлар, чувалчанглар кескин камайиб кетаётганлиги.

6.Кўплаб оғир техникаларнинг далага киритилиши оқибатида тупроқ юза қатлами зичлашиб бораётганлиги.

7.Алмашлаб экиш тадбирларига риоя қилинмаслиги оқибатида монокультура муаммолари.

8.Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожлантирилиши оқибатида чўл, яйлов, тоғ ва тоғолди ҳудудларнинг ўзлаштирилиши билан ем-хашак тақчиллиги натижасида гўшт, сут муаммоси (бу маҳсулот таннархининг ортиб бораётганлиги), сув танқислигини юзага келиши ва ҳокозалар.

Сайёрамизнинг аксарият мамлакатларида фан-техника тараққиёти юксалиши билан саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши туфайли табиий ландшафтларга индустриал таъсир тобора ортиб бормоқда. Ер ости, ер усти хомашёларининг, аксарият ҳолатларда, очик усулда казиб олиниши, ер юзасининг рельефи, гидрогеологик режимига қатъий зарба бермоқда. Ўсимлик қоплами, тупроқ қатлами емирилмоқда, ифлосланмоқда ёки бутунлай йўқ бўлмоқда. Унумдор ерлар ўрнига яланғоч индустриал саҳролар пайдо бўлмоқда. Айниқса, бу ҳолат Ўзбекистонда ўта ачинарли эканлигини қуйидаги сонларда ҳам кўриш мумкин. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида Япония бир гектарга 200-400 гр, АҚШ – 2-4 кг, собиқ Иттифок 10-12 кг кимёвий заҳарли пестицидлардан фойдаланган бўлса, бу кўрсаткич собиқ Иттифокнинг пахта хомашё базаси ҳисобланган Ўзбекистонда 55-59 кг.ни ташкил этган. Бунинг

оқибатида тупроқ заҳарланди, унда яшовчи микроорганизмлар, чувалчанглар, кемирувчилар кирилиб кетди. Бунни қандай баҳолаш мумкин? Ваҳоланки Ч.Дарвин «Чувалчанг ернинг омочидир» деган эди. Бугун ХХІ аср авлоди олдиға кўндаланг турган энг йирик муаммолардан бири ота-боболаридан қолган яланғоч саҳроларни қайта обод қилиш, бузилган ерлар унумдорлигини, санитария ҳолатини ва эстетик гўзаллигини тиклаб, улардан яна инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш уларнинг энг улуғ эзгу ниятлари бўлмоғи лозим. Бу борада бугунги авлод ҳам тинч қараб тургани йўқ. Ҳозирги кунда ер ресурсларининг ҳолати, уларнинг ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари глобал миқёсдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Олиб борилаётган комплекс тадбирларға қарамай, мамлакатимизда ва ҳудудимизда ерларнинг унумдорлиги йилдан-йилға камайиб бориш жараёни кузатилмоқда ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган яроқли ерларнинг янги ерлар ҳисобидан ўзлаштирилиши тўхтатилганлиги ва суғориладиган майдонларда халқ хўжалиги иншоотларининг барпо этилиши ҳисобига уларнинг миқдори йилдан-йилға камайиб бормоқда.

Вилоятда ҳозирги кунда 326,6 минг гектар атрофида суғориладиган майдонлар мавжуд бўлиб, Республика давлат Ер кадастри қўмитасининг маълумотларига кўра, суғориладиган ер майдонларнинг балл бонитети 1980-1985 йилларда 70 балл бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб 50 баллга тушиб қолди. Ерларнинг балл бонитетини аниқлаш вилоят қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий кўрсаткичи бўлган пахта ва буғдой ҳосилдорлиги билан боғлиқ бўлиб, кейинги йилларда уларнинг ҳосилдорлик даражаси пасайиши кузатилмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш ҳаракатлари олиб борилиши тўхтатилиши ва суғориладиган майдонлардан ҳар хил халқ хўжалиги объектлари қурилишлари ва аҳолиға томорқа мақсадларида ажратилиши эвазига экин майдонларининг миқдори йилдан йилға камайиб бормоқда. Томорқа ерлари қишлоқ хўжалиги экин майдонлари сирасига киритилмаса-да, ушбу ерларда ҳам экин турларининг барчаси экиб борилади. Агар биз экин майдонларининг таркибига томорқа ерларни ҳам киритсак, унда умумий қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий миқдори деярли ўзгаришсиз қолади.

Тегишли мутассади ташкилотларнинг вилоят ҳудудида олиб бораётган мониторинг кузатувлари маълумотлари асосида ер юзасининг устки унумдар қатлами таркиби ва сифатига эътибор берадиган бўлсак, ерларнинг дегродациясининг икки тоифаға учраётганини кўрамиз.

Сурхондарё вилояти туманлари тупроқларининг сифатини баҳолаш (Суғориладиган ҳайдалма ерлар)

10-жадвал

Т/р	Туманлар номи	Ёмон ерлар		Ўртача дан паст ерлар		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар		Жами	Ўртача балл
		1 кл	11 кл.	111 кл.	1У кл.	У кл.	У1 кл.	У11 кл.	У111 кл.	1Х кл.	Х кл.		
		Бонитет балли											
		0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100		
1	Ангор			484	2231	4682	4284	2446	422			14549	51
2	Бандихон		50	650	3146	1703	3804	1431				10784	47
3	Бойсун			184	1487	530	741	351	14			3307	44
4	Денов			85	1779	2456	5826	8494	4970	1486		25096	62
5	Жарқўрғон		168	739	3237	6423	6028	2457	1127	209		20388	50
6	Қизирик			1934	4885	6409	7810	3291				24329	47
7	Қумқўрғон			175	1778	4886	6166	4515	1023	45		18588	55
8	Музработ		162	1741	7095	8312	10605	2324				30239	46
9	Олтинсой		1	137	567	2164	2495	2510	1821	733		10428	61
10	Сариосиё				357	1644	3488	1900	1082	926		9397	61
11	Термиз			330	3531	2436	4353	1511	1652			13813	51
12	Узун			122	274	1619	2558	3971	2063	82		10689	62
13	Шеробод		252	3515	7036	7927	10414	4499	225	26		33894	47
14	Шўрчи			98	620	1594	3131	4096	3425	2008		14972	65
	Вилоят бўйича		633	10194	38023	52785	71703	43796	17824	5515		240473	56

Биринчиси – иқлимнинг глобал исиши, рельефли шароитлар (қия пастликлар, ер ости сизот сувлари оқиб чиқиб кетиши имконияти йўқ ҳудудлар) ва бошқа табиий-иқлим омиллари сабабли бўлса, иккинчиси – ерга бўлган экологик талаблар ва агротехника қоидаларига амал қилинмаслиги орқали ер, сув ресурсларини ўзлаштириш ва фойдаланиш билан боғлиқ инсоннинг антропоген фаолияти орқали содир бўлмоқда.

Тупроқнинг балл бонитети йилдан йилга пасайиб бориш жараёни вилоятнинг Бандихон, Ангор, Термиз туманидаги “Гулбаҳор” фермер хўжалиги суғориладиган экин майдонларидан оқова сувларнинг чиқиб кетишини таъминламай туриб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилиши оқибатида, ер ости сизот сувлари горизонтининг ер юзасига кўтарилиши, ушбу ерларнинг ботқоқланиб, иккиламчи шўрланишига олиб келмоқда. Шеробод тумани ҳудудларида ирригация тизимларидан талаб даражасида фойдаланилмаслиги оқибатида, айрим экин экилиб келинаётган ерлардан бугунги кунда фойдаланилмаяпти. Бунинг натижасида кўплаб фермер хўжаликлари йиллар давомида давлат буюртмаси бўлган пахта ва дон етиштириш режаларининг

бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Тупроқ эрозияси талабларига риоя қилинмаслик, ер усти тупроқ гумус қатламининг камайишига олиб келмоқда. Шеробод ва Қизириқ туманлари чегарасидан оқиб ўтувчи сув йиғиш трактининг (ВСТ) барпо этилиши даврида қурувчилар томонидан қурилмай қолинган бир нечта гидротехник иншоотларнинг йўқлиги сабабли ерларнинг кучли эрозияга учраши вилоятнинг Шеробод ва Қизириқ туманларида 100 гектар экин майдонларида жарликлар ҳосил қилиб ювиб кетишига сабаб бўлмоқда. Вилоятимизда экин экиш учун қия бўлган яроқли ерларда терраса усулида фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Тоғли ҳудудларда янги сув тежаш имконияти бўлган прогрессив томчилатиш йўли билан ўзлаштирилган 400 гектардан ортиқ майдонлар ҳозирги кунда фойдаланилмай келинмоқда (Сариосиё тумани собиқ “Хонжиза” ф/х мисолида). Тупроқ унумдорлигининг манбаи бўлган ихота дарахтзорлари ҳосилдорликни 5 фоизгача ошириши илмий тадқиқот хулосалари асосида тасдиқланган бўлишига қарамай ихота ўрмонзорлари йўқ қилинганлиги ва уларнинг салбий оқибатларини изохлашга ўрин йўқ. Натижада ердан фойдаланувчилар томонидан эрозияга қарши талабларнинг бажарилмаслиги ва эътибор берилмаслиги, ихота ўрмонзорлари ташкил этилмаслиги тупроқ эрозиясининг кучайишига олиб келмоқда.

Сўнгги йилларда суғориладиган ерларда пахта салмоғи кескин камайган бўлса-да, ғалла-дон экинларининг салмоғи ўсди. Шу билан бир вақтнинг ўзида беда экиш майдонларининг миқдори бир неча баробарга камайди. Натижада, сўнгги 10 йилда тупроқ бонитети кўрсаткичи 10% гача камайди. Сабаб, беда ва дуккакли дон экинлари экиладиган майдонлар вилоятимиз бўйича 5% ни ҳам ташкил этмаганлигидир.

Ерларни балл бонитетининг 2018 йил 1 январь ҳолатига ҳамда таққослаш учун 2001, 2009, 2013 йиллардаги ҳолатини қайд этамиз

11-жадвал

т/р	Туманлар	Йиллар			Фарқи	Сабаби
		2001	2009	2013		
1	Ангор	71	57	51	-20	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
2	Бойсун	50	43	44	-6	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
3	Бандихон	52	49	47	-5	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
4	Денов	77	68	62	-15	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
5	Олтинсой	76	66	61	-14	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
6	Жарқўрғон	63	53	50	-13	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
7	Қумқўрғон	71	55	55	-16	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
8	Музработ	58	50	46	-12	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
9	Термиз	64	56	51	-13	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига

10	Қизирик	66	50	47	-19	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
11	Шўрчи	78	71	65	-13	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
12	Шеробод	61	50	47	-14	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
13	Сариосиё	76	65	61	-15	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
14	Узун	78	64	62	-16	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига
Вилоят бўйича ўртача		68	60	56	-12	Ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига

Сурхондарё вилояти туманларида пахта ҳосилдорлигининг ўзгариши динамикаси (Вилоят статистика бошқармаси маълумоти)

12-жадвал

т/р	Туманлар	Йиллар (ц/га)							
		2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	Ангор	27,4	27,2	33,3	21,2	24,8	21,6	18,1	26,8
2	Бойсун	14,1	20,3	21,3	30,7	24,3	21	26,6	24,7
3	Бандихон	21,8	15,9	18,2	21,6	21,9	25,5	20,2	24,3
4	Денов	28,8	27,6	34,1	34,5	32,3	34,3	35,6	35,5
5	Олтинсой	23,6	21,9	24,4	27,3	30,2	34,4	28,6	29,8
6	Жарқўрғон	28,0	21,2	30,6	25,3	26,4	29,3	18,8	26,0
7	Қумқўрғон	27,1	25,4	28,3	27,1	27,1	29,6	27,3	31,8
8	Музработ	27,0	21,4	26,4	23,7	26,5	27	18,2	27,4
9	Термиз	28,2	29,9	27,0	27	27,3	27,2	29,9	26,2
10	Қизирик	22,6	19,1	28,1	22,3	21,8	24,3	27,6	26,5
11	Шўрчи	29,6	21,7	25,5	29,9	29,4	31,5	30,2	31,2
12	Шеробод	20,7	14,4	18,8	20,6	17,0	19,9	18,0	24,3
13	Сариосиё	30,0	24	36,6	40,4	35,5	37,7	35,4	35,0
14	Узун	25,9	21,6	32,8	31,1	27,1	30,7	29,8	25,7
Вилоят бўйича ўртача		25,9	21,8	27,5	26,3	25,8	27,7	23,3	25,8

Сурхондарё вилоятида сугориладиган майдонларда кузги ва баҳорги бўғдой (минг гектар ҳисобида)

13-жадвал

Туманлар	Жами ерлар (км ²)	Шу жумладан йиллар бўйича (минг гектар)						
		2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Вилоят бўйича	20,1	92,5	88,7	93,7	95,0	95,0	95,0	95,0
Ангор	0,39	5,98	5,46	5,62	6,03	6,03	6,03	6,03
Бойсун	3,72	0,6	0,88	5,48	0,86	0,86	0,86	0,86
Бандихон	0,2	4,26	4,05	4,13	4,3	4,3	4,3	4,3
Музработ	0,71	10,68	10,76	10,74	11,2	11,2	11,2	11,2
Денов	0,76	9,8	9,67	9,88	10,1	10,1	10,1	10,1
Жарқўрғон	1,14	9,48	7,7	7,88	9,0	9,0	9,0	9,0
Олтинсой	0,56	3,91	3,71	4,04	3,95	3,95	3,95	3,95

Кизирик	0,35	9,26	9,52	10,06	9,64	9,64	9,64	9,64
Кумқўрғон	2,21	7,67	7,8	8,16	8,14	8,14	8,14	8,14
Термиз	0,86	4,36	3,97	4,17	4,43	4,43	4,43	4,43
Узун	1,63	4,26	4,13	4,33	4,10	4,10	4,10	4,10
Сариосиё	3,93	3,33	3,59	3,62	3,81	3,81	3,81	3,81
Шўрчи	0,85	6,45	5,78	5,89	6,11	6,11	6,11	6,11
Шеробод	2,73	12,43	11,69	9,74	13,37	13,37	13,37	13,37
Термиз шаҳри	0,03	0	00	0	0	0	0	0

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган кимёвий препаратлар ишлатилишининг камайганлигига қарамай, айрим ҳудудларда тупроқ таркибидаги токсик модда ДДТ 1,7-1,8 баробар меъёрдан юқори ҳолатлари кузатилмоқда.

Вилоят ҳудудидаги 47 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромларининг умумий майдони 485 гектарни ташкил этиб, аҳоли ва бошқа юридик шахслар томонидан уларнинг кимёвий препаратлар билан ўта зарарланган бўлишига қарамасдан, афсуски, ушбу аэродромлар ўрнида ҳали-ҳануз турли хил экинлар экилиб келинмоқда. Ҳолбуки, аэродром ҳудудларидан олинган тупроқ намуналарининг кимёвий таҳлилларига кўра, заҳарли химикатлар миқдори меъёрдан 10-150 баробар ортиқлиги қайд этилган. Ҳукуматимизнинг собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромларидаги заҳарланган майдонларда тупроқни зарарсизлантириб, рекультивация ишларини амалга ошириш бўйича топшириқлари тааллуқли органлар томонидан ижроси таъминланмай қолган.

Вилоят гидрогеологик мелиоратив экспедициясининг олиб борган таҳлил натижалари бўйича тақдим этган маълумотларига кўра, Сурхондарё вилоятида суғориладиган ерларда тупроқ шўрланишининг 2005-2017 йиллардаги динамик ўзгариши қуйидагини ташкил этди.

Сурхондарё вилоятида суғориладиган ерларнинг тупроқ шўрланиши ҳақида маълумот (минг гектар)

14-жадвал

Йиллар	Суғориладиган майдон	Шўрланмаган майдон	Шўрланган майдон	Шу жумладан				Изоҳ
				Кам шўрланган	Ўртача шўрланган	Кучли шўрланган	Ўта кучли шўрланган	
2005	322,54	193,5 9	128,9 5	74,97	50,18	3,8		
2006	325,95	1847, 46	141,4 9	77,03	60,57	3,89		
2007	331,49	188,7 1	142,7 8	86	51,76	5,02		
2008	329,24	182,6 4	146,6	84,56	55,53	6,51		
2009	328,28	186,3	141,9	87,76	49,05	5,17		

			8					
2010	324,69	204,5 5	120,1 4	56,06	58,1	5,98		
2011	325,5	212,5 7	112,9 3	65,14	44,12	3,49	0,18	
2012	326,67	209,6 7	117	66,14	48,28	2,34	0,24	
2013	326,07	223,6 1	102,4 6	67,95	32,9	1,38	0,23	
2014	325,96	223,9 8	101,9 8	54,1	45,18	2,46	0,24	
2015	325,69	204,7 7	120,9 2	67,87	50,71	1,86	0,48	
2016	325,69	209,2 5	116,4 4	64,33	49,86	1,6	0,15	
2017	325,69	210,3 8	115,3 1	65,70	48,04	1,47	0,1	

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, тупроқ шўрланиши даражаси жойларда олиб борилган комплекс тадбирлар натижаларига кўра, у ёки бу кўрсаткичлар бўйича камайиб ёки кўпайиб борган бўлса-да, бир хил ўртача кўрсаткичлар даражасида деб ҳисоблашимиз мумкин. Лекин кучли шўрланган ерлар 2005 йилда 3,8 минг гектар бўлиб, 2017 йилга келиб унинг миқдори 1,47 минг гектарни ташкил этди. Вилоят ҳудудида юридик мақомга эга бўлган 28 та кўптармоқли фойдали қазилмалар қазиб олувчи юридик шахслар фаолият юритиб, улар томонидан иш жараёнида бузилган ерларни тиклаш (рекультивация) ишлари учун лойиҳа ишлари қилинмаган ва ерларни тиклаш маданийлаштириш (рекультивация) ишлари бўйича амалий ҳаракатлар етарли даражада олиб борилмаяпти. Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ер ресурсларидан оқилona фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ер давлат кадастри бошқармаси, Ўзгидромет, вилоят гидрогеологик мелиоратив экспедицияси, давлат санитария эпидемиология маркази органлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Мураккаб экологик муаммоларни ҳал этишда вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари яқиндан ёрдам бермоқда. Йилларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган сомон пояларини ёқишдан кўриладиган иқтисодий зарарларни ҳисоблаш тартиб асосида, шу каби ҳолатлар содир этилганда, тупроқ унумдорлигига етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ер ресурслари ва уларнинг экологик муаммолари борасидаги масалаларга тўхталиб, шуни айтиш лозимки, инсониятнинг озиқ-овқатга бўлган заруратининг 96% и тупроқ ҳиссасига тўғри келади. Экологик тадқиқотлар натижаларига кўра, бугун сайёрамизнинг 1 млрд. дан ортиқ аҳолиси кунлик 1 доллар, 2 млрд. дан ортиқ аҳолиси кунлик 2 доллардан кам маблағ ҳисобидан яшаётганлигини инобатга олсак, инсониятни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини фақат илмий изланишлар ҳисобидан қондириш мумкин.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалигида ўзларини камтарин меҳнатлари билан фидойилик қилаётган қуйидаги олимларимизни алоҳида эътироф этишни лозим топдим. Жумладан қ.х.ф.д. профессор Арамов Музаффар Хошимович, қ.х.ф. докторлари Наджиев Жўрахон Норсаидович, Болтаев Сайдулла Мақсудович, Хайитмуродов Арслонбек Файзуллаевич, Нурматов Норқобил Жўраевич, доцентлар Саидов Муҳамади Негматуллаевич, Таджиев Мардонакул Таджиевич, Алланов Қилич Аллакулович, Нормаматов Абсалом Режабович, Суллиева Сулув Хуррамовналардир.



Арамов Музаффар Хошимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор 1953 йил 17 августда таваллуд топган. 1973 йилда Термиз давлат педагогика институтида таҳсил олган. 1980 йил Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти (Москва вилояти) қошидаги ихтисослашган Илмий кенгашда 06.01.05-селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича “К вопросу селекции томата для механизированного возделывания и машинной уборки” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1994 йилда Бутунроссия

ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (Санкт-Петербург шаҳри) қошидаги Д.020.18.01 рақамли ихтисослашган Илмий кенгашда 06.01.05-селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича “Эколого-генетические основы селекции томата на устойчивость к патогенам и адаптивную способность” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. 1996 йилдан Халқаро информатизация академиясининг академиги, 1996 йилдан профессор илмий унвонини олган. Илмий тадқиқотлари натижалари 368 та илмий мақола, 3 та монография, 10 дан ортиқ тавсияномада ёритилган. Ҳаммуаллифликда сабзавот экинларининг 42 та нав ва дурагайлари яратган. Фаолияти давомида 2 та фан доктори ва 6 та фан номзодлари тайёрлаган. Ҳозирда 2 та докторантга ва 3 та таянч докторантга, 4 та мустақил тадқиқотчига илмий раҳбарлик қилиб келмоқда. 1994 йилдан Сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий тадқиқот институти Сурхондарё илмий тажриба станцияси директори лавозимида ишлаб келмоқда. Тошкент давлат аграр университети қошидаги DSc05/28.2020.Qx13.03 рақамли Илмий кенгаш аъзоси. Россия Федерациясида чоп этиладиган ва ОАК рўйхатидаги “Овощи России” илмий журнали редколлегия аъзоси. Ўриндошлик асосида 2017 йилдан Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида “Мева-сабзавотчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалиги” кафедраси мудири лавозимида ҳам ишлаб келмоқда.

Наджиев Жўрахон Нарсаидович, қишлоқ хўжалик фанлари доктори. 1958 йил 10 майда Сурхондарё вилояти Термиз тумани, “Намуна” маҳалласида туғилган.

1984 йилда Термиз Давлат педагогика институти табиёт факультети биология ва қишлоқ хўжалиги асослари бўлимини тамомлаган.

1993 йилда Москвада Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот (ВНИИССОК)



институтнинг иқтисослашган Илмий кенгашида “Создание исходного материала для селекции томата на устойчивость к галловым нематодам, кладоспориозу и адаптивную способность” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2000 йилдан “Гетерозис самарадорлиги юқори бўлган помидор ва бақлажоннинг эртапишар, серҳосил, транспортбоп ҳамда бўртма нематодаси ва кладоспориозга чидамли нав ва биринчи авлод F₁ дурагайлари селекцияси” мавзусидаги тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Тадқиқотлар натижасида помидорнинг эртапишар Севара, Шафак, F₁ Шабнам, ўртапишар, бўртма нематодасига чидамли Заковат, F₁Нурафшон, Бакалавр, Осиё, Совға ҳамда бақлажоннинг F₁ Замин ва Сурхон гўзали нав ва дурагайлари яратилган. Шулардан помидорнинг бта: Севара, Шафак, Заковат, Осиё, Офарин навлари ва F₁Нурафшон дурагайи, бақлажоннинг 2та: “F₁ Замин” дурагайи ва “Сурхон гўзали” навлари Давлат реестрига киритилган. Помидорнинг “Дурдона”, бақлажоннинг “Глобус” навлари 2019 йилда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган.

2018 йил 20 декабрида Наджиев Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашда «Помидор ва бақлажоннинг транспортбоп, бўртма нематодаларига чидамли нав ва F₁ дурагайлар селекцияси» мавзусидаги, 06.01.05-селекция ва уруғчилик (қишлоқ хўжалиги фанлари) фан доктори (DSc) диссертациясини ҳимоя қилди.

Россия, Ҳиндистон ва республикаимизнинг нуфузли илмий журналлари ва халқаро анжуманларида 102 та илмий мақолалари, 1 та монография ва 3 та тавсияномаси чоп этилган. Ҳозирда у Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали Агрономия, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Болтаев Сайдулла Махсудович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Турон Фанлар академияси академиги, 1963 йил 1 майда таваллуд топган. 1989 йилда Ўзбекистон миллий университетини имтиёзли тамомлаган. 2011 йилда Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Dsc.05/27.12.2017.Qx.42.01. рақамли ихтисослашган Илмий кенгашда 06.01.01.-“Умумий деҳқончилик. Пахтачилик” ихтисослиги бўйича қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Ноанъанавий агрорудаларни қўллашнинг тупроқ унумдорлиги ва гўза ҳосилдорлигига таъсири” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

2016 йилда катта илмий ходим, 2018 йилда 06.01.01.-“Умумий деҳқончилик. Пахтачилик” ихтисослиги бўйича қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун “Гўза мажмуадаги зироатлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигига ноанъанавий органо-минерал компостларни қўллаш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.



Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич 1962-йил, 25-сентябрда таваллуд топган.

1988 йилда Самарқанд давлат университетининг биология факультетини тамомлаган. А.Ф. Хайтмуратов 1995-2010 йилларда Сурхондарё вилоят чигирткага ва ГНУСга қарши курашиш экспедицияси бошлиғи, Сурхондарё вилоят ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар маркази директори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази

Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари, Сурхондарё вилоят агрокимё станцияси директори, 2010-2016 йилларда Термиз давлат университети илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, Зоология кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида фаолият юритган.

1998 йилда номзодлик, 2020 йилда “Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудлари яйлов ўсимликларини зарарли энтомофаунаси ҳамда уларга қарши кураш тизимини яратиш” мавзусидаги докторлик диссертациясини химоя қилган. 100 дан ортиқ илмий мақолалар, 6 та тавсиянома, 4 та ўқув-услубий қўлланмалар, 1 та монографиянинг муаллифидир.



Нурматов Норқобил Жўраевич 1973 йил 14 декабрда таваллуд топган. 1996 йиллар мобайнида Термиз давлат университетини тамомлаган. 2002 йил “Помидорнинг эртапишар нав ва гетерозисли F₁ дурагайлари селекцияси” мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган. 2000-2007 йилларда Термиз давлат университети Экология кафедрасида катта ўқитувчи, 2007-2014 йиллар Қизирик педагогика коллежи директори, 2014-2017 йиллар Қизирик педагогика

коллежи катта ўқитувчиси, 2017-2018 йиллар Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали агробиология факультети декани, 2018-2020 йиллар Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган. Ҳозирги вақтда Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали мева-сабзавотчилик ва технология факультети декани вазифасида ишлаб келмоқда. 2020 йилда “Эртапишарликка, адаптив қобилятга йўналтирилган помидорни (*Lycopersicon esculentum* Mill.) етиштириш технологияси ва селекциясининг илмий асослари” мавзусида фан доктори (DSc) диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Унинг 100 дан ортиқ мақолалари Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон ва мамлакатимизнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган. 1 та монография, 1 та тавсиянома ва 1 та услубий қўлланма муаллифи.



Саидов Муҳаммади Негматуллаевич 1936 йил Шўрчи туманидаги “Коммуна” хўжалигида таваллуд топган. 1955 йил ўрта мактабни, 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти селекция бўлимини тугатган.

Айни шу йилдан бошлаб Шўрчи туманидаги “Шарқ юлдузи” колхозида бош агроном бўлиб ишлаш жараёнида Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти билан ҳамкорликда маккажўхорининг 6 хил навини уруғдан олиб, ушбу хўжалик майдонларида экиб синай бошлади. Синалган “Массино”, “Вир-42”, “Вир-156”, “Вир-338” серҳосил дурагай навлари маҳаллий навларга нисбатан серҳосил эканлигига ишонч ҳосил қилган ёш изланувчи 1963 йилда Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти аспирантлигига қабул қилинди. 1968 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1969 йилдан Термиз давлат педагогика институтида фаолият кўрсатиб, ушбу йиллар давомида иқтидорли раҳбар сифатида олийгоҳда партия ташкилотининг котиби, кафедра мудири, декан вазифаларида самарали фаолият кўрсатиш билан бир вақтда, илм оламида 70 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган бўлиб, жумладан, 15 номдаги халқаро журналларда чоп этилган. Шунингдек беш номдаги ўқув қўлланма ва “Тупроқшунослик”, “Цитрус ўсимликларни етиштириш агротехнологияси” номли монографияларидан талабалар жуда қизиқиш билан сабоқ олмоқдалар. Устознинг “Тупроқшунослик асослари ва тупроқлар географияси” номли дарслиги илмий кенгашда тасдиқланиб чоп этилиш арафасида.



Таджиев Мардонкул 1937 йил 5 майда Шеробод туманида туғилган.

Мардонкул Таджиев ПСУЕАИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станциясида 1962 йил 3 май кунидан буён ишлаб келмоқда. Иш фаолиятида дастлаб кичик илмий ходим, 1966 йилдан шу кунгача “Ўўза агротехникаси ва алмашлаб экиш” бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. 1969 йилда қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини ва 1973 йилда катта илмий ходим унвонини олган.

Илмий фаолиятини тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш, ғўза ва ғалла экинларидан эртаки ва юқори сифатли ҳосил олиш, суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, бир йилда 2-3 марта ҳосил етиштириш, ғўза, кузги буғдой, такрорий, оралик ва сидерат экинлар агротехнологиясини мукаммаллаштириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

375 та илмий ишлар, жумладан 3 та монография, халқаро журналларда 29 та ва республика миқёсидаги журналларда 38 та мақола ва 28 та тавсиянома, 10 та рисола чоп этган.

М.Таджиев ўз илмий йўналиши бўйича мактаб яратган фидойий олим ва меҳрибон устоздир. Унинг раҳбарлигида 4 та аспирант-тадқиқотчилар номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

2003-2005 йилларда “Агро-илм” маркази орқали АҚШ лойиҳаси танловининг ғолиби бўлиб, 9-10 кишини 3 йил мобайнида иш билан таъминлади. 2005-2006 йилларда АҚШнинг “Section” лойиҳаси ва ИКАРДА халқаро илмий марказининг 2003-2006 йилларга мўлжалланган лойиҳалари танлови ғолиби бўлиб, 8-10 та ёш илмий кадрларни иш билан таъминлади.

2015 йил “Ўзбекистоннинг жанубий саҳро минтақаси экстремал иқлим шароитларида тупроқ унумдорлиги, ғўза, кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш ва ем-хашак базасини яратишнинг илмий асослари” мавзусидаги 22,5 босма табоқли монографияси чоп этилди. Илмий изланиш натижаларига кўра, ғўзани интенсив парваришlash агротехнологияси бўйича қилинган тавсияларига кўра 105 минг гектар ва ғалладан эртаки, юқори сифатли дон ҳосили етиштириш бўйича таклиф ва тавсияларига асосан 68 минг гектар майдонга жорий қилинган.



Жўраев Байниёз Чориевич 22 март 1955 йил Ангор туманида туғилган. 1972 йил Д.И. Менделеев номли ўрта мактабни, 1979 йил Андижон пахтачилик институтини имтиёзли диплом билан тугатган.

2006 йил “Ингичка толали ғўза навларида пикс моддасининг меъёрлари ва муддатлари” мавзусидаги Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди диссертация ишини ҳимоя қилган. Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, уруғшунос-селекционер. 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Шухрат” медали билан ва “Мустақилликнинг 15-20-25 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. 4 та монография, 80 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи бўлиб, илмий ишлари Ҳиндистон, Германия, Россия каби хорижий ҳамда Тожикистон, Қозоғистон каби Ҳамдўстлик давлатларида чоп этилган. 4 та ихтиро ва патент эгаси. “Ат-Термизий”, “Дуру гавхар”, “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Термиз-202”, “Сурхон-18”, “Беш-қахрамон”, “Шерабод-шн” “ИФ-2”, “ИФ-3”, СП-1609, С-2109, навларнинг ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Греция, Италия, Афғонистон, Миср Араб Республикаси, Македония, Туркия каби хорижий давлатларда илмий сафарларда бўлиб, тажриба алмашиб, 9 дан ортиқ халқаро илмий конференцияларда, анжуманларда иштирок этган. 1982 йил Москва К.А.Тимерязев номидаги қишлоқ хўжалиги академияси, 2005 йилда Миср Араб республикаси (Египет) қишлоқ хўжалиги академиясида ўз малакасини оширган, ушбу институтнинг кумуш медали ва халқаро сертификати эга.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвони билан тақдирланган.



Қилич Аллақулович Алланов 1952 йил 5 декабрда Термиз туманидаги “Намуна” жамоа хўжалигида таваллуд топди. 1969 йилда тумандаги 3-сонли ўрта мактабни, 1975 йилда Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети) география факультетини тугатди.

1996 йил “Сурхондарё вилоятида пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг ҳудудий тизимлари” мавзусида “11.00.02-иқтисодий ва ижтимоий география” ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2002 йилдан доцент, 2001-2008 йилларда география кафедраси мудирининг лавозимида фаолият кўрсатди ва кафедра илмий салоҳиятини кўтартиришга алоҳида эътибор қаратди.

Доцент Қилич Аллановнинг ҳозирги кунгача халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли журнал ва анжуман тўпламларида 100 дан ортиқ илмий ишлари чоп қилинди. 1 та монография, 2 та услубий қўлланма муаллифи.



Нормаматов Абсалом Режабович 1962 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. 1979 йилда Жарқўрғон туманидаги 16-мактабни олтин медал билан, 1984 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини имтиёзли диплом билан тугатган.

1986-1989 йилларда Санкт Петербург шаҳридаги Бутуниттифок ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти аспиранти бўлган.

1989 йилда “Ўзбекистоннинг суғориладиган Сурхондарё воҳаси шароитида маккажўхори навларининг селекцион моҳияти” мавзусида диссертацияни ҳимоя қилган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

Битта монография, иккита услубий қўлланма муаллифи. 35 дан ортиқ илмий мақолалари Польша, Россия, Ўзбекистон Республикасининг турли журнал ва конференцияларда нашр этилган.

А.Р.Нормаматов томонидан Ўзбекистон Республикасида биринчи марта Сурхондарё вилояти тупроқ иқлим шароитида 24 та давлатдан келтирилган 250 хил маккажўхори навларини хўжалик ва биологик хусусиятлари жиҳатидан ўрганилган. 20 дан ортиқ фенологик ва миқдорий ўрганишлар ўтказилган. Уларнинг экологик тадқиқотлари олиб борилган. 100 га яқин маккажўхори нави кимёвий таркиби оқсил ва лизин миқдори жиҳатидан таҳлил қилинган. Қурғоқчиликка, шўрга ва касаллик ҳамда зараркундаларга чидамлилиги даражалари ўрганилган. Ҳозирги пайтда “Сурхондарё воҳаси шароитида маккажўхоридан мўл ҳосил олиш ва юқори ҳосил элементларини такомиллаштириш” мавзусида фан докторлик диссертацияси устида мустақил тадқиқот олиб бормоқда.



Суллеева Сулув Хуррамовна 1965 йил 2 январда Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида туғилган. 1988 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг биология ва қишлоқ хўжалиги йўналишини имтиёзли диплом билан тугатди.

2009 йилда “Сурхондарё вилоятининг қадимдан суғориладиган ерларида бегона ўтларга гербицид қўллашнинг кузги буғдой ҳосилига таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

2009-2018 йилга қадар факультет хотин-қизлар кўмитаси раиси, факультет маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган.

50 дан ортиқ мақолалар, “Биология ўқитиш методикаси” номли услубий қўлланма ва “Сурхондарё вилоятининг қадимдан суғориладиган ерларида бегона ўтларга гербицид қўллашнинг кузги буғдой ҳосилига таъсири” номли монография “Биология ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма муаллифи.



Жураев Эркин Бахтиёрович, к.х.ф.ф.д. (PhD)

1981 йил 21 июнда таваллуд топган. 2003-2007 йиллар мобайнида Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олган. 2007-2009 йилларда шу университет магистратурасини, 2016-2019 йилларда докторантурасини тамомлаган. 2019 йил 13 мартда Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашда 06.01.07-мевачилик ва узумчилик ихтисослиги бўйича «Микроиклими бошқариладиган махсус иншоотларда зайтун (*Olea*

europea L.) кўчатларини етиштиришнинг интенсив технологияси” мавзусида диссертациясини ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражаси олган.

2015-2017 йилларга мўлжалланган А-9-009-сонли “Ўзбекистоннинг қуруқ субтропик иқлим шароитида саноат асосида зайтун етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида, 2018-2020 йилларга мўлжалланган “Интродукция орқали зайтуннинг (*Olea europeae* L.) совуққа чидамли нав ва шакллари яратишда бошланғич материалларни танлаш” мавзусида Республика илмий-амалий лойиҳада, 2018-2023 йилларга мўлжалланган Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайитириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш” мавзусидаги халқаро (Италия) лойиҳасида ҳудудий масъул ижрочи сифатида фаолият юритиб келмоқда. 2011-2016 йилларда Термиз давлат университети Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кафедрасида фаолият олиб борган.

Ҳозирда Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида “Ўрмончилик, доривор ўсимликлар ва манзарали боғдорчилик” кафедраси мудири лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Муаллифнинг 80 дан ортиқ илмий асарлари Россия, Полша, Германия, Италия, Нидерландия, Франция,

Ҳиндистон, АҚШ ва мамлакатимизнинг нуфузли илмий журналларида chop этилган. Бундан ташқари ҳаммуаллифликда 5 та тавсиянома, 5 та илмий монография, 1 та ўқув қўлланма, 1 та дарслик chop эттирган.

Шунингдек, “Ўзбекистонни қуруқ субтропик минтақаларида зайтунни (*Olea europaea* L.) совуққа чидамли нав, шакллари тинлаш ва агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида докторлик (DSc) илмий тадқиқотларини олиб бормоқда.

Назорат саволлари

1. Педосферага таъриф беринг.
2. Тупроқ нима? Ер-чи?
3. Тупроқ ҳосил қилувчи омилларни санаб ўтинг.
4. Тупроқшунослик фанини ривожланишида В.В.Докучаевнинг хизматларини санаб ўтинг.
5. В.В.Докучаев рус қора тупроғига қандай баҳо берди?
6. Тупроқнинг шўрланиш, ботқоқланиш ва чўлланиш ҳодисаларини тушунтиринг.
7. Тупроқшунослик борасида бугун инсониятни ташвишга солаётган муаммоларни санаб ўтинг.
8. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида тупроққа салбий таъсир кўрсатувчи аянчли омиллар нималардан иборат?

Семинар машғулотлари

1. Тупроқнинг биосферадаги ўрни.
2. Тупроқнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти.
3. Ер ва ер яшаш воситаларининг ҳуқуқий асослари.
4. Она замин менинг нигоҳимда.
5. Тупроқ унумдорлиги ва экологик муаммолари.
6. Тупроқшуносликка ҳисса қўшган алломалар.
7. Тупроққа таъсир этувчи антропоген омиллар.

Мустақил иш мавзулари

1. Чўл, ботқоқ ва шўр тупроқли ҳудудларга танишув саёҳати ташкиллаштиринг.
2. Бўз тупроқли ҳудудлар тупроқлари билан танишинг.
3. “Она замин менинг нигоҳимда” мавзусида реферат ёзинг
4. “Ер, яшаш воситалари ва уларнинг экологик муаммолари” мавзусида курс иши ёзинг.

6-МАВЗУ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

РЕЖА:

1. Сурхондарё воҳаси ҳудудида тарқалган тупроқлар ва уларнинг агроэкологик муаммолари.
2. Чўл ҳудуди тупроқларининг шўрланишига сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.

Ҳозирги вақтда дунё ҳамжамиятида агроэкологик муаммоларнинг ниҳоятда жиддийлашуви, биосферада кечаётган салбий оқибатлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, умуман, табиатда бўлаётган ўзгаришларни ўрганиш биз тупроқшунослар олдидаги энг долзарб вазифалардир.

2017 йил 10 декабр куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев илк бор қишлоқ хўжалиги ходимлари кунида сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалиги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди. “Республикада 160 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Кўптармоқли фермер хўжаликлари 45 фоизга кўпайиб, уларнинг сони 75 мингтага етди. Жорий йил мамлакатимизда 8,377 млн тонна ғалла, 2,93 млн тоннадан зиёд пахта, 12,45 минг тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 млн тонна мева-сабзавот, 13 млн тонна гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилди. Биринчи марта шафран экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 млн долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 856 млн долларлик 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилди.

Аввало, ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш энг муҳим вазифалардан биридир”, – деди давлатимиз раҳбари.

“Мамлакатда суғориладиган ерлар атиги 3 млн 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки Ўзбекистонда сув ресурслари чекланган. 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Мамлакат бўйлаб 445 минг гектар энг унумдор ер аҳолига томорқа сифатида берилган. Лекин ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Томорқада цитрус мевалар етиштиришга мўлжалланган ихчам иссиқхоналар барпо қилиш, ёнғоқ, унаби ва бошқа кўчатлар етиштиришни ташкил этиш яхши фойда келтиради.

Мамлакатдаги 146295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи бутунлай эскирган. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар, боғ ва тоқзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришlash ва йиғиб олишга мўлжалланган техника билан 34 фоизгина таъминланган, холос. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда”.

Фермер хўжаликларида ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2,626 млн гектар майдоннинг умумий узунлиги 385 минг километр бўлган чекка қисмларида сабзавот ва полиз экинлари экишни йўлга қўйиш орқали 415 минг тонна қўшимча маҳсулот етиштиришга эришиш мумкин экан. Ҳар бир фермер хўжалиги даласида бир бошдан, жами 14 минг соғин сигир, 21 минг 125 та фермер хўжалигининг ҳар бирида 50 бошдан жами

1 млн 57 минг парранда, 66 минг фермер хўжалигининг дала четларида 329 минг қути асалари боқиш ҳисобидан 7 минг 200 тонна асал етиштириш имконияти мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилганда, тупроқ табиий шароитидан бутунлай фарқ қиладиган инсон фаолияти таъсиридаги шароитда бўлади. Айниқса, деҳқончиликда сунъий суғориш билан олиб борилганда инсон фаолиятининг тупроққа таъсири янада кучаяди. Инсон фаолиятининг тупроққа таъсирини бир сўз билан «антропоген» омил деб атаса бўлади.

Антропоген омил тупроқ ҳосил бўлишига агротехник усуллар, геологик ва қурилиш ишлари, саноат ва саноат қурилишлари, шаҳар ва шаҳарлар қурилиши, дарахтларнинг кесилиши, ер ости сувларининг пасайиши ёки кўтарилиши, йўл ва сув омборлари қурилиши ва бошқалар орқали таъсир кўрсатади.

Сурхондарё вилояти шароитида, асосан, пахта, ғалла, сабзавот-полииз ва мевали ўсимликлар ўсади. Тупроқ қоплами, биоқатламдаги ҳаётни турли салбий оқибатлардан ҳимоялаш ўзига ҳос экран ролини бажаришдаги вазифалари шулар жумласига киради.

Ер – азалдан халқнинг энг асосий ва бебаҳо бойлиги, чинакам умумхалқ мулки ҳисобланади. У мамлакатимиз миллий бойлигининг энг муҳим қисми, ишлаб чиқаришда муҳим восита ролини ўйнайди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, вилоят йиғилишларида таъкидлаганларидек “Ер қишлоқ хўжалигининг ривожланишида асосий манба ҳисобланаётганлиги, тупроқдан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида куйиниб гапиришлари, кишилиқ жамияти, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ёш бўлажак мутахассислар олдига қўйилган катта маъсулиятли вазифадир”.

Шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I чақириқ XI-XII сессияларида қабул қилинган “Ер кодекси” ва “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонун ва бу қонунларни жойларда амалга оширишда ҳам бўлажак мутахассисларнинг вазифалари, ерга – тупроққа бўлган муносабатини яхшилаш, фуқароларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан оқилона фойдаланиши соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда аниқ белгиланган.

Республикаimizда тупроқларни ўрганиш бўйича кўплаб назарий ва амалий ишлар амалга оширилган. Тупроқшунос олимларнинг фикрича, тақирларнинг келиб чиқишига она жинсларнинг оғир механик таркибга эга бўлиши ҳамда пастки қатламларда шўрланиш жараёнларининг ривожланиши сабаб бўлади. Чўл минтақасида ёғин-сочин миқдорининг қиш-баҳор даврида кўпайиши натижасида айрим жойларда сув тўпланиши ва тупроқ қатламининг намланиш даражаси ошади.

Тупроқларнинг намланиши 30-50 см қатламда кузатилади, қуйи қатламлари эса қуруқ ҳолда ривожланади. Ёзнинг иссиқ кунлари тупроқнинг юза қисми қуриб, турли шакллардан иборат бўлган полигонал қатламлардан тузилган текис ҳудудларга айланади. Бу полигонал қатқалоқлар айрим тупроқларда қиш-баҳорги намланиш даврида ҳам сақланиб қолади. Айни қатқалоқларда нам

даврлари лишайниклар ва сув ўтларининг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит вужудга келади. Уларнинг биокимёвий фаолияти натижасида тупроқ пайдо бўлиш жараёнлари ривожланади. Тупроқнинг устки 15-20 см қатламида тупроқларга хос бўлган генетик қатлам ҳосил бўлади. Бу эса тупроқларни шаклланишига ва уларни алоҳида тупроқ типи сифатида ажратишга олиб келади. Тупроқлардан ўрта асрларнинг бошларидан буён Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа воҳаларда суғориладиган деҳқончиликда фойдаланилади.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПТИ) Сурхондарё филиали далалари тупроғини А.Н.Розанов (1951), А.Э.Зайчиков (1957), Республика тупроқ экспедицияси тупроқшунослари (1960) бу тупроқларни чўл минтақасининг суғориладиган тупроқларини “тақир тупроқ” деб атаган. Лекин бу тупроқлар тарқалган территориянинг юқори қисмида “Учқизил” сув омборининг қурилиши муносабати билан территорияда гидрогеологик шароитнинг ўзгариши оқибатида, яъни сув омборидан ва бетонланмаган сув тармоқларидан доимий сувнинг тупроққа сингиши натижасида, ер ости сизот сувларининг кўпайиши ва тупроқ юзасига 1,5-3 м гача кўтарилиши тупроқ қатламларининг намланишига олиб келганлиги сабабли, гидроморф тупроқлар пайдо бўлганлигини 1967 йилда тупроқшунос олимлар В.В.Валиев, Н.М.Малабаев, П.Н.Беседин раҳбарлигида собиқ Союз НИХИ (ҳозирги ЎзПТИ)нинг Сурхондарё филиали далаларида 35 та тупроқ чуқур (разрез)лари ер ости сизот сувига, яъни 1-2 м.гача қазилиб тупроқ намуналари (монолитлар) олиниб, лабораторияда таҳлил қилиниб, 1:5000 масштабда тупроқ картаси ва агрокимёвий картограммалар тузиб филиал тупроқларини ўтлоқи тупроқ типига киритилган. Лекин тупроқ тупроқнинг ўтлоқи тупроқ типига айланаётганлиги сабабли, тўлиқ ўтлоқи тупроқ деб атамасдан, тупроқ деб атаган ва ўтказилган агрофизикавий, агрокимёвий ва бошқа таҳлиллар натижаларига асосланиб, бу тупроқларни тупроқдан ўтлоқи тупроқ типига айланаётганлиги тўлиқ исботланган.

Рус олими П.А.Костичев тупроқнинг ҳосил бўлишида биологик омиллар, айниқса, ўсимликлар олами ролига эътибор беради ва шунга кўра тупроққа қуйидагича таъриф беради: *“Тупроқ деганда ўсимликларнинг илдизлари чуқур кириб борадиган ер юзасининг устки қатламини тушуниш керак”*.

Замондош агрохимик Х.Х.Зокиров эса тупроққа “Тупроқ ернинг устки, ўсимликларининг илдиз системаси жойлашган, ғоваклик ва ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган унумдор (донадор), мустақил жисмдир”, – деб таъриф беради.

Тупроқ ер пўстининг юза ва унумдор қатлами бўлиб, унда тирик организмлар, метоболизм маҳсулотларининг атмосфера ҳавоси, сув ва бошқа ташқи табиий омиллар таъсири остида ҳосил бўлган маҳсулотлардир.

Демак тупроқ кўп компонентли, мураккаб, кўп функцияли, кўп фазага эга очик система бўлиб, тирик организмлар ва жонсиз тоғ жинслари, минералларнинг ўзаро таъсирида ҳосил бўлиб, мустақил табиий танани ташкил этади.

Тупроқ қоплами икки услубда: тарихий-геоморфологик ҳамда геокимёвий услублар ёрдамида ўрганилади. Дала ва лаборатория шароитида тупроқ генетик қатлами, морфологик, картографик, стационар, экспериментал, вегетация,

моделлар усули ёрдамида аниқланади.

Тупроқ ер шарининг барча қобиклари ҳаётида катта рол ўйнайди ва қатор вазифаларни бажаради. Тупроқ қопламининг биосферадаги асосий вазифалари қуйидагилар:

1. **Тупроқнинг биоэкологик вазифаси.** Тупроқ экология манбаи ва муҳити бўлиб, унда қўлаб органик моддалар тўпланади. Тупроқдаги қўп сонли макро- ва микроорганизмлар ер шаригаги барча тирик организмларнинг ажралмас қисмидир.

2. **Тупроқ қопламининг биоэнергетик вазифаси.** *Тупроқ қопламини ўз ичига олувчи экологик системада ўсимликлар ҳар йили ерда* тахминан 1017 ккал микдорда кимёвий актив энергия тўплайди. Чиринди ва органик қолдиқларда тўпланадиган бу энергия тупроқдаги турли организмларнинг яшаш фаолияти ва тупроқ пайдо бўлишидаги кечадиган жараёнларнинг бориши учун сарфланади. 1 гр. тупроқ биомассаси оксидланганда 2-3 ккал иссиқлик энергияси ажралади.

3. **Тупроқ қопламининг азот оксиди тўплаш вазифаси.** Тупроқ экологик система ҳисобланиб, атмосферадаги молекуляр азотни тўплаш ҳамда уларни аминокислоталар ва оксилларга айлантириш хоссасига эга. Ҳар йили ер юзаси қуруқлик қисми тупроқларида 140 млн. тонна азотнинг биологик фиксацияланиши кузатилади.

4. **Тупроқ қопламининг биокимёвий вазифаси.** Тупроқдаги кимёвий элементлар ялпи ва ҳаракатчан шаклда бўлиб, ҳаракатчан турлари ўсимликлар томонидан илдизлари орқали тупроқнинг пастки қатламида C, N₂, H₂, O₂, P, Ca, K, Mg, Al, Cu, Zn ва бошқа кимёвий элементларни сўриб олади ва тупроқ қатламларида тўплаш имкониятини беради.

5. **Тупроқ қопламининг гидрологик вазифаси.** Тупроқда атмосфера ёғинларидан тўпланадиган буғсимон сувлар конденсацияланиб қуюқлашиши натижасида эркин сувга айланади. Ҳосил бўлган бу сувлар тупроқнинг пастки қатламларига сизиб ўтади ва сизот сувларни ҳосил қилади. Сизот сувларининг ер юзасига яқинлиги, чуқурлиги қандай бўлишига қараб автоморф, гидроморф тупроқларни ҳосил қилади. Тупроқ пайдо бўлиш жараёнида сув асосий омиллардан ҳисобланади. Ёғин-сочин сувлари ва сизот сувларнинг ҳаракати ҳар хил геоморфологик ҳудудларда турлича бўлиб, уларнинг тупроқ ҳосил бўлишидаги таъсири ҳам ҳар хилдир.

6. **Тупроқ қопламининг атмосфера ва газ таркибига таъсири вазифаси.** Тупроқ қопламини ер шарининг газ режими ва атмосфера таркибининг шаклланишида, фотосинтезда, карбонат ангидридининг бирикиши, азот тўплаши, кислород ва водороднинг тўпланишида, денитрификация, десульффикацияда, оксидланиш ва нафас олишда, карбонат ангидридининг атмосферага қайтиши ва айланиши каби жараёнларида ҳам катта роль ўйнайди.

Тупроқ унумдорлиги. Тупроқ унумдорлиги деганда эса тупроқнинг ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши учун керак бўладиган сув ва озиқ-моддалар, шунингдек, зарур шароитлар билан таъмин этиш хусусияти назарда тутилади. Тупроқнинг тоғ жинсларидан фарқ қиладиган сифати ва асосий хоссалари ҳам шундан иборатдир.

Тупроқнинг асосий хоссаси ва энг муҳим сифати унинг унумдорлигидир, тупроқ ва унинг унумдорлиги тўғрисидаги тушунчалар бир-биридан ажралмасдир. Демак ҳар хил физик, химиявий ва биологик жараён таъсирида ўзгарган ва ўзгараётган ҳамда унумдорлик сифатига эга бўлган ернинг устки ғовак қатлами тупроқ дейилади.

Ўсимлик ҳаёти учун зарур бўлган озиқ моддалар, сув, ҳаво ва иссиқлик қай даражада бўлишига қараб, унумдорлик турли тупроқларда турлича бўлади.

Масалан: серчиринди, донадор структурали тупроқларда ўсимлик ҳаёти учун зарур шароит қулайлиги сабабли, унинг унумдорлиги яхши бўлади. Тупроқларни мукаммал ўрганиш, улардан фойдаланиш усуллари, бериладиган турли ўғитларни тўғри қўллаш, мелиорация ва суғориш каби агротехникавий тадбирларни амалда жорий этиш тупроқ унумдорлигини ошириш йўли билан экинлардан янада кўпроқ ҳосил олиш каби муаммоларни ҳал этиш тупроқшунослик фани олдида турган ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифалари ҳисобланади.

Демак, тупроқ ўзининг унумдорлик хусусияти билан тоғ жинсларидан фарқ қилади. Тупроқ унумдорлигини бир неча турлари мавжуд бўлиб;

1) табиий; 2) сунъий; 3) потенциал; 4) эффектив; 5) солиштирма; 6) иқтисодий; 7) қайта тиклаш кабилардир.

Табиий унумдорлик тупроқ ҳосил бўлишида шаклланган, инсон аралашмасдан юзага келадиган унумдорликдир.

Сунъий унумдорлик инсоннинг тупроққа бевосита таъсир этиб, ҳайдаш, ўғитлаш, ишлов бериш, мелиоратив тадбирлар олиб бориш орқали эришилган унумдорликдир.

Эффектив унумдорлик бу маълум иқлим шароитида экилган ёки табиий ўсимликлар туфайли шаклланган унумдорликдир.

Солиштирма унумдорлик маълум экин тури етиштирилганда юқори ёки кам ҳосил олинишига қараб аниқланади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ хоссалари, таркиби ва шароитларини ҳисоблаш натижасида келиб чиқади.

Потенциал, яъни умумий унумдорлик табиий шароит ва инсон таъсирида тарихий шаклланган унумдорликдир.

Сурхондарё **воҳасининг тупроқ табиий иқлими ва гидрогеологик шароитлари.** Сурхондарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг энг жанубий минтақасида жойлашган бўлиб, шимолий-ғарбида – Қашқадарё вилояти, жанубий-ғарбида – Туркменистон Республикаси, шарқда – Тожикистон Республикаси, жанубида эса Амударё орқали Афғонистон Республикаси билан чегараланади.

Сурхондарё вилояти ҳудуди мураккаб геологик, геоморфологик, литологик, гидрогеологик, иқлим шароитларига, турли тупроқ ва ўсимлик қопламига эга бўлиб, Боботоғ ва Бойсун тоғ тизмаларига оралиғида деҳқончиликни ривожлантириш учун қулай бир географик муҳитда жойлашган. Вилоят уч томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, фақат жанубдан Амударё ва Афғонистоннинг қумли чўллари томони очик. Воҳанинг шимолий-ғарбий томонидаги Ҳисор ва Бойсун тоғларидан бошланадиган Тўпаланг, Сангардак,

Хўжаипок, Шеробод дарёлари водийни сув билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади.

Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятининг кўпчилик туманларида хўжаликлараро ва хўжалик ички суғориш тармоқларини қайта қуриш ва таъмирлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди, бир қанча йирик сув омборлари қурилиб, сув таъминоти яхшиланди. Хўжаликлар ички ва бетон каналлар узайтирилди, маълум майдонлардаги ботқоқ ерлар қурилди, дехқончилик маданияти ривожланди. Вилоятда тупроқ ва гидрогеологик тадқиқотлар амалга оширилди. Олиб борилган ижобий ишлар билан бир қаторда, суғориладиган майдонларда деградацион жараёнлар, жумладан, тупроқда туз тўпланиши ва иккиламчи шўрланиш ҳолатлари содир бўлди, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги пасайди. Бу салбий ўзгаришлар ўз навбатида вилоят ерларининг мелиоратив-экологик ҳолатини даврий равишда атрофлича ўрганиш вазифасини келтириб чиқарди.

Воҳанинг иқлими мўътадил бўлиб, ёзи ниҳоятда иссиқ ва қуруқ, ҳавонинг нисбий намлиги кам, булутсиз ва ёғингарчиликсиз. Х.Х.Зокиров маълумотларига қараганда (2010), ёзда энг юқори ҳарорат 50°C гача иссиқ, январнинг ўртача ҳарорати 2.8°C гача етади. Воҳанинг жанубий минтақаларида йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори 102-180 мм ни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий намлиги энг паст бўлиб, айрим йиллари 18-20% ни ташкил қилади. Йил давомида совуқсиз кунлар 234-266 кунгача давом этади.

Термиз ва Шеробод метеорологик станциялари маълумотига кўра, биринчи совуқ 2- 24 ноябрдан бошланади. Баҳорнинг бошларида 2-12 мартда охириги совуқ бўлиши кузатилган. Йиллик ўртача ҳарорат $17,3-17,8^{\circ}\text{C}$ оралиғида ўзгариб туради. Ўсимликларнинг ўсиш даврида ўртача йиллик ҳарорат $26,1-26,6^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади. Бабушкин А. Н. (1961) маълумотларига асосан, воҳада баҳордан ёзга ўтиш тез содир бўлади. Масалан, февралда суткалик ўртача ҳаво ҳарорати $5-6^{\circ}\text{C}$ бўлса, мартда $11,3^{\circ}\text{C}$, апрелда $17,7-18,5^{\circ}\text{C}$ гача етади. Йиллик ёғингарчилик миқдори турлича бўлиб, энг кўп миқдорда февраль, март, апрель ойларида ёғади. Июнь, июль, август ва сентябрь ойларида, одатда, ёғингарчилик бўлмайди (2-жадвал). Воҳанинг жанубий туманларида жануби-ғарбий йўналиш бўйича “Афғон шамоли” номи билан аталувчи кучли шамол эсиб, осмонни сариқ қум заррачалари билан қоплайди. Ёз ойларида жануби-ғарбий йўналиш бўйича эсадиган кучли шамоллар ва тўзонли бўронлар ўзлари билан кўплаб қум заррачаларини келтириб экинзорларга ташлайди.

Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ниҳолларини шикастлайди. Тўзонли бўрон кўтарадиган қуруқ ва иссиқ ҳаво оқими – “гармсел” ҳам қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказди. Шамол пайтида ўсимлик органларида буғланиш (транспирация) кўпайиб, тупроқ юзаси қуриydi, ўсимликларнинг сувга бўлган талаби ортади, ғўзанинг ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил элементлари ва гуллари тўкилади. Шамол тугаганидан кейин, ҳаво ҳарорати 3°C гача пасаяди, бундай шамоллар

таъсирида тупроқнинг ҳайдалма қатламларидан намни буғлатиб, қўшимча мажбурий суғоришга сабаб бўлади. Ёзда шамол таъсирида ҳавонинг нисбий намлиги пасаяди, ўсимликларда буғланиш миқдори кўпаяди, бу эса ғўзада пайдо бўлган ҳосил элементлари, шоналар ва гулларнинг кўплаб тўкилишига сабаб бўлади.

Термиз метеорология станцияси маълумотлари

15- жадвал

Ойлар	Декада	ҳаво ҳарорати °С			тупроқнинг 10 см қатламида ҳарорат °С	ҳавонинг нисбий намлиги %		декадада ёғин-сочин миқдори мм	шамолнинг тезлиги 10 м/сек кунлар
		ўртача	энг юқори	энг паст		ўртача	энг паст		
январь	I	7,5	18	0,2	7,2	70	38	2,2	1 (10)
	II	5,4	15,1	-1	6,7	74	38	0	2 (14-15)
	III	7,7	23	-5	7	58	20	0	-
февраль	I	7,1	24,6	-6	8,2	73	16	14	3 (15-26)
	II	5,6	21,4	-4,5	7,1	56	12	0,5	4 (12-22)
	III	10,3	24,5	-1,8	10,7	64	16	0,9	1 (15)
март	I	15,6	25,7	7,6	15,2	68	23	18,1	4 (10-13)
	II	14,3	24,5	6,7	14,2	67	27	25,2	7 (12-18)
	III	12,9	25	5,2	13,6	73	34	14,2	6 (13-22)
апрель	I	12,5	25,3	5,3	14,3	72	27	21,7	7 (10-24)
	II	20,1	33,4	9	19	55	21	1,9	6 (10-17)
	III	18,1	32,4	7,2	18,5	61	15	22,8	6 (12-18)
май	I	20	30,6	9,4	21,1	40	12	0	4 (10-14)
	II	24,8	36,7	10,7	26,2	41	13	0	3 (11-14)
	III	27,2	39,6	14,2	21,3	44	13	2,3	2 (10)
июнь	I	27,8	38,7	17	29	44	15	0,4	5 (13-19)
	II	27,1	40,1	14,4	29,2	39	24	0	4 (11-22)
	III	27,4	40	14	30,1	41	14	0	2 (20-14)
июль	I	28,5	40,7	17,7	31,5	45	18	0	3 (10-12)
	II	28	40,2	15,3	31	46	19	0	2 (10-13)
	III	30,2	44,4	17,1	33	48	15	0	4 (10-12)
август	I	29,2	41	18	32	42	16	0	-
	II	29,6	41,9	16,3	33	45	20	0	1 (10)
	III	27,2	39,4	15,9	31	47	17	0	1 (14)
сентябрь	I	23,9	37	11	28	49	19	0	2 (11)
	II	23	35,9	10,8	26,4	49	21	0	2 (15-16)
	III	21	35	10,4	24,7	53	19	0	1 (10)
октябрь	I	19	32,7	7,3	23,7	59	23	2,3	3 (11-15)

	II	11,2	23,2	1,9	17,4	61	31	0	-
	III	9,7	26,5	-2,4	14	74	31	27,6	3 (12-14)
ноябрь	I	13,4	29,5	0,5	13,6	71	23	0	2 (15-17)
	II	11	23,6	0,5	12,5	70	24	0	2 (10-12)
	III	5,1	23,6	-4,6	8,9	68	26	12,9	1 (12)
декабрь	I	3,3	20,7	-6,9	5,2	79	33	2,1	-
	II	8,2	21,4	-0,3	8,1	74	34	0	2 (16-18)
	III	7,1	26,7	-6,9	7,7	74	18	5,3	6 (11-15)

Вилоятнинг суғорма деҳқончилик ҳудудларида шимолдан жанубга қараб ҳаракатланиш ва жойнинг денгиз сатҳидан пасайиб бориши билан, қисман шароитлари аста-секин ўзгариб боради. Йиллик ўртача ҳарорат ва совуқсиз давр узунлиги кўпаяди, 10°C дан юқори бўлган ўртача суткалик ҳарорат йиғиндиси, ҳаво қуруқлиги, шунингдек, буғланиш даражаси ортиб боради.

Тупроқ-иқлим шароитларининг ўзига хос хусусиятларига кўра, вилоятда иккита тупроқ-иқлим ҳудудларини ажратиш мумкин.

1. Тақирли, сур тусли қўнғир кумли чўл тупроқлари, тақирлар ривожланган, вилоятнинг жанубий қисми, ёки паст текисликлар чўл ҳудуди.

2. Асосан бўз тупроқлар тарқалган вилоятнинг шимолий қисми ёки тоғ ости ва тоғ олди текисликлари ҳудуди.

Гидрогеологик шароитлари. Сурхондарё вилояти чўл ҳудудида табиий ҳолда ғарбдан Шерободдарё оқиб ўтган. Ҳисор ва Кўхитанг тоғларидан оқиб келувчи ирмоқлари ва булоқ сувлари йиғиндисидан шаклланган. Шерободдарё суви Сурхондарё сувига нисбатан минераллашган 2 г/л қуруқ қолдиқ, Қорасув дарёсида 4 г/л га етади. Текислик ҳудудига чиққанда Шерободдарё суви бутунлай суғоришга тортилган. Қорасув дарёсининг Амударёга қуйилиш жойида сув ҳажми 1,0-1,5 м³/с га тушиб қолади. Шерободдарё сувининг кучли минераллашганлиги тупроқ-грунт ва ер ости сувларига ўз таъсирини ўтказган. Сурхон-Шеробод дарё водийлари оралиғидаги Ховдак тепаликлари икки томонда ўзига хос геоструктуравий тузилиш пайдо этган, шунинг натижасида, жанубий-шарқдаги Сурхондарё водий текисликлари ва шимолий-ғарбдаги Шерободдарё водийси бир-биридан фарқ қилади. Шерободдарё водийси ер ости сувлари тўртламчи давр аллювиал-пролювиал ётқизиқларида ҳаракат қилиб, жанубга Амударё томон йўналади. Лекин Шерободдарё конус ёйилмасини чекка (ташқи) қисмларига етиб келган ер ости сувлари оқими қонуният бўйича секин ҳаракатланади. Бу ерда грунт қопламани гранулометриқ таркибини ўзгаришидандир. Шерободдарёни ўрта ва юқори ёйилмалари қисмларида сув ўтказувчанлик юқори, лекин грунт сувлари минераллашганлиги 2-3 г/л етади.

Чўл ҳудудини депрессияларида ер ости сувларини минераллашганлиги баъзан 10-49 г/л га етади, бу юқори буғланиш ва суғориш сувларини йўқлиги ҳисобига бўлади. Қизирикдара ҳудуди ер ости сувларида кучли минераллашганлиги кузатилди, бу неоген тузли ётқизиқларини ер юзасига яқин жойлашганлигидан ва унинг оқибатида грунт сувлари аксарият ҳолатларда

сульфат, хлорид-сульфат кальций типиди шўрланиб, куруқ қолдиқ 30 г/л га етади.

Шеробод чўллариға келтирилган Занг ва бошқа каналлар сувини тўлиқ суғоришға тортилиши бунга мисол бўлади. Суғориладиган чўл худуди автоморф тупроқ қопламларини охириги йиллардаги тадқиқотларда аниқланишиға кўпроқ қисми ярим гидроморф режимға ўтиб ривожланаётганлиги аниқланди. Бу ҳудудларға Ангор, Шеробод, Музработ ва Қизириқ туманларидаги суғориладиган тупроқлар мисол бўла олади.

Асосий суғориш каналлари

16-жадвал

т/р	Канал номи	Узунлиги км	Максимал ўтказиш қуввати м³/с	Суғорма ер остидаги майдон минг га
1	Шеробод	27	-	-
2	Шеробод (ўнг тармоғи)	61.7	150	86.08
3	Аму-Занг	56.6	140	110.02
4	Ҳазорбоғ	53.6	94	68.44
5	Жайхун	18.1	90	5.81
6	Занг	87.4	86	87.6
7	Боботоғ	41.3	30	17.82

Сурхондарё воҳаси ҳудудларида тарқалган тупроқлар ва уларнинг агроэкологик муаммолари. Ер юзасининг тузилиши жиҳатдан Ўзбекистон худуди икки қисмға ажралади: катта қисми 78.7 % текислик, 21.3 % тоғлардан ва тоғ оралиғидаги ботқоқлардан иборат.

Сурхондарё табиий географик ўлкасининг океан сатҳидан 500 м (Термиз 302 метр) баландликкача бўлган жойларида оч бўз тупроқ тарқалган. Ер ости сувлари ер юзасиға яқин бўлган жойларда шўрлашган бўз тупроқ учрайди. Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг қайирларида аллувиал-ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар учраса, жанубий қисмидаги қум массивларида қумли ва қумлоқ тупроқлар учрайди.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг умумий ер майдони 2,1 млн. га ни ташкил этади. Сурхондарё вилоятининг жами ерлари 1707,6 минг га бўлиб, вилоятнинг ерларининг умумий балл бонитети 60 баллни ташкил қилади. Шундан суғориладигани 562.7 минг га, экин ерлари 279.5 минг га, кўпйиллик дарахтлар билан 32.7 минг га, бўз ерлар 0.3 минг га, пичанзорлар ва яйловлар 776.7 минг гани ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 1089.2 минг га бўлиб, 272.8 минг. га суғориладиган, томорқалар 57.9 минг га 287,7 минг га деҳқончилик қилинадиган ерлардир (вилоят умумий ер фондининг 14 % га тўғри келади). Ўрмон хўжалигига қарашли ерлар 277 минг га бўлиб, 198,5 минг га дарахтзор ва бутазорлардан

иборат. 35.5 минг гектар ерларда мевали боғлар ташкил этилган. Вилоятнинг суғориладиган фермер хўжалиги ерлари 355.9 минг гани ташкил этади.

Ўлканинг 500 м дан 1200 м баландликкача бўлган қисмида оддий ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Бундай тупроқлар кўп жойларда ўзлаштирилиб, маданий бўз тупроққа айлантирилган.

Сурхондарёнинг 1600-2500 м дан баландда бўлган тоғ ёнбағирларида тоғ-жигарранг тупроқлар таралган бўлиб, таркибидаги чиринди 4-6 фоизга боради. 2500 м дан юқорида яйлов минтақаси бошланиб, тоғ-ўтлоқ, ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқ учрайди.

Термиз тумани аллювиал ётқизикларида ташкил топган, Сурхондарёнинг I-II қайир усти террасаларидаги янгидан суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқлардан иборат. Тақир-ўтлоқи тупроқлар чўл минтақаси текисликларида ривожланган оғир қумлоқли ва лойли фракциялардан тузилган.

Тақир тупроқлар – Сурхондарё воҳасида ўзига хос генетик тузилишга, хусусиятга эга бўлган типик чўл (сахро) тупроқлари типини ташкил этади. Бу тупроқлар Сурхондарё воҳасининг субареал аллювиал ҳамда пролювиал текисликларида механик таркиб жиҳатдан бирмунча оғир ва у ёки бу даражада шўрланган ётқизиклар устида пайдо бўлган.

Биринчидан, тақирли тупроқларнинг юзаси текис, ҳар хил шаклдаги ёриқлардан ташкил топган қалинлиги 1-5 см, ранги қизғиш кўкимтир товланувчи катта кесакчали қатқалоқли қатламнинг ҳослиги билан ажралиб туради. Қатқалоқ остида эса қизғиш-кўнғир тангачасимон-кесакчали, уваланувчи қатқалоқ ости қатлами бўлиб, бу одатда, 6-10 см қалинликда бўлади. Бу қатлам кўнғир-қизғиш рангли оқиш доғлар билан товланган, жуда катта-кичик кесакчали, қалинлиги 20-25 см бўлган қатлам билан алмашади. Бу қатламнинг остида эса жуда мураккаб рангли (қизғиш, кўнғир, оқиш нуқталар, темир занглари ва қора-кўнғир доғлар билан ва ҳ.) 80-100 см қатлам бўлади. Тақирли тупроқларнинг мелкоземли қатлами, одатда, 200 см ва ундан ортиқ бўлади. Энг характерли морфологик тузилиши яна шундан иборатки, барча генетик қатламлар ўта оғир механик таркибидир (оғир, қумоқ, енгил). Мана шу сабабли бу тупроқни ўзлаштиришда даставвал оғир механик таркибли ерларга хос бўлган агротехник ва мелиоратив тадбирларни қўллашга тўғри келади.

Яна тақирли тупроқлар учун хос бўлган иккинчи морфологик белги уларнинг табиий зичланганлигидир. Биринчи кўринишда бу тупроқлар жуда яхши агрегатлангандек кўринади, бироқ бу агрегатлар фақатгина оддий физик кўриниш бўлиб, улар аслида “ўта сохта” агрегатлардир, чунки бу агрегатлар намланганда ўз ҳолатини ўзгартиради ва намлик ортган сари бўтқага айланади.

Табиийки, тупроқ тикланадиган жинсдир ва унинг табиат ҳамда инсоният ҳаётидаги ўрни беқисдир. Ҳозирги кунда инсонлар томонидан сунъий равишда тупроқ унумдорлиги оширилиши ва унинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Чунки ўзининг табиий хусусиятларига эга бўлган мустақил жинс ҳисобланган тупроқ антропоген омил ҳисобланмиш инсон томонидан шикастланган.

Тупроқ структурасининг ёмонлашига олиб келадиган сабаблари сифатида тупроқдан фойдаланиш ҳолатининг бузилиши, агротехник тадбирларнинг

нотўғри йўлга қўйилганлиги унинг яроқсиз ҳолга келтириб қўяди, натижада, инсон таъсирида ирригацион (сув) эрозиялари вужудга келади, тупроқларда шўрланиш юзага чиқади ва ошади ёки ботқоқланишга олиб келди.

Афсуски, Иттифоқ даврида Ўрта Осиёдаги барча республикаларда, айниқса, Ўзбекистон учун етакчи соҳа пахта бўлиб, умумий суғорилиб экин экиладиган майдонларнинг деярли 75-80% ни ташкил этган бўлиб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун кучайтирилган агротехник тадбирларининг оқибатида тупроқлар зўриқтирилди, табиий унумдорлиги кескин пасайди, тупроқ пахтага хос бўлган касалликлар ва зараркунандалар билан касалланди, далага оғир техникаларнинг қўплаб киритилиши оқибатида эса тупроқнинг юза қатлами кескин зичлашди.

Сурхондарё вилояти ҳудудида таркалган тупроқлар

17-жадвал

т/р	Минтақалар	Тарқалиш баландлиги	Тупроқ типи	Гумус миқдори %
1.	Баландлик	3000-3300	Оч-қўнғир, ўтлоки дашт	1,3-1,2
		1600-2500	Жигарранг	1,7-5
		1400-1600	Тўқ тусли бўз	1,5-3
		1200-1300	Типик тусли бўз	0,7-1,5
		900-1100	Оч тусли бўз	0,6-1,3
2.	Лалми тупроқлар	1000-1300	Тўқ тусли бўз	1,5-3
		700-1000	Типик тусли бўз	0,7-1,5
		400-600	Оч тусли бўз	0,6-1,3
3.	Чўл зўнаси тупроқлари	200-400	Қумли чўл тупроқлари	0,2-0,9
			Типик сур-қўнғир	0,2-0,5
			Тақирли	0,2-0,9
			Ўтлоки қайир(қайир аллювиал)	0,9-1,5
			Ярим мустаҳкамланган (маган) қумлар	0,2-0,5
		200-400	Шағалли қум	0,1-0,5
4.	Суғориладиган тупроқлар	700-1000	Тўқ тусли бўз	0,9-2,3
		350-1000	Типик тусли бўз	
		350-600	Оч тусли бўз	
		200-400	Бўз ўтлоқи	0,2-0,9
			Ўтлоқи саз	
			Ўтлоқи аллювиал (ботқоқли ўтлоқи)	
			Чўл-ўтлоқи	0,2-0,5
			Сур қўнғир	
			Тақирли	0,7-1,1
			Тақирли –ўтлоқи	

Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, 1 см^3 ҳажмдаги тупроқнинг оғирлиги $1,1\text{--}1,2\text{ гр/см}^3$ га тенг бўлиши нормал ҳолат ҳисобланса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич $1,6\text{--}1,8\text{ гр/см}^3$ га етган бўлиб, агарда ушбу кўрсаткич $2,5\text{ гр/см}^3$ етса, ушбу жисм тупроқ эмас ерга айланган бўлиб, мутлоқ ҳосил берувчи маданий ўсимлик ва экинлар ўсмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, антропоген омил, яъни инсон фаолияти маълум мақсад сари йўналтирилган, илмий асосланган ҳолатда деҳқончиликка ёндашилса, тупроқ ҳолати яхшиланади, унумдорлиги кўтарилади. Бироқ шунини очиқ айтиш керакки, Ўзбекистонда Иттифоқ даврида ҳам, қолаверса, бугунги кунда ҳам, асосий диққат-эътибор кўпроқ ҳосил етиштиришга қаратилган бўлиб, барча агротехник тадбирлар кучайтирилган ҳолатда берилган. Айрим ҳудудларда пахта кеч пишиши натижасида ер умуман дам олмаса, бир қатор хўжаликлар бир йилда икки-уч ҳосил олиши натижасида ер зўриқмоқда. Аксарият ҳолатларда, экиндан бўшагани кузги шудгорсиз қолиб кетмоқда, суғориш меъёрлари 20 минг куб метрга борган (меъёрдан $2,5\text{--}3$ баробар кўп), азот жуда катта миқдорда берилиб, фосфор ва калийли ўғитлар етарлича берилмаган (N:P:K ни $1:0,75:0,5$ нисбати кескин бузилган). Кимёвий захарли восита (пестицид)лардан бир неча баробар керагидан ортиқча ишлатилиши оқибатида, зараркунандалар билан биргаликда фойдали ҳашаротлар, тупроқ таркибидаги микроорганизмлар, чувалчанглар, кемирувчиларни қирилиб кетиш оқибатида, тупроқ табиий унумдорлигини деярли йўқотди.

Халқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларда инсон фаолияти тупроқ ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Алмашлаб экиш, дарахт ўтказиш, ерни ишлаш ва ўғитлаш, суғориш, ер захини кетказиш ва шўрини ювиш, текислаш ва шунга ўхшаш ишларнинг барчаси тупроқнинг ривожланишига ва унинг асосий хусусиятларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Кўрик ерларни биринчи ҳайдалган кундан бошлаб, уларнинг табиий қиёфаси ўзгаради, яъни уларнинг устки чим қатлами йўқолиб, у пастки қатлам билан аралашади. Бундай тупроқнинг ҳаво ўтказиш, сув режими бошқачароқ бўлади, ўсимлик ва тупроқ жониворларининг ҳаёти учун зарур шароит яратилади. Ерни ўғитлаш билан биз унинг озуқа режимини кескин ўзгартирамиз. Ерга солинадиган минерал ва органик ўғитлар тупроқдаги озуқа моддалар миқдорининг кўпайишига ва қисман тупроқ кимёвий таркибининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Зовурлар қазиб, тупроқ захини кетказиш, шўрини ювиш натижасида тупроқда жуда катта ўзгаришлар содир бўлади. Унумсиз шўрхок тупроқлар, ботқоқлар ва бошқа шу сингари фойдаланиш қийин бўлган ерлар инсон меҳнати туфайли сифати яхшиланиб, унумдор тупроққа айланади. Тупроқларнинг ривожланишига сунъий суғориш, айниқса, катта таъсир қилади. Табиий шароитда ёғин-сочин сувларидан ҳаммаси бўлиб 100 мм дан 400 мм гача сув оладиган ер сунъий суғориш орқали 4-5 маротаба кўп намланади. Суғориш натижасида тупроқларнинг табиати ўзгаради, унинг генетик қатламларида мавжуд элементлар ҳаракати, янги яралмалар, лойланиш жараёни, биологик ҳаёт кескин ўзгаради, минерал жинсларнинг ички нураш

тезлиги ўзгаради. Суғориш сувлари олиб келган қаттиқ ётқизиклар таъсирида янги агроирригацион қатлам шаклланади.

Бугунги кунда инсонларгина тупроқ унумдорлигини ошириши, унинг ҳолатини яхшилаш мумкин. Чунки ўзининг табиий хусусиятига эга бўлган тупроқ антропоген омил ҳисобланган инсон томонидан шикастланиди. Шунингдек, тупроқдан фойдаланиш қоидаларини бузиб, уни издан чиқариш, яроқсиз ҳолга келтириб қўйди, оқибатда, инсон фаолияти натижасида сув эрозиялари рўй беради, ерни шўр босади ёки ботқоқ ҳолга келиб қолади. Бунинг асосий сабаби тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва деҳқончиликни юритиш қоидаларига амал қилмаслиқдир.

Суғориш суви танқис бўлганлиги сабабли вилоятда мавжуд суғориш тизимининг фойдали коэффицентини ошириш, тежамкорлик ҳисобида кўпроқ майдонларни суғоришга эришиши талаб этилади. Аммо амалда суғориш ишлари нотўғри олиб борилганлиги, суғориш тизимлари талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли ер ости сувлари кўтарилиб, тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Чўл ҳудуди тупроқларининг шўрланишга сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистоннинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлари 4.2 млн гектарни ташкил қилади. Ушбу ерларнинг 2 млн гектари турли даражада шўрланган ва унумдорлик хусусиятларини йўқотиб бормоқда.

Сурхондарё вилоятида эса шўрланган ерларнинг умумий майдони 12860 гектарни ташкил этади. Тупроқнинг шўрланиш кўрсаткичи нисбатан баланд бўлган ҳудудларга Ангор, Музработ, Шеробод, Қизирик туманларида турли даражадаги шўрланган тупроқларни учратиш мумкин.

ЎзПТИ томонидан ишлаб чиқилган ва “СредАзгипроводхлопок” институти томонидан иқлим ва минтақавий баландлик шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аниқлаштирилган ҳудудий районлаштириш схемасига кўра, Шеробод, Жаркўрғон, Ангор, Музробод, Қизирик ва Термиз туманлари биринчи тупроқ иқлим ҳудудига, асосан, оч тусли ва типик бўз тупроқлар тарқалган тоғ ости ва тоғ олди текисликлари ҳудудига киради. Сурхондарё воҳаси тупроқлари асосан икки ҳудудга бўлиб ўрганилади:

Пасттекисликлар чўл ҳудуди: Шеробод, Қизирик, Термиз, Музработ, Ангор ва Жаркўрғон туманларини ўз ичига олгани ҳолда, воҳнинг энг иссиқ ҳудуди ҳисобланади. Ўртача йиллик ҳарорат 16,2°C дан (Термиз), 18,1°C гача (Шеробод) тебраниб туради, айрим йилларда 18,9°C гача этади, бу туманлардаги вегетацион даврнинг ўртача ҳарорати 24,8-26,7°C оралиғида тебраниб туради. Бу ҳудуд қишдан баҳорга ўтиш даври ҳароратнинг кескин ўзгариши билан характерланади. Февралда ҳарорат 5,7-6,3°C, мартда 11,3°C га тенг бўлса, апрелда 18,0-18,4°C гача кўтарилади. Мартнинг иккинчи ярмидан бошлаб, вегетация даврининг охиригача бошланган барқарор юқори ўртача ҳарорат бу ҳудудда ингичка толали пахта навлари етиштириш имконини яратади. Биринчи совуқ 19 октябрдан 24 ноябргача, баҳорги охириги совуқ 20-22 мартларга тўғри келади. Совуқсиз даврнинг узунлиги 213-238 кунни ташкил

этади. Самарали ҳароратнинг ўртача йиллик йиғиндиси Шеробод учун 3056°C, Термизда эса 2703°C ни ташкил этади. Чўл ҳудудининг ғарбий қисми (Шеробод тумани) унинг шарқий қисмига (Термиз, Жарқўрғон туманлари) қараганда иссиқроқ. Шу билан бирга, чўлнинг шарқий қисми йиллик ёғингарчилик миқдорининг бироз камлиги билан ажралиб туради.

Сурхондарё вилоятининг шўрланган ерлари

18-жадвал

т/р	Туманлар	Майдони минг/км ²	Шўрланган	Кучсиз шўрланган	Ўртача шўрланиш %	Кучли шўрланиш %
1.	Олтинсой	0.57	75.5	21.7	2	0.8
2.	Ангор	0.39	9.9	60.1	21.3	8.7
3.	Бойсун	3.72	44.4	50.3	0.3	2.3
4.	Денов	0.76	70.8	16.5	10.4	2.3
5.	Жарқўрғон	1.14	57.3	33.3	3.6	5.8
6.	Қумқўрғон	2.2	73	21.1	4.2	1.7
7.	Қизирик	0.56	13.2	33.2	29.5	24.1
8.	Музработ	0.74	8	42.3	36.2	13.5
9.	Сараосиё	3.93	92.3	7.7	-	-
10.	Термиз	0.86	30.6	29.9	27.7	11.8
11.	Узун	1.63	93.2	6.3	0.5	-
12.	Шеробод	2.73	7	50.1	27	15.9
13.	Шўрчи	0.85	64.5	29.2	4.9	1.4
14.	Термиз ш.	0.03	-	-	-	-
	Вилоят бўйича умумий	20.1	41.5	32.3	16.8	9.4

Йил давомида Термизда 130 мм, Шерободда эса 154 мм ёғин ёғади, шундан вегетация даврига атига 31-35 мм тўғри келади. Ҳаво ниҳоятда қуруқлиги билан ажралиб туради, йиллик ўртача нисбий намлик 43-54 % ни ташкил этгани ҳолда, июлда 21-32 % гача камаяди, аксинча, қишда 62-66 % гача ортади.

Биринчи ҳудуд учун жанубий-ғарбий йўналишдаги иссиқ-қуруқ шамоллар (афғон шамоли) характерли хусусиятларидан бўлиб, тез-тез такрорланиб туради, жуда куч ва давомийлик киришади ва маданий ўсимликларга ҳалокатли таъсир этади (19-жадвал).

Бу ҳудуднинг суғориладиган майдонларни асосий қисми тақирли, тақир-ўтлоқи, сур тусли қўнғир, қумли чўл тупроқларидан иборат бўлиб, суғориладиган умумий 148729 гектар майдонлардан 121062 гектари, ёки 81.4% турли даражада шўрланган. Шундан: кучсиз шўрланган тупроқлар 42.2%, ўртача шўрланган 24.9% ва шўрланган ерлар майдони 14.3% ни ташкил этади.

Тоғ ва тоғ олди текисликлари ҳудуди. Денгиз сатҳидан 450-1000 м баландликда жойлашган бўлиб, Сариосиё, Денов, Узун, Шўрчи, Бойсун, Бандихон, Олтинсой ва Қумқўрғон туманларини ўз ичига олади.

Бу минтақада ҳам қишдан баҳорга ўтиш даври ҳароратнинг кескин кўтарилиши билан содир бўлади: февралда ҳарорат 4.9°C, мартда 10,1°C кўрсаткичларида кузатилса, апрель ойида 16,9°C га етади, бироқ биринчи ҳудудга қараганда пастроқ ҳисобланади. Бу ҳудудда йиллик ўртача ҳарорати 15,7°C га, вегетация даврида эса 23.3°C га тенг. Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5°C, айрим йилларда 29.4°C гача кўрсатилади. Совуқсиз давр ўртача 212-214 кунни ташкил этади. Биринчи кузги совуқ ўртача 25-27 мартга тўғри келади, айрим йилларда бу кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳоллари (4 февралдан ва 18 апрелгача) учраб туради.

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича шамол фаолияти кўрсаткичлари, м/сек

19-жадвал

Кузатиш пунктлари	Ойлар						Вегитация давлари	Йиллар	Чанг-бўронли шамоллар бўладиган кунлар сони
	IV	V	VI	VII	VIII	IX			
Суткалик ва йиллик ўртача шамол тезлиги									
Денов	2,6	2,4	2,0	1,6	1,6	1,7	2,0	2,3	-
Термиз	3,4	3,0	2,7	2,7	2,5	2,0	2,7	2,6	-
Шеробод	2,2	2,9	3,0	2,6	2,4	2,6	2,6	3,0	-
Кучли шамолли кунлар сони									
Денов	0,8	1,0	0,9	0,4	0,4	0,4	3,9	5,0	4
Термиз	2,0	2,1	1,1	0,9	0,9	0,5	7,5	17,0	28
Шеробод	0,9	0,6	0,2	0,2	0,05	0,0	2,0	4,0	6

Июлнинг ўртача ҳарорати 27.5°C, айрим йилларда 29.4°C гача кўрсатилади. Совуқсиз давр ўртача 212-214 кунни ташкил этади. Биринчи кузги совуқ ўртача 25-27 мартга тўғри келади, айрим йилларда бу кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳоллари (4 февралдан ва 18 апрелгача) учраб туради. Совуқсиз даврдаги 100 дан ортиқ самарали ҳарорат йиғиндиси Шўрчи туманидан 25,06°C ва Денов туманида 23,87°C ни ташкил этади. Бу туманларга йил давомида 234-353 мм ёғин ётгади. Ёғинларнинг асосий миқдори новегетацион даврга (52-53 %) тўғри келади, йиллик норманинг 37-38% март ва апрел ойларида кузатилади.

Бу туманларга йил давомида 234-353 мм ёғин ёғади. Ёғинларнинг асосий миқдори новегетацион даврга (52-53 %) тўғри келади, йиллик норманинг 37-38 % март ва апрел ойларида кузатилади.

Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги 57-58 % ни ташкил этган ҳолда, вегетация даврининг ўртача кўрсаткичлари 63-64 % гача кўтарилади.

Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим ҳудудлари бўйича шўрланган ерларни майдони кўрсаткичлари

20-жадвал

Туманлар	Жами суғориладиган ерлар, га	Шўрланиш даражаси						Жами шўрланган ерлар	
		кучсиз		Ўртача		кучли			
		га	%	га	%	га	%	га	%
I-тупроқ-иқлимий ҳудуд									
Жарқурғон	24313	7594	33,3	812	3,6	1327	5,8	9733	40,0
Музробод	34085	13358	42,3	11449	36,2	4251	13,5	29058	85,3
Ангор	15918	9211	60,1	3264	20,3	1336	8,7	13811	86,8
Термиз	14452	4441	29,9	4111	27,7	1754	11,8	10306	71,3
Шеробод	33853	18083	50,1	9718	27	5720	15,9	33521	99,0
Қизирик	26108	10087	38,6	7688	29,4	6858	26,3	24633	94,3
Ҳудуд бўйича	148729	62774	42,21	37042	24,91	21246	14,29	121062	81,41
II-тупроқ-иқлимий ҳудуд									
Бандихон	11782	3280	27,8	3491	29,6	2574	21,8	9345	79,3
Бойсун	4499	2295	50,3	135	0,3	104	2,3	2534	56,3
Денов	27501	4740	16,5	2990	4	656	2,3	8386	30,5
Олтинсой	16734	3618	21,7	339	2,0	132	0,8	4089	24,4
Сариосиё	12463	962	7,7					962	7,7
Узун	11637	775	6,3	65	0,5			840	7,2
Шўрчи	16939	4767	29,2	794	9	231	1,4	5792	34,2
Қумқурғон	21542	4734	21,1	942	2	386	7	6062	28,1
Ҳудуд Буйича	123097	25171	20,45	8756	7,11	4083	3,32	38010	30,88
Вилоят буйича жами	271826	87945	32,35	45798	16,85	25329	9,32	159072	58,52

Жойнинг қиялик даражаси яхши ифодаланганлиги сабабли бу ҳудудда гурунт сувларининг оқими яхши таъминланган, шу сабабли шўрланган жойлари кучсиз ривожланган. Ер юзаси қиялик даражасининг катталиги боис айрим жойларда ирригацион эрозия жараёнлари содир бўлади.

Иккинчи, тоғ ости ва тоғ олди ҳудудининг суғориладиган ерлари майдони 123097 гектарни ташкил этади, шундан 5.87 минг гектари 0.5-1.5м чуқурликда жойлашган шағал қатламлардан иборат табиий зовурлашган ерлар ҳисобланади. Бу ҳудуднинг тупроқ ва гурунт сувлари юқори филтрацион

хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат айниқса конус ёйилмаларида кучли ифодаланган.

Бу ҳудуддаги гидроморф тупроқлар Сурхон дарёсининг пастки терассаларида (иккинчи ва биринчи қайир усти), шунингдек конус ёйилмаларининг пастки бўйи қисмларида тарқалган. Бу ерларда гурунт сувлари 0.5-4.0 метрда жойлашган бўлиб, асосан дарё ва суғориш сувларининг инфильтрацияланишидан (4 минг гектарга яқин) ботқоқ ўтлоқи тупроқлари тарқалган. Улар асосан конус ёйилмаларининг қуйи пасткамлик ерларига ва дарёнинг биринчи қайир усти ерларига тўғри келади. Ботқоқ ва ботқоқ ўтлоқи тупроқлар грунту сувларининг ер юзасидан 1.5-2.0 м гача пасайтиришни талаб этади. Бу ҳудуд тупроқлари ҳам турли даражада шўрланган бўлиб, биринчи ҳудуддагига қараганда анча кам. Умумий 123097 гектар ер майдонларидан 38010 гектари шўрланган ерлардан иборат бўлиб, шундан кучсиз шўрланган ерлар майдони 20.5 % (25171 га) ни, ўртача шўрланган майдонлар 7.11 % (8756 га) ни, ва кучли шўрланган ерлар майдони 3.3 % (4083 га) ни ташкил этади. Ўртача ва кучли шўрланмаган майдонлар (10,14 %) зовурлар шароитида шўр ювиш ишларини талаб этади.

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси- ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, янги зовурлар қазил, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир.

Сурхондарё ҳудуди тупроқлари шўрланишнинг асосий сабабларидан бири, бу ҳудудда ёғингарчилик кам бўлиб, буғланиш кўп бўлганлиги бўлса, ер ости сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги ва сув таркибидаги тузлар буғланиши сабабли тупроқнинг юза қисмида қолиб, тупроқ шўрланишининг иккинчи сабаби ҳисобланади.

Яна энг муҳим сабабларидан суғориш техникасига риоя қилмасдан, шудгорларни кўллатиб суғориш, ер юзасининг бир текисда шудгорланганлиги, яъни паст-баланд ҳолича текисланмасдан шудгорланиб, сувнинг шўри тупроқ юзасида қолиб кетиши, ерни оби-тобига келтирмасдан суғориш ҳам тупроқнинг шўрланишга олиб келади.

Бундан ташқари шўрланган тупроқларни ювиш ва шўрланиши олдини олиш учун қурилган коллектор дренажларнинг қаровсиз ҳолга келиб қолгани, қувурларнинг кўпчилик қисми тешилиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганлиги, яна кўп жойларда яхши ишламаслиги бўлса, шўр ювиш учун қазилган зовурларнинг жуда кўпчилик қисми тўлиб, фақат мавсум пайтларида тозаланиб, бошқа пайтларда эса қаровсиз бўлиб, зовур сувлари шудгорларга ҳам оқиб, бу ернинг тупроқларини қайта янада шўрланишга олиб келаяпти ва зовурларнинг айрим жойлари эса тўғридан-тўғри шудгорлар олдига келиб тўхтаб қолганлиги, далалардан пала-партиш қилиб, ўрталаридан ҳам зовурлар қазиб, охирига етказилмаганлиги энг ачинарли ҳол бўлиб, мелиорация ва ирригация ишлари билан шуғулланувчи мутасадди шахсларнинг бефарқликлари туфайли тупроқнинг ишдан чиқиб кетиши кескин ошиб кетмоқда. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, сув танқислиги даврида, суғориш ишларига эътибор қилмаслик, суғориш ишларини нотўғри олиб бориш ҳамда суғориш тизимлари талаб даражасида бўлмаганлиги, сувдан хўжасизларча

фойдаланиш туфайли ер ости сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолати кескин ошмоқда.

Умуман олганда Сурхондарё вилояти суғориладиган майдонларнинг ер фонди, мелиоратив ҳолатига кўра 2 гуруҳга: мелиоратив ҳолати яхшироқ, қулай ерлар ва мелиоратив ҳолати оғир, ноқулай ерларга бўлинади. Вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун коллектор зовур тармоқларининг солиштирма узунлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистан Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 1 январ ҳолати маълумотларига кўра вилоятдаги 331.5 минг га жами суғориладиган ерлар контурининг 176.5 минг га зовурлар билан таъминланган. Коллектор зовур тармоқларининг умумий узунлиги 10099.8 км дан иборат бўлиб, хўжаликлараро тармоқлар 1100.0, хўжаликлар ички коллетор зовур тармоқларининг узунлиги 8999.8 км ни ташкил этади.

Сурхондарё вилоятининг туманлари бўйича ойдинлаштирилган гидромодул районлаштириш схемаси ва суғориш режимлари ва тупроқ иқлим шароитлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати, грунт сувлари режими, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва бошқа омилларнинг чуқур таҳлили асосида ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг алоҳида туманлари учун белгиланган. Суғориш режими барча қишлоқ хўжалик экинлари учун вегетацион ва новеgetацион даврлар учун мўлжалланган. Тупроқ шўрланишини олдини олишдаги энг муҳим чоралар қаторига агрономия талабларига тўла жавоб берадиган пухта ишлаб чиқилган янги суғориш системаларига ўтиш, суғориш шохобчаларида янги гидротехника иншоотларини қуриш, сувни тежаш, уни исроф қилмаслик, мелиоратив тадбирларни ўтказиш ва бошқа шу сингари ишларни олиб бориш зарур.

Суғориш суви нотекис тақсимланганлиги сабабли тежамкорлик ҳисобига кўпроқ майдонларни суғоришга эришишни талаб этади. Аммо суғориш ишлари нотоғри олиб борилганлиги ва амалдаги суғориш тизмаси талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли, ер ости сувлари кўтарилиб тупроқнинг шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Суғориладиган ерлардаги шўрхоқлар мелиорациясида қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Далалар атрофидаги коллекторлар ва зовурларни қазиш ёрдамида сизот сувлар сатҳини пасайтириб, сувнинг капилляр йўллар орқали ер бетига кўтарилишини тўхтатиш.
2. Далалар ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорлар барпо этиш.
3. Тупроқ қатламларида йиғилган, сувда эрийдиган зарарли тузларни ювиш (шўрхоқларни ювиш, одатда, кеч кузда ва қиш мавсумида олиб борилади).
4. Ўғитлаш ҳамда гипслаш тавсия этилади.

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси – ер ости сувларини пасайтириш, яъни зовурлар қазиш, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир.

Далалар атрофига ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорларни барпо этиш, дала атрофида иқлимнинг иссиқлиги ва қуруқлигини ҳамда шамолнинг таъсирини камайтиради. Бу эса тупроқ юзасидан сувнинг буғланиб кетишини анча секинлаштиради, натижада паски қатламдаги сизот сувини юқорига кўтарилишини, ҳамда тупроқ шўрланишини камайтиради. Шунингдек, дарахтлар каналлардан сизаётган сувнинг кўп қисмини илдиз орқали шимиб олиб буғлатади ва сизот сувларининг кўтарилишига йўл қўймайди.

Тупроқ қатламидаги зарарли тузларни йўқотиш учун тупроқ ювилади. Сизот сувларнинг чуқурлиги эса тупроқнинг шўрланиш даражаси сув ўтказувчанлик хусусиятига боғлиқ бўлади ва шунга қараб, ҳар қайси дала учун ўзига хос сув меъёри ва ювиш сони белгиланади. Шўрланган тупроқ 1-2 мартадан 10-15 мартагача ювилиши, ҳар ювишда бериладиган сув меъёри гектарига 2-3 минг кубметрдан 15-20 минг кубметргача бўлиши мумкин.

Одатда, шўрхоклар ювилишдан олдин тупроқдаги тузларнинг кимёвий таркиби аниқланган бўлиши керак. Агар тупроқда натрий тузлари (NaCl , Na_2SO_4 ва бошқалар) бўлса, ювишдан олдин далага гипс солиш тавсия этилади. Алмашлаб экиш, далаларда тупроқ бетини тез-тез юмшатиш ва органик ўғитлар (гўнг, торф, компост ва бошқалар) солиш ҳам шўрхок тупроқлар ҳоссаларини яхшилади. Шўри ювилган далаларга эса дастлабки йиллари бошоқли ҳамда дуккакли ўсимликлар (буғдойиқ, беда) экиш тавсия этилади.

Ўғитлаш. Шўртоб ҳамда шўрхоклашган тупроқларнинг физик хоссалари ва озик режимини яхшилаш учун ерга мунтазам равишда органик модда (гўнг) ва азотли, фосфорли минерал ўғитлар солиш энг муҳим тадбир ҳисобланади.

Органик ўғитларнинг чириши натижасида, структурасиз устки қатламда структура элементлари пайдо бўла бошлайди. Бундай агробиологик усуллардан ташқари, агрохимик мелиорацияни, яъни шўртобларга гипс солишни ҳам қўллаш зарур бўлади. Тупроққа гипс солинганда сингдирувчи комплексдаги Na^+ , Ca^+ (катион) ни билан алмашинади ва тупроқнинг ишқорий реакцияси нейтраллашади. Бунинг натижасида тупроқнинг физик, физик-кимёвий хоссалари ва унумдорлиги ортади.

Демак, органик ўғитларни, жумладан, ярим чириган қорамол гўнги ҳамда товук гўнгини қўллаш тупроқдаги минерал азот миқдорини сезиларли оширади. Умуман олганда, товук гўнги ва ярим чириган қорамол гўнги тупроқнинг азот режимига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, яъни уни кучайтиради. Бунда қорамол гўнгига нисбатан товук гўнги кучли таъсир кўрсатади. Тупроқдаги яна муҳим озик моддалардан бири ҳаракатчан фосфор ҳисобланади. Тупроқнинг фосфор режими тупроқнинг унумдорлигини белгилашда ҳам муҳим рол ўйнайди. Тупроқда фосфатларнинг ҳаракатчан ҳолга ўтиши жуда секин кечади. Фосфатлар тупроқда азотга нисбатан кам ҳаракатчан бўлади.

Ерга ишлов беришда жорий этилган агротехникада қатқалоқ билан курашиш, чуқур ҳайдаш ва ҳайдалган қатлам остидаги берч қаватни юмшатишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхондарё вилояти чўл ва чалачўл ҳудудида жойлашган, унинг маркази Термиз шаҳри денгиз сатҳидан 302 м баландликда бўлиб, йиллик ёғин миқдори 130-150 мм ни ташкил этади.

1. Худудда ёғингарчилик миқдори кам бўлганлиги сабабли, эфимер ўсимликлар мавсумий жараёни 4-5 см дан юқори ўсмайди ва бунинг оқибатида табиий унумдорлик, яъни чиринди миқдори 0,5-0,6 % дан ошмайди.

2. Вилоятнинг Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод, Музработ ва Қизирик туманлари тупроқлари тақир-ўтлоқи тупроқлар типга мансуб бўлиб, 6410 га ташкил қилади.

3. Вилоятнинг Қумқўрғон, Бойсун, Олтинсой, Денов, Шўрчи, Сариосиё ва Узун туманлари тупроқлари бўз, жигарранг ва оч қўнғир тупроқлар типга мансуб бўлиб, 136700 га ташкил қилади.

4. Вилоятнинг умумий ер майдони 2.1 млн га бўлиб, ер ости сизот сувлар яқин бўлганлиги сабали 1132.09 га кучли, 1773.36 га ўртача шўрланган ҳисобланади.

5. Вилоятнинг иқлим шароитлари, совуқсиз даврнинг узок давомийлиги (212-238 кун) вегетация давридаги ўртача юқори ҳарорат (23.3°C, 26.7°C), юқори буғланиш билан ажралиб туради. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экинларидан, айниқса, пахтадан турғун, барқарор ҳосил олишни таъминлаш мақсадида, вилоятнинг суғориладиган ерларига олдинги районлаштириш схемасида режалаштирилгандан биров юқори нормадаги суғориш режимларини қўллаш таклиф этилади.

Бир йилда экин майдонларининг кўп марталаб суғорилиши, тупроқ таркибида ҳар хил тузларнинг тўпланиб боришига ва натижада тупроқнинг яна қайта шўрланишига олиб келади. Шўрланган тупроқлар жуда кўп муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тўпланган илмий тадқиқот ишлар маълумотлари юзасидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

-биринчидан, тупроқларнинг деҳқончилик муомаласидан чиқиб кетишига ва экин экиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолиши;

-иккинчидан, фақатгина галофит ўсимликлар ўсиб, бошқа ўсимлик экишнинг иложи бўлмаганлигига;

-учинчидан, экилган экинларнинг жуда камчилик қисми ўсиб чиқиб, шунда ҳам ҳосил бермаслиги, ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши ва бундан ташқари шўрланган ерларда фақатгина шўрга чидамли экинлар экишга олиб келмоқда;

-тўртинчидан, шўрланган ерларни тиклаш, яъни рекультивация қилиш жуда катта маблағларни талаб қилади. Яъни шўрланган ерларга коллектор-дренажлар ўтказиш, зовурлар қазиш ва эскиларини тозалаш зарур.

Вилоятда тарқалган тупроқлардан юқори ҳосил олиш учун:

1.Органик ва минерал ўғитлардан режа асосида оқилона фойдаланиш.

2.Алмашлаб экиш тизимида албатта беданинг салмоғини ошириш.

3.Тупроқ зичланишини олдини олиш.

4.Сув харажатини камайитириш мақсадида амалда ўз исботини топган, томчилатиб, ёмғирлатиб ва тупроқ остидан суғориш тадбирларини йўлга қўйиш зарур бўлади.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан чиқиш нутқларида қандай масалаларга эътибор қаратдилар?
2. А.Н.Розанов, А.Э.Зайчиков тадқиқотларидан мисоллар келтиринг.
3. Сурхондарё вилояти тупроқларида В.В.Валиев, Н.М.Маллабоев ва П.Н.Бесединлар қандай тадқиқотлар ўтказдилар?
4. Х.Х.Зокиров тупроққа қандай таъриф берди? А.М.Расулов-чи?
5. Воҳанинг тупроқ табиий иқлими гидрогеологик шароитларига изоҳ беринг.
6. Воҳамиз иқлими ҳақида нималарни биласиз?
7. Тақир тупроқ билан тақир ўтлоқ тупроқлар орасида қандай фарқ бор?
8. Сурхондарё воҳаси ҳудудларида тарқалган тупроқларга туманлар кесимида изоҳ беринг.
9. Лалми тупроқлари суғориладиган тупроқлардан қандай фарқланади?

Семинар машғулотлари мавзулари

1. Сурхон-Шеробод воҳаси тупроқлари ҳақида курс иши ёзинг.
2. Шимолий туманлар тупроқлари қандай фарқланади.
3. Қишлоқ хўжалигининг табиатга таъсири.
4. Тупроқнинг бузилишига сабаб бўлувчи омиллар.
5. Тупроқ ифлосланишининг инсон ва ҳайвонот оламига таъсири.
6. Тақир тупроқлар агротехникаси ва агрокимёси.
7. Сурхон воҳасининг шўрланган тупроқлари.

Мустақил иш мавзулари

1. Шўрланган тупроқларни кўриш учун Шеробод, Қизирик туманларига агросаёҳат ташкил қилинг.
2. Тупроқ эрозиясини кузатиш учун Сурхондарё соҳилларига саёҳат ташкил этинг.

7-МАВЗУ: ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОФАЗАСИ

РЕЖА:

1. Ер ости бойликлар ва уларнинг муҳофазаси.
2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва уларнинг экологик муаммолари.
3. Археологик ёдгорликлар

Сурхондарё вилоятида ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва минерал хом ашёлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуни асосида Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Тоғ-кон муносабатлари инспекцияси томонидан амалга оширилади. Инспекция томонидан 48 та ер ости бойликлари қазиб

олувчи ва минерал хом ашёлардан фойдаланувчи юридик шахсларнинг фаолияти назоратга олинган бўлиб, муайян ишлар амалга оширилиб борилмоқда. Сурхондарё вилояти ҳудудларида саноат ва ҳалқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун катта миқдорда минерал хом ашё захираларига эга бўлиб, ҳозирги кунда 7 турдаги хом ашё турлари бўйича 48 та конлар фаолият юритиб келмоқда ҳамда қидирув ишлари олиб борилмоқда ва янги-янги қазилма бойликлари конлар ишга туширилмоқда. Фақат «Хўжаикон» тузи конидан қазиб олинаётган ош ва техник тузларнинг захираси 1 млрд тоннадан ортиқ бўлиб, Ўзбекистон аҳолисининг бир неча асрлар давомида тузга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш имкониятига эга.

Ёнилғи-энергетика, тоғ-кон ва кимёвий хом ашё, қурилиш материаллари, ер ости ўрганилган захираларидан кўмир, нефть, газ ва бошқалар қазиб олинмоқда. Соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган таркибида олтингугурт бирикмалари ва бошқа фойдали бирикмалар мавжуд бўлган «Омонхона», «Хўжаипок», «Учқизил» шифобахш сувларидан нафақат вилоят аҳолиси, республикамиз аҳолиси ҳам тери, ошқозон, асаб, жигар касалликларини даволаш, иссиқ ва қуруқ ҳавоси ҳамда 70-80 даражагача қизийдиган қумлари астма ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилиб келинмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунининг Янги таҳрири қабул қилиниб, фойдали қазилма бойликларни қазиб олиш бўйича фаолиятларни лицензиялашнинг ўзгартирилган тартиби белгиланди. Янги таҳрирдаги қонуннинг 27-моддасига кўра, ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, чиқиндиларни сақлаш ва йўқотиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда лицензиялар бериш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 19-сонли қарорига асосан, ер бойликларини кўриқлаш ва фойдаланиш, геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланишнинг давлат назорати Давлат геология қўмитаси ва «Саноаттехназорат» давлат инспекцияси органлари томонидан амалга оширилса-да, уларни муҳофаза қилиш, фойдаланиш ва чиқиндилар билан ишлашни экологик назорат қилиш табиатни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юклатилганлигини қайд этиш лозим. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлинмалари Давлат геология қўмитаси ва «Саноатконтехназорат» органлари билан келишилган ҳолда умумий тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишни назорат қилишни биргаликда амалга оширадилар.

Вилоятимиз замини юзга яқин номдаги фойдали қазилмаларни ўз бағрида сақламоқда, уларнинг фойдаланиш кўлами жуда кенг бўлиб, бу нефть, газ, кўмир, керамзит, мрамор, гранит, гипс, кварцит, доломит, рух, мис, олтин, каби қимматбаҳо рангли металллар ва бошқалар, яъни Менделев даврий жадвалидаги деярли барча элементлар мавжуд.

Сурхондарё вилоятида давлат захираларига киритилган асосий фойдали қазилма конларидаги хом ашёлар тўғрисида 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига маълумот.

21-жадвал

Фойдали қазилмалар	Миқдори		Гуруҳлар бўйича захираси				
	Жами	Шундан қазиб олинаётгани	В қ С ₁			С ₂	
			Ўлчов бирлиги	Жами	Шундан қазиб олинаётган	Жами	Шундан қазиб олинаётгани
Полиметаллар							
Қўрғошин	1		Минг т.т	703,8		14	
Рух			Минг т.т	1503,8		36,8	
Таркибида олтин мавжуд бўлган рудалар ва рангли металл конларидаги аралашма компонентлар:							
Олтин			Кг	7064		730	
Кумуш			тонна	2387,6		54,6	
Олтингугурт сульфиди			минг т.т			702	
Мис			минг т.т	178,9		3,4	
Кўмир	2		минг т.т	50379,7		20037	
Гипс	1	1	минг т.т	3948	3948	13200	13200
Цемент хом ашёси	2		минг т.т	151932		555827	
Карбанатли жинслар	1		минг т.т	122368		407090	
Лой жинслари	1		минг т.т	29564		148737	
Керамзит хом ашёси	1	1	м..м ³	26191	26191	30969	30969
Охоктошлар	3	1	минг т.т	15897	7457		
Агроруда хом ашёлари	1		минг т.т	11731			
Минерал тузлар	1	1	минг т.т	41842,8	41842,8	2090	2090
Ош тузи (галит)	1	1	минг т.т	41842,8	41842,8	2090	2090
Қум-тош материаллари	10	6	м..м ³	113586	83967	33461	33461
Силикат маҳсулотлари ва қурилиш учун қумлар.	5	1	м..м ³	40081	5487	16725	
Силикат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қумлар	1	1	м..м ³	5487	5487		
қурилиш ишлари учун қумлар	4		м..м ³	34594		16725	
Ғишт-черепица хом ашёлари	11	5	м..м ³	64379	47085	417	
Лиос кўринишидаги жинслар	8	4	м..м ³	48391	42995	417	
Кулолчилик тупроғи	2	1	м..м ³	15115	4090		
Табиий қоплама тошлари	2	1	м..м ³	4764	2531	322	

Бу борада мамлакат миқёсидаги энг катта курилишлардан бири Хонжиза яримметалл конларини ўзлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар улкан меҳнат вахтаси бўлиб, унда бошланғич геология қидирув маълумотларига кўра 19,0 млн тонна ярим металл захиралари аниқланган, уларнинг таркиби: рух (Zn) - 1,5млн тонна, қўрғошин (Pb) - 718 минг тонна, мис(Cu) 180 минг тонна, кумуш (Ag) - 3000 тонна ва бошқа рангли, металл турларидан иборат бўлиб, жами 30 йил мобайнида ана шу рудалар қайта ишланади

Мазкур бойликларни ўзлаштириш учун “АБН, АМРО БАНК” (АҚШ) ва давлатимиз банклари, хусусий компаниялар ўз сармояларини киритган. Ҳозирги кунда Хонжизага борсангиз, қайноқ меҳнат уммониға тушасиз, Кенггузарда Олмалик кон металлургия комбинатининг филиали курилиши, ундан Хонжизагача 40-45 км тоғ йўлининг капитал таъмири, кўплаб кўприклар курилиши, 3 та катта руда шахталарининг яратилиши, йўлларда рудаларни ташиётган юк автомобиллари, шахта атрофидаги улкан миқдордаги қазилган тайёр руда захиралари, геология қидирув экспедициялари, барча жабҳада қизғин меҳнат фронт ташкил этилган, қизиғи шундаки, у ерда истаган миллат вакилини кўрасиз, бу бир муқаддас оилага ўхшайди.

Президентимизнинг ташаббуслари билан бу бебаҳо хазинани ўзлаштириш учун 71 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағи ажратилди. Ҳозирги кундаги иш кўлами бўйича 2017 йилда 650 минг тонна рангли металл рудаси қайта ишланди. Кенггузарда Олмалик кон металлургия комбинатининг филиали тўлиқ қувват билан ишга туширилиши, 4000 киши иш билан таъминланиши, айниқса, қувончлидир. Яна бир хазина – бу тошкўмир. Ҳозирги кунда дунёнинг 15% заминида кўмир захиралари мавжуд бўлиб, уларни ўзлаштиришга фаол киришилмаган, сабаби, фойдаланишга қулай ёқилғи турларининг (газ, нефть) бозори чаққон. Бу борада ҳам биз улкан захирага эгамиз - **“Шарғун”, “Тўда”, “ФАНГАРД”, “ХАУЗ ФАНГАРД”, “САНЖАР”, “ВАНДОБ”, “ҚИЗИЛ ОЛМА”** кўмир конлари шулар жумласидандир. “Шарғун” кўмири захиралари 62,0 млн тонна бўлиб, халқаро технологик талабларга тўла жавоб беради, яъни ёниш иссиқлиги 1600-8340 килокалорияни ташкил этади. Ҳозирги кунда йилига 90 минг тонна кўмир эҳтиёж учун ишлатилмоқда. “Тўда” кўмир кони гўзал Бойсун тоғлари ёнбағрида жойлашган бўлиб, у ёқилғи, карбид, фаоллашган кўмир, графитлар, графит электродлари, қалам маҳсулотлари, радиотехника деталлари, инсонлар учун дори воситаларидир. Металлургияда кўмирдан олинadиган графитлар, уларнинг техник кўрсаткичларини кўтариш учун ишлатиладиган муҳим хом ашё бўлиб, чўян, пўлат, темир маҳсулотлари таркибидаги кислородни углерод моддаси билан алмаштириш орқали уларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида ишлатилади. Ҳозирги кунда республикамызда биргина таълим тизимини оддий қалам билан таъминлаш учун йилига 600 минг АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланмоқда, ваҳоланки **“Тўда”** (захираси 15,0 млн. тонна) кўмири захиралари хисобидан бу масалани осонгина ечиш мумкин. Вилоятимизга темир йўлнинг келиши бу соҳа учун чексиз имкониятлар яратди. Ундан ташқари, вилоят заминида кўплаб турдаги ёқилғи-энергетика захиралари мавжуд, яъни **Сайроб ёнувчи сланецлари** - ёниш иссиқлиги 2515-2781 ккал/кг

бўлиб, таркибида ванадий, молибден, вольфрам, германий бўлгани сабабли бу хом ашё қимматбаҳо ҳисобланади. Ундан ташқари, мазкур захира негизида сланецли газ, смолалар, аглопоритлар учун бошланғич материаллар олиш мумкин. **Шеробод целистин** захиралари (стронций) ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таркибида 12,25% гача стронций элементига эга захира миқдори 2467 минг тонна, бўлиб шундан 259,6 минг тоннасини стронций ташкил этади.

Курилиш материаллари олиш мумкин бўлган минерал хом ашё жуда ҳам кўплиги билан диққатга сазовордир. **Шеробод (Кампиртепа) гранитларининг** тўрт тури мавжуд бўлиб, ташқи ва пол қопламалари учун ноёб восита ҳисобланади. Гоббронинг қизил, кулранг, сарғиш ранглари иморатларга гўзал жило бериш билан биргаликда, 1000 йиллаб ўз ҳолатини сақлайди. Унинг захираси 1,77 млн куб метр, шундан. 357 минг куб метри тоза гоббродир. Сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича барча стандарт талабларига тўла жавоб беради. Шеробод оҳактошлари цемент (400 маркали-портланд) учун муҳим хом ашё, уларнинг захираси 123 млн тонна бўлиб, йилига 1700 минг тонна цемент ишлаб чиқарилса, 50 йилга етарлидир.

Курилиш материаллари сифатида кўплаб фойдали қазилмалардан фойдаланиш мумкин, яъни Сайроб қизил кумлари физик-механик хусусиятларига кўра ГОСТ-947976 (безак қопламалари учун қўйиладиган) талабларга тўла жавоб беради, блоklarнинг чиқиш фоизи 35,11 бўлиб захираси 2233,0 минг тоннадир. Оқработ безак қопламалари, Дарбанд, Кўҳитанг оҳактошлари, Кофрун доломитлари, Соқабулоқ керамзитлари, Тўда қурилиш майда тошлари, Жуяк гипс ангидритлари, “Темир дарвоза” гипс ангидрит захиралари, Хўжа Аспиннинг рангли, кулранг оқ чизикли ва тоза мрамрлари, Вандоб гранитлари, Қумқўрғон, Бойсун лессовид жинслари, Лалмикорнинг мўжизакор тупроғи (черепицалар, ўтга чидамли ғишт ва керамикалар, дренаж трубалари, кварцли дюмлар ишлаб чиқариш мумкин), **Туркоксой** кварцлари, **Бойсун-Панжоб** онекс захиралари, **Боботоғ** агат тошлари шулар жумласига киради.

Кундалик ҳаёт учун зарур ош тузи ҳақида гапирсак, кўз олдимизга Хўжаикон даштлари келади. Бизнинг ўтмиш авлодларимиз ош тузи савдоси билан қадимдан машғул бўлишган, бугун эса биз улкан потенциал имкониятдан тўла фойдаланмаяпмиз. Хўжаикон ош туз захиралари 50 млн. тонна бўлиб, Мамлакатимиз аҳолиси учун йилига бионорма бўйича 125-130 минг тонна ош тузи талабига кўра 200 йилга етади.

Хўжаикон ош тузи конлари шуниси билан қимматлики, биринчидан химиявий таркиби NaCl ионларига 96-97% гача тўйинган, бу ош тузига қўйиладиган талабларга кўра аъло кўрсаткич. Иккинчидан, таркиби жуда ҳам тоза, ёнида катта гипс захиралари, Говурдак олтингугуртлари бўлишига қарамасдан, туз таркибида бегона аралашмалар учрамайди. Учинчидан, захира ҳали ёш, ўсувчи. Тўртинчидан, хом ашё ер сиртида жойлашган қўшимча техник қурилмалардан фойдаланишга зарурат йўқ. Туз кони ҳудудида жойлашган, узунлиги 146 метр бўлган тиббий даволаш маскани, айниқса, диққатга сазовордир, унда бир вақтнинг ўзида 60-70 киши астма, юрак-қонтомир,

гинекологик ва бошқа бир қатор хасталиклар бўйича даволанишлари мумкин бўлган кам сонли масканлардан биттасидир.

Вилоят замини артезиан ҳавзасидаги **Ховдак, Какайди, Учқизил** массивларида йод, бром моддаларига бой бўлган қудуқлар мавжуд бўлиб, улардан 50-75°C ҳароратли қайноқ сувлар 2500-3000 метр чуқурликдан 25-28 атмосфера босим остида чиқмоқда, улар таркибида 1 литрига 28,00 мг/л йод, 412,10-мг/л бром моддалари бўлиб, жами вилоят заминидан 9-9,5минг кг йод ва 180 минг кг бром моддалари ажратиб олиш мумкин. Республикамиз аҳолисининг йод моддасига бўлган эҳтиёжи йилига 15,5-16 минг кг бўлса, бу эҳтиёжни 60% га қондириш демакдир. Бугунги кунда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тасдиқланган **“Мониторинг дастури”** бўйича ош тузи таркибида 40 мкг/г калий йодат моддаси бўлиши керак ёки ош тузи таркибидаги йоднинг қолдиғи $(23,0+11,5) \cdot 10^{-4} \%$ бўлиши шарт. Ҳозирги кунда 130 та давлатда 1,6 млрд аҳоли йод танқислиги ҳудудларида яшайди ва ўртача йилига 43 млн киши буқоқ касали билан оғрийди, республикамиз аҳолиси орасида буқоқ касаллиги белгилари бор. Ундан ташқари, экологик муҳитнинг бузилиши билан йодга бўлган эҳтиёж ошади. Тожикистон алюминий заводига яқин ҳудудларда буқоқ касаллиги (Сариосиё, Узун туманларида) 56-66% кишиларда учраса, Термиз, Музработ туманлари аҳолиси орасида 19-22 % ташкил этади, демак экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда йод моддасига бўлган эҳтиёжлар янада ошади.

Хўш, инсон организмнинг сурункали йодга бўлган эҳтиёжи қандай? Ҳар бир киши учун эҳтиёж суткасига бу 150-200 микрограммни ташкил этади.

- Чақалоқларга – 50-80 мкг
- Мактаб ёшидаги болаларга – 100-120 мкг
- Мактаб ўқувчиларига – 140-200 мкг
- Ўсмирлар ва катталарга – 180-200 мкг
- Эмизакли аёлларга – 230-250 мкг.

Сиз Ховдакка борганмисиз? Йил давомида республиканинг турли хил бурчакларидан шифо истаб келган одамлар қумдан ҳовузчалар ясаб, уларни йод-бромли сувга тўлдириб, уни совитиб, чўмилмоқдалар. Ҳозирги кунда бу масканга битта ишбилармон тадбиркор керак, йод, бром ва бентонитни қайта ишлаш саноатини яратиш билан бирга йод-бром кичик шифохонасини ташкил қилса, биринчидан, халқ дуосини олади, иккинчидан, даромад манбаига эга бўлади. Бунинг учун тайёр бино ва войишлар мавжуд. Барча таҳлил ва ҳужжат ишлари қилинган.

Бундай масканларга вилоятимиз жуда бой бўлиб у ерларда ажойиб манзарали иқлим бўлиши билан бирга шифобахш маъданли сувлари бўлган **Вандоб, Хонжиза, Сангардак, Ҳамкон (Ўринбулоқ) Дарбанд, Бойсун, Мачайлисой, Фарход, Сайроби, Омонхона, Юсупхона, Обижалил, Хўжаипок, Қайнарбулоқ** каби ўнлаб масканлар мавжудки, улар мўътадил иқлими, шифобахш сувлари, кислородга (ионли) бой тоза ҳавоси ва ниҳоят қурилиш майдонлари борлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Соғломлаштириш масканларини кенгайтириш ва янгиларини қуриш учун катта имкониятлар

мавжуд.

Йод моддаси республикамизга 100% четдан валютага сотиб олинади, бу масалада матбуотда кўплаб маълумотлар берилган, аммо масаланинг қанчалик даражада долзарб эканлигини билиш учун Республика ҳукумати, Сенати, Олий Мажлис фаолиятини кузатсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Келажакка соғлом авлод қолдиришнинг асосий таянчларидан бири инсонларнинг бу моддага бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш масаласини ечишдир. Унинг 60% ечими заминимиз бағрида.

Кимё саноатининг асосий хом ашёларидан бири бром моддаси бўлиб, у тиббиётда ҳам дори воситаси сифатида кенг кўламда ишлатилади. Ховдак замини геология, тиббиёт, чорвачилик, қурилиш, қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган бентонит захираларига эга. Улар 11,0-12,0 млн тоннани ташкил этади. Кимёвий таркиби жиҳатидан K_2O -0,80-3,40%, Na_2O -0,50 7,20% монтмориллонитлар 61,30%, гидрослюдадар 34,0% эга бўлиб саноат талабига тўлиқ жавоб беради. Қишлоқ хўжалиги соҳасига бажарилган илмий-инновацион лойиха натижаларига кўра, пахта даласига 0,3 т/га микдорида берилса, уни ҳосилдорлиги 2,1-5,5 ц/га ошади, вегетация даври 7-10 кунгача қисқаради ва кимёвий ўғитларни 30% гача улар билан алмаштириш мумкин. Вилоятимизда **Оқтош, Бойсун, Кофрун** ҳудудлари бу захирага бой ҳисобланади. Яна бир муҳим қазилма бойлик бу **Жерданак** кварцитлари бўлиб, унинг захираси 2,0 млн тоннани ташкил этади. Одатда, кварцитлар шиша ишлаб чиқариш, чиннисозлик ҳамда радиотехник деталлар ясашда муҳим хом ашё саналади. Панжоб-Бойсун рангдор онекслари, **Хомкон** калий захиралари - 50,0 млн тонна, шунингдек, флюорит - бу оптика лок-бўёк саноати, бадий буюмлар ишлаб чиқариш каби саноат тармоқларида кенг ишлатилади. Кампиртепа флюорити ер юзасидан 6,0 метр чуқурликда бўлиб, тупроқ таркибида 45% ни ташкил этади. Шунингдек, вилоят заминида яна кўплаб турдаги бошқа қазилма бойликлар борки, улар ҳали ўз келажagini кутиб турибди.

Бугуннинг долзарб муаммоларидан бири касаначиликни ривожлантириш. Қайси мамлакатга борсангиз, тарихий обидаларнинг ёнида дўконлар бўлиб, бу ёдгорликларнинг ранг-баранг макетлари сотувга қўйилган. Мармар, онекс, агат, кварцит, гранит, гипс ва бошқа хом ашёлар канча керак бўлса, марҳамат, фойдаланинг!

Саноатни ривожлантириш мамлакат тараққиётининг асосий таянчидир. Биргина **Жарқўрғоннефть** (Ўзбекистон-Россия) кўшма корхонаси вилоятимизнинг 12,5% ялпи маҳсулотини бермоқда. Ушбулардан келиб чиқиб, уларни ўзлаштириш учун бугунги кунда 10 дан зиёд чет эл геология қидирув экспедициялари бизнинг ҳудудимизда иш олиб бормоқдалар. Инвестацион дастурга кўра, 2010 йилда уларни ўзлаштириш долзарб паллага киради. Айниқса, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг очилиши иқтисодий-ижтимоий юксалиш йўлидаги чексиз имкониятлар яратувчи тарихий воқеа бўлди. Она замин бойликларидан фойдаланишни ташкил этиш бу тараққиёт, бу бойлик, бу кўшимча иш ўринлари, айниқса, жаҳон бозорига ўз маҳсулотларимиз билан чиқиш демакдир.

Шу ўринда шуни таъкидламоқ лозимки, бундан икки аср муқаддам 30 га яқин ер усти ва ер ости қазилма бойликларидан фойдаланилган бўлса, бу кўрсаткич XX асрга келиб 80 тани, XXI аср бошларига келиб эса 150 тани ташкил этди. Жумладан, сўнгги бир асрда темир, никель, марганец, кўмир, молибден, алюминий, оҳактошлар, мармар, калий, фосфор ва бошқа кимёвий элементлардан фойдаланиш бир неча баробарга ортиб кетди. Нефть, газ ва бошқа конлардан сув чуқур парма қудуқлари орқали чиқарилиб ташланиши жараёнида ер усти ифлосланмоқда, ботқоқланмоқда. Ер бағридан қазилма хом ашёлар қазиб олиш жараёнида, унинг ўрнида йирик-йирик карьерлар пайдо бўлиб, улар атрофида тупроқнинг шамол ва сув эрозияси кучаймоқда, яқин сув ҳавзалари ифлосланмоқда, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси зарар кўрмоқда, жумладан, очиқ карьер ҳисобланган «Хўжайкон» туз кони атрофида ҳавога кўтарилган туз зарраларидан атроф-муҳит ўта кучли ифлосланиб, тупроқнинг шўрланишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакки, ҳар қандай ер ости, ер усти қазилма бойликларни очиқ усулда қазиб олиш табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Шундан хулоса қилиб, қазиб олинаётган хом ашёлар иқтисодий жиҳатдан қанчалик қимматга тушишидан қатъий назар, уларни ёпиқ карьерлар усулига ўтказиш давр талабидир. Ваҳоланки, бунга амал қилмас эканмиз, она замин табиати инқирозга юз тутади.


АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

“Оламни гўзаллик қутқаради” деган ҳикматнинг маъноси шундан иборатки, она замин табиати қандай яралган бўлса, айнан шундайлигича жилоланиши бу табиий ландшафтдир. Бу атама немис тилидан олинган бўлиб, Land-er Shaft – манзара демакдир. Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши, қишлоқ хўжалиги ерларининг кенгайиши, кимё саноатининг ривожланиши, шаҳар ва қишлоқлар сонининг ортиб бориши, аҳолининг бир асрда 6-7 баробаргача кўпайиши ва яна ўнлаб, юзлаб антропоген омиллар оқибатида табиий ландшафтлар мувозанати бузилиб, уларни ўрнини (антропоген) маданий ландшафтлар эгаллади ва ҳануз эгалламоқда. Ваҳоланки, она замин ер сайёрасида инсон таъсирига, тўғрироғи, унинг таъйиқиға учрамаган табиий манзаралар деярли қолмади десак, хато бўлмайди. Инсон ақл-заковати ва меҳнати билан яратилган ландшафтларга антропоген ландшафтлар дейилади. XX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошларига келиб, сайёраимизнинг учдан икки қисмини (антропоген) маданий ландшафтлар эгаллади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кўриқхоналар, миллий боғлар, буюртмахоналар, табиат ва инсон заковати билан яратилган қайсидир маънода ҳазрати Инсонга завқ ва шавқ ато этувчи ёдгорликлар мисол бўлади. Кўриқхоналарнинг асосий вазифаси ушбу ҳудудда инсоннинг ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий фаолиятига чек қўйиб, табиатнинг асл ҳолати қандай бўлса, шундайлигича авайлаб-асрашдан иборатдир. Экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, пайдо бўлиши табиий бўлган иншоотлар «Табиат ёдгорликлари» деб аталади. Бундай


худудларда илмий изланишлардан ташқари бўлган ҳар қандай фаолиятга чек қўйилади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу соҳа билан шуғулланувчи мутасаддиларнинг олдида жуда катта амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар турибди. Сабаб: мамлакатимиз худудида икки минга яқин табиий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, шундан атиги беш юзга яқини ҳисобга олинган, жумладан, юзга яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Вилоятимиз худудидаги алоҳида муҳофаза этиладиган ёдгорликлардан бири Сайроб қишлоғидаги 850-900 ёшли чинор, унинг баландлиги 26 м, диаметри 15,6 м ушбу Бобо чинорнинг ковагида мактаб, қишлоқ кенгаши, кутубхона сифатида аҳолига хизмат кўрсатган.

Шундай ноёб ёдгорликлардан яна бири Сариосиё туманидаги Сангардак шаршарасидир. Бу ноёб мўъжизани таърифлашга сўз ҳам, қалам ҳам ожиз. 100-150 м баландликдан оқиб тушаётган булоқ суви қоядан-қояга урилиб, минг хил тусда жилоланади.

Сиз Олтинсой туманидаги «Хўжаипок ота» зиёратгоҳига бўлганмисиз? Бундай табиат ажойиботини бир бориб томоша қилишга ҳаракат қилинг, чунки унда табиатнинг ҳақиқий мўъжизасига дуч келасиз. Ғорнинг эни 4-6 м, баландлиги 1,5-2 м, бетакрор шифобахш олтингугуртли сув миқдори 200 л/секунд билан оқади. Ушбу шифобахш булоқ суви ошқозон, ичак, жигар, тери ва бўғин касалликларига даво ҳисобланади.



Сангардак шаршараси



Сайроб чинори



Олтинсой туманидаги Қорлиқ чинори

Термиз ҳайвонот боғи шаҳримизга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг энг кўп келадиган жойларидан бирidir. У 1934 йилда ташкил этилган бўлиб, иссиқ минтақаларга хос бўлган ҳайвонот олами билан халқимизни таништиришдан иборатдир. Умумий ер майдони 22 гектар, 267 турдаги ҳайвонлар парваришланиб, шулардан 24 турдагиси “Қизил китоб”га киритилган. Жумладан, Амур йўлбарси, сиртлон, қўнғир айиқ, қоплон, жайрон, Бухоро буғуси сингари жониворлар, кобра, эфа каби илонлар, паррандалардан оқбош, тўтиқуш, ҳинд ғози ва ҳоказолар. Ушбу ҳайвонот боғи вилоят маданият бошқармаси тасарруфидадир.





Термиз ҳайвон боғидан фотолавҳалар

АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР

Маълум бир вақтда инсон ақл-заковати қалб қўри билан бунёд этилган обидаларга археологик ёдгорликлар дейилади. Жумладан, суғориш иншоотлари, шаҳарлар, коризлар, қудуқлар, сардобалар, қадимий ёзувлар, суратлар, шахмат доналари ва бошқа кўплаб осори-атиқаларни киритиш мумкин. Вилоят ҳудудидаги муҳофаза этиладиган қадимий меъморилик ёдгорликларига «Қоратепа», «Фаёзтепа», «Далварзинтепа», «Зўрмулла минораси», «Эски термиз кўшки», «Қирққиз қаласи», «Ал-Ҳаким ат-Термизий», «Султон Саодат», «Кокилдор ота», «Зараутсой», «Исо Термизий» мажмуалари, «Хўжаипок», «Сўфи Оллоёр» ва яна ўнлаб қадимий меъморий обидалар мавжуддир. Бу каби азиз-авлиёларимиз қўним топган масканларни авайлаб-асраш, ободонлаштириш тимсолида шу улуғ зотлар ҳақидаги ҳақиқатларни фарзандларимизга етказиш билан уларга инсоф ва иймонни, ватанга садоқатни, катталарга нисбатан ҳурматни, жонсиз табиатга нисбатан адолатни сингдиришимиз лозим. Ҳақиқатдан ҳам ўтган бу улуғ зотлар элимиз, юртимиз, қолаверса, қишлоғимиз иймонлари, ор-номуси, лозим бўлса, пайғамбаримиз Расули Акрамнинг тарғиботчилари мангу ором топган қадамжоларидир.

Палеонтологик, биологик, археологик ёдгорликларни излаб топиш, рўйхатга олиш ишлари нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан эндигина бошланганлигини инобатга олиб, бу хайрли тadbирга кенг жамоатчиликни жалб этишимиз, мустақил Ўзбекистон давлатининг «КЎК КИТОБ»и ни ташкил этиш вақти аллақачон пишиб етилди деб ўйлаймиз.



Термиз Ота мажмуаси

Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуаларни муҳофаза этишнинг умумий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Ушбу қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг бош вазифаси ноёб табиий мажмуаларни, табиат ёдгорликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ирсий фондиди сақлаб қолиш ва тиклаш, ер ва сув кенгликлари, табиат ранг баранглиги ҳамда биохилма-хиллигини сақлаб қолиш, асрлар оша юзага келган экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туриш, шикаст етган табиий мажмуаларни тиклаш ва бошқа мақсадларда табиатни муҳофаза қилиш, аҳамиятга молик ҳудудлардан ҳўжалик мақсадида фойдаланишни чеклаш орқали инсон антропоген фаолиятининг салбий таъсири оқибатларига тўла барҳам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юқорида қайд этилган қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Муҳофаза этиладиган ҳудудлар дейилганда 1-тоифа объектлари ҳисобланадиган давлат кўрикхоналари («Сурхон» давлат кўрикхонаси), 2-

тоифага эга бўлган миллий боғлар, 3-тоифага эга бўлган ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, дендрологик парклар (Денов дендробоғи, умумий майдони 103 гектар), ўрмон билан қопланган ҳудудлар, табиий мажмуалар ва ёдгорликлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республикамизда сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари ҳақида 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми асосида белгиланган сув объектлари муҳофаза ҳудудлари ва сув билан қопланадиган майдонлари ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг юқорида қайд этилган қонуни ва қонуности ҳужжатлари асосида, вилоят ҳудудидаги қуйидаги ҳудудлари ва объектларига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилган.

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни асосида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари мақоми берилган иншоотларининг 2009 йил 1 январь ҳолатидаги маълумоти.

22-жадвал

т/р	Мақом берилган ҳудуд номи	Юқори ташкилоти	Умумий майдони	Мақом берилган ҳужжат номи	Изоҳ
I-даражали ҳудудлар					
1	«Сурхон» Давлат кўриқхонаси Ш.ж.»Пайғамбар ороли» бўлими	Ўз.Респ. К ва СХВ Ўрм.бош бошқармаси	27563 3009	Ўзб.Респ.нинг «Ал.муҳ.эти л.таб. худ.тўғрисида» ги қонуни	Шеробод тумани «Кўҳитанг» тоғларида жойлашган. «Пайғамбар ороли» бўлими Амударё ўзанидаги Пайғамбар оролида жойлашган. Ўрмон хўжалиги кўмитасининг 1987 йил 25 июлдаги №23 сонли буйруғи билан ташкил этилган
II-даражали ҳудудлар					
2	Термиз Ҳайвонот боғи	Вилоят ҳоқимлиги маданият бошқармаси	22	-*-	Термиз шаҳрида ёрдамчи хўжалиги Термиз тумани Сурхон дарёси чап қирғоғида жойлашган бўлиб, майдони 40 га.
3	Денов «Дендропарки»	Вил.ҳоқимлиги	103	-*-	Денов шаҳри марказида тажриба участкаси собиқ Ҳазорбоғ ш/х ҳудудида
III А -даражали ҳудудлар (Чучук ер ости сувлари конлари)					
4	«Пашхурт»	Вил.Хоқимл.	24208	Вил.Хок.20 02 йил 227-сонли қарори	Шеробод тумани собиқ «Кўҳитанг» ширкат хўжалиги
5	«Шимолий Сурхондарё» Денов туманида	-*-	14570 6041 7750 779	Ўзб.Респ.В М нинг 2004 йил январдаги	Тўпаланг ва Сангардак дарёларининг конус чикмалари худлари ҳосил бўлган ҳудудлар

	Сариосиё туманида Узун туманида			14-сонли қарори	
6	«Хўжаипок»	-*-	5470	Вил.Хоқимининг _____ даги _____сонли қарори	Халқажар дарёсининг конус чикмалари ҳосил бўлган ҳудуд.
III Б - даражали ҳудудлар (Сув омборлари ва табиий қўллар)					
7	Жанубий Сурхон сув омбори	Аму-Сурхон ирриг.тизимлари ҳавза бошқармаси	6703	Вил.Хок. _____сонли қарори	Қумқўрғон тумани Сурхон дарёсининг ўзанида қурилган .
8	Оқтепа сув омбори	-*-	2637 ўзгаради.	-*-	Жарқўрғон тумани Оқтепа массиви
9	Учқизил сув омбори	-*-	2550	-*-	Термиз туманида жойлашган
10.	Намуна дегрез сув омбори	-*-	225	-*-	Олтинсой туманида жойлашган бўлиб Шўрчи тумани учун сув беради.
11.	Тўпаланг сув омбори	-*-	1322 ўзгаради	-*-	Сариосиё туманида жойлашган қурилиши давом эттирилаяпти
12	Бошқа сув ҳавзалари (Уч-кўл, Хомкон, Дальварзин ва бошқалар)				Аниқланмаган.
III В - даражали ҳудудлар (Дарёлар ва сойлар)					
13	Амударё	Давлат захира ерлари		Ўз.Респ. ВМ _____сон даги қарори	Вилоятнинг Термиз ва Музработ туманлари
14	Сурхон	-*-	7284	Ўз.Респ. ВМ _____сон даги қарори	Вилоятнинг Термиз, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Сариосиё, Денов ва Шўрчи туманлари.
15	Қоратоғ	-*-	572	-*-	Вилоятнинг Узун тумани
	Кафарниган				
16	Тўпаланг	-*-	1128	Вилоят хокитмининг 2002 йилдаги 27-сонли қарори	Вилоятнинг Сариосиё, Узун ва Денов туманлари
17	Сангардак	-*-	1379	-*-	Вилоятнинг Денов тумани.
18	Олтинсой	-*-	1379	-*-	Вилоятнинг Шўрчи ва Олтинсой туманлари

19	Шеробод	-*-	2631	-*-	Вилоятнинг Шеробод, Қизирик, Ангор ва Музработ туманлари
20	Дарбанд	-*-	330	-*-	Вилоятнинг Бойсун тумани
21	Обизаранг	-*-			Аниқланмаган
22	Шарғунсой	-*-	177	-*-	Вилоятнинг Сариосиё тумани
Туманлар бўйича магистрал каналларнинг умумий сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари майдони					
23	Ангор тумани	АСИТХБ	163	Вил.Хок. — даги — сонли қарори	Туман ҳудудидан оқиб ўтувчи Ангор-1, Октябрь, Автабад-1, Ангор-2, Райцентр, Западнўй, Т-7 ва Занг-9 каналлари
24	Бандихон тумани	-*-	448	-*-	Тумандаги Бандихон, Р-1, Р-2, Машина канал ива Бандихон каналлари
25	Бойсун тумани	-*-	13,7	-*-	Туманнинг Эгри Бўзариқ ва Мунчоқ каналлари
26	Денов тумани	-*-	1834	-*-	Тумандаги Денов, Тожиқон, ст.Хазарбоғ, Ахляр, Янгиарик, Арил, От-камар, К-қишлоқ, Булунғир, Бандихон, Тўпаланг-қоратоғ, Хазарбағ ва Хайрабад каналлари
27	Жарқўрғон тумани	-*-	3073	-*-	Тумандаги Қумқўрғон, Н.Боймуротов, Занг, Боботоғ каналлари.
28	Қумқўрғон тумани	-*-	1467	-*-	Тумандаги Какайти, Гагарин, Келтирувчи, Қумқўрғон каналлари
29	қизирик тумани	-*-	1084	-*-	Тумандаги Чап қирғоқ, Р-4а каналлари
30	Музробод тумани	-*-	3828	-*-	Тумандаги Занг, Р-10, Р-9, ва Искра каналлари
31	Олтинсой тумани	-*-	319,88	-*-	Тумандаги Хидиршо, Айбарак, Чилмироб, Оксув, Янгиарик, Жаилма, Оққапчиғай, ва Тушсой каналлари
32	Сариосиё тумани	-*-	157,73	-*-	Тумандаги Дамарик, Сўфиён, Галабўта, Мурчагай, Янгиарик, Хар-қуш, Хасанхон, Сарижуй, Дашнобод ва Шодмон-қозоқ каналлари
33	Термиз тумани	-*-	1662	-*-	Тумандаги /арбий, Шарқий, Термиз, Янгиарик, /алаба, ПТФ, Октябрь 01, Октябрь, келтирувчи сув омбори, Гарм, Аму-Занг ва Каттақум каналлари

34	Узун тумани	-*-	100,6	-*-	Тумандаги Гурос, Хатиб, Астана, Астана-1, Файзава, МР-1 ва Янгиариқ каналлари
35	Шеробод тумани	-*-	3225	-*-	Тумандаги Ўнг шахобча, Истара, Хўжақия, Бирлаштирувчи, Ўнг тармоқ каналлари
36	Шўрчи тумани	-*-	465	-*-	Тумандаги Пўстин, Тангиз-2, кўкон, Дайтўлак, Мингжар-2, қора-Ариқ, Тангимуш каналлари
	Жами	-*-	17529	-*-	
Туманлар бўйича магистрал заҳкашларнинг умумий сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари майдони					
37	Ангор тумани	-*-	435	-*-	Тумандаги Ангор магистраль, К-2-18, К-3, С-3-1, К-3-1, АВ-1, Ангорский, Западнўй, С-1-1, С-1-1-1, АО, А-10, Ўрдали, С-1-4, Центральнўй, С-1-2, Учқизил ва С-1-3 заҳкашлари
38	Бандихон тумани	-*-	309,3	-*-	Тумандаги К-1, К-2, К-4, К-6, Гидамсой, Ордулсой ва НК заҳкашлари.
39	Денов тумани	-*-	385	-*-	Тумандаги Андижонсой, Сангардак, К-6-3, К-1, К-2, Девона, Кампиркул, қорасув, Маслозавод, Городской, қорасув-2, Юрчи-1, қизил Фаргона заҳкашлари
40	Жарқурган тумани	-*-	134	-*-	Тумандаги Окқўрғон, Окқўрғон-2, Хайитобод, М.Рохат-4, М.Рохат-2, Минор-6, Ахмадкул, Украина, КС-20, К-9-20 заҳкашлари
41	Қумқўрғон тумани	-*-	31,8	-*-	Тумандаги Жалоир, Йигмазовур, Ленин Марказий, Ёньош ва Қумқўрғон заҳкашлари
42	Қизириқ тумани	-*-	1084	-*-	Тумандаги К-1 дан К-9 гача, ЛВ ВСТ, К-9-12, К-9-18 заҳкашлари
43	Музробод тумани	-*-	2413	-*-	Тумандаги К-1 дан К-8 гача, К-11 дан К-14 гача, К-2-7, К-5а, ЖК-1, ЖК-11, Ангор, С-1-3, ЖС-1, ЖС-2 заҳкашлари
44	Олтинсой тумани	-*-	579	-*-	Тумандаги Бибизайнаб, Эльбоёнсой, қоратепа, Жиндибулак, қормоқсой, Ромсовхоз, Чумчуксой заҳкашлари.
45	Сариосиё	-*-	6	-*-	Тумандаги қорасув заҳкаши

	тумани				
46	Термиз тумани	-*-	119,4	-*-	Тумандаги С-1-3, МС, ГВК, С-2-2, С-2-4, С-2, С-3-1, К-5, К-5-6 ва Озерный захкашлари
47	Узун тумани	-*-	33,2	-*-	Тумандаги Гулистон, Жончекка ва Меҳнат захкашлари.
48	Шеробод тумани	-*-	1028	-*-	Тумандаги К-3, К-3-6-а-1, К-11, К-2-15, К-2-7-13, К-10, К-2, К-2-7, К-2-23, К-4, ВСК-14, К-5, К-11-11, К-11-11-1, К-11-12, К-11-12-1 ва ВСТ кроллекторлари
49	Шурчи тумани	-*-	922	-*-	Тумандаги МС, қоратепа, қормоксой, Хурлик, Йиғмазовур, кўштегирмон, Жиндибулоқ, Шилдиروق, Эльбоёнсой Какайди захкашлари
	Жами		6894		
Насос станцияларининг сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари умумий майдони					
50	ШНС	-*-	4,6	-*-	Қумқўрғон тумани
51	Аму-Занг-1	-*-	37,25	-*-	Термиз тумани
52	Аму-Занг-2	-*-	53,55	-*-	Термиз тумани
53	Боботоғ	-*-	23,6	-*-	Жарқўрғон тумани
54	Жайхун	-*-	25	-*-	Музробод тумани
55	Каттақум-2	-*-	5	-*-	Термиз тумани
56	Янгиариқ	-*-	0,52	-*-	Термиз тумани
57	Саловат	-*-	0,06	-*-	Термиз тумани
58	Аэропорт	-*-	2,93	-*-	Термиз тумани
59	Хўжакомол	-*-	3,44	-*-	Термиз тумани
	Жами	-*-	155,95	-*-	
Вилоятдаги йирик гидроузеллар сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари умумий майдони					
60	Жарқўрғон	-*-	95,1	-*-	Жарқўрғон тумани
61	Шеробод	-*-	38,2	-*-	Шеробод тумани
63	Тўполанг	-*-	19,7	-*-	Сариосий тумани
	Жами	-*-	153	-*-	

Эслатма: Бундан ташқари вилоятда ўрмон билан қопланган майдонлар, соғломлаштириш ҳудудлари, табиий ёдгорлик иншоотлари ва бошқалар ҳам муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва захкашларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 174-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи барча сув ҳавзалари ва омборлари, магистрал канал ва захкашлар сув муҳофаза ҳудудларига, ер ости сувлари ҳосил бўлиш ҳудудларига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилиб

(рўйхати юқорида илова қилинган), тегишли органлар билан келишилган ҳолда ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган.

Назорат саволлари

1. Ер ости қазилма бойликлар қандай яшаш воситаларига тўғри келади?
2. Соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган, таркибида олтингугурт бирикмалари мавжуд бўлган сихатгоҳлар ҳақида маълумот беринг.
3. “Хўжаикон” туз кони ҳақида маълумот беринг.
4. Ер ости, ер усти қазилма бойликларни қазиб олишдаги муаммолар нималардан иборат?
5. Вилоятимиз заминидан қандай фойдали қазилма бойликлар қазиб олинади?
6. Воҳада қандай кўмир конлари мавжуд?
7. Йод, бром моддалари олинадиган конларни санаб ўтинг.
8. Шифобахш маъданли сувлари бўлган масканлар ҳақида маълумот беринг.
9. Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ҳақида маълумот беринг.

Семинар машғулоти мавзулари

1. Сурхондарё – сеҳрли диёр.
2. Воҳанинг шифобахш сувлари.
3. Сурхон воҳаси қазилма бойликлари.

Мустақил иш мавзулари

1. Хўжаикон туз конига саёҳат.
2. Шарғун кўмир конига саёҳат.
3. Тўда очик карьер кўмир конига саёҳат.
4. Воҳанинг шифобахш сувлари ҳақида курс иши.
5. Хўжаипок маъданли суви ва олтингугурт сувли ғориға саёҳат.

8-МАВЗУ: СУРХОН ВОҲАСИ ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

РЕЖА:

1. Воҳа ўсимликлар дунёси.
2. Воҳа ўсимликлар дунёси муаммолари.
3. Сурхон давлат қўриқхонаси.

*Агар яшил барг бир неча йилга ишлашни
тўхтатса, ер юзидаги барча жонзот,
жумладан, инсоният ҳам нобуд бўлади*

П.Костичев


Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами ҳар бир мамлакатнинг миллий бойлиги ҳисобланиб, улар ушбу давлатнинг қонун ва қарорлари, шунингдек, миллий қомусларнинг маълум бир ёки бир неча моддалари билан муҳофазаланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-54-55 ва 100-моддалари айнан табиатни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилгандир. Ўсимликлар ернинг ўпкаси ҳисобланиб, бир гектар арчазорнинг карбонат ангидридини ютиш қобилятини 100% деб қабул қилсак, кенг барглиларники 120%, қарағайники 160%, липа (арғувон)ники 250% га тенг экан. Халқимиз, миллатимиз пири комили Абу Али ибн Сино ўзининг беназир асари «Тиб қонун» да 900 га яқин ўсимликларнинг доривор хусусиятларига изоҳ бериб, бундай дейди: «Доривор хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ ва ўсимлик билан даволанмайдиган касаллик ҳам йўқ». Бугунги тиббиётнинг хулосаларига кўра, ўрмон ўсимлигини ҳайвонлар оч қолганликлари учун эмас, балки танасидаги гижжаларни йўқотиш учун истеъмол қиладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ФАО бўлимининг маълумотларига кўра, бир йилда кесилган ўрмонларнинг 40% и ёқилғи учун, 40% и қурилиш учун, 12-15% и қоғоз саноати учун, 3-5% и шахталар учун, қолган 3-4% и бошқа турли соҳалар учун ишлатилмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, XX аср охири XXI бошларига келиб, фан-техника тараққиётининг шиддатли ўсиши билан кимё саноати ўрмон маҳсулотларининг асосий истеъмолчисига айланиб қолди. Чунки кимёвий усуллар билан ёғочдан қоғоз, шойи, жун, спирт, кислоталар, глюкоза, ёнувчи газ, каучук, борингки, 20 мингдан ортиқ турли хил маҳсулотлар олинмоқда. Фикрларимизни мухтасар қиладиган бўлсак, ўсимлик-кислород, соя-салқин, дори-дармон, озиқ-овқат, эстетик завқ, бошпана, шунингдек, умрини ўтаб бўлганда ҳам зое кетмай тандир қиздириш учун ёқилғи, кули эса она тупроқ учун озиқа, ўғит сифатида ишлатилади. Шу ўринда Ҳадиси шарифга мурожаат қилсак, шундай доно ҳикматларга дуч келамиз: **«Уч нафар қиз фарзандни вояга етказиб, эгасига топширган ота-она ҳам жаннатидир. Уч туб ниҳол экиб, уни мевасидан баҳраманд бўлган боғбон ҳам жаннатидир»**. Ёки мана бу Ҳадисга кулоқ тутинг-а: **«Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиймат қойим бўлиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб, кейин қочинг»**.


Сурхондарё вилоятининг Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га
киритилган камёб ва ноёб ўсимликлари




1. Парпи Аконит Зарафшанс-
кий
Aconitum seravchanicum
Steinb.



2. Бойсун пуфанаги
Ветреница байсунская



3. Бухоро пуфанаги Ветре-
ница бухарская
Anemone bucharica Regel



4. Ёввойи анор Гранат
обыкновенный
Punica granatum L.




5. Бинафша гулли арғувон
Багрянник Гриффита
Cercis griffithii Boiss.




6. Бухоро астрагали
Астрагал бухарский
Astragalus bucharicus Regel




7. Виллис астрагали
Астрагал Виллиса
Astragalus willisii Popov




8. Массажетов астрагали
Астрагал Массажетова
Astragalus massagetovii B.
Fedtsch.




9. Пахмоқтукли астрагал
Астрагал ложноязвеннико-
вый
Astragalus pseudanthylloides
Gontsch.




10. Сохта чўл астрагали
Астрагал ложноэремофиза
Astragalus pseudoeremophysa Popov




11. Тўполон астрагали
Астрагал тупаланский
Astragalus tupalangi
Gontsch.




12. Юмалоғ тўпгулли астра-
гал. Астрагал почти шахи-
марданский.
Astragalus subschachi-
mardanus Popov




13. Қизилер астрагали
Астрагал красноземный
Astragalus terrae-rubrae
Butkov




14. Кўрғошин астрагал
Астрагал свинцовый
Astragalus plumbeus
(Nevski) Gontsch.




15. Алексей астрагали
Астрагал Алексея
Astragalus alexeji Gontsch.




16. Келлер астрагали
Астрагал Келлера
Astragalus kelleri Popov



17. Қизил хўроз астрагали
Астрагал кызылхуразский
Astragalus rubri-galli
Popov




18. Бурчоқсимон
калисепла
Калисепла эгакантовая
Calispepla aegacanthoides
Vved.



19. Қорапоя мойқорағон
Майкараган сетчатый
Calophaca reticulata
Sumnev.



20. Йирик нұхат
Нут большой
Cicer grande (Popov)
Korotkova



21. Введенский окситропис.
Остролодочник Введенского.
Oxytropis wedenskyi
Filim.



22. Майда гулли окситропис
Остролодочник мелко-
цветный
Oxytropis tyttantha Gontsch.




23. Бухоро тангаўти
Копеечник бухарский.
Hedy-sarum bucharicum
B. Fedtsch.



24. Юпқа пардали окситропис.
Остролодочник лож-
нотонкопузырчатый
Oxytropis pseudoleptophysa
Boriss.




25. Тизма тангайт
Копеечник великолепный
Hedysarum magnificum Kudr




26. Лангарсимон чезнея
Чезнея якорцевидная
Chesneya tribuloides Nevski




27. Гнездило чалови
Ковыль Гнездило
Stipa gnezdilloi Pazij



28. Бухоро Гичмоласи
Гелиотроп Бухарский
Heliotropium bucharicum B. Fedtsch.



29. Йирик илдизли
меҳригиёҳ
Оносма крупнокорневая
Onosma macrorhiza Popov



30. Бошмалдоқсимон нонея
Нонея башмачковидная
Nonea calceolaris Nikif. & Pazij

Бугун она сайёрамизда ярим миллиондан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар ердаги ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Табиий экотизимда ўсимликлар дунёси озуқа турларининг хилма-хиллиги ва бойлиги ер усти муҳитдаги ҳайвонлар популяциясининг зичлигини белгилайди. Сўнгги 60-70 йилда 80 дан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетган бўлса, 610 дан ортиқ турларида эса қирилиб кетиш хавфи пайдо бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби ўсимликлар дунёсининг аёвсиз кесилиши чўл, чалачўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларнинг деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилиши ҳайвонларнинг нобуд бўлиши ва бошқа ҳудудларга қочиши, тартибсиз овлаш ва ҳоказолардир. Мамлакат иқтисодиётида муҳим ҳисобланган турли хил мўйна, тери ва гўшт етиштиришда ҳам ўрмонларнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки йўлбарс, буғу, силовсин, олмахон ва бошқа териси билан пул муомала воситаси даражасида баҳоланадиган жониворлар ҳам, асосан, ўрмонларда яшайди. Энг сўнгги статистик маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 50-йилларида сайёрамиздаги умумий ўрмонлар захираси қуруқликнинг тўртдан бир қисмини ташкил этган бўлса, аср охирига келиб бу кўрсаткич олтидан бир улушга тушиб қолган. Агарда ўрмонлар захирасидан 70-80 йиллар даражасида фойдаланилса, яна 100-150 йилга лойиқ ўрмон захиралари қолганлиги ўта ачинарли ҳолатдир.

Вилоят иқлим шароитида 1780 турга яқин ёввойи маданий ўсимликлар ўсади. Шу ўринда таъкидламоқ лозимки, Сурхон замини ўсимликлар дунёси етарлича ўрганилган эмас. Бу очилмаган кўриқнинг калитини топиш вилоятимиз ботаник олимларининг зиммасида қолаверади.

Воҳа ўсимликлар дунёсининг экологик муаммолари. Саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалигининг жадал суръатлар билан ривожлантирилиши табиий ҳудудларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилиши натижасида табиатда юзага келган экологик мувозанат бузилди. Натижада, кўплаб ўсимлик турларининг йўқолиб кетиш хавфи тиклаб бўлмас даражагача келиб қолди. Бугунги кунда ҳар қандай турнинг инсонларнинг табиатга антропоген таъсирлари туфайли, йўқотилиши уларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Бинобарин, ёввойи ўсимликлар турлари қишлоқ хўжалигида экиладиган маданий навларни барпо этишда асосий манба ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар дунёсининг 4 мингдан ортиқ тури, замбуруғларнинг 2000 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улар орасида 400 дан ортиқ муҳофазага муҳтож турлари мавжуд, 300 дан ортиқ турлари йўқолиб кетиш арафасида бўлганлиги сабабли ноёб турлар ҳисобланиб, бу ўсимликларнинг йўқолиб кетишини олдини олиш ва миқдорини тиклаш мақсадида, Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га киритилиб, алоҳида кучрайтирилган муҳофаза чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлабоқ атроф-муҳит, шу жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги, 1993 йилда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида»ги ва кейинги киритилган ўзгартиришлар, 1997 йилда қабул қилинган «Ўсимлик дунёсини

муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва 1999 йилда қабул қилинган «Ўрмон ҳақида»ги қонунларининг асл моҳияти мамлакатимиздаги мавжуд ўсимлик турларини сақлаб қолиш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказишдан иборат муҳим вазифалардан бири бўлиб қолишига қаратилган.

Вилоятдаги мавжуд ўрмон ўсимликлари дунёси 3 та ўсимлик минтақасига: дашт, арчазор ва баланд тоғ минтақаларидан ташкил топган. Вилоят ҳудудининг ярмидан кўпи Ҳисор-Олой тоғ тизмасининг охири бўлган Ҳисор, Бойсун, Кўхитанг ҳамда Боботоғ тизмаларини ташкил этиб, ушбу тоғларда ўрмон билан қопланган майдонлар мавжуд. Ўрмонларда биотехник тадбирларни амалга ошириш ўсимлик турларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ишларини назорат қилиш вилоят ўрмон хўжалиги ва унинг 5 та ўрмон хўжалиги бўлимлари томонидан олиб борилади.

**Вилоят марказий ўрмон хўжалиги бошқармаси тассаруфидаги
майдонлар тўғрисида 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига тоифалар бўйича
маълумот**

23-жадвал

т р	Ички тоифа	Жами	Шу жумладан ўрмон хўжалиги бўлимлари бўйича							
			Термиз	Узун	Боботоғ	Бойсун	Шеробот	Шўрчи	Ҳисор	Сурхон
1	Умумий майдон	271653	12570	65668	76133	75280	2230	130	15080	24554
2	Ўрм.билан қопланган майдон	98742	5741	13830	34096	27278	473	12	8026	9284
3	ш.ж. маданий ўрмон	12502	4097	669	4930	571	102,3	11,6	1961	160
4	Туташмаган ўрмон	6048	899	209	3698	587	167	31	439	7
5	Кўчатхона	67	15	31,4		5	8	4,6	3	
6	Сийрак ўрмон	23656	1758	3751	11322	2521	12		2140	2152
7	Таб.офат туфайли нобуд бўлган ўрмон	79,2	1,3	0,4		48,5				29
8	Тақир ерлар	13923	3753	1983	39	6388	556	4,6	330	872
9	Хайдаладиган ерлар	346	61	30	29	150	70	6		
10	ф ж. лалми ерлар	179		0,2	29	150				
11	Яйлов ва пичанзорлар	52816		22966	2865	20490	821		1399	4276
12	Сув ости ерлари, Боғ ва узумзорлар	298,7	48,2	69,7	21	97	16	31		16
13	Йўллар	177	39,8	19,9	30	33	15	1,7		28
14	Томорка ва бино ерлари	446,6	101,3	50,8	111	27	47,5	20	9	80
15	Ботқоқ ва музликлар	724,6	19,8	695		6	1,8	2		
16	Бошқа ерлар	74318	132,6	22021	23920	17622	53,4	17,7	2742	7810

Вилоятда марказий ўрмон хўжалиги тизимидаги Марказий Узун, Боботоғ, Бойсун, Қизирик ўрмон хўжаликлари ва бош бошқармага бўйсунувчи «Сурхон» давлат кўрикхонаси, «Ҳисор» ихтисослашган ўрмон хўжалиги ва Ангор туманидаги «Қорасув» илмий ишлаб чиқариш участкалари фаолият юритиб келмоқда.

Вилоят марказий ўрмон хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги жами ўрмон фонди ерлари 271160 гектарни ташкил этиб, шундан 105000 гектари ўрмон билан қопланган майдонлардан иборат. Мавжуд ўрмонзорлар таркиби қуйидагича тақсимланади: арчазорлар – 54763, пистазорлар – 34000, саксовулзорлар – 6160, бодомзорлар – 4500 гектарни ташкил этади.

Ўрмон фонди ерларида: қоплон, айиқ, кийик, бурама шохли эчки (морхўр), бўри, тулки, ёввойи мушук, чиябўри, ёввойи чўчка, жайра, қуён, бўрсик, сув ити, суғур, парранда ва қушлардан каклик, тустовук, ҳилол, лочин, бургут каби қушларни учратиш мумкин. Бу ҳайвонот дунёсининг ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган турлари Ўзбекистоннинг «Қизил китоби» га киритилган бўлиб, айрим турлари бошқа ҳудудларда учрамаслиги билан ноёб ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудидаги доривор ва шифобахш ўтларнинг 85 фоизини вилоят ўрмонлари, яйловлари ва бошқа жойларида учратиш мумкин бўлиб, етарлича қуёш энергиясини олганлиги сабабли, бошқа жойлардаги турларига нисбатан сифати бирмунча юқори ҳисобланади. Шулардан дўғбой, кийик ўти, наъматак, тоғ райҳони, равоч, зира, далачай, зирк ва бошқалар кўплаб учрайди ҳамда уларнинг шифобахшлиги учун белгилаб берилган квоталар асосида ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги бўлимлари томонидан йиғиб олиниб аҳолига етказиб берилмоқда.

Ўрмон хўжалигининг асосий вазифаси мавжуд ўрмонзорларни асраб авайлаб, янги ўрмонзорлар барпо этишдан иборат бўлиб, сўнгги йилларда 1000 гектарга яқин ўрмонзорларни барпо этилганлиги таҳсинга сазовордир. Барпо этиладиган ўрмонлар, асосан, саксовулзорлар, пистазор ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахт турларини ташкил этади.

Юқоридагилар билан бир қаторда марказий ўрмон хўжалигининг асосий вазифаси ўрмон фонди ерларидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлардан сақлашдан иборат.

Ўсимликлар дунёси генофондини сақлаш, ушбу ўсимликлар кўпайиши ҳудудларида чорва молларининг боқилишига боғлиқ масала бўлиб, улар муҳофазага олиниши лозим. Аҳолининг кўплаб моллари ўрмон билан қопланган майдонларда кўрикхоналарнинг буфер ҳудудларида ва ҳеч қандай рухсатномасиз боқилиши ўсимликлар дунёсини айрим турларининг камайиб кетишига олиб келмоқда. Аҳоли ва жамоат чорвачилигини яйловларда боқишда ҳар бир бирлик ҳудудга мос келадиган чорва молларини меъёр доирасида киритилиб уларнинг яйловлардан фойдаланилиши назоратга олиниши керак.

Ҳозирги пайтда «сассиқ каврак» ўсимлигини Республика бош бионазорат нозирлигининг рухсатномалари асосида йиғиб олиш жараёнлари давом этмоқда. Ушбу ўсимликни саноат мақсадларида шу тартибда йиғиштириш давом эттирилса, яқин йилларда сассиқ каврак ўсимлиги турлари ҳам Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»га киритилишига шубҳа йўқ. Кейинги 10

йилликда дарахтларни ўтин сифатида кесиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат назоратчилари томонидан аҳоли, ташкилот ва муассасаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамасдан, қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди. Бундай кимсаларга нисбатан катта миқдордаги маъмурий чоралар кўрилиб, табиатга етказган зарарлари ундириб олинишларига қарамай, ушбу иллатларга чек қўйилмаяпти. Бу муаммоларни ҳал этишда оз сонли вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг имкониятлари етарли эмас.

Вилоят ҳудудининг табиий ландшафтлари бўлган тоғ ва тоғолди ҳудудлари, Амударёнинг қўшни Афғонистон Ислом Республикаси бўлган чегара ҳудудлари давлат чегараларини қўриқлаш фаолиятларини амалга ошириш учун чегара қўшинлари ихтиёрига бириктирилган бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш назорати етарлича йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, маълум бир муддатга чегара ҳудудларида чегара қўшинлари томонидан кўриш ва кузатиш шароитларини яхшилаш мақсадида, табиий тўқайзорларни ёқиб юбориб, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўплаб турларининг йўқотилишига олиб келмоқда. Юқорида қайд этилган экологик муаммоларни ечиш давр талаби бўлиб бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун Республика ҳукумати ва тегишли вазирликлар ҳамда органларнинг аралашуви лозим бўлади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЎРНИ

Сурхондарё вилояти ғарбда – Кўҳитанг тизмаси, шимолдан – Бойсун, шимоли-шарқдан – Ҳисор тизмасининг жанубий ён-бағри, шарқда эса Боботоғнинг ғарбий ёнбағирларининг қуйи қисми билан ўралган. Унинг жанубий чегараси эса Амударё орқали ўтади. Вилоят ҳудуди Бойсун, Кўҳитанг ва Боботоғ ботаник географик районига ажратилади.

Бойсун ботаник географик райони Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Денов ва Олтинсой туманлари ҳудудида жойлашган. Мазкур минтақанинг асосини Бойсун ва Чўлбаир тоғлари ташкил этади. Бойсун тоғи эллипссимон шаклда бўлиб, 150 км масофада чўзилган. Бу ҳудуд географик жиҳатдан Помир-Олойнинг жануби-ғарбий Ҳисор тизмасини йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Тоғ сувайриғич қисмдан 2 йирик ён-бағирликка ажралади. Баланд қояли тоғлар маълум бир чегараларда қуйидаги номлар билан аталади: Кетмончопти, Хўжа Кўчқор ота, Хўжа Ғурғур ота, Бель-Аути. Бу тоғлар ўзаро биргаликда Бойсун тоғ тизмасини ташкил қилади. Чўлбаир тоғи эса Бойсун тоғига нисбатан параллел равишда қад ростлаган.

Кетмончопти тоғи Мачай дарёси ҳавзаси ҳамда Бойсун шаҳри оралиғида жойлашган бўлиб, Бойсун тоғ тизмасининг бошланиш қисмидир. Тоғнинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 3160 метрни ташкил қилади. Бу тоғнинг сувайриғич қисмидан ҳар икки томонга Мачай дарёси ҳавзаси ва Тўда қишлоғи орқали Бойсун сойга қуйилади. Кетмончопти тоғи Санжар чўққиси орқали Хўжа Кўчқор ота тоғи билан боғланади.

Хўжа Ғурғур ота тоғи Хўжа Бузбарак, Хўжа Чал номлари деярли бир жойга нисбатан ишлатилади, яъни Хўжа Ғурғур ота тоғига. Тоғнинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 3223 метр. Тоғнинг шимол томонида параллел равишда Чўлбаир тоғи жойлашган. Хўжа Ғурғур ота тоғидан оқиб чиқадиган Деймалик, Айлангар, Шатут, Парахнаур каби сойлари, Чўлбаир тоғидан Чиндон, Аксу, Қизилсув сингари сойлар қўшилиб, Ҳалқажар дарёсини ҳосил қилади. Тоғнинг жануб томонидан қор ва булоқ сувларидан тўйинган йирик сойларида бири Чақмоқ ва Жухин сингари сойлари Мачай дарёсига қуйилади. Тоғ ўз навбатида Бель-Аути тоғига қўшилади.

Бель-Аути тоғи Хўжа Ғурғур ота тоғининг давоми бўлиб, Сариосиё ва Бойсун туманларини бир биридан, ундан ташқари Ҳисор-Дарвоз округини жануби-ғарбий Ҳисор округидан ажратиб туради. Сув айриғич қисмидан жануб ва шимол томонларига бир нечта сойлар ҳосил бўлади. Жануб томондан Ирғайли, Кўккамар ва Қизилсой каби йирик сойлар ўзаро қўшилиб, Мачай дарёсини ҳосил қилади. Шимол томонидан эса Микян, Пилгар, Қоратош каби сойлар бўлиб, уларнинг суви Сангардак дарёсига қуйилади. Бель-Аути тик қояли тоғ бўлиб, энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 3239 метр. Бу тоғ Ялангтўш довони орқали Чўлбаир тоғига боғланиб туради.

Чўлбаир тоғи жануби-ғарбий Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларидан бири ҳисобланади. Жанубий-ғарбдан шимолий-шарққа 60 км дан зиёд масофага чўзилган. Энг баланд жойи д.с. 3812 метр бўлиб, Хўжа Борку деб номланади. Ён-бағирлари ассиметрик тузилишга эга. Жануби-шарқий ён-бағирлари анча тик қояли, 1500 метргача. Тоғнинг шимол томонидан Кичикдарё ва Нураган сойлари оқиб чиқади ва Сангардак дарёсига қуйилади. Жануб томонидан Чиндон, Аксу, Қизилсув сойлари оқиб чиқади ва сувлари Ҳалқажар дарёсига қўшилади. Тоғдан Сангардак дарё ҳавзасига нисбатан параллел равишда Вахшивор дарё ҳавзаси бошланади. Мазкур тоғларнинг барчасида бир қисми тик қояли иккинчи томони эса қия текис сойларга ажралган.

Кўҳитанг тизмаси Помир-Олой тоғ тизимининг жануби-ғарбий Ҳисор тизмасининг давоми ҳисобланади. Кўҳитанг тизмаси шимолдан Сувсизтоғ билан чегараланади. Шарқий чегараси Келиф-Шеробод пасттекисликлари билан, жанубий ҳудуди Амударё билан тугайди. Кўҳитанг тизмасининг ғарбий ён-бағри Туркменистон Республикасининг ҳудуди ҳисобланади. Кўҳитанг тизмаси жануби-ғарбга 50 км.га чўзилган ва баландлиги 3137 м.га етади, бу ерда карст жараёни ривожланган. Кўҳитанг тизмаси бутун бир қатламлар кўринишида намоён бўлади. Қаттиқ тоғ жинслари, қумтошли-гилли қатламлар бирлашиб, 700 метргача қалинликда бўлса, устки қисми 500 метргача зич оҳактошли қатламлар билан қопланган.

Кўҳитанг тизмасининг жанубий қисмида комплекс метаморфик жинслар кенг тарқалган бўлиб, тўртламчи даврдан ҳозирги давргача тоғ емирилишлари натижасида қатламлар йўқ бўлиб кетган.

Кўҳитанг тоғ тизмасининг ғарбий ён-бағри бирмунча нишаброқ бўлиб, шарқий ён-бағри ҳаддан ташқари тик қоялиги ва энсизлиги билан изоҳланади. Баландлиги 500-600 метр келадиган тик қоялар тоғ юзасидан ажралиб туради.

Тизма рельефи мураккаб бўлиб, чуқур даралар ҳосил қилиб оқадиган сойлар таъсирида парчаланиб кетган. Бу ерда ҳам неоген, палеоген, бўр, триас, тошқўмир, девон, силур, тўртламчи давр ётқизиқларини учратиш мумкин. Бу ётқизиқларнинг ғоят катта қисми аллювиал, проллювиал ва қумтошли қатламлар билан қопланган. Қўриқхона замини гранитли, оҳактошли, сланецли ва бошқа жинслардан иборат бўлиб, айрим жойларида қўмирли қатламлар ҳамда магматик жинслар ҳам учраб туради.

Боботоғни ғарбдан Сурхондарё, шимолдан Ҳисор, шарқдан Кофирниҳон, жанубдан эса Амударё водийлари ўраб туради. Биз округнинг шарқий чегарасини шартли равишда Ўзбекистоннинг Тожикистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтказамиз. Боботоғ округида бўр ва палеоген, неоген давр ётқизиқлари ривожланган бўлиб, улар алп тектоникаси таъсирида кўтарилиб қолган.

Боботоғ республикамизнинг тоғли округлари ичида ўзининг геологик тузилиши ва ривожланиш тарихи жиҳатидан энг ёш ўлка ҳисобланади. Бу ердаги кекса тоғ жинслари бўр даврига хос бўлиб, тоғнинг энг баланд қисмлари ва замини қизил гил, қизил қумтош, қизил мергел, конгломерат ҳамда оҳактошлардан иборатдир. Тоғларнинг қуйи қисмларида эса палеоген ва неоген давр оҳактошлари, мергеллари, қизил қумлари ва конгломератлари учрайди. Округнинг тоғ этакларида, дарё водийларида ва ботикларда антропоген даврнинг аллювиал-проллювиал ётқизиқлари, лёсси қумлоқ, шағал ва бошқа ётқизиқлари кўп учрайди.

Боботоғ Ҳисор тоғидан Ҳисор водийси орқали ажралган бўлиб, жанубда то 37° 30' шимолий кенгликкача тахминан 100 км чўзилган. Тоғнинг жанубий қисми Турсунтоғ, Туртоғ сўнгра Қакитоғ деб аталиб, то Амударё водийсигача чўзилиб тушади. Лекин округ худудига Боботоғнинг фақат ўзи киради, унинг жанубий қисми Тожикистонга қарайди.

Округ худудига Боботоғнинг ўртача баландлиги 1200-1500 м. Энг баланд қисми эса 38° шимолий кенгликдаги заркоса чўққисидир (2290 м). Боботоғ бу чўққидан шимолга ва жанубга пасая бориб, 1900-1800 м га тушиб қолади. Тоғ ассиметрик тузилган, шарқий ёнбағри тик бўлиб, Кофирниҳон водийсига бирданига пасайиб тушади. Аксинча, ғарбий ён-бағри кенг ва узун бўлиб, Сурхондарё округига томон аста-секин пасайиб боради.

Округ кучли денудация жараёнига дучор бўлган, уни дарёлар, сойлар жуда ўйиб юборган. Бунинг устига карст жараёни тоғ рельефини анча мураккаблаштирган.

Боботоғнинг гипсли жинслар тарқалган ва оҳак ётқизиқларидан ташкил топган шарқий ёнбағрида карст жараёни ғарбий ён-бағрига нисбатан кенг тарқалган. Аксинча, лёсс ва лёссимон жинслардан иборат бўлган ғарбий ён-бағрида эса суффозион рельеф шакллари мавжуд.

Боботоғ ўзининг геоморфологик тузилиши жиҳатидан анча парчаланган постовли худуд ҳисобланса-да, лекин унинг ўқ қисми вақтли сувлар иши натижасида вужудга келган чуқур канонсимон водийлар орқали бир неча қисмларга бўлиб юборилган. Буни устига, Боботоғнинг шимолий қисмини баланд жойларига ёғиннинг нисбатан кўпроқ тушиши туфайли вужудга келган

сувлар ҳар хил ётқизиклар ва тупроқларни ювиб она жинсларни очилиб қолишига сабабчи бўлган.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФЛОРАСИ ТАРИХИ

Жануби-ғарбий Ҳисор, шу жумладан, Бойсун тоғи ва унинг атрофидаги ҳудудларда олиб борилган илмий изланишлар бир асрдан ортиқ тарихга эга. Ҳудуд ўсимликлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Н.А.Маевга тегишли. У 1875 йили генерал губернатор К.П.Кауфман бошчилигида “Бухоро жанубидаги текисликлар” деб номланган экспедицияда ботаник сифатида иштирок этган. Тадқиқот ишлари 1875 йилнинг апрель ойида Самарқанд вилояти атрофларидан бошланади. Тахта Қарача довони орқали, Китоб, Ғузор, Яккабоғ, Қарши, Танги Харам, Дарбанд, Сайроб, Шеробод, Эски Ғузор йўналишларида давом этади. Сўнгра ортга Лойлаган, Битау, Ғузор, Оқработ, Дарбанд, Бойсун, Денов, Шўрчи орқали Регар томон йўл олишади ва Вахш, Кўлоб, Қўрғонтепа орқали яна Бойсунга келишган. Июнь ойининг охирида Ғузор орқали Катта ва Кичик Ўрадарёга боришади [Тургенов, 2016].

М.Капю 1881 йилдан бошлаб, Бонвало билан биргаликда Марказий Осиё бўйлаб тадқиқотлар олиб борган ва изланишлари давомида кўпгина гербарий намуналари йиғишган. 1881 йилнинг 7-15 апрель кунларида Шеробод ва Ғузорда, 8-9 майда Сайроб, 10 майда Шўроб атрофларида тадқиқотлар олиб боришган. Сўнгра Ғузор томонга қараб тадқиқотларини давом эттиришган. Келтирилган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда ҳам Бонвало ва Капю томонидан Марказий Осиё минтақасининг турли ҳудудларидан йиғилган гербарий намуналари Парижда (Р) сақланмоқда [Липский, 1905 (382-384-б.), Курдюшев, 1941 (6-б.)]. Улар томонидан ББҒР ҳудуди атрофларидан терилган гербарий намуналаридан фойдаланган ҳолда В.И.Липский 1910 йилда *Astragalus kelifi* Lipsky турини фанга киритади [Липский, АНР 1907, №26. 158-б.]. Ушбу тур илк бор Капю томонидан Жануби-Ғарбий Ҳисор ҳудудидан терилган (Келиф, 16 (28) III 1881, n^o342, Carus (Р.). (Васильченко ва Васильева, 1985 (83-б.)).

1928-1930 йиллар оралиғида А.И.Введенский ва В.П.Бочанцев Денов ва Бойсун туманлари атрофларида тадқиқотлар олиб боришган. Изланишларни, асосан, Чўлбаир тоғи ва унинг атрофлари (Сина, Вахшивор), Обидара дарё ҳавзасида, Бойсун-Денов шаҳарлари атрофларида олиб боришган. Олимлар 3 йил давомида катта миқдорда гербарий намуналарини тўплашган [Бутков, 1938 (6- -б.)]. Кейинчалик йиғилган материаллардан фойдаланилган ҳолда, мазкур минтақадан фан учун бир нечта янги турларни киритганлар: *Tulipa carinata* Vved. [Опр.ср. азии. 2том. 1971, (318-б.)], *Tulipa orythioides* Vved. (1935), *Iris nicolai* (Vved.) Vved. (1935), *Iris parvula* (Vved.) T. Hall et Seisums (1935), *Allium tyttanthum* Vved. (1934), *A. dolichomischum* Vved. (1935), *A. crystallinum* Vved. (1935), *Ungernia victoris* Vved. et Artjush. (1935), *Eremurus iae* Vved. (1941), *Gagea delicatula* Vved. (1941), *G. gymnopoda* Vved. (1941), *Pedicularis inconspicua* Vved. (1955) ва б. Ундан ташқари А.И. Введенский ва В.П. Бочанцев томонидан терилган гербарий намуналарини ўрганган ҳолда В.П. Дробов *Poa vvedenskyi* Drobow (1941 (538-б.)), О.В. Чернева *Cousinia hoplophylla*

Tscherneva (1959), П.Н. Овчинников *Ranunculus vvedenskyi* Ovcz. (1941), Н.Ф. Гончаров *Astragalus subverticillatus* Gontsch. (1946), Е.И. Коровин *Ferula tuberifera* Korovin (1947) сингари турларни фанга киритганлар. TASH фондида сақланаётган ва ББҒР ҳудудидан терилган намуналарнинг асосий қисми А.И.Введенский ва В.П.Бочанцевлар томонидан терилган.

А.Я.Бутков 1934 йилда Бойсун тоғидаги арчазорлар ва улардаги ўсимликлар қопламини ҳамда ҳайвонот оламини ўрганиш мақсадида тадқиқот ишларини олиб борган. Изланишлар натижасида, 1938 йилда “Растительность гор Ходжа Гургур-ата” номли асарини монография кўринишида чоп этган. Бунда Хўжа Гургур ота тоғи учун 238 тур борлигини қайд этган.

Е.М.Демурина 1934 йилда Марказий Осиёдаги айрим ҳудудларнинг ўсимликлар қопламини ўрганиш мақсадида Чўлбаир, Хўжа Гургур ота, Бель-Аути тоғларида ҳам тадқиқотлар олиб борган. 1939 йилда ушбу минтақалардаги ўсимликлар қопламини тўғрисидаги маълумотлар келтирган.

1940-1941 йиллар давомида Л.И.Попова Бойсун тоғи ва Сурхон-Шеробод паст текисликларида ўсимликлар қопламини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб борган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, 1951 йилга келиб, “Особенности в поясом распределение растительности Юго-западных отрогов Гиссарского хребта (в пределах Байсунского района Сурхондарьинского области)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. У томонидан мазкур ҳудуд учун фақатгина 626 тур борлигини қайд этади. Олима 2 йил мобайнида 2000 дан ортиқ гербарий намуналарини йиғишга эришган.

Мазкур минтақанинг эндемизмга бағишланган илк тадқиқот ишлари Л.И.Васильева ва И.Т.Васильченколарга (1985) тегишлидир. Жануби-Ғарбий Ҳисор округи флорасида 29 оила, 100 туркумга мансуб, 203 тур эндем ва 60 турдаги субэндем турлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Эндем ва субэндем турларни районлар бўйича, баландлик минтақалари ва ўсимликлар қопламини бўйича таҳлил қилинган. Бу борадаги тадқиқотларни Ф.О.Хасанов (1991) давом эттириб, жануби-ғарбий Ҳисор тоғ тизмаси эндем турларининг таркиби борасида батафсил маълумотларини келтиради. Бунга кўра, минтақа флорасида 22 оила, 55 туркумга мансуб 124 та эндем борлигини қайд этган.

М.А.Холмуратов 2007 йилда “Бойсун-Чўлбаир тоғларининг ўсимликлар қопламини” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Тадқиқотчи 2004-2007 йиллар оралиғида олиб борган изланишлари давомида мазкур минтақа ўсимликлар қопламини 11 тип, 16 та формация ва 28 ассоциациялар таркибида 714 тур борлиги ҳақида маълумотлар келтирган.

Бойсун ботаник-географик райони флораси тўғрисидаги батафсил маълумотлар илк бор О.Тургунов (2016) томонидан келтирилган бўлиб, 89 оила, 523 туркумга мансуб 1555 турни ташкил этади. Изланишлар давомида ботаника фани учун 3 та янги турлар: *Jurinea tschernevae* Tojibaev & Turginov, *Iris khassanovii* Tojibaev & Turginov, *Allium decoratum* Turginov & Tojibaev, Ўзбекистон флораси учун 16 та кўшимча янги турлар: *Astragalus varzobicus* Gontsch., *Chesneya crassipes* Boriss., *Ch. hissarica* Boriss., *Chondrilla gibbistrostris* Popov, *Cousinia pannosa* C.Winkl., *Consolida stocksiana* (Boiss.) Nevski, *Eremurus hissaricus* Vved., *Ferula tadshikorum* Pimenov, *Hedysarum cephalotes* Franch., *H.*

denticulatum Regel et Schmalh., *Nepeta pamirensis* Franch., *Pedicularis sarawschanica* Regel, *Scrophularia pamiro-alaica* Gorschk., *Silene bucharica* Popov, *Taraxacum tadzhikorum* Ovcz. et Schischk., *Ventenata macra* (Steven) Balansa et Boiss. (= ***Gaudinopsis macra*** (Stev.) Eig) аниқланди.

Ҳисор тизмаси учун 15 тур: *Melissitus pamiricus* (Boriss.) Golosk., *Echinophora sibthorpiana* Guss., *Jurinea kokanica* Iljin, *Cousinia gontscharovii* Juz., *C. triceps* Kult., *C. podophylla* Tscherneva, *C. butkovii* Tscherneva, *Astargalus fedtschenkoana* Lipsky, *A. angrenii* Lipsky, *Allium kaufmanii* Regel, *Scutellaria immaculata* Nevski ex Juzz., *Asperula trichodes* J.Gay & DC., *Draba huetii* Boiss., *Elaeosticta paniculata* (Korovin) Kljuykov et Pimenenov, *Onosma gmelinii* L'db. илк бор аниқланилди.

Кўҳитанг тизмасининг ўсимликлар қоплами ва флористик таркиби ҳам бир қанча ботаниклар томонидан ўрганилган.

Тизманинг ўсимликлар таркиби тўғрисидаги дастлабки маълумотлар М.Г.Поповга тегишли. У 1915 йилда ушбу ҳудуднинг ўсимликларини ўрганиш мақсадида илмий сафар ташкил этади ва қимматли гербарий материалларини тўплайди. 1923 йилда Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағирликларида М.Г.Попов, Б.А.Федченко бошчилигидаги бир гуруҳ ботаниклар ҳамда 1928 йилда Е.Г.Бобров томонидан илмий изланишлар олиб борилган. 1931 йилда А.В.Ярмоленко ҳам бу ҳудудда кенг изланишлар олиб борган ҳамда шу билан бирга гербарий материаллари тўплаган.

1936 йилда Н.А.Меркулович томонидан Бойсун ва Шеробод ҳудудларида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Изланишлар натижаси бўлган илмий асарларида ўрганилган ҳудудларнинг табиий-географик хусусиятлари, ўсимликлар қоплами ва уларнинг тарқалиши ҳамда хўжаликдаги аҳамияти ҳақидаги қимматли маълумотлар бериб ўтилган.

Кўҳитанг тизмасининг ғарбий ён-бағрида (Туркменистон ҳудудида) биринчилар қаторидаги энг йирик ботаник изланишларни С.А.Невский олиб борган. Унинг кўп йиллик тадқиқотлари натижаси, 1937 йилда “Материалы к флоре Кухитанга и его предгорий” номли йирик илмий мақолада акс эттирилади. Унда муаллиф биринчи бўлиб Кўҳитанг тизмаси флорасининг рўйхатини келтиради. Унинг маълумотларига кўра, Кўҳитанг флорасининг таркиби тахминан 800 турдан иборат бўлиб, шундан 588 турдаги ўсимликлар тадқиқотчи томонидан терилган ва аниқланган гербарий маълумотлари асосида келтирилган. Шунингдек, илмий манбада турларнинг тарқалиши, ҳаётий шакллари, экологияси ҳамда биринчи бўлиб, тизма ўсимликларининг тик баландлик минтақалари бўйича тарқалишининг схемаси ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

С.А.Невский тадқиқотларидан кейин бу ҳудуд кўплаб Ўрта Осиёнинг йирик ботаник олимлари жумладан, П.Н. Овчинников, В.И. Запругаева, В.П. Бочанцев, Р.В. Камелин, И.В. Белолипов, А.Я. Бутков, Г.М. Проскуряковаларнинг диққатини ўзига тортди. Улар келтирган маълумотлар Кўҳитанг тизмаси ва унинг атрофидаги тизмаларда турли мақсадларга қаратилган ботаник изланишларнинг ривожланишига асос бўлди.

1947 йилда Е.П. Коровин Кўхитанг тизмасининг Ходжа-фил-ота бўлимидан *Apiaceae* оиласига мансуб янги турни (*Libanotis nevskii* Korovin) топади. Кўхитанг тизмасидан топилган бу турни кейинчалик М.Г. Пименов, Л.И. Сдобниналар (1973, 1975) ўз ишларида *Seseli nevskii* (Korovin) Pimenov et Sdobnina comb. nov. номи билан келтиришган.

1954 йилда Л.Б. Блиновский томонидан нашр этилган мақолада Кўхитанг тизмасидаги ёввойи чилонжийда ўсимлигининг (*Ziziphus jujuba* Mill.) тарқалиши ва биоэкологияси ҳақида батафсил маълумотлар келтирган.

Кўхитанг тизмасининг флорасидаги бошоқли ўсимликларнинг тур таркибига Н. Чопанов катта ойдинлик киритди. У 1959 йилда “Конспект злаков флоры Туркмении” номли асарини чоп этди. Н. Чопановнинг маълумотлари С.А. Невский келтирган маълумотларни анча бойитди. Хусусан, дастлабки манбада Кўхитанг тизмасида бошоқдошларнинг 86 тури келтирилган бўлса, Н. Чопанов уларнинг таркиби 110 турдаги ўсимликлардан иборат эканлигини қайд қилиб ўтган.

Е.П. Коровиннинг 1961-1962 йилларда нашрдан чиққан машҳур “Растительность Средней Азии и Южного Казахстана” номли монографиясида Кўхитанг тизмасининг табиий-географик ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади. Ўсимликлар қопламининг хусусиятлари ва улар намоён этадиган табиий қонуниятлар асосида тизмани Жанубий Туркистон тоғ провинциясининг Кўхистон округи таркибига киритади ҳамда унинг ўсимликлар қоплами ҳақида маълумотлар бериб ўтади.

Тадқиқ этилган ҳудуд Россия Ботаниклар уюшмасининг президенти, Ўрта Осиё флорасининг йирик билимдони Р.В. Камелиннинг диққат марказида бўлиб келган. У 1973 йилдаги нашрида Тоғли Ўрта Осиёда Кўхитанг тизмасининг тутган ўрнига баҳо беради ва уни Тоғли Ўрта Осиё провинциясининг Ғарбий Ҳисор округи таркибига киритади. Айнан у Кўхитанг тизмасининг флористик хилма-хиллиги масаласига ойдинлик киритади ва С.А. Невскийнинг дастлабки маълумотларини бойитади.

Р.В. Камелин (1973) фикрига кўра, Кўхитангда турлар таркибининг умумий сони 1000 турдан кам эмас ва тизманинг ғарбий қисмидаги флористик хилма-хилликни 860 турдаги ўсимликлар ташкил этади. Келтирилган маълумотлар алоҳида таксономик бирликлар мисолида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, *Brassicaceae* ва *Caryophyllaceae* оилалари турларининг сони С.А. Невский келтирган маълумотлардан анча кўплиги кўрсатилган. Бироқ шундай бўлса-да, Р.В. Камелин келтирган маълумотлар тизма флорасининг баҳоланиши тарзида келтирилган бўлиб, флоранинг конспекти кўринишида чоп этилмаган ва Ўрта Осиё тоғли флорасининг флорагенезини очиб беришда намунавий асос сифатида қўлланилган.

Ўрта Осиё тоғли флорасининг ҳудудий баҳолаш ишларини Р.В. Камелин кейинчалик ҳам давом эттирган. 1990 йилда чоп этилган “Флора Сырдарьинского Каратау” номли китобида Кўхитанг тизмаси учун (Шеробод–Келиф паст текислигидан Сувсиз тоғининг пастки ва ўрта қисми Туркменистон ҳудудидаги Оқбош, Иллак, Илликбош ҳамда Тарқапчиғай ва Гаурдак туманларини ўз ичига олади. Умумий майдони 6700 км².) 92 оилага мансуб 545

туркум ва 1435 тур ўсимликларни келтирган. Шундан 119 тур ўсимликларни Кўҳитанг тизмасининг турли хил мақомдаги эндемлари сифатида қайд қилиб ўтган.

Г.М. Проскурякова ва Н. Б. Белянина (1973, 1975) Кўҳитанг тизмасининг флораси таркибига қўшимча сифатида яна 32 тур ўсимликларни келтирган.

1982 йилда И.Г. Левичев Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган Қизилолма сойининг юқори қисми, денгиз сатҳидан 2900 м баландликдан, қорга яқин бўлган жойдан *Gagea* туркумига мансуб янги *Gagea nabievii* Levichev турини топади ва фанга киритади.

Тадқиқ этилган ҳудудда олиб борилган геоботаник тадқиқотлардан энг салмоқлиларидан бири сифатида Ф.О. Хасановнинг изланишларини келтириш мумкин. Тадқиқотчи томонидан 1982-1987 йиллар давомида тизманинг дарахт ва бутазорлари ўрганилган. Бу ишларида Кўҳитанг тизмасининг флораси бўйича қисқача очерк, шибляк типининг асосий формациялари ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти борасидаги қимматли маълумотлар келтирилган. Хусусан, Кўҳитанг тизмаси доирасида шибляк типининг флористик бойлиги 55 оила, 269 туркумга мансуб 578 тур ўсимликлар билан баҳоланишини келтирган. Ушбу тадқиқот натижалари ҳозиргача олиб борилган флористик ва геоботаник изланишлар орасида салоҳиятли ўрин эгаллаб келмоқда.

1985-1986 йилларда Ф.О. Хасанов томонидан *Acer pubescens* Franch. ҳамда *Sageretia laetevirens* (Kom.) Gontsch. турларининг Кўҳитанг тизмаси ўсимликлар қопламида тутган ўрни, тарқалиш майдони, экологияси, формация ва ассоциацияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Кўҳитанг тизмаси ўсимликлар қопламининг тик минтақалар бўйлаб тақсимланишига бағишланган йирик илмий мақола 1987 йилда Р.В. Камелин ва Ф.О. Хасановлар томонидан чоп этилган. Шунингдек, Ф.О. Хасанов бу ҳудуддан топилган флористик янгиликлар муаллифи сифатида ҳам фанга ўз ҳиссасини қўшган. 1988 йилда И.И. Мальцев билан ҳаммуаллифликда Кўҳитанг тизмасининг шимоли-шарқий қисми, яъни Боғлидара бўлимидан *Allium* туркумига оид (*Allium ecornutum* F.O. Khass. et I.I. Malzev) ва 1991 йилда Кампиртепа бўлими Мачайли сойидан *Silene* туркумига мансуб (*Silene nataliae* F.O. Khass. et I.I. Malzev) янги турларни топишган ҳамда бу турлар бўйича маълумотлар бериб ўтишган.

Ф.О. Хасановнинг биз тадқиқ этган ҳудуд учун тегишли бўлган илмий асарлари қаторига 1991 йилда чоп этилган ва Жануби-Ғарбий Ҳисор тоғ тизмаси эндем ўсимликларининг тур таркиби борасида келтирган батафсил маълумотларини (22 оила, 55 туркумга мансуб 124 та эндем турлар) ҳам киритиш зарур. Ундаги кўрсаткичлар Кўҳитанг тизмасида тарқалган эндемларни ўрганишда аҳамиятли бўлиб келмоқда.


1988 йилда В.В. Никитин ва А.М. Гельдиханов томонидан чоп этилган “Определитель растений Туркменистана” номли монографиясида ҳам Кўҳитанг тизмасида тарқалган ўсимлик турлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

ЎзФА академиги К.Ш.Тожибаев раҳбарлигида турли йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. 2010 йилдан то

бугунги кунгача Ўрта Осиё ва Ўзбекистон флорасининг таксономик таркиби, географик тарқалиши, популяцияси, камайиб кетиш сабаблари, муҳофаза чоралари шунингдек, фан учун янги турларнинг топилиши, камёб ва реликт турларнинг тарқалиш харита-схемаси, FLORUZ.UZ номли ягона маълумотлар базасининг шакллантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2010 йилда А.Ибрагимов томонидан Кўҳитанг тизмасининг шарқий ёнбағрида жойлашган Сурхон кўрикхонаси флорасининг таркиби ўрганилган бўлиб, 77 оила, 372 туркумга мансуб 743 турлардан ташкил топиши аниқланди. Кўрикхона флораси таксономияси, ареалогияси, биоморфологияси, экологияси бўйича таҳлил қилинди ва тик минтақалар бўйлаб тақсимланиши ўрганилди (Ушбу мавзунинг ёритишда доцент А.Ж.Ибрагимовнинг **“Сурхондарё вилояти флорасининг эндем ва камёб турлари”** номли ўқув-услубий қўлланмасидан фойдаланилганлиги муносабати билан миннатдорчилик билдираман).

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш керакки XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон, жумладан вилоят ўсимликлар дунёсини ўрганишда маҳаллий соҳа мутахассисларининг хизматлари юксак деб биламан. Доцентлар Муҳаммаджонова Рашида Исламовна, Джумаев Худойберди Қурбондурдиевич, Сатторов Абдумурод Сатторович, Ибрагимов Ақром Жавлиевичлар шулар жумласидандир.



Муҳаммаджонова Рашида Исламовна 1947 йилда Деновда таваллуд топган. 1965 йилда Деновдаги М.Улуғбек номидаги 4-сонли ўрта мактабни, 1970 йилда Қарши давлат педагогика институтининг табиёт факультети химия-биология бўлимини имтиёзли диплом билан тугатган. 1974-1977 йилларда Ўзбекистон ФА ботаника илмий текшириш институтининг геоботаника лабораториясига кундузги бўлим аспирантурасига ўқиди. 1980 йилда “Сурхондарёнинг асалширали ўсимликлари ва улардан фойдаланиш” мавзусидаги диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган.

100 дан ортиқ илмий оммабоп мақолалар, 2018 йилда “Биоразнообразие медоносных растений в Южных областях Узбекистана” номли монографияси Германия давлатида нашр қилинди.

1984-2003 йилларда Хотин қизлар қумитаси раиси, университет касба уюшмаси раиси вазифалари, жамоат ишларида фаоллиги туфайли Олима аёллар уюшмасининг раиси, Зулфия давлат мукофоти илмий ишлар бўйича ҳаёат аъзоси, вилоят Хотин-қизлар қумитасининг раёсат аъзоси сифатида илмий оммавий-маърифий ишларда фаол қатнашган.



Джумаев Худойберди Қурбондурдыевич 1958-йил 31 августда Термиз шаҳрида туғилган. 1975 йилда Термиз шаҳар 7 мактабни, 1980-йилда Термиз давлат педагогика институтининг биология ва қишлоқ хўжалиги асослари бўлимини тугатган. 1990-йилда “Ўзбекистоннинг жанубида ўсувчи мармарак ва тоғрайхон ўсимликларининг онтогенези, антэкологияси ва улардан унумли фойдаланиш йўллари” мавзусида фан номзодлиги диссертациясини мувоффақиятли ҳимоя қилган. 1990-1991-йилларда Термиз давлат педагогика институти химия, ботаника ва қишлоқ хўжалиги асослари кафедраси

ўқитувчиси, 2001-2008-йилларда Термиз тумани Халқабод педагогик-ижтимоий касб-хунар коллежи директори, 2008-2017-йилларда Термиз давлат университети қошидаги 2-сонли Академик лицейи директори вазифасида, 2017-2018-йилларда Тошкент давлат Аграр университетининг Термиз филиали директори ўринбосари, 2018-йил Термиз давлат университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази директори вазифасида, 2020 йил сентябр ойдан доцент лавозимида ишлаб келмоқда.

Илмий соҳалар юзасидан 70 дан ортиқ илмий мақоласи чоп этилган. Бир неча марта вилоят, Республика ҳамда Москва, Ленинград, Киев, Симферополь, Ужгород, Кацивали каби шаҳарларда ўтказилган Халқаро илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этган. Илмий ишларига Америка, Канада, Англия, Япония, Туркия, каби мамлакатлар олимлари томонидан 60 дан ортиқ расмий иқтибосга эга бўлинди.

2006 йил “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил”, 2016 йил “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 25 йил” кўкрак нишонлари, 2012 йил “Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Саттаров Абдумурод Саттарович 1962 йилда Шўрчи туманида туғилган.

1984 йил биология ва қишлоқ хўжалиги асослари фани ўқитувчиси мутахассислигини тугатди. 1990 йилда “Микроорганизмлардан липаза ферментини ажратиш, уни иммобилизация йўли билан стабиллигини ошириш ва ишлаб чиқаришда қўллаш” мавзусидаги номзодлик диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг ушбу мавзу бўйича 100 дан зиёд илмий ишлари ва 9 та ўқув, услубий қўлланмалари, монографиялари вилоят, Республика миқёсидаги ҳамда хориж илмий журналлари

ва конференция материалларида чоп этилган шу билан бирга 1 та муаллифлик Гувохномаси соҳиби. Ҳозирги пайтда биология фанлари доктори, профессор Қ.Давранов раҳбарлигида “Термофил замбуруғлар биологияси, биотехнологик аспекти” мавзуси бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.





Ибрагимов Акрам Жавлиевич 1979 йил 14 июнда Бойсун туманида туғилган. 1996 йилда Шеробод туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабни, 2004 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Биология-тупроқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатган.

2010 йил 8 апрелда 03.00.05-ботаника ихтисослиги бўйича **“Сурхон давлат қўриқхонасининг флораси (Кўхитанг тизмаси)”** мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

А.Ибрагимов томонидан Сурхон давлат қўриқхонасининг флористик таркиби биринчи марта келтирилган бўлиб, 77 оила, 372 туркумга мансуб 743 турлардан ташкил топиши аниқланган. Қўриқхона флораси таксономияси, ареалогияси, биоморфологияси, экологияси бўйича таҳлил қилинган ва тик минтақалар бўйлаб тақсимланиши ўрганилган. Флора таркибида Кўхитанг тизмасининг 22 турдаги эндемлари ўсиши аниқланган бўлиб, улардан 5 таси қўриқхонанинг эндемлари ҳисобланади. Аниқланган камёб ва эндем ўсимлик турларининг тадқиқот ҳудудидаги тарқалиш харита-схемаси тузилган. Изланиш натижаларига кўра Сурхон қўриқхонасининг 2 турдаги эндемлари (*Salvia lilacinocaerulea* Nevski ва *Silene nataliae* F. O. Khass. et I.I. Malzev) “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби” нинг янги нашрига киритилган.

А.Ибрагимов томонидан 35 тур Кўхитанг тизмаси флораси учун, *Allium kugitangii* F.O. Khass. фан учун янги тур сифатида илк бор келтирилган.

А.Ибрагимов 2010 йилдан бугунги кунгача Термиз давлат университети Табiiй фанлар факультетида фаолият юритиб, 2017 йилдан буён ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

40 га яқин илмiiй мақолалар ва 2 та ўқув-услубiiй қўлланмалар, 3 та монография муаллифидир.

СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ

Қўриқхоналар Ўзбекистоннинг табiiй экосистемалари ва алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар. Қўриқхона-инсоннинг ҳар қандай хўжалик ижтимоii-иқтисодiiй фаолиятига чек қўйилиб, табиатнинг асл ҳоли қандай бўлса, шундайлигича сақланадиган ҳудуд. Фақатгина уларни илмiiй жиҳатдан бойитиш мақсадида илмiiй тадқиқот ишлари олиб боришга рухсат этилади. Қўриқхоналарнинг асосiiй вазифаси табиат ато этган она заминнинг ноёб гўшаларини, қимматли ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламини инсон ва табиат манфаатлари нуқтаи - назаридан авайлаб асрашдан иборатдир.

Қўриқхона ҳудудларида ов қилиш, балиқ овлаш, замбуруғ ва қўзиқорин териш, пичан ўриш ва бошқа ҳар қандай хўжалик фаолиятлари мутлақо тақиқланиб, табиат бир бутун қандай бўлса, шундайлигича авайлаб асралади.

Сурхон давлат қўриқхонаси - Сурхондарё вилояти, Шеробод туманининг шимолиii-ғарбiiй қисмида жойлашган 2 мустақил майдондан –Кўхитанг тоғининг шарқiiй ён-бағри ва Пайғамбароролдан иборат. Қўриқхона.

Пайғамбаророл участкаси водий тўқай экосистемалари ва Бухоро буғусини муҳофаза қилиш мақсадида 1971 йилда ташкил этилган. Кўҳитанг давлат буюртма кўриқхонаси 1986 йилда Пайғамбаророл кўриқхонаси билан бирлаштирилиб, Сурхон давлат кўриқхонасига айлантирилди. Вазифаси кўриқхона ҳудудидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, ўрганиш, илмий тадқиқот ишлари олиб боришдан иборат. Сурхон давлат кўриқхонасининг тоғ-ўрмон экосистемасига кирувчи Кўҳитанг (денгиз сатҳидан 850-3157 м юқори) қисми (24583 га) гидрологик тармоққа, катта-кичик сойларга бой, Лайлакон, Қизилолмасой каби йирик дарёлари ҳам бор. Кўриқхона ҳудудида Зараутсой расмлари сақланган дара машҳур. Кўҳитангда Туркистон ва Зарафшон арчалари (8033 га), туркистон заранги (104 га), туронғил (512 га), ширин бодом (891 га), жийда (183 га), ўрик, ёнғоқ, хандон писта, саксовул, буталар ва бошқалар ўсади. Ўсимликларнинг 810 тури мавжуд, уларнинг 29 тури Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган. Тоғ ва тоғ ёнбағирларида туркистон силовсини, морхўр, осие муфлони, бўри, тулки, қуён, бўрсик, ҳар хил заҳарли илонлар ва қушларнинг 130 га яқин тури учрайди.

Кўриқхонанинг Пайғамбаророл участкаси (Амударёдаги кичик оролузунлиги 8, эни 5 км, 3044 га) ўрмонзор ва тўқайзордан иборат (1986 йилгача эталон тўқайзорларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини табиий ҳолида сақлаш мақсадида ташкил этилган мустақил кўриқхона бўлган). 970 гектарини ўрмонзор, қолган қисмини жийда, терак-жийда, юлғун ва терак аралаш тўқайзорлар ташкил этади. Шунингдек, оролда чучукмия, юлғун ва галофит ўсимликлар ўсади. Тўқайзорларда Бухоро хонгули, ёввойи тўнғиз, қамиш мушуги, қушлардан қирғовул, бургут, тасқара, қирғий, ҳинд жайраси, тошбақалар, калтакесаклар, илонлар ва бошқалар кўп учрайди. 12-13 асрларда орол муқаддас зиёратгоҳ бўлган. Ривоятларга кўра, оролда мусулмон арбобларидан бири дафн этилган ва унинг қабри устида Зулкифл масжиди бўлган. Шу боис, мусулмонлар бу оролни муқаддас жой, яъни “Пайғамбаророл” деб аташган.



Қўриқхонадаги Қора лайлак

Морхўр Кичкинтойнинг қутқарилиши



Сурхон давлат қўриқхонасининг тузилиш харитаси



Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Бош қомусининг қайси моддалари биохилма-хилликни муҳофаза қилишга қаратилган?
2. БМТ ФАО бўлимининг маълумотларига кўра, ўсимликлар қайси мақсадлар учун кесилмоқда?
3. Табиат ва табиий ресурсларга айнан қайси соҳалар кўпроқ зарар етказмоқдалар?
4. Вилоят марказий ўрмон хўжалиги бошқармаси тасарруфида қанча ўрмон фондлари бор ва уларда қандай меваги ўсимликлар ўстирилади?
5. Ўрмон хўжаликларининг асосий вазифаси нимадан иборат?
6. Бойсун ботаник географик райони ҳақида маълумот беринг.
7. Кўхитанг табиий географик райони ҳақида маълумот беринг.
8. Боботоғ географик райони ҳақида маълумот беринг.
9. Сурхондарё вилояти флорасини ўрганиш тарихи ҳақида маълумот беринг.
10. Сурхон давлат қўриқхонаси ҳақида маълумот беринг.

Семинар машғулотлари мавзулари

1. Сурхон воҳасининг биохилма-хиллиги.
2. Ўсимликлар дунёси эъзозга муҳтож.
3. Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш.
4. Ўсимлик борки, ҳаёт бор.
5. Сурхон давлат қўриқхонаси.
6. Қўриқхоналар эъзозга муҳтож.

Мустақил иш мавзулари

1. “Сурхон воҳаси – мен туғилган юрт”.
2. Воҳа ўсимликлар дунёсининг экологик муаммолари.
3. Соғлом бўлай, десанг кўчат эк.
4. Сурхон давлат қўриқхонасига саёҳат.

9-МАВЗУ. СУРХОН ВОҲАСИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ ВА УНИНГ МУҲОФАЗАСИ

РЕЖА:

1. Сурхон воҳасининг ҳайвонот олами.
2. Ҳайвонот олами ва унинг муҳофазаси.

Инсон шундай мавжудотки, у атрофидаги турли хил воқеликка тез берилувчан бўлиб, яхши-ёмон удумларга ўзи билмаган ҳолда рози бўлиб қўяди. Қарабсизки, билиб билмай атроф-муҳитга зарар етказади. Масалан, бойўғли ёмонлик келтирувчи қуш сифатида қириб ташланган бўлса, калтакесак хунуклиги учун ўлдирилган, илон заҳарли ҳисобланиб йўқ қилинган бўлса, йиртқичлар одам қушандаси сифатида нобуд қилинган.

Сурхондарё вилояти табиатининг хилма-хиллиги ва бетакрорлиги миллий

бойлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, бу бойликларимиз эволюция жараёнида юзага келган ва аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан бебаҳо меросдир. Бу меросни асраб-авайлаш ва янада бойитиш, айрим йўқ бўлиб кетиш арафасида бўлган турлар сонини қандай бўлса шундайлигича келгуси авлодларга етказиб беришдек вазифа турибди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилиши, кўплаб табиий ресурслардан фойдаланилиш эвазига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаш, кўпайиш ва озуқа манбаи бўлган ерлардан бенасиб қилдик.

Биохилма-хиллигимизнинг рамзи бўлган йўлбарс, жайрон, тоғлардаги гала-гала бўлиб юрувчи туёқли ҳайвонлар, бутунги кунга келиб йўқ бўлиб кетди. Бухоро қўйи, бурама шохли эчки (морхўр), қора қоплон, айиқ, қор қоплони, хонгул, қушларнинг кўплаб турлари йўқ бўлиш даражасигача келиб қолди.

Ҳайвонот олами (фауна) биомассаси бўйича ердаги тирик организмларнинг бор-йўғи 2 фоизини ташкил этишига қарамасдан, биосферада ва инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Биологик нуқтаи-назардан, ҳар бир ҳайвон тури ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, умумий ҳаёт занжирида (содда ҳайвонлар) тупроқ ҳосил қилувчи, инсон ва тупроққа озик-, албатта, эстетик завқ берувчи асосий воситалардан биридир.

Ҳайвонот олами ўсимликлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этиб, уларни чанглантиради, уруғларини бир жойдан иккинчи жойга олиб бориб географик тарқалиш ареалларини кенгайтиради. Инсон ҳаётини ҳайвонот оламисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу муҳим компонент ҳаёт қобиғи бўлган биосферада моддалар айланиш ҳаракатини таъминловчи катта биологик хилма-хилликнинг мавжудлиги билан муҳимдир. Табиат томонидан яратилган турлар ўртасидаги генетик фарқлар ифодасидир.

Жаҳон “Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи” (ТМХИ-IUCN) маълумотларига кўра, кейинги тўр юз йил давомида сут эмизувчи ҳайвонларнинг 74 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, қушларнинг 129 тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг (амфибиялар) 7 тури, балиқларнинг 81 тури, моллюскаларнинг 291 тури, қисқичбақасимонларнинг 8 тури, ҳашаротларнинг 72 тури, онихордаларнинг 3 тури ва турбелларияларнинг 1 тури ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда энг аянчлиси 4465 ҳайвон турлари ер юзидан мутлақо йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фаунасида сут эмизувчиларнинг 24 тури, қушларнинг 51 тури, судралиб юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 18 тури, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 15 тури ва бўғимоёқлиларнинг 62 тури Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган. Мазкур китобнинг 1983 йилдаги нашрига умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган бўлса, 2006 йилдаги нашрига эса, 109 ҳайвон тури киритилган. Бу дегани 13 йил (қисқа вақт)да республикаимиз фаунасида яна 46 та ҳайвон тури ҳаёти хавф остида қолаётир. Бу – ватанимиз ҳайвонот дунёсига инсонларнинг тўғри муносабатда бўлмаётганлиги ва талаб даражасида эътибор қаратилмаётганлигининг натижасидир. Шунинг учун барча табиий бойликлар қаторида ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, кўпайтириш ва улардан оқилона

фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи зарур.

Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёсини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 30-40-йилларидан бошланган. Воҳада яшовчи умуртқали ҳайвонлар фаунаси, уларнинг экологияси, биологияси, репродукцияси, зоогеографияси тадқиқ қилинди. Кейинчалик вилоятнинг умуртқасиз ҳайвонлари-ҳашаротлар фаунаси, моллюскалар, ўсимлик, ҳайвон ва одам гельминтлари таркиби ҳамда уларнинг келтириб чиқарадиган касалликларига қарши кураш чора-тадбирлари ўрганилди.

Сурхондарё вилоятининг ҳайвонот дунёси Ўзбекистон фаунасининг бир қисми бўлиб, унда 1159 тур умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар турли хил муҳит шароитларда ҳаёт кечиради. Шулардан 70 тури Ўзбекистон “Қизил китоб”ига киритилган ҳайвонлардир.

Вилоят ҳудудида, айтилишича, сут эмизувчиларнинг 39 тури, қушларнинг 229 тури, судралиб юривчиларнинг 39 тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 3 тури, балиқларнинг 24 тури, ҳашаротларнинг 201 тури, кўш оёқлиларнинг 1 тури, ўргимчаксимонларнинг 17 тури, қисқичбақасимонларнинг 8 тури, моллюскаларнинг 40 тури, ҳалқали чувалчангларнинг 4 тури, ўсимлик гельминтларининг 391 тури, одам ва ҳайвон гельминтларининг 84 тури, кўп ҳужайралиларнинг 60 тури ва содда ҳайвонларнинг 20 тури турли хил экологик ва географик шароитларда ҳаёт кечиради.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб, “Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак”, деб айтган сўзлари ҳайвонларга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, уларни турли чекловчи факторлардан ҳимоялашни давлат даражасидаги вазифа деб ҳисоблашга даъват этади. Кашкаров Д.Н., Зоҳидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н., Богданов О.П. каби олимлар вилоят ҳудудида яшовчи ҳайвонларнинг фаунаси, уларнинг биологик ва экологик хусусиятлари, репродукцияси, тарқалиш қонуниятлари, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги ўрни тўғрисида тўлақонли илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Кейинроқ эса воҳа ҳудудидаги турли систематик гуруҳларга мансуб ҳайвонларнинг биоэкологик хусусиятлари тадқиқ қилинди ҳамда уларнинг паразит турларига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича тўлақонли тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, Хуррамов Ш.Х., Мавлонов О.М., Қулмаматов А.Қ., Девонов М.Д., Тожиев Х.Т., Қулмаматов Э.Н., Тўраев Э.Т., Холикназаров Б.О., Эшназаров К.Э., Абраматов М.Б., Тангиров Ҳ.Т., Ҳайтмуратов А.Ф., Кожевникова А.Г., Эшова Х.С., Хайдарова П.Б., Хуррамов А.Ш. ва бошқалар.

Сурхондарёнинг табиати, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, турли-туман ландшафтлари халқимиз миллий бойлигининг бир қисми ҳисобланади. Бу бойлик бир неча миллион йиллик эволюция жараёнида пайдо бўлган ҳамда аجدодларимиз томонидан бизгача қолдирилган улкан меросдир. Бу меросни келажак авлодларга бус-бутун ва барқарор ҳолда қолдиришдек улкан ва маъсулиятли вазифани унутмаслигимиз лозим.

ВИЛОЯТ ҲУДУДИДА ТАРҚАЛГАН НОЁБ ҲАЙВОНЛАР

Умуртқасиз ҳайвонлар. *Тиббий зулук* – Амударё ҳавзаларининг кичик-кичик сув ҳавзаларида, окмайдиган ёки секин суви оқадиган адир ва тоғ этакларида, туби лойқа чучук сув ҳавзаларида учрайди. Гермафродит организм бўлиб, бир йилда бир-икки авлод беради. Бақалар ёки сув эмизувчилар қонини сўриб овқатланади. Тиббиётда баъзи бир касалликларни даволашда фойдаланилади (1-расм).

Кириченко ниначиси – табиатдан камёб, локал тарқалган тур бўлиб, Сурхондарёсининг қуйи оқимларида учрайди. Июнь, июль ойларида сувда тухум қўяди. Ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган ва муҳофазага олинган (2-расм).

Глаукома – денгиз сатҳидан 400-1200 метр баландликда жойлашган Боботоғ тизмаларида, катта Бисмил массиви ён-бағирларининг гипс ва тошли тик қисмларида учрайди. Бештагача насл беради. Учиши ва тухум қўйиши март, апрель, май ойлари охири ва июнь, июльнинг бошига тўғри келади. Қуртлари қалампиргул ўсимлигида яшайди. “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган (3-расм).

Томирис – денгиз сатҳидан 400-700 метр баландликдаги Боботоғ тизмасининг катта-Бисмил ялангликларида учрайди. Бир йилда бир марта насл беради. Март, апрель ойларида тухум қўяди. Қурти март ойининг охирларидан циматокарпус ўсимлигида яшайди. “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган, ноёб эндемик тур сифатида муҳофазага олинган (4-расм).

Тўқай ферузақаноти – Сурхондарёнинг Какайди, Оққўрғон қишлоқлари атрофидаги текисликларда, дарё бўйларида, шунингдек, Сурхон сув омбори атрофларида учрайди. Март, апрель ойларида тухум қўяди. Қурти қизилмия ўсимлигида яшайди. Ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган (5-расм).

Тўранги пиллақоши – Денов тумани ҳудудидаги текисликларда, дарё соҳилларида, тўқайлар ва боғларда учрайди. Бир йилда икки, баъзан уч марта насл беради, апрель, май ойларида тухум қўяди. Иккинчи авлод бериши июнь-июль ойларига тўғри келади. Ноёб тур, “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган (6-расм).

Тўранги арвоҳкапалаги – Термиз шаҳри ва Термиз тумани текисликлари дарё соҳилларида, тўқай ва боғларда учрайди. Бир йилда икки марта авлод беради, апрель-май ойларида, иккинчи бор июль-август ойларида тухум қўяди. Қурти тўранги ўсимлигида, июнь, август, сентябрь ойларида ривожланади. Ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган (7-расм).

Шунингдек, яна капалакларнинг ҳисор арвоҳкапалаги (8-расм), шумтол арвоҳкапалаги (9-расм), тўқай кокилдори (10-расм), шоҳона хлорион (11-расм), коль лафирагогуси (12-расм) каби умуртқасизлар Сурхон воҳаси тоғ ва тоғолди текислик, пасттекисликларида, дарё соҳилларида ва боғларида учраса-да, экологик нуқтаи назардан улар ўз яшаш ареалларини маҳрум бўлмоқда, қишлоқ хўжалигида кимёвий пестицидлардан етарлича фойдаланиши оқибатида қирилиб бормоқда, шу сабабли ҳам булар ноёб, камёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган.

Сурхондарё вилояти сув ҳавзаларидаги балиқларнинг 11 та тури турли хил экологик омиллар туфайли “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Орол бақриси (13-расм), Амударё кичик куракбуруни (14-расм), Амударё кичик куракбуруни (15-расм), қоракўз (оқ сазан) (16-расм), чўртансифат оққайроқ (17-расм), Орол мўлабдори (18-расм), Туркистон мўлабдори (19-расм), Орол парраги (20-расм), Орол тиканаги (21-расм), Туркистон лакқачаси (22-расм), Амударё гулбалиғи (23-расм).

Судралиб юрувчиларнинг 7 тури силлиқ гекканча (24-расм), қора кўзчали калтакесакча (25-расм), бўз эчкемар (26-расм), ҳинд бойгаси (27-расм), кўндаланг йўлли бўритиш илон (28-расм), Афғон литоринхи (29-расм), Ўрта Осиё кобраси (30а-30б-расм).

Қушлар – тулуту соқоқуш (31-расм), жингалак соқоқуш (32а-32б-расм), қорабузов (кичик қоравой) (33а-33б-расм), Туркистон оқ лайлаги (34а-34б-расм), қора лайлак (35а-35б-расм), қошиқбурун (36а-36б-расм), қоравой (37а-37б-расм), қизилғоз (фламинго, 38а-38б-расм), вишилдоқ оққуш (39-расм), қийқирдоқ оққуш (40-расм), оқпешонали кичик ғоз (41а-41б-расм), қизилтомоқ ғоз (42-расм), марамарчурак (43-расм), олақанот оқ кўз (44-расм), сувқийғир (45а-45б-расм), узун думли сувбургут (46-расм), оқ думли сувбургут (47-расм), болтаютар (48а-48б-расм), оқбошли қуймоқ (49а-49б-расм), тасқара (50а-50б-расм), илонбургут (51-расм), чўл бўқтаргиси (51-расм).

Сурхондарё вилояти 100000 гектарга яқин овчилик ва балиқчилик ер майдонларига эга. Шундан 16000 гектарга яқини сув фонди ерлари, 600 гектардан ортиқғи сунъий балиқчилик ҳавзалари ҳисобланади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб боришда қуйидаги экологик муаммолар мавжуд.

1. Аҳоли ва жамоат чорвачилиги ноқонуний йўллар билан чегара, ўрмон фонди ерларига ва бошқа рухсат берилмаган ҳудудларда боқилиши оқибатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генафондига салбий таъсир этиши.

2. Ўрмон билан қопланган майдонлар, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан қонунларга зид равишда турли хил қишлоқхўжалик маҳсулотлари экилмоқда.

3. Тоғли ҳудудларда яшовчи 150 дан ортиқ қишлоқларда маъиший эҳтиёжлари учун табиий газ, ўтин, кўмир ва ёқилғининг бошқа турлари билан таъминланмаганлиги сабабли, бута ва дарахтзорлар кесиб, ўтин ва уй жой қурилиши мақсадларида фойдаланилмоқда.

4. Амударё қирғоқларидаги тўқайзорлар қўриқхона тасарруфидан чиқарилиб чегара қўшинларига берилиши муносабати билан, кузатиш қўламини яхшилаш мақсадида уларни мавсумий ёқиб юборилиши оқибатида ушбу ҳудудда яшовчи ҳайвонот олами нобуд бўлиб, паррандалар тухум очиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда.



1-рasm



2-рasm



3-рasm



4-рasm



5-рasm



6-рasm



7-рasm



8-рasm



9-рasm



10-рasm




11-рasm



12-рasm



13- расм




14-расм




15-расм




16-расм




17-расм



18-расм




19-рasm



20-рasm



21-рasm



22-рasm



23-рasm



24-рasm



25-расм



26-расм



27-расм



28-расм



29-расм



30-расм



31-рasm



32-рasm



33-рasm




34-рasm



35-рasm



36-рasm



37-расм



38-расм



39-расм



40-расм




41-расм



42-расм



43-расм




44-расм



45-расм



46-расм



47-расм



48-расм



49-рasm




50-рasm



51-рasm



52-рasm



53-рasm



54-рasm




55-рaсм



56-рaсм



57-рaсм



58-рaсм



59-рaсм



60-рaсм



61-рasm



62-рasm



63-рasm



64-рasm



65-рasm



66-рasm



67-рasm



68-рasm



69-рasm



70-рasm



71-рasm



72-расм



73-расм



74-расм



75-расм



76-расм



77-расм

Чегара ҳудудларида кузатиш ҳамда кўринишни яхшилаш мақсадида тўқойзорларни ёқиб юбориш билан муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Чунки 1 ойга қолмай қамишзорлар аввалгидек яна ўсиб тураверади. Қанчадан қанча ҳайвонлар ўт аланга ичида нобуд бўлади. Ёнғиндан қочиб чиққан ҳайвонлар эса очиқ майдонларда браконерлар томонидан йўқ қилинмоқда. Гўзал табиатимизнинг дурдонаси ва фахри бўлган умумий майдони 3000 гектардан ортиқ «Сурхон» давлат кўриқхонасининг «Пайғамбар ороли» бўлимини қайтариб бериш ҳеч бўлмаганда чегара кўшинлари бўлинмалари кўриқхонанинг илмий ходимлари ва назоратчилари билан ҳамкорликда назоратни ташкил этсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Вилоят ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар томонидан мавжуд ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1.Чегара кўшинлари шахсий таркиби ва вилоят кўмитасининг давлат нозирлари биргаликда қўшма тадбир ишлаб чиқиб, чегара кўшинларига бириктирилган ҳудудларда ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишни амалга ошириш.

2. Вилоят ҳудудида мавжуд бўлган Жайрон ва шунга ўхшаш ва ҳозирги кунда йўқолиб кетган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг айрим турларини олиб келиб иқлимлаштириш, кўпайтириш мақсадида ҳайвон ва ўсимликларни парваришловчи иншоотлар ташкил этиш.

3. Био хилма-хилликни муҳофаза қилиш мақсадида, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдек савобли ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш мақсадга мувофиқдир (Ушбу мавзунинг ёритишда биология фанлари бўйича фалсафа доктори А.С.Бекмуродовнинг **“Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари”** номли услубий қўлланмасидан фойдаланилганлиги муносабати билан миннатдорчилик билдираман).

Воҳа ҳайвонот оламини ўрганишда Карим Эшназаров ҳамда Бекмуродов Абдужабборнинг хизматлари алоҳида эътирофга молик.



Эшназаров Карим 1953 йил 6 ноябрда Бойсун тумани Шўроб қишлоғида туғилган. 1970 йилда Бойсун туманидаги 1-сонли ўрта мактабни, 1976 йилда Термиз тиббиёт билим юртини, 1984 йилда Термиз давлат университетини тамомлаган. 1995 йилда “Сурхондарё вилоятидаги сабзавот экинларининг паразит нематодалари ва уларга қарши кураш чоралар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 2та ўқув қўлланма ва 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.



Бекмуродов Абдужаббор Сатторович 1970 йилда Бойсун туманида туғилган. 1994 йил Термиз давлат университетининг Биология ва қишлоқ хўжалиги таълим йўналишини тамомлаган. 2020 йилда *“Эколого-фаунистический анализ фитонематод гранатовых агроценозов Сурхондарьинской области и обоснование интегрированных мер борьбы с паразитическими видами”* мавзусида биология фанлари бўйича фалсафа докторлиги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А.Бекмуродов илмий тадқиқотлари натижалари юзасидан жами 72 та илмий иш ва бир нечта илмий-оммабоп мақолалар chop этирган. У 2008 йилда нашр этилган *“Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси”* (ҳаммуаллифликда), 2019 йилда Латвиянинг “LAP LAMBERT Academic Publishing” нашриётида chop этилган *“Фитонематоды гранатовых агроценозов и меры борьбы с паразитическими видами”*, 2020 йилда “LESSON PRESS” нашриётида нашр этилган *“Фитонематоды гранатовых агроценозов и меры борьбы с ними”* номли монографияларнинг муаллифи. 2012 йилда *“Анор ўсимлигидаги бўртма нематодаларини ҳисобга олиш, уларнинг тур ва ирқларини аниқлаш, навларнинг чидамлилигини синаб кўриш ва уларга қарши кураш чоралари тўғрисида услубий қўлланмалар”* номли услубий қўлланмаси, 2014 йилда *“Ҳалокат ёқасида”* номли рисоласи, 2018 йилда *“Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари”* номли китоблари нашр этилган

Назорат саволлари

1. Ҳайвонот оламининг ер шаридаги биомассаси қанча фоизни ташкил этади?
2. Биосферада ҳайвонот оламининг тутган ўрни нималардан иборат?
3. Жаҳон “Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМХИ-IUCN)” маълумотларидан мисоллар келтиринг.
4. Сурхондарё вилояти ҳайвонот дунёси ҳақида нималарни биласиз?
5. Сурхондарё вилояти ҳайвонот олами билан шуғулланган олимлар изланишларидан мисоллар келтиринг.
6. Ҳайвонот оламининг экологик муаммолари нималардан иборат?

Семинар машғулот мавзулари

1. Сурхон воҳаси ҳайвонот олами ва унинг экологик муаммолари.
2. Ҳайвонот оламининг биосферадаги ўрни.
3. Ҳайвонот оламининг инсон саломатлигидаги ўрни.

Мустақил иш мавзулари

1. Термиз ҳайвонот боғи ҳақида курс иши ёзинг ва саёҳат ташкил этинг.
2. “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар ҳақида маълумот тўпланг.
3. “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар суратларини чизинг.

10-МАВЗУ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

РЕЖА:

1. Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов туманлари ва уларнинг экологик ҳолати.
2. Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизирик, Музрабод туманлари ва уларнинг экологик ҳолати.
3. Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун туманлари ва уларнинг экологик ҳолати.
4. Шеробод, Шўрчи туманлари, Термиз шаҳри ва уларнинг экологик ҳолати.

АНГОР ТУМАНИ

Ангор тумани вилоят марказидан 30 километр шимолий-шарқ томонда жойлашган бўлиб, 1979 йил 28 ноябрда ташкил этилган. Шимол ва шимолий-шарқ томондан – Қизирик ва Жарқўрғон, жануб томондан – Термиз, ғарбдан Музрабод туманлари билан чегараланади. 1 та шаҳар типига қўрғон (Ангор), 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 36 та қишлоқ ва 35 та маҳаллалари мавжуд. Умумий ер майдони 0,39 минг кв.км ни ташкил этиб, 91,8 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 235,4 ни ташкил этади. Туманда 1000 дан ортиқ юридик ҳўжалик юритувчи корхоналар фаолият юритиб, шундан 80 та давлат, 900 та нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Туман ҳудудидан “Қорасув” дарёси оқиб ўтади. Суғориладиган майдонларни суғориш учун занг, Ангор-1, Ангор-2, Жанубий Занг-9 ва бошқа каналлари орқали амалга оширилади. Туманда ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган ”Ангор” магистрал, К-2-18, К-3, С-3-1, К-3-1, АВ-1, С-1-1, С-1-1-1, А-О, А-10, Ўрдали, С-1-4, Марказий, С-1-2, Учқизил, С-1-3 ва бошқа захкашлардан фойдаланилади. Туман умумий суғориладиган майдонининг 10 фоизга яқини ҳўжалик аҳамиятига эга бўлган насослар ёрдамида суғорилади.

Туман ҳудуди, асосан, текисликлар ва кир-адирлардан иборат бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, қурилиш, ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти кам ривожланган ҳудудлар сирасига киради. Аҳоли, асосан, пахта, ғалла, сабзавот ва пиллачилик билан шуғулланади.

Туман ҳудудида умумий майдони 24 гектарни ташкил этган 3 та собиқ қишлоқ ҳўжалиги аэродроми мавжуд. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 100-350 баробар ортиқ захарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил экинлар экиб келинади. Уларнинг ҳудудларини зарарсизлантириш ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Туман ҳудуди асосан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, асосий майдонларида дон, техник экин ҳисобланадиган пахта экилади.

Туман ҳудуди экологик районлаштириш талабларига кўра, қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этади. У 11-фавқулотда критик экологик ҳудудлар тоифасига кириб, бунга асосан, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,06

баллни, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)- 2,2 баллни, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ) - 3,3 баллни, сув босиш хавфи 5,0 баллни, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-1,35 баллни, тупроқ бонитети 51 баллни ташкил этади. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 36,9% ни, ўтлоқлар деградацияси 49% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-837 (энг юқори кўрсаткич)тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 452 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,5 кишини, 1 ёшгача бўлган чакалоқлар ўлими 13,4 тани ташкил этади. Беморлар учун ётоқ жой сони ҳар минг кишига 40,9 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 16,0 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 49% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган иншоотлар 3 тани ташкил этади.

Туман бўйича йилига ўртача 29,0 минг тонна дон, 3,5 минг тоннага яқин картошка, 16,0 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 4,2 минг тоннага яқин полиз, 1,34 минг тонна атрофида ҳўл мева, 1,24 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. 25 минг бошдан ортиқ қорамол, 29 минг қўй ва эчкилар, 45 мингдан ортиқ парранда, 220 дан ортиқ отлар мавжуд бўлиб, йилига 3500 тонна гўшт, 19,0 минг тонна сут, 2,23 млн донадан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Туманнинг суғориладиган майдонлари 14355 гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 5615, пахта 7,5 минг гектардан иборат.

Туман бўйича атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган ҳўжалик юритувчи корхоналар сони 1000 дан ортиқ бўлиб, шундан тўловга жалб қилингалари 50 та.

Туманнинг ўткир экологик муаммоларидан бири бугунги кунда сув танқислиги ва тупроқнинг шўрланганлигидир.

БАНДИХОН ТУМАНИ

Бандихон тумани вилоят марказидан 100 километр шимол ва шимолий- шарқ томонда жойлашган бўлиб, 1992 йил 18 майда ташкил этилган. Шимол ва шимолий-ғарб томондан – Бойсун, шарқдан – Қумқўрғон, жанубдан Шеробод ва Қизирик туманлари билан билан чегараланади. Туман ҳудудида 1 та шаҳар типигаги қўрғон (Бандихон) 5 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 17 та қишлоқ ва 13 та маҳаллалар мавжуд.

Умумий майдони 0,2 минг кв.км ни ташкил этиб, 37,7 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб 1 кв.км.га зичлиги 188,5 ни ташкил этади. Туманда 1000 дан ортиқ юридик ҳўжалик юритувчи корхоналар фаолият юритиб шундан 45 та давлат ва 950 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳудудидан Бандихонсой ва Оққапчиғай сойлари оқиб ўтади. Шунингдек, Шеробод канали ва бир қанча сув насослар ёрдамида экин далалари суғорилади.

Ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш мақсадида «Гидамсой», «Ордулисой», К-1, К-2, К-4, К-6 НК захкашларидан фойдаланилади. Деҳқончилик қилинадиган ер майдонларнинг ярмидан кўпи сув насослар

ёрдамида суғорилади. «Бандихон-1», «Бандихон-2», «Шредер» сув насослари энг йириклари ҳисобланади. Туман ҳудуди асосан текисликлар ва қир-адирлардан иборат. Қишлоқ хўжалиги ривожланган, саноат, қурилиш ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти жуда ҳам кам ривожланган ҳудудлар сирасига киради. Пахта, ғалла, боғ, узум, сабзавот ва пиллачилик билан шуғулланади. Бандихонсойдан қурилиш мақсадларида қум ва шағал қазиб олинади. 80 фоиз суғориш учун яроқли бўлган ер майдонлари ўзлаштирилган ва сув билан таъминланган. Туманда 2 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 17 гектарни ташкил этади. Бу зарарланган ҳудуддаги ер майдонларининг меъёридан 100-350 баробар ортиқ захарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил экинлар экиб келинмоқда. Ушбу зарарланган ер майдонлари экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштирилмаган.

Тумандаги очиқ ва ёпиқ захкашларнинг тўлиб қолганлиги сабабли, сўнгги йилларда ер ости сизот сувлар кескин кўтарилиб, тупроқнинг юқори даражада шўрланишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, суғориладиган майдонлар тупроғининг 6580 турлича, кам шўрланган ерлари 5190, ўртача шўрланганлари 1260 ва кучли шўрланган майдонлар 130 гектарни ташкил этади. Бунинг оқибатида бир вақтлар мамлакатимизда машҳур бўлган Бандихон анорлари, тилни ёрар узумлари нобуд бўлмоқда, шириндан-шакар қовун ва тарвузлари таъмсизликдан касодга учрамоқда. Пахта ва дон ҳосилдорлиги йилдан йилга камайиб бормоқда. Туман ҳудуди экологик районлаштириш талабларига кўра 2-даражали фавқулодда ҳолатлар тоифасига кириб, бунга асосан, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,6, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-2,4, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,0, сув босиш хавфи 10,0, (бунда ҳудуднинг тоғ томондан кутиладиган сел ва тошқинлар ҳисобига) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)- 0,3, тупроқнинг бонитети 44 баллни ташкил этиб, вилоят туманларида энг паст кўрсаткични эгаллайди. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 6% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-336 та, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 117 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,4 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-16,3 тани, беморлар даволанадиган жойлар сони ҳар минг кишига 36,8 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 16,2 ни, Озиқ--овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 8% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган иншоотлар 4 тани ташкил этади.

Туман бўйича йилига ўртача 23,5 минг тонна дон, 2000 тоннага яқин картошка, 7,9 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 5000 тоннага яқин полиз, 1500 тонна атрофида ҳўл мева, 2500 тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, 11 минг бошдан ортиқ қорамол, 18435 донага яқин қўй ва эчкилар, 18,3 минг бош парранда, 350 га яқин отлар мавжуд бўлиб, йилига 2000 тонна гўшт, 5,4 минг тонна сут, 2,3 млн донадан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Суғориладиган майдони 10782 гектарни ташкил этиб шундан кузги ва баҳорги бугдой 4,2 минг, пахта 5,9 минг гектарни ташкил этади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжаликлар сони 600 дан ортиқ, шундан тўловга жалб қилингани 70 та.

Туман ҳудуди тоғолди ва тоғ оралиғидаги текислик ва ботиқлар ландшафтлари (чўл) сирасига кириб дағал жинсли, қумли лёсс, лёссимон жинслардан ташкил топган доимий ва муваққат оқимларнинг аллювиал ва проллювиал текисликларидан иборат.

БОЙСУН ТУМАНИ

Бойсун тумани вилоятнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, маъмурий маркази – Бойсун шаҳри вилоят марказидан 150 километр масофада жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Шимолий- ғарбдан – Қашқадарё вилояти, шимолдан – Сариосиё, шарқдан – Қумқўрғон, жануб томондан Шеробод ва Бандихон туманлари билан чегарадош. 1 та шаҳар (Бойсун) 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 56 та қишлоқ ва 28 та маҳалладан иборат. Умумий майдони 3,72 минг кв.км ни ташкил этиб, 84,1 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб 1 кв.км.га зичлиги 22,6 ни ташкил этади. Туманда 1000 дан ортиқ юридик мақомга эга бўлган хўжалик юритувчи муассасалар мавжуд бўлиб, шундан 56 та давлат ва 940 дан ортиқ нодавлат корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳудудидан Дарбанд, Мачайдарё, Қайраксой, Қўрғонча, Пулхоким, Хангарансой, Хомкон дарё ва сойлари оқиб ўтади. Оққапчуксой, Эгри, Мунчок, Бўзариқ ва бошқа каналлари, ҳамда Дарбанд сув насосларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланилади. Сув сиғими 10 млн.м³/га эга бўлган «Хангарансой» сел тўплаш сув омбори қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Қишлоқ аҳолиси томорқалари, асосан, булоқ сувлари билан суғорилади. Туман аҳолиси чорва, ғалла, боғ, узум ва қисман пахтачилик билан шуғулланади.

Экологик талабларга кўра, ҳудуд қониқарли тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-3,0, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)- 0,68, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,2, сув босиш хавфи-5,0, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-0,3, тупроқ бонитети 44 баллни ташкил этади, тупроғи шўрланмаган. Ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 6% ни, ўтлоқлар деградацияси 8%, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-336 тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 117 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,4 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-16,3 тани ташкил этади. Беморлар учун жойлар сони ҳар минг кишига 36,8 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 16,2 ни, озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 8% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган иншоотлар 4та. Туман бўйича йилига ўртача 11,3 минг тонна дон, 2,4 минг тоннага яқин картошка, 7,0 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 2,1 минг тоннага полиз, 3,4 минг тонна атрофида

хўл мева, 3,4 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. 22,5 минг бошдан ортиқ қорамол, 200 минг бош куй ва эчкилар, 51,5 минг бош парранда, 1770 га ортиқ отлар мавжуд бўлиб йилига 6,1 минг тонна гўшт, 13,7 минг тонна сут, 5,7 млн донадан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Туманнинг суғориладиган майдони 9580 гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 5,5 минг ва 803 гектар пахта экинлари экилади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1200 та шундан тўловга жалб қилингани 67та.

ДЕНОВ ТУМАНИ

Денов тумани вилоят марказидан 140 километр шимолий томонда жойлашган. 1926 йил 29 сентябрида ташкил топган. Шимолдан – Сариосиё, шарқдан – Узун, жанубдан – Олтинсой ва Шўрчи, ғарбдан Қумқўрғон туманлари билан чегараланади. 1 та шаҳар (Денов) 17 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 125 та қишлоқ ва 101 та маҳалладан ташкил топган.

Умумий ер майдони 0,76 минг кв.км ни ташкил этиб, 279,8 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб 1 кв.км.га зичлиги 368,2 кишини ташкил этади. Туманда 2000 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб шундан 104 та давлат ва 1900 га яқини нодавлат корхоналар ҳисобланади.

Тумандан Сурхон, Тўпаланг, Қизилсув дарёлари оқиб ўтади. Суғориш тадбирлари Денов, Тожиқон, Ахляр, Янгиариқ, Арил, Откамар, Қарши, Булунғур, Бандихон, Тўпаланг Қоротоғ, Ҳайробод ва бошқа каналлари орқали амалга оширилади. Ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган Андижонсой, Сангардак, К-6-3, К-1, К-2, Девона, Кампиркўл, Қорасув, Маслозавод, Городской, Қорасув-2, Юрчи-1, Қизил фарғона ва бошқа захкашлардан фойдаланилади. Туманнинг умумий суғориладиган майдонининг 5% сув насослар ёрдамида суғорилади.

Туман, асосан, тоғолди, текисликлар ва қир-адирлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти ривожланган. Пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик, лимончилик ва турли хил сабзавот полиз экинлари етиштирилади. Сурхон ҳамда Қизилсув дарёси ўзанларидан қурилиш мақсадларида қум ва шағал қазиб олинади. Ҳудудида 8 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 80 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ заҳарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил экинлар экиб келинади. Ушбу ҳудудларини зарарсизлантириш муаммолари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Туман қониқарли экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-2,58, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,05, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,3, ҳудудни сув босиш хавфи-20,0

(бунда ҳудуднинг тоғ томондан кутиладиган сел ва тошқинлар ҳисобига) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-9,0 тупроқ бонитети 62 баллни ташкил этади. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 24% ни, ўтлоқлар дегродацияси 25% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати) -578, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 337 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,2 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-13,1 тани ташкил этади. Беморлар даволаниш жойи сони ҳар минг кишига 34,2 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 24,6 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 25% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 11 та.

Туман бўйича йилига ўртача 24,0 минг тонна дон, 7,8 минг тоннага яқин картошка, 22,5 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 3,0 минг тоннага яқин полиз, 4,3 минг тонна атрофида ҳўл мева, 7,6 минг тоннадан ортиқ узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек 66,5 минг бошдан ортиқ қорамол, 80,5 мингга яқин қўй ва эчкилар, 56,2 минг бошга яқин парранда, 2000 га яқин отлар мавжуд бўлиб йилига 9500 тонна гўшт, 42,0 минг тонна сут, 3,7 млн дондан ортиқ тухум етиштирилиб маълум қисми давлатга сотилади.

Туманнинг суғориладиган майдони 24324 гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 9880 га, пахта 13 минг гектардан иборат. Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 2000 тани шундан тўловга жалб қилингани 200 та.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Денов шаҳри бош режа асосида бунёд этилмаганлиги собабли, йўллар жуда тор, шунингдек, ёғ-мой заводи, темир йўл вокзали, пахта заводи шаҳар ўртасида қолиб кетганлиги, оқова сувлар чиқиб кетиш тармоғининг етарлича қувват билан ишламаслиги, ушбу ҳудудда яшовчи аҳолига жуда катта экологик муаммолар келтирмоқда.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ

Жарқўрғон тумани вилоят марказидан 40 километр шимолда жойлашган бўлиб, 1965 йил 29 ноябрда ташкил этилган. Шимолдан – Қумқўрғон, жанубдан – Ангор ва Термиз, ғарб томондан – Қизириқ туманлари билан чегарадош. 1 та шаҳар (Жарқўрғон), 1 та шаҳар типигаги қўрғон (Какайди), 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 74 та қишлоқ ва 60 та маҳалла мавжуд.

Умумий майдони 1,14 минг кв.км ни ташкил этиб, 279,8 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 133,2 ни ташкил этади. Туманда 1000 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб шундан 113 та давлат ва 900 га яқин нодавлат корхоналардан иборат.

Туман ҳудудидан Сурхон дарёси ва Бандихон сойлари оқиб ўтади. Қишлоқ хўжалигини суғориш учун Сурхон дарёси, Октепа сув омбори, Занг, Аму-Занг, Боботоғ, Сурхон, Қумқўрғон, Н.Боймуродов, қисман Шеробод машина магистрал канали ва «Бўстон», «Боботоғ» доимий ва вақтинчалик, «Украина» 1 ва 2, «Х.Олимжон»-1,-2, -3,-4, «Шарқ юлдузи» «Бўстон» насос қурилмаларидан

фойдаланилади. Ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган Оққўрғон, Оққўрғон-2, Ҳайитобод, Меҳнат – роҳат-4,-2,-1,-9, Минор-6, ВС-1, Ахмадқўл, Украина, КС-20, К-9-20 хўжаликлараро захкашларидан фойдаланилади. Туман ҳудуди, асосан, текисликлар ва қирадирлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти ривожланган ҳудуд сирасига киради. Пахта, ғалла, боғ, узум, пилла ва қисман шолічилик билан шуғулланади.

Туман ҳудудида нефть, нефтни қайта ишлаш, Сурхон дарёси ўзанларидан қурилиш мақсадларида қум ва шағал қазиб олинади. Туман ҳудудида кунига 250 тонна буғдойни ун қилиб берувчи «Алпомиш» Ўзбек-Турк қўшма корхонаси, Асфальт ишлаб чиқариш заводи, 2 та пахта тозалаш заводлари мавжуд. Ҳудуддаги 80 фоиз суғориш учун яроқли бўлган ер майдонлари ўзлаштириб бўлинган ва сув билан таъминланган. «Ховдак» массивидаги умумий майдони 22,0 минг гектардан ортиқ бўлган суғориш учун яроқли ерлар сув танқислиги туфайли ўзлаштирилмаган. Ушбу туман ҳудудидаги сув танқислиги туфайли ўзлаштирилмаган ерларни қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш учун Оқтепа сув омборининг иккинчи навбати ва унинг қувватининг 500,0 млн.кубометр ҳажмга етказиш давр талабидир.

Туман ҳудудида 4 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 34 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ заҳарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинлари экиб келинади. Ушбу ҳудудларини зарарсизлантириш муаммолари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган. Шу ўринда эътироф этиш лозимки, туман нефть ва нефтни қайта ишлаш корхонаси чиқитсиз технологияга ўтмаганлиги сабабли, корхона атрофида яшовчи аҳолига ўзининг ёқимсиз чиқиндилари билан бир қатор экологик муаммолар келтирмоқда. Ушбу корхонани чиқитсиз технологияга ўтказиш давр талабидир.

Туман экологик жиҳатдан қониқарли ҳудудлар сирасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,3, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,33, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ) 3,2, ҳудудни сув босиш хавфи 10,0 баллни (Жанубий Сурхон сув омбори ва Тўпаланг сув омборлари), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-1,2, тупроқ балл бонитети 50 баллни, тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 12,1 % ни, ўсимликлар дегродацияси 24 (туман ҳудудида таназзулга учрайдиган ўсимлик дунёси объектлари мавжуд эмас). Аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-650 та, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 690 тани, Умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,2 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-13,6 тани ташкил этади. Беморларни даволаш учун ажратилган ўрин сони ҳар минг кишига 31,7 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 15,1 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 24% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 8

тани («Алпомиш» ун заводи, Асфальт ишлаб чиқариш заводи, 2 та пахтани қайта ишлаш заводи. Нефтни қайта ишлаш, Жарқўрғон силикат заводи, 48-автокорхона, ремонт-механика заводи, қурилиш индустрияси бўлган ғишт ишлаб чиқариш заводлари ва бошқалар.)

Туман бўйича йилига ўртача 45-47 минг тонна дон, 5000 тоннага яқин картошка, 15,0 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 10.000 тоннага яқин полиз, 3500 тонна атрофида ҳўл мева, 2000 тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 52 минг бошдан ортиқ қорамол, 110 минг дона қуй ва эчкилар, 83 минг бошга яқин парранда, 600 яқин отлар мавжуд бўлиб йилига 8500 тонна гўшт, 35,0 минг тонна сут, 9 млн донадан ортиқ тухум етиштирилиб, маълум қисми давлатга сотилади.

Туманнинг суғориладиган майдони 20,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 7,9 минг гектарга яқинни ташкил этади. 10,7 минг гектар техник экинлар бўлган пахта ва бошқа экинлар экилиб келинади.

Туман бўйича атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи корхоналар сони 1500 дан ортиқ шундан тўловга жалб қилингани 250 та.

ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ

Қумқўрғон тумани вилоят марказидан 80 километр шимолда жойлашган бўлиб, 1977 йил 23 мартда ташкил этилган. Шимол ва шимолий-шарқдан – Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, жанубдан – Жарқўрғон ва ғарбдан – Бойсун, Бандихон, Қизирик туманлари, жанубий-шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегараланади. 1 та шаҳар (Қумқўрғон) 1 та шаҳар типигаги қўрғон (Янгиер) 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 66 та қишлоқ ва 51 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 2,21 минг кв.км ни ташкил этиб, 158,2 миндан ортиқ аҳолии истиқомат қилиб 1 кв.км.га зичлиги 69,3 ни ташкил этади. Туманда 1500 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб шундан 110 та давлат ва 1400 га яқин нодавлат муассасалар фаолият кўрсатади.

Туман ҳудудидан Сурхон, Элбоёнсой, Бандихонсойлари оқиб ўтади. Суғориладиган майдонларни суғориш учун Қумқўрғон, Боботоғ, Шеробод машина магистрал каналлари, Оққапчиғай, Какайди, Хўжамулки, Гагарин ва бошқа каналлари орқали амалга оширилади. Туманда ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган Жалоир, йиғма зовур, Ёнбош, Қумқўрғон ва бошқа захкашларидан фойдаланиб келинади. Туманнинг умумий суғориладиган майдонининг 80 фоизидан ошиғи насослар ёрдамида суғорилади. Йирик насос қурилмаларидан «Хўжамулки-1 ва -2 кўтармаси», Боботоғ н/ст, Оқжар-1, -2, -3 кўтармаси, Подахона, Ўғригузар, Эшонарик, Чаёнтепа, Қарсақли, Бўстон, Гагарин, Қумқўрғон ва бошқалардан сув олинади.

Туман маркази бўлган Қумқўрғон шаҳри ҳудудларида ер ости чучук сувлари мавжуд эмас. Шу сабабли ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлар Жанубий Сурхон сув омбори платинасидан сизиб чиқаётган фильтрация сувларини тўғридан-

тўғри насослар ёрдамида сув таъминоти тизимига ҳайдаш орқали амалга оширилади.

Туман ҳудуди, асосан, тоғ, тоғолди, текисликлар ва қир-адирлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти ривожланган ҳудуд сирасига киради. Пахта, ғалла, шоли, боғ, узум ва пиллачилик билан шуғулланади. Туман ҳудудида Сурхон дарёси ўзанидан қурилиш мақсадларида қум ва шағал қазиб олинади. Лекин Жанубий Сурхон сув омбори пастки қисмидан Бандихонсой қўйилишигача бўлган қисмида қазиб олинган қум ва шағаллар дарё ўзанининг чуқурлашувига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли дарё ўзани сув омбори катастрофик сув ташлаш иншоотининг олдида 1,7 метрга пасайиб кетган ва сув иншоотининг мустаҳкамлигига салбий таъсир этган. Бу иншоотнинг сув уриб кетиш хавфини оширмоқда. Туманда яна бир экологик муаммолардан бири бу Жанубий Сурхон сув омборининг сув билан қопланган ҳудудларининг лойқа билан тўлиб қолиш жараёни ҳисобланади. Сув омбори ишга туширилгандан ҳозирги кунгача фойдаланиш мумкин бўлган сифими 200-300 млн м³/га камайган, чунки унинг ости лойқа билан тўлиб қолган. Бундан ташқари, балиқларнинг уруғ қўйиш мавсумида сув омборининг сув билан қопланган майдонларидаги ўсимлик дунёси объектларининг атрофдаги аҳоли томонидан йўқ қилиниши ва уруғ қўйиш учун дарё бўйлаб юқорига сузиб борувчи балиқлар браконьерлар томонидан йўқ қилиниши сув омборидан балиқчиликни ривожлантириш ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Вилоят кўмитаси ташаббуси билан сув омборининг пастки қисмида балиқ чавоқчаларини етиштириш ишлаб чиқариш базасини яратиш ишларини молиялаштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида вилоятда балиқчиликни ривожлантириш муаммоларини ижобий ҳал этишга хизмат қилади. Ҳудудда 4 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 36 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ заҳарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил экинлар экиб келинади. Уларнинг ҳудудларини зарарсизлантириш тадбирлари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Туман ҳудуди 1-критик экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,56, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,42, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,3, ҳудудни сув босиш хавфи 20,0 баллни (тоғ томондан қутиладиган сел, тошқинлар ва “Жанубий сурхон” сув омбори ҳисобига) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)- 1,1 Тупроқ бонитети 55 баллни ташкил этади. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 20% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғликни сақлаш муассасаларига мурожаати)-1462 (энг юқори кўрсаткич) тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғликни сақлаш муассасаларига мурожаати 790 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,9 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-16,1 тани ташкил этади. Беморлар жой билан таъминлаш (койкалар) сони ҳар минг кишига 26,9 ни, шифокорлар сони

1000 кишига 16,9 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 12,2% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 7 та.

Туман бўйича йилига ўртача 51,0 минг тонна дон, 3,3 минг тоннага яқин картошка, 25,0 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 9,0 минг тоннага яқин полиз, 3,2 минг тонна атрофида ҳўл мева, 9,0 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. Туманда 40 минг бошдан ортиқ қорамол, 21,0 минг қўй ва эчкилар, 76,2 минг бошга яқин парранда, 1100 га яқин отлар мавжуд бўлиб йилига 8500 тонна гўшт, 400 минг тонна сут, 12 млн дондан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади. Суғориладиган майдонлари 18748 гектарни ташкил этиб шундан кузги ва баҳорги буғдой 8150, пахта 9,8 минг гектарни ташкил этади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1500 бўлиб, шундан тўловга жалб қилингани 150 та.

ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ

Қизирӣқ тумани вилоят марказидан 80 километр шимолда жойлашган бўлиб, 1975 йил 6 мартда ташкил этилган. Шимолдан – Бандихон ва Кумқўрғон, жанубдан – Ангор, шарқдан – Жарқўрғон ва ғарбдан Шеробод туманлари билан чегарадош. 1 та шаҳар типигаги қўрғон (Янгийўл), 5 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 44 та қишлоқ ва 28 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 0,35 минг кв.км, аҳолиси 78,1 минг кишидан иборат, 1 кв.км.га зичлиги 223,1 ни ташкил этади. Туманда 1000 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб, шундан 67 та давлат ва 930 дан ортиқ нодавлат корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳудудидан ҳеч қандай дарёлар оқиб ўтмайди. Фақат Шеробод тумани билан чегарадош бўлган қисмида ВСТ магистрал сув йиғиш тракти бўлиб кучли ер эрозисига учраган. Жануб томондан Шеробод дарёси қисман оқиб ўтади. Суғориладиган майдонларни суғориш учун ўнг ва чап ирмоқ Шеробод машина магистрал каналлари, Р-4а ва оз миқдорда Занг каналидан сув олиб фойдаланилади. Туманда ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган К-1,-2,-3,-4,-5,-6,-7,-8,-9 Л.В. ВСТ, НК, ВСТ, К-9-12, К-9-18 ва бошқа захкашлар тизими мавжуд бўлиб, афсуски, бу иншоотларнинг аксарияти ишламайди. Бу эса тупроқ ресурсларинг шўрланишига сабаб бўлмоқда. Суғориш тадбирлари 100% сув насослар ёрдамида амалга оширилади.

Туман ҳудудида ичимлик учун яроқли ер ости сувлари мавжуд эмас, шу сабабли, туман аҳолисининг ичимлик сувига бўлган талаблари Олтинсой туманидан олинадиган ичимлик учун яроқли ер ости сувлари ҳамда Сурхон дарёси қирғоғида барпо этилган сув олиш иншооти ҳисобидан қондирилади. Аҳолиси пахта, ғалла, пилла, шоли, узум ва боғдорчилик билан шуғулланади. Ҳудудида 4 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари бўлиб, умумий майдони 40 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ захарли химикатлар билан

зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил экинлар экиб келинади. Бу ҳудудларни зарарсизлантириш тадбирлари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Туман 1-критик экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,7, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-2,65, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,0, ҳудудни сув босиш хавфи 10,0 баллни (тоғ томондан кутиладиган сел ва тошқинлар ҳисобига) атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-1,0 тупроқ бонитети 47 баллни ташкил этади. Ерларнинг шўрланиши 1,55 ни, тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 20% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-660, (энг юқори кўрсаткич) тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 480 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,6 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-18,1 тани ташкил этади. Беморларни жой билан таъминлаш (койкалар) сони ҳар минг кишига 38,5 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 13,2 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 28% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 3 та.

Туман бўйича йилига ўртача 55,0 минг тонна дон, 0,6 минг тоннага яқин картошка, 11,8 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 5,6 минг тоннага яқин полиз, 1,3 минг тонна атрофида ҳўл мева, 1,6 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 22,5 минг бошдан ортиқ қорамол, 190 мингга қўй ва эчкилар, 21,6 минг бошга яқин парранда, 500 га яқин отлар мавжуд бўлиб йилига 4800 тонна гўшт, 20,6 минг тонна сут, 4,4 млн донадан ортиқ тухум етиштирилиб маълум қисми давлатга сотилади.

Туманнинг суғориладиган майдони 24153 гектарни ташкил этиб шундан кузги ва баҳорги буғдой 10.000, пахта 13,2 минг гектарни ташкил этади. Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1000дан ортиқ шундан тўловга жалб қилингани 75 тани ташкил этади.

МУЗРАБОТ ТУМАНИ

Музробод тумани вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, маъмурий маркази – Халқобод кўрғони. Вилоят марказидан 60 километр масофада жойлашган. 1968 йил 25 декабрда ташкил этилган. Шимолдан – Шеробод, шарқдан – Ангор ва Термиз, ғарбдан – Туркманистон, жануб томондан Афғонистон Республикаси билан чегарадош. 1 та шаҳар типдаги кўрғон (Халқобод), 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 56 та қишлоқ ва 28 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 0,71 минг кв.км ни ташкил этиб, 100 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 134,2 ни ташкил этади. Туманда 2000 га яқин юридик мақомга эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб, шундан 124 та давлат корхоналарини ташкил этади. Туман ҳудудидан Қорасув ва Амударё оқиб ўтади. Қишлоқ хўжалиги экин

майдонларни суғориш учун Занг, Жайхун, Р-10, Р-9, насос қурилмалари орқали Амударёдан сув олинади. Худудида К-1, -2, -3, -4, -5, -6, -7, -8, К-10, К-12, К-14, К-2-7, К-5а, ЖК-1, ЖК-11, Ангор, С-1-3, ЖС-1, ЖС-2 ва бошқа захкашлари мавжуд бўлиб, ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган гидротехник иншоотлар сирасига киради. Туман аҳолиси пахта, ғалла, узум, пилла, шоли, чарва, боғдорчилик билан шуғилланади.

Туман II-критик фавқулоддаги экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,08, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-2,84, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-2,7, ҳудудни сув босиш хавфи 20,0, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-0,7, тупроқ бонитети 46 баллни ташкил этади. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 44%, ўтлоқлар деградацияси 26%, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати) -1445 (максимал кўрсаткич) тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 1136 (максимал кўрсаткич) тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,9 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-16,4 тани ташкил этади. Беморларни жой билан таъминлаш (койкалар) сони ҳар минг кишига 27,3 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 13,1 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 26% ва шаҳар худудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 3та.

Туман бўйича йилига ўртача 68,2 минг тонна дон, 1,73 минг тоннага яқин картошка, 7,7 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 5,6 минг тоннага яқин полиз, 1,1 минг тонна атрофида ҳўл мева, 1,0 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилади. Туманда 27,5 минг бошдан ортиқ қорамол, 34,6 минг бош қўй ва эчкилар, 61,5 минг бош парранда, 310 га яқин отлар мавжуд бўлиб, йилига 4,1 минг тонна гўшт, 27,3 минг тонна сут, 3,5 млн дондан ортиқ тухум етиштириб маълум қисми давлатга сотилади. Суғориладиган майдони 32766 гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 10,73, пахта 15,5 минг гектарни ташкил этади. Туман бўйича атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 2000 тани шундан тўловга жалб қилинганлари 100 та. Туманнинг ўткир экологик муаммоларига қуйидагилар киради: сув танқислиги ва тоза ичимлик сув муаммоси, очиқ ва ёпиқ захкашларнинг етарли даражада ишламаслиги, ихотазорларнинг камлиги, ер ости сизот сувларининг ўта юза жойлашганлиги ва ҳоказолар.

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ

Олтинсой тумани вилоят марказидан 140 километр шимолда жойлашган бўлиб, 1981 йил 23 ноябрда ташкил этилган. Шимол ва шимолий-шарқдан Денов, шарқдан – Шўрчи, жануб ва ғарбдан Қумқўрғон тумани билан чегарадош. 1 та шаҳар типигаги қўрғон (Қарлуқ), 9 та қишлоқ фукаролар йиғини, 44 та қишлоқ ва 45 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 0,56 минг кв.км ни ташкил этиб, 117,2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 209,3 ни ташкил этади. Туманда 900

тадан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб, шундан 89 та давлат ва 810 га яқин нодавлат корхоналар фаолият юритиб келмокда. Худуддан Ҳалқажар (Олтинсой) дарёси, Вахшиворсой ва бошқалар оқиб ўтади. Қишлоқ хўжалик майдонларни суғориш учун Хидиршо, Ҳазорбоғ, Чилмуроб, Қораариқ, Оққапчиғай, Ойбарак, Оқсув, Янгиариқ, Жойилма, Тушсой каналларидан фойдаланилади. Ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган Бибизайнаб, Элбоёнсой, Қоратепа, Жиндибулоқ, Қармоқсой, Чумчуқсой ва бошқа захкашларидан фойдаланилади. Суғориладиган майдонининг 5 фоизга яқини хўжалик аҳамиятига эга бўлган насослар ёрдамида суғорилади. Туман худуди, асосан, тоғ, тоғолди, текисликлар ва қир-адирлардан, сой ва дарёларнинг конус чўкмаларидан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги, айниқса, узумчилик ривожланган, саноат, қурилиш ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти кам ривожланган ҳудуд сирасига киради. Аҳолиси пахта, ғалла, боғ, пилла ва чорвачилик, қисман, вино ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Туман аҳолиси Олтинсой дарёси ўзанидан қурилиш мақсадларида қум, тош ва шағал қазиб олади. Туман худудидаги 90% ер майдолари ўзлаштирилган ва сув билан таъминланган.

Худудда 2 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 20 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ заҳарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари экиб келинади. Ушбу ҳудудларни зарарсизлантириш тадбирлари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Туман худудида «Хўжайпоқ ота» зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, тоғ бағридан 200 л/сек олтингугуртли шифобахш сув чиқади. У ошқозон, ичак, жигар, юрак ва тери касалликларини даволаш хусусиятига эга. Бу жойда ўринли даволаниш масканлари ташкил этиш ва давлат томонидан назоратга олиш мақсадга мувофиқ.

Туман қоникарли ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-3,3, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-0,36, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ) – 2,8, ҳудудни сув босиш хавфи 10,0 баллни, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-9,0 тупроқ бонитети 61 баллни ташкил этади. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 6% ни, ўтлоқлар дегродацияси 27 (Туман худудида танназулга учрайдиган ўсимлик дунёси объектлари мавжуд эмас), аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-502,9 тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 568 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,6 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-20,6 тани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони ҳар минг кишига 28,7 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 15,9 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 27% ва шаҳар худудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 3 та.

Туман ҳудудида умумий ер майдони 5470 гектар бўлган ер ости чучук сувлари ҳосил бўлиш кони мавжуд бўлиб, вилоят ҳокимининг қарори асосида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилган. Ушбу ер ости суви конидан олинаётган ичимлик суви билан вилоятнинг Қумқўрғон, Бандихон, Қизирик, Шеробод, Ангор ва қисман, Музробод туманида истиқомат қилувчи аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжлари қондирилади.

Туман бўйича йилига ўртача 24,0 минг тонна дон, 5,3 минг тоннага яқин картошка, 15,0 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 1,7 минг тоннага яқин полиз, 4,0 минг тонна атрофида ҳўл мева, 30,0 минг тоннадан ортиқ узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 35 минг бошдан ортиқ қорамол, 50,0 минг қўй ва эчкилар, 46,0 минг бошдан ортиқ парранда, 1000 га яқин отлар мавжуд бўлиб, йилига 4000 тонна гўшт, 22,0 минг тонна сут, 6,0 млн дондан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади. Суғориладиган майдони 10,0 минг гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 4,2, пахта 4,7 минг гектарни ташкил этади.

Атроф-муҳитни ифлослантганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи корхоналар сони 700 дан ортиқни, шундан тўловга жалб қилингани 70 та. Туман аҳолиси етарлича кўмир ва бошқа ёкилғилар билан таъминланмаганлиги сабабли тоғли ҳудудларда яшовчи қишлоқ аҳолиси мамлакатимизнинг асосий бойлиги, кислород манбаи ҳисобланган арчалардан ўтин сифатида фойдаланмоқда. Бунинг олдини олиш чораларини кўриш давр талабидир.

САРИОСИЁ ТУМАНИ

Сариосиё тумани вилоятнинг шимол ва шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, маъмурий маркази Термиз шаҳридан 180 километр масофада жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолий-ғарбдан – Қашқадарё вилояти, шимол ва шимолий-шарқдан – Тожикистон Республикаси сарҳадлари, жанубдан Бойсун, Қумқўрғон, Денов ва Узун туманлари билан чегараланади. 1 та шаҳар (Сариосиё) 1 та шаҳар типига кўрғон (Шарғун), 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 108 та қишлоқ ва 54 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 3,93 минг кв.км ни ташкил этади. 146,9 мингдан ортиқ аҳолии истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 37,4 ни ташкил этади. Туманда 1500 га яқин юридик мақомга эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб шундан 130 та давлат ва 1330 га яқин нодавлат корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳудудидан Тўпаланг, Сангардак, Обизаранг, Шарғунсой дарё ва сойлари оқиб ўтади. Қишлоқ хўжалик майдонларни суғориш учун Ҳасанхон, Ҳазорбоғ Сарижўй, Дамарик, Сўфиён, Галабўта, Мурчагай, Янгиарик, Харқуш, Дашнобод, Шодмонқозоқ ва бошқа каналлардан фойдаланилади. Умумий сув сифими 500 млн м³ бўлган марказий Осиёда энг баланд дамбалардан ҳисобланадиган 182 метрли платина ҳамда қуввати 175 мегаватт/соат қувватга эга бўлган Тўпаланг сув омбори қурилиши давом эттирилмоқда, Қаросув ва бошқа захкашлари мавжуд бўлиб, ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган гидротехник иншоотлар

сирасига киради. Туманда пахта, чорва, боғ, узум ва лалми кишлок хўжалиги экинлари экиб келинади.

Туман ҳудуди Тожикистон алюминий ишлаб чиқариш заводининг зарарли ташламалари ҳудудида жойлашган бўлиб, атмосфера, сув, тупроқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳамда аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказмоқда. Ҳудудида, асосан, чорвачилик ҳамда кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган. XX аср сўнггидаги олиб борилган кузатувларга кўра, юқорида қайд этилган ҳаво ва тупроқдаги фторли водород миқдори меъёридан 12-24 маротаба кўп эканлиги ўта ачинарли ҳолдир. Ушбу ҳудуд тупроқларида 2,5-2,9% гача, ҳайвон сутида 13,2-15,6% гача, картошкада 20-24% гача, қатикда 13-18% гача, олмада 20-25% гача, анорда 20-27% гача фторли водород борлиги аниқланган. Заводдан 45000 тоннагача ҳар хил тутунлар ҳавога чиқарилиб, шундан 116 тоннаси фторли водород, 21000 тоннаси олтингугурт оксидлари, қолганлари турли хил бошқа газлардан иборатдир. Оқибатда аёлларда ҳомиланинг эрта тушиши, туғишдан келиб чиқадиган касалликларнинг 2,5 маротаба ошганлиги, ўлик туғиш ҳолатлари, инсон организмида фтор, хром, сурма каби элементлар миқдорининг ортганлиги, қандли диабет касаллиги (1990 йилга нисбатан) 2005 йилга келиб 2,5-3,0 баробарга ошганлиги, аллергия касалликларнинг (2000 йилга нисбатан) 2006 йилга келиб, деярли икки баробарга ортганлиги кузатилган. Сўнгги 20 йилда ипак қурти етиштириш туманда ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, дунёга машҳур бўлган ҳар бир донаси 1 кг келадиган Дашнобод анорлари стандарт талабларга мутлақо жавоб бермай қолган.

Туман II-критик фавқулодда экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,85, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,4, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,5, ҳудуднинг сув босиш хавфи 30,0 баллни, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-10, тупроқ бонитети 61 баллни ташкил этади. Ерларнинг шўрланиши кузатилмайди. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 17 % ни, ўтлоқлар деградацияси 30 % баллни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига-1214 тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 960 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,9 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-12,8 ани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони ҳар минг кишига 52,2 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 19,2 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 14,8% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 10 та.

Туман бўйича йилига ўртача 24,2 минг тонна дон, 3,2 минг тоннага яқин картошка, 11,3 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 1,5 минг тоннага яқин полиз, 8,6 минг тонна атрофида ҳўл мева, 2,2 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 28,0 минг бошдан ортиқ қорамол, 70 минг бош қўй ва эчкилар, 60,0 минг бошга яқин парранда, 1200 га яқин отлар мавжуд бўлиб йилига 4,8 минг тонна гўшт, 22,0 минг тонна сут, 3,5 млн дондан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Қишлоқ хўжалиги суғориладиган ер майдони 9974 гектарни ташкил этиб шундан кузги ва баҳорги буғдой 3,6, пахта 5,5 минг гектарни ташкил этади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1500 тани шундан тўловга жалб қилингани 100 та.

ТЕРМИЗ ТУМАНИ

Термиз тумани маркази – Учқизил кўрғони, вилоят марказидан 16 километр ғарбда жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолдан – Ангор ва Жарқўрғон, ғарбдан – Музработ туманлари, жанубдан – Амударё орқали қўшни Афғонистон, шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегараланади. Шаҳар ва шаҳар типигаги кўрғонлар мавжуд эмас. 5 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 34 та қишлоқ ва 24 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 0,86 минг кв.км ни ташкил этиб, 77,1 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб 1 кв.км.га зичлиги 90,0 кишини ташкил этади. Туманда 1200 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб, шундан 74 та давлат ва 1130 дан ортиқ нодавлат корхоналари фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳудудидан Сурхондарё ва жанубдан Амударё оқиб ўтади. Суғориладиган майдонларни суғориш учун Аму-Занг, Занг, Термиз, Ғалаба, Янгиариқ, Ғарбий, Шарқий, Каттақум, Гулбаҳор, ПТФ, Келтирувчи канал, Гарм ва бошқа каналар сув билан таъминлайди. Ҳудудда С-2-2, С-1-3, М.С., ГВК, С-2-4, С-2, С-3-1, К-5, К-5-6, Озёрный ва бошқа захкашлар мавжуд бўлиб, ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган гидротехник иншоотлар сирасига киради. Суғориладиган майдонларнинг барчаси Термиз, Янгиариқ магистрал канали ва Учқизил сув омборидан суғорилади. Туман аҳолиси пахта, ғалла, узум, пилла ва боғдорчилик билан шуғулланади.

Ҳудудида 3 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 40 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ захарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари экиб келинади. Уларнинг ҳудудларини зарарсизлантириш тадбирлари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Ҳудудида экологик хавфли иншоотлар ҳисобланган вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳиссдорлик жамиятининг қўллаш тақиқланган ва муддати ўтган мослаштирилмаган омборхоналари мавжуд бўлиб, экологик талабларга мутлақо жавоб бермайди. Уларни хавфсиз жойга олиб бориш учун эса туманнинг собиқ «Наврўз» ширкат хўжалиги ҳудудида қурилиши режалаштирилган захарли химикатлар қабристонини қурилишини ниҳоясига етказиш ишлари амалга оширилмаяпти.

Туман II критик фавқулодда экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,35, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,8, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,0, ҳудуднинг сув босиш

хавфи 20,0 баллни (Сарез кўли ва Жанубий Сурхон сув омборининг тошиб кетиши), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-1,4 баллни, тупроқнинг балл бонитети 51 баллни ташкил этади. Ерларнинг шўрланиши 1,55 ни, тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 60% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати)-950 (энг юқори кўрсаткич) тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 550 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,6 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-15,7 тани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони ҳар минг кишига 94,5 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 21,7 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 53% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 6 та.

Туман бўйича йилига ўртача 20,0 минг тонна дон, 1,4 минг тоннага яқин картошка, 11,8 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 3,4 минг тоннага яқин полиз, 1,5 минг тонна атрофида ҳўл мева, 1,0 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 22,5 минг бошдан ортиқ қорамол, 34 минг бош қўй ва эчкилар, 318 минг бошдан ортиқ парранда, 250 га яқин отлар мавжуд бўлиб, йилига 3,6 минг тонна гўшт, 16,6 минг тонна сут, 35,0 млн дондан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади. Қишлоқ хўжалиги суғориладиган майдони 11984 гектарни ташкил этиб шундан кузги ва баҳорги буғдой 4,2, пахта 5,5 минг гектарни ташкил этади.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1200 тани, шундан тўловга жалб қилингани 75 та.

УЗУН ТУМАНИ

Узун тумани вилоят марказидан 180 километр шимолда жойлашган бўлиб, 1991 йил 29 мартада ташкил топган. Шимолдан – Сариосиё, жанубдан – Қумқўрғон, жанубий-ғарбдан – Шўрчи, ғарбдан – Денов ва шимолий- шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош. 1 та шаҳар (Узун), 7 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 74 та қишлоқ ва 40 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 1,63 минг кв.км ни ташкил этиб, 123,3 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 75,5 кишини ташкил этади. Туманда 1300 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб, шундан 80 та давлат ва 1220 дан ортиқ нодавлат корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Туман ҳудудидан Қоратоғ, Тўпаланг Сурхон, Обизаранг, Кофирниҳон дарёлари оқиб ўтади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларни суғориш учун Хатиб, Остона, Файзоба, МР-1 каналлари ва умумий суғориладиган майдонининг 80% сув насослари ёрдамида суғорилиб, уларга Остана-1,-2, Дозара-1,-2,-3, Боботоғ, Толтуғай, Малик, Серҳаракат-2,-3, Жинғилжар, Чиришли ва бошқалар киради. Ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив аҳамиятга эга бўлган шарқий, ғарбий, Жончека, Меҳнат ва бошқа захкашларидан фойдаланиб келинади.

Туман ҳудуди асосан тоғ, тоғолди, текисликлар ва қир-адирлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти ривожланган ҳудуд сирасига киради. Туман аҳолиси пахта, ғалла, шоли, узум, боғдорчилик ва тоғли аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланади.

Туман ҳудудидаги мавжуд дарё ўзанларидан қурилиш мақсадларида қум ва шағал қазиб олинади, давлат аҳамиятига эга бўлган шағал карьери мавжуд бўлиб, шағал саралаш заводи фаолият кўрсатмоқда.

Туман ҳудудида 3 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 26 гектарни ташкил этади. Аэродром ҳудудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ заҳарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари экиб келинади. Уларнинг ҳудудларини зарарсизлантириш тадбирлари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган. Шулардан бири Лангар фермер хўжалигига ердан фойдаланиш учун ажратиб берилган.

Туман қониқарли экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,7, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-0,83, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3,4, ҳудудни сув босиш хавфи 5,0, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-10, тупроқ бонитети 62 баллни ташкил этади. Тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 617% ни, ўтлоқлар дегродацияси 30% ни, аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига-514 тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 431 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,2 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-17,8 тани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони сони ҳар минг кишига 33,4 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 19,7 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 15,0% ва шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 6 та.

Туман бўйича йилига ўртача 26,7 минг тонна дон, 10,0 минг тоннага яқин картошка, 16,5 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 2,5 минг тоннага яқин полиз, 5,5 минг тонна атрофида ҳўл мева ва 2,2 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 37,5 минг бошдан ортиқ қорамол, 65,0 минг қўй ва эчкилар, 51,4 минг бошга яқин парранда, 1320 га яқин отлар мавжуд бўлиб, йилига 6700 тонна гўшт, 25,4 минг тонна сут, 4,2 млн дондан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Суғориладиган майдони 11250 гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 4,3 ва пахта 6,4 минг гектар.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1300 га яқин шундан тўловга жалб қилингани 70 та.



Тоҷикистон алюминий заводининг инсон саломатлигига таъсири

Туман ҳудудида Боботоғ ва Узун ўрмон хўжаликлари фаолият юритиб, уларнинг асосий вазифаси 76 минг гектардан ортиқ бўлган боботоғ пистазорларини ва бошқа ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва бойликларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишдан иборат, афсуски Боботоғ ўрмон хўжалигида табиий ресурслардан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Шу ўринда алоҳида афсус билан қайд этиш лозимки, Узун тумани ҳудудий чегараси ТоҷАЗ дан 8-10 км масофада жойлашганлиги сабабли ушбу туман завод таъсирига тушган 1-хавфли даражали ҳудуд қаторига киради. Шу сабабли ҳам тупроғи меъёрга нисбатан фторли водород билан 30, ўсимликлар дунёси 10-18 баробаргача юқори даражада зараланганлиги сабабли, ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёни 30-40% гача камайган. Бунинг оқибатида аҳоли орасида флюороз, сил, буқоқ, 111 даражали эутиреоз касалликлар сони кескин ортиб бормоқда. Узумнинг ҳосилдорлиги 1991 йилга нисбатан (30,1 ц/га) 4 баробар камайган, пилла етиштириш давлат режасидан 100% чиқарилган. Йирик шохли молларнинг сони сўнгги 10 йилликда 80% гача, сут ишлаб чиқариш 51% га камайган, болалар ўлими 2,5-4 баробарга ортган, ўсимликлар дунёси асосан некроз, ҳайвонот олами флюороз касаллиги билан касалланиб уларнинг тиши бевақт тўкилмоқда, оқибатда она сигирлар 2 мартадан ортиқ насил бермаяпти.

ШЕРОБОД ТУМАНИ

Шеробод тумани вилоятнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, маъмурий маркази бўлган Шеробод шаҳри вилоят марказидан 60 километр масофада жойлашган. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Шимолий-ғарбдан – Қашқадарё вилояти, шимолдан – Бойсун, шарқдан – Қизирик, Бандихон, жанубдан Музработ ва Ангор туманлари билан чегарадош. 1 та шаҳар (Шеробод), 9 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 70 та қишлоқ ва 43 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 2,73 минг кв.км ни ташкил этиб, 132,6 миндан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, 1 кв.км.га зичлиги 48,6 ни ташкил этади. Туманда 1500 дан ортиқ юридик мақомга эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият

юритиб, шундан 56 та давлат ва 1444 нодавлат корхоналар фаолият юритиб келади. Худудидан Шеробод, Қорасув, Лайлогон, Қизил олма, Музработсой каби дарё ва сойлар оқиб ўтади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонларни суғориш учун ўнг ирмоқ Шеробод машина магистрал канали, Хўжақия, Истара, Қўшувчи ва бошқа каналлари, К-3, К-3-6-а-1, К-11, К-2-15, К-2-7-13, К-10, К-2, К-2-7, К-2-23, К-4, ВСК-14, К-5, К-11-11, К-11-11-1, К-11-12, К-11-12-1, ВСТ ва бошқа захкашлари мавжуд. Туман аҳолиси пахта, ғалла, чорва, узум, пилла, ва боғдарчилик билан шуғулланиб келади.



Шеробод туманидаги сув тақсимлагич

Туман II даражали критик фавқулудда экологик ҳудудлар тоифасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-5,07 (энг юқори кўрсаткич), ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-2,1, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-2,8, ҳудудни сув босиш хавфи 20,0, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-1,4, тупроқ бонитети 47 баллни ташкил этади. Ерларнинг шўрланиши 1,5%ни, тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 88% ни (энг юқори кўрсаткич), ўтлоқлар деградацияси 30 % ни ташкил этади. Аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига 690 тани, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 440 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,3 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими 16,5 тани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони ҳар минг кишига 34,3 ни, олий маълумотли шифокорлар сони 1000 кишига 13,7 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 21,4% ва шаҳар худудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 4 та.

Туман бўйича йилига ўртача 51,4 минг тонна дон, 2,45 минг тоннага яқин картошка, 9,4 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 5,3 минг тоннага яқин полиз, 1,4 минг тонна атрофида ҳўл мева, 1,2 минг тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 31,0 минг бошдан ортиқ қорамол,

100 минг бош қўй ва эчкилар, 57,5 минг бошга яқин парранда, 850 га яқин отлар мавжуд бўлиб йилига 5,3 минг тонна гўшт, 23,7 минг тонна сут, 4,0 млн донадан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Туманнинг суғориладиган майдони 31075 гектарни ташкил этиб, шундан кузги ва баҳорги буғдой 9,74, пахта 16,5 минг гектарни ташкил қилади. Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1500 тани шундан тўловга жалб қилингани 70 та. Туманнинг энг йирик экологик муаммоларига қуйидагилар киради: Ичимлик сув танқислиги, ер ости, ер усти заҳкашларнинг лойқа босиб қолганлиги учун сизот сувларининг кўтарилиши билан тупроқ юза қатламининг турли даражада шўрланганлиги, эхотазорларнинг камлиги ва ҳокозолар.

ШЎРЧИ ТУМАНИ

Шўрчи тумани вилоят марказидан 110 километр шимолда жойлашган бўлиб, 1935 йил 9 февралда ташкил топган. Шимолдан – Денов, ғарбдан – Олтинсой, жанубдан – Қумқўрғон ва шарқ томондан Узун туманлари билан чегарадош. Худудда 1 та шаҳар (Шўрчи) 1 та шаҳар типидagi қўрғон (Элбаён) 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 43 та қишлоқ ва 52 та маҳалла фаолият юритади.

Умумий ер майдони 0,85 минг кв.км, аҳолиси 146,76 миндан ортиқ 1 кв.км.га зичлиги 172,6 киши. Туманда 1128 дан ортиқ юридик хўжалик юритувчи ташкилотлар шундан 136 та давлат ва 992 тадан ортиқ нодавлат корхоналар фаолият юритади.

Туман қишлоқ хўжалиги далалари Сурхон, Олтинсой Дайтулак, Қумқўрғон, Қошчекка, Пўстин, Танғиз-2, Қўқон, Мингжар-2, Қораарик, Тангимуш канал, дарёлари ва Намуна-дегрез сув омборлари сувлари билан суғорилади.

Ер ости сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашда «Ингичка», Қоратепа, Қормақсой, Хурлик, Йиғма зовур, Қўштегирмон, Жиндибулоқ, Шилдиروق, Элбаёнсой заҳкашларидан фойдаланилади. Суғориладиган майдонларнинг 1000 гектардан ортиғи насослар ёрдамида суғорилиб, умумий суғориладиган ер майдонларнинг 7% ташкил этади. Йирик насос қурилмаларига «Полвонтош», «Галашерик», «Жартепа», «Озод», «Сурхон» насослари киради. Туман худуди, асосан, текисликлар ва қир-адирлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган, саноат, қурилиш ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорти кам ривожланган худуд сирасига киради. Аҳолиси пахта, ғалла, узум, пилла, шоли, сабзавот ва боғдорчилик билан шуғулланади.

Нефть ва дарё ўзанларидан қум ҳамда шағал казиб олинади. Шунингдек, кунига 750 тонна буғдойни ун қилиб берувчи Шўрчи ун заводи, асфальт ишлаб чиқариш заводи, Шўрчи пахта тозалаш заводлари мавжуд. Туман худудида 100 фоиз суғориш учун яроқли бўлган ер майдонлари ўзлаштирилган ва сув билан таъминланган. Туман худудида 2 та собиқ қишлоқ хўжалиги аэродромлари мавжуд бўлиб, умумий майдони 23 гектарни ташкил этади. Аэродром худудлари ер майдонларининг меъёрлардан 10-350 баробар ортиқ заҳарли химикатлар билан зарарланганлигига қарамай, аҳоли томонидан қонунларга зид равишда ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб келинади. Аэродром

худудларини зарарсизлантириш тадбирлари ва экологик-санитария талаблари асосида паспортлаштириш масалалари ҳал этилмаган.

Ер ости сизот сувларининг ва тупроқнинг кам минерализацияланилганлиги сабабли ерларнинг шўрланиш ҳолати қониқарли. Сабаб: Сурхон дарёси деҳқончилик қилинадиган ер сатҳидан анча пастдан оқиб ўтганлиги сабабли ушбу дарё табиий заҳкаш вазифасини ўтайди. Туман қониқарли худудлар сирасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-2,65, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,4, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3, худудни сув босиш хавфи 5,0 (Тўпаланг сув омбори ва Олтинсой дарёсидан сел ва тошқин сувлари келганда), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-1,3, тупроқ бонитети 65 баллни, пестицидлар билан ифлосланиши 13-15 кг/га, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 25 % ни, ўсимликлар деградацияси 0 (туман худудида танназулга учрайдиган ўсимлик дунёси объектлари мавжуд эмас), аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати) -955 та, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 730 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 3,8 тани, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими-15,7 тани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони ҳар минг кишига 37,2 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 19,6 ни ташкил этади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ГОСТ талабларига жавоб бериши 23% ва шаҳар худудида нисбатан экологик хавфли бўлган объектлар 7 та (Шўрчи ун заводи, асфальт ишлаб чиқариш заводи, Шўрчи керамзит куйдириш цехи, Шурчи пахтани қайта ишлаш заводи, Шўрчи нефть базаси, Шўрчи мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, автобаза 2530).

Туман бўйича йилига ўртача 34,0 минг тонна дон, 8500 тоннага яқин картошка, 14200 тоннадан ортиқ сабзавот, 100 тоннага яқин полиз, 3500 тонна атрофида ҳўл мева, 2000 тоннага яқин узум каби деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 40 минг бошга яқин қорамол, 65 минг қўй ва эчкилар, 70 минг бошдан ортиқ парранда, 1200 яқин отлар мавжуд. Йилига 5000 тонна гўшт, 24,0 минг тонна сут, 5 млн донадан ортиқ тухум етиштирилади ва маълум қисми давлатга сотилади.

Суғориладиган майдони 15126 гектарни ташкил этиб шундан кузги ва баҳорги буғдой 6, пахта 8-8,5 минг гектар.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 1654 тани шундан тўловга жалб қилингани 227 та.

ТЕРМИЗ ШАҲРИ

Термиз шаҳри – Сурхондарё вилоятининг маъмурий маркази. Ўзбекистон Республикаси ҳамда вилоятнинг энг жанубий қисмида Сурхон дарёсининг Амударёга қўйилиш қисмининг ўнг томонида жойлашган. 1929 йилда ташкил топган. Шимол, шарқ ва ғарб томондан Термиз тумани билан, жануб томондан Амударё орқали Афғонистон Ислом Республикаси билан чегарадош. 30 та маҳалла мавжуд.

Умумий ер майдони 0,03 минг кв.км ни ташкил этиб, 135,6 минга яқин аҳоли истиқомат қилади. 1 кв.км.га зичлиги 3954 кишини ташкил этади. Шаҳар ҳудудида 2600 дан ортиқ юридик ҳўжалик юритувчи ташкилотлар фаолият юритиб, шундан 352 та давлат ва 2248 дан ортиқ нодавлат корхоналар фаолият юритиб келмокда.

Шаҳар чегараларидан Сурхон ва Амударё оқиб ўтади. Шахсий уй-жойларда яшовчи аҳолиларнинг томорқа ҳисобидаги ерлари 750 гектардан ортиқ бўлиб, асосан, улар ичимлик мақсадида фойдаланиладиган тоза ичимлик сувлар ҳисобидан суғорилади. Аҳолининг 60 % га яқини ҳовли жойларида, қолганлари кўпқаватли коммунал ҳўжалик тармоқлари билан таъминланган хонадонларда истиқомат қилади. Шаҳар об-ҳавосини мўътадиллаштириш мақсадида «Ёшлик» насос станцияси қурилган бўлиб, шаҳар Мустакиллик майдони, "Дўстлик" истироҳат боғидаги сув ҳавзаларини сув билан таъминлайди. Шаҳар ҳудудида бир қанча кичик каналлар мавжуд бўлиб, шаҳар ҳудудидаги кўкаламзорлаштириш майдонларини суғориш учун етарли эмас, ушбу каналлар сонини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиладиган бўлсак, аҳолининг тоза ичимлик сувлардан томорқасини сувлашга зарурат қолмаган бўлар эди. Шаҳар ҳудуди, асосан, текисликдан иборат бўлиб, саноат, қурилиш, ишлаб чиқариш индустрияси ва транспорт корхоналари ривожланган.

Шаҳар ҳудудидаги Сурхондарёси ўзанларидан қурилиш мақсадларида кум қазиб олинади. Термиз дарё порти, «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компанияси тизимлари, сут қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонаси, «Иссиқлик манбаи» ва унинг шохобчалари, темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш, ғишт заводи ва бошқа кўплаб маиший, соғлиқни сақлаш, ўқув муассасалари мавжуд.

Шаҳар I критик ҳудудлар сирасига кириб, ер усти сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-4,35, ер ости сувларининг ифлосланиши (ИЗВ)-1,8, атмосферанинг иқлим потенциали (КПЗ)-3, (Термиз атмосфера ҳавосининг асосан сурункали қайтариб туриладиган чанг-тўзон олиб келувчи «Афғон шамоли» ва гармселларнинг салбий таъсири), ҳудуднинг сув босиш хавфи 10 балл, (Тожикистон Республикаси «Сарез» кўли ҳамда «Жанубий Сурхон сув омбори»), атмосфера ҳавосининг ифлосланиши (ПЗА)-2,1 баллни, ичимлик сувининг ГОСТ талабларига жавоб бермаслиги 13 % ни. Аҳолининг умумий касалланиши ҳар 1000 киши ҳисобига (соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати) -730 та, 14 ёшгача бўлган болаларда 1000 та боладан соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаати 630 тани, умумий ўлим минг киши ҳисобига 4,9 тани, 1 ёшгача бўлган чакалоқлар ўлими 24 тани ташкил этади. Беморлар даволаниши учун ўринлар сони ҳар ҳар минг кишига 189,7 ни, шифокорлар сони 1000 кишига 103,5 тани ташкил этади. Шаҳар ҳудудида нисбатан экологик хавфли бўлган корхоналар сони 15 та.

Термиз шаҳрида майдони 23 гектарга эга бўлган «Термиз ҳайвонот боғи» фаолият юритиб, унда 60 га яқин ҳайвонот турлари сақланиб, аҳолини жонли табиат билан таништиришда катта кўргазмали аҳамият касб этади.



Аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида собиқ Термиз «Сурхонбалиқ» корхонаси учун 500 гектар майдонга эга бўлган Амударёси қирғоқ бўйи минтақаларида ташкил этилган балиқчилик хўжалиги ва Термиз шаҳри ичида ташкил этилган балиқ чавоқчаларини етиштириш инкубация цехлари ҳозирги кунда “Пайғамбар ороли” қўриқхона тасарруфидан чиқарилиб, чегара қўшинлари ихтиёрига

берилганлиги муносабати билан вақтинчалик фаолият кўрсатмаяпти. Аҳолининг 40 фоизи канализация тармоғи билан таъминланган бўлиб, ифлослантирилган оқова сувларни тозалаш мақсадида қурилган биологик тозалаш иншоотининг қуввати 12,5 минг м³/кун бўлган биринчи навбати ҳозирги кунда 17,1 минг м³ дан ортиқ оқова сувларни қабул қилмоқда.



Тозалаш иншоотининг иккинчи навбати қурилиши 1986 йилдан ҳозирги кунгача ҳал этилмаган. Термиз биологик сув тозалаш иншоотининг ҳозирги кунда фаолият юритмай, тўғридан-тўғри оқова сувларини дарё ўзанига ўтказишига сабаб, электроэнергиядан бўлган узилишлар, аэротехниканинг ишлатилмаслиги ва керагидан ортиқча ифлослантирилган сувлар сабаб, уларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида биопрудлар ташкил этилган. Атроф-муҳитни

ифлослантирганлиги учун компенсация тўловига жалб қилинган хўжалик юритувчи ташкилотлар сони 2600 тани шундан тўловга жалб қилингалари 210 та. XX асрнинг сўнгги йилларида иқлимнинг ўзгариши муносабати билан кулранг турналар Амударё воҳасида 6 мингдан 22 мингтагача қишлаб қолмоқда. Яна, шунингдек, ушбу ҳудудда 20 мингдан ортиқ сувда сузувчи ва суволди қушлари қишлайди. 2001-2005 йиллардаги қишки рўйхатга олиш ҳисоб-китобларига кўра, Термиз атрофидаги Амударёнинг саёз соҳилларида 40 турдан ортиқ 69 мингтагача қушлар қишки мавсўми ўтказган. Жумладан, 14 мингтагача ёввойи ўрдак (*Anas platyrhynchos*), 2 мингдан ортиқ қизқуш (*vanelus vanelus*) рўйхатга олинган. Шунингдек, ҳар йили минглаб гўзал турна, ғозлар ва ўрдакларнинг турлари, оқ ва қора лайлақлар, турли кўтон ва қошиқбурунлар дам олиш учун тўхтайдилар. Ҳудудда 10 турдаги йўқ бўлиб кетиш хавф остидаги турлар учраб, улар Ўзбекистон Республикаси “Қизил китобига” киритилган.

Шулардан сув билан боғлиқ турлари жингалак сақоқуш (*pelicanus crispus*), кичик қоравой (*Phalacrocorax pygmaeus*), оқ пешонали кичик ғоз (*Anser erythropus*), олақанот (*Aythya nyroca*), мармар чурпак (*Marmaronetta*

angustirostris), кундузги йиртқич кушлар: чўл бўктаргиси (*Circus macrourus*), қиронқора (*Aquila heliaca*), катта олачипор бургут (*Aquila clanga*), итолғи (*Falco cherrug*) ва чўл кенгликлари далаларида яшовчи – бизгалдоқ (*Tetrax tetrax*).

Шуларни инобатга олиб, Сурхондарё вилоятидан оқиб ўтувчи Амударё соҳилларини ҳеч кечиктирмасдан қўриқланадиган муҳим ҳудудлар қаторига киритиш лозим. Ақсинча, табиатнинг бу ноёб паррандалари турли хил сабаб ва оқибатларга кўра нобуд бўлмоқда.

Шаҳар экологик муаммоларини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйдаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- шаҳар қоқ марказида жойлашган темир бетон канструкциялар ва ғишт заводини ва бир қатор автобазаларни шаҳар ҳудудидан олиб чиқиш;

- марказлашган чиқиндиҳоналар ва уларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш;

- аҳолини ҳўжалик фаолияти учун зарур бўлган техник ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш чора тадбирларини кўриш;

- “афғон шомоли” салбий таъсирини камайтириш мақсадида эхотабоп ўсимликлар экиб, уларни парваришлаш тадбирларини йўлга қўйиш, шаҳар ҳудудини кўкаламзорлаштириш;

- шаҳар йўл транспорт воситаларини ҳаракатини тартибга солиш, оғир техникаларни шаҳар ҳудудига киришни таъқиқлаш йўлларни кенгайтириш, светофорлар сонини кескин камайтириш, ер ости йўлаклар ташкил этиш, йўналишлар бўйича (маршрутлар) турли хил енгил такси автомашиналарга барҳам бериб автобуслар ҳаракатини йўлга қўйиш;

- кузги хазонларни йиғиб маҳаллий ўғитга айлантирувчи бригадалар ташкил этиш, ваҳолангки, бу каби чиқиндиларни ёқиб юборилиши шаҳар атмосфера ҳавосини кескин ифлосланишига сабаб бўлмоқда, оқибатда аҳоли орасида аллергия касалликлар авж олмоқда.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ БИНОСИ



[illegible]

195

Назорат саволлари

1. Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов туманлари ҳақида маълумот беринг.
2. Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизирик, Музработ туманлари ва уларнинг экологик ҳолати.
3. Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун туманлари экологик муаммолари нималардан иборат?
4. Шеробод, Шўрчи туманлари ва Термиз шаҳри ҳақида нималарни биласиз?

Семинар машғулоти мавзулари

1. Ҳар бирингиз ўз туманингиз ҳақида реферат ёзинг.

Мустақил иш мавзулари

1. Вилоятнинг шимолий ва жанубий туманларига саёҳат ташкил этинг ва икки ҳудуд туманларини экологик нуқтаи назардан таққосланг.

11-МАВЗУ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АСОСИЙ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАР

РЕЖА:

1. Вилоятда экологик хавфсизликни таъминлашдаги устувор йўналишлар ва уларни амалга ошириш механизми.
2. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аналитик назоратга ихтисослашган инспекциянинг атроф-муҳитни ифлослантирувчи мониторинги.
3. Вилоятда балиқ етиштириш муаммолари.
4. Хулоса.

Бугун мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш мунсабати билан ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилиши, давлат тасарруфидаги мулкларнинг тугатилиб, хусусий мулкларга айлантирилиши, кичик бизнесни ривожлантириш каби омиллари табиий ресурслардан фойдаланиш даражасига ва бу эса ўз навбатида, атроф-табиий муҳитнинг ифлосланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Мамлакатимиз илк мустақилликка эришган кундан бошлаб, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тадбирлар ишлаб чиқилди. Буларга атмосфера ҳавоси, сув ва сув ресурслари, ер ва ер ресурслари ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш, тупроқнинг шамол ва сув эрозиясига қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги вазифа ушбу тадбирлардан оғишмай, уларни амалга оширишдан иборатдир.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари:

- Табиий ресурслардан чиқитсиз технологияларни қўллаган ҳолда, оқилона фойдаланиш.
- Вилоят ҳудудидаги экологик муаммоларни гигиена-санитария меъёрлари даражасигача камайтириш.
- ТожАЗ салбий таъсири оқибатларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш.
- Вилоят аҳолисини тоза ичимлик сув ва экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.
- Экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни жонлантириш.
- Экологик мониторинг, башорат ва ахборотлаштиришнинг ягона тизмини яратиш.
- Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологиялар киритиш.
- Экология соҳасида илмий техника ютуқларидан фойдаланиш ҳамда илмий техник имкониятларни ривожлантириш.
- Экологик таълим-тарбия ва маданиятни шакллантириш.
- Маҳаллий ва минтақавий экологик хавфсизлик тизимини яратиш.
- Экологик фалокатлар, кулфатлар, фавқулодда вазиятлар ва аварияларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА

Сурхондарё вилояти табиатининг биологик ва табиий ландшафтлари, уларнинг хилма-хиллиги ва бетакрорлиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, бу бойлиқларимиз эволюция жараёнида юзага келган ва аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан бебаҳо меросдир. Бу меросни асраб-авайлаш ва янада бойитиш, айрим йўқ бўлиб кетиш арафасида бўлган турлари сонини тиклаган ҳолда, келгуси авлодларимизга етказиб беришдек вазифа турибди.

Собиқ шўро, яъни пахта яккаҳокимлиги пайтида янги ерларнинг ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилиши, кўплаб табиий ресурслардан фойдаланилиши эвазига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаш, кўпайиш ва озуқа манбаи бўлган муҳитлардан бенасиб қолдиқ. Биохилма-хиллигимизнинг рамзи бўлган йўлбарс, жайрон, тоғлардаги гала-гала бўлиб юрувчи туёқли ҳайвонлар бугунги кунда йўқ бўлиб кетди. Бухоро қўйи, бурама шохли эчкиси (морхўр), қора қоплон, айиқ, қор қоплони, хонгул (Бухоро кийиги), қушларнинг кўплаб турлари йўқ бўлиш даражасигача келиб қолди.

Шу сабабли, вилоят ҳудудидаги мавжуд ҳайвонот дунёси объектлари, шу жумладан, бурама шохли эчки (морхўр), куракбурун балиғи, Бухоро қўйи, Ҳимолай айиғи, тўхта туволоқ, бизғалдоқ, йўрға туволоқ, торғоқ, итолғи, қўйқа (чўл миққийси), кичик бургут, қиронқора, бургут, капча илон, бўз эчкемар, Орол бахриси, қора лайлак, қошиқбурун, сувқийғир, оқ думли сувбургут, болтаютар, кумой, тасқара, қўнғир айиқ, Ўрта Осиё қундузи, сиртлон (дўлта), Туркистон силовсини, илвирс, хонгул (Бухоро буғуси) каби турлари Ўзбекистоннинг ҳамда халқаро «Қизил китоби» га киритилиб, давлат

томонидан алоҳида муҳофазага олинди ва уларни кўпайтириш чоралари олиб борилмоқда.

Сурхондарё вилоятида 100 минг гектарга яқин овчилик ва балиқчилик ер майдонларига эга. Шулардан 16 минг гектарга яқини сув фонди ерларини ташкил этади ва шундан 600 гектардан ошiq сунъий балиқчилик ҳавзалари ҳисобланади.

Овчилик жамияти ва жамоатчилик томонидан олиб борилаётган йилдаги икки марта ҳайвонларни санокдан ўтказиш даврида умумий миқдори ҳамда унинг ўзгариши аниқлаб борилган. Худди шундай саноклар ўрмон хўжалиги, қўриқхона илмий ходимлари томонидан ҳам олиб борилаётган бўлиб, бу маълумотлар ҳақиқий маълумотларни бермайди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин вилоятимиз бир нечта чет мамлакатлар билан, яъни Афғонистон Ислom Республикаси, Тожикистон ҳамда Туркменистон Республикалари билан чегараланиб қолди. Шу сабабли, қўшни мамлакатлар билан чегарадош ҳудудлари чегараларини ҳимоя қилиш органларига, чегараларни муҳофаза қилиш мақсадларида бириктириб берилган бўлиб, вилоятимиз табиати ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, шу жумладан, ноёб ва бошқа ерларда учрамайдиган турларига бой бўлиб, уларнинг айримларини фақат айнан шу ҳудудлардагина учратиш мумкин.

Ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб боришда объектив ва субъектив сабабларга кўра, айрим экологик муаммолар ҳозирги кунда ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Аҳоли ва жамоат чорвачилиги ноқонуний йўллар билан чегара ҳудудларига, ўрмон фонди ерларига (ўрмон билан қопланган майдонларга) ва бошқа рухсат берилмаган ҳудудларда боқилиши оқибатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари генафондига салбий таъсир этиши.

2. Ўрмон билан қопланган майдонлар, тоғ ва тоғолди ҳудудларида аҳоли . томонидан ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиниб, буғдой, арпа, картошка ва шунга ўхшаш экинлар экилиб келиниши.

3. Вилоят тоғли ҳудудларида жойлашган 150 дан ошiq аҳоли пунктлари маиший эҳтиёжлари учун табиий газ, ўтин, кўмир ва ёқилғининг бошқа турлари билан таъминланмаганлиги сабабли, бута ва дарахтзорлар кесиb олиниб, ўтин ва уй-жой қурилиши ишларида фойдаланилиб келиниши.

4. Амударё қирғоқларидаги бир ва ундan ошiq километр кенгликда бўлган тўқайзорлар кузатиш кўламини яхшилаш мақсадида ҳар йили ёқиб юборилиши ва тўқайзорларни ёқиб юборилиши оқибатида жонли табиат, қуш ва ҳайвонлар табиий тўқайзор ва ҳудудларда тухум қўйиши ва болалаши ва кўпайишига салбий таъсири ва бошқаларни қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил октябрдаги 508-сонли «Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори билан «Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик, балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги Низоми» тасдиқланган бўлиб, ушбу низомда

хайвонот дунёси объектлари тури, улардан фойдаланиш, хайвонот дунёси объектларидан фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби, хорижий фуқаролар томонидан ов қилиш тартиби, хайвонот дунёси объектларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби, йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенцияга (СИТЕС) кирувчи хайвонлар турлари намуналарини олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатномалар расмийлаштириш ва бериш тартиби, овчилик ва балиқчилик ҳўжалигини юритиш, ёввойи хайвонларни тутқинликда сақлаш, зоология коллекцияларини ташкил этиш, хайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни назорат қилиш, ёввойи хайвонлар тугилганлиги учун тўловлар микдори, хайвонот ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида тушган маблағларни, жарима суммалари ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлардан етказилган зарар учун ундирилган суммаларни тақсимлаш тўғрисида низоми каби муҳим тадбирларни амалга ошириш тартиби белгиланган.

Вилоят ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар томонидан мавжуд хайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Жайрон ва шунга ўхшаш вилоят ҳудудида олдинлари мавжуд бўлган ва ҳозирги кунда вилоят ҳудудида йўқолиб кетган ўсимлик ва хайвонот дунёсининг айрим турларини олиб келиб иқлимлаштириш ва қўпайтириш.

2. Ўсимлик ва хайвонот дунёси объектларини қўпайтириш мақсадида уларни қўпайтиришга мўлжалланган махсус питомниклар ташкил этиш.

3. Ўсимлик ва хайвонот дунёси объектлари мавжуд бўлган ҳудудларда уларни муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш.

4. Қўриқхоналар, давлат буюртма масканларини ташкил этиш.

5. Табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ишларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш.

6. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш ва уларни экологик ҳолатлардан хабардор қилиш.

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА

Вилоят ҳудудида умумий майдони 16 минг гектар сув омборлари ва сув ҳавзалари, 600 гектардан ошиқ сунъий балиқ етиштириш яйлов қўллари мавжуд бўлиб, балиқ етиштириш имкониятларини маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, атига 2-3-фоиз имкониятлардан фойдаланиб келаётганимизни аниқлаш унчалик қийин эмас. Сув ҳавзаларидан йилига 6000 тоннага яқин балиқ маҳсулотлари, сунъий қўллардан эса 7500-8000 тонна балиқ етиштириш имкониятига эгамиз.

Олимларимизнинг тадқиқотлари натижаларига қўра, одам организмнинг бенуқсон ривожланиши учун ҳар бир киши йилига 14-15 кг балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилишлари лозим бўлади. Ривожланган мамлакатларда эса ҳозирги кунда балиқ ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш кўрсаткичи

20 килограммдан ошиб кетди. Вилоятнинг 2,5 миллионга яқин аҳолисининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ички имкониятлардан 100 фоиз фойдаланилганда ҳам (йилига ўртача 3000 тонна балиқ етиштириш имконияти мавжуд) жон бошига 1,5 кг балиқ етиштирган бўлар эдик, бу эса меъёр талабларининг 10 фоизинигина ташкил этади.

Сурхондарё вилоятидаги кейинги йиллардаги балиқ овлаш ва етиштириш маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, кейинги йилларда балиқ овлаш ва етиштириш кўрсаткичларининг пасайиб, ўта ачинарли аҳволга келиб қолганлигини кўрамиз. Балиқ етиштириш, кўпайтирилиши мумкин бўлган сув ҳавзаларидаги ҳолат уларнинг миқдори ва сифатига жуда салбий таъсир кўрсатиб, балиқчиликнинг инқирозига олиб келди. Айниқса, вилоятдаги энг йирик сув омбори ҳисобланган йилига 200 тоннадан ошиқ балиқ етиштирилиб келинган Жанубий Сурхон сув омборининг таг қисми лойқа билан тўлиб қолиши оқибатида, ҳавзадаги бор сувларнинг қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун чиқариб юборилиши, унинг юқори қисмидаги уруғ қўйиш ҳудудларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан ноқонуний ўзлаштирилиб олиниши вилоятда балиқчиликнинг инқирозга учрашига сабаб бўлиб қолмоқда.

Сурхондарё вилоятида балиқчилик, асосан, табиий ҳамда сув омборлари ҳисобига амалга оширилиб келинаётганлигини ҳисобга олсак, овланадиган балиқларнинг ҳажми ва турлари жуда кам миқдорни ташкил этган ҳолда балиқлантириб бориш биотехник тадбирлари умуман ва етарлича амалга оширилмай келинаётганлиги кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Балиқчиликни ривожлантиришнинг асоси бўлган балиқ чавоқчаларини етиштириш ишлаб чиқариш базасининг йўқлиги эса балиқчиликдаги мавжуд танг ҳолатни янада чуқурлаштирмоқда. Вилоят аҳолиси бир гуруҳ олибсотарларнинг қўшни вилоятлардан арзон нархларда сотиб олиниб, қиммат нархларда сотилаётганлиги эвазига оз миқдорда таъминланиб келинмоқда. Балиқларни олиб келиш, сотиш ва бир неча кунлар давомида етарли шароитлар бўлмаган жойларда сақланиши оқибатида, уларнинг сифатлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Аҳолининг кўплаб табақалари балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятига эга эмас.

Табиий қўллардаги балиқ захираларини ўрганиш, уларнинг кўпайиши бўйича илмий-тадқиқот институтларининг балиқчиликни ривожлантириш ва табиий қўлларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича берган тавсияларига балиқ хўжаликлари (ижарачилар) ва балиқчиликда алоқадор муассасаларнинг мутассадиларининг эътиборсизлиги оқибатида, сув ҳавзаларидаги балиқ захираларининг миқдори айрим йиллар камайганлигини, овланаётган балиқ турларининг балиқлантирилаётган балиқ турлари эмас, балки табиий эркин ҳолда учрайдиган балиқ турлари эканлиги (илонбош, карас, судак, жерид, лаққа, оқ амур ва бошқалар) ва уларнинг ўлчамларидан билиш учун унчалик билимдон бўлишимиз шарт эмас.

Балиқчилик соҳаси – бу табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш, уларни қайта тиклаш орқали уларнинг миқдори ва захираларига зиён етказмаган ҳолда балиқларни овлаш, уларни кўпайтириш, қайта ишлаш ҳамда табиий ва махсус яратилган сув ҳавзаларида

шуғулланиладиган моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади.

Сурхондарёнинг табиий иқлим, географик жойлашуви бошқа вилоятларга нисбатан қулай шароитларга эга бўлган ҳудуд ҳисобланиб, йил давомида балиқ етиштириш ва аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш имкониятларига эга.

Сурхондарё вилоятида 2015-2020 йилларда овланган балиқ бўйича маълумот

24-жадвал

Сурхондарё вилояти	Овланган балиқ, Тонна					
	2015	2016	2017	2018	2019	2020*
	1 911,0	2 579,9	3 876,0	3 815,9	3 610,8	4399,8
Термиз ш.	0,0	0,0	0,0	19,5	-	29,8
<i>туманлар:</i>						
Олтинсой	62,4	85,0	43,6	54,0	32,2	36,9
Ангор	94,0	605,4	218,5	255,0	271,9	275,1
Бандихон	0,0	0,0	0,0	0,0	-	15,2
Бойсун	81,0	124,5	139,8	62,8	24,1	35,5
Музработ	57,2	54,5	113,2	171,0	241,9	273,4
Денов	150,0	134,4	322,5	311,5	309,0	333,4
Жарқўрғон	177,0	175,6	543,7	382,9	214,1	357,0
Қумқўрғон	246,0	249,0	616,0	288,0	741,2	913,9
Қизирик	35,0	55,5	80,4	69,8	48,8	86,9
Сариосиё	251,2	251,6	391,0	222,5	173,8	320,3
Термиз	170,1	268,0	494,0	1 167,1	924,1	928,4
Узун	354,6	204,0	395,0	304,4	204,2	284,0
Шеробод	45,0	66,9	138,0	164,1	85,5	131,6
Шўрчи	187,5	305,5	380,3	343,3	340,0	378,4

Изоҳ: Қавс ичидаги рақамлар табиий ҳавзаларини ижарага олган балиқ овлаш корхоналари бўйича.

Сурхондарё вилоятида балиқчиликнинг ҳозирги ҳолатини эътиборга олиб, балиқчилик соҳасини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва шахсий мулкчиликни ривожлантириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналарини ташкил этишга бозор тамойиллари ва механизмларини татбиқ этиш, соҳани монополиядан чиқариш ва рақобатчилик муҳитини яратиш ҳамда балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик соҳасини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича чоралар тўғрисида» қарори билан балиқчилик соҳасидаги аҳволни яхшилаш,

кичик ва ўрта бизнесга биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ишида ўзларини намоён этиш имконини бериш кўзда тутилган бўлиб, вилоят ҳудудидаги табиий кўллар ва сув омборлари ҳудудлари ижарачиларга тендер асосида ижарага берилди. Табиий кўллари бир вақтнинг ўзида балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналарга ижарага бериш билан бир қаторда, балиқ маҳсулотларини кўпайтириш ва табиий сув ҳавзаларининг балиқ етиштириш бўйича маҳсулдорлигини ошириш чора-тадбирлари (балиқлантириш, озиклантириш, балиқчалар етиштириш ишлаб чиқариш базасини яратиш ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди. Лекин вилоят миқёсида балиқчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар ва ижарачиларнинг балиқчиликни ривожлантириш фаолиятларини мувофиқлаштирувчи алоҳида уюшмалар ташкил этилмаган. Ташкил этилиши лозим бўлган уюшма табиий кўлларида балиқчилик фаолиятларидан тушадиган ижара маблағларининг маълум қисмини балиқчиликни ривожлантириш тадбирларига сарфлашлари кўзда тутилиши лозим.

**ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ АНАЛИТИК
НАЗОРАТГА ИХТИСОСЛАШГАН ИНСПЕКЦИЯСИНING АТРОФ-МУҲИТНИ
ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР МОНИТОРИНГИ АСОСИДА ОЛИБ БОРГАН
ИШЛАРИ ҲАҚИДА**

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аналитик назоратга ихтисослашган инспекцияси вилоят қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши мониторинги Дастури» асосида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 21.05.2018 йилдаги №1-сонли баённомаси билан тасдиқланган режа графигига асосан, атмосфера ҳавосини ифлосланиши бўйича 5 та объектда (ҳар ойда), ер усти ва оқова сувлар назорати бўйича 7 та (шундан 1 та корхона ҳисобида сув тозалаш иншооти мавжуд эмас) объектда (ҳар чоракда) тупроқ ифлосланиши бўйича 14 та (баҳорда-куз фаслларида) объектларда мониторинг ўтказилиб, кимёвий таҳлил ишлари олиб борилди.

2015-2020 йиллар давомида 279 та корхонада 976 та мониторинг кузатувлари олиб борилди. Олиб борилган кузатувлар жараёнида корхоналардан ҳамда дастур асосида белгиланган доимий кузатув нукталарининг 2511 та турғун манбаларидан кимёвий таҳлил учун 5595 та намуналар олинди ва 12214 та кимёвий таҳлил ишлари ўтказилди. Ўтказилган кимёвий таҳлил натижалари бўйича 60 та субъектда 72 та ҳолатда белгиланган меъёридан ортиқ ифлослантирувчи зарарли моддалар атроф-табиий муҳитга чиқарилаётганлиги қайд этилиб, корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан 60 та қайднома расмийлаштирилди ва жами 42586551 сум миқдорида маъмурий жарима қўлланилиб, ундириб олинди. Шунингдек, белгиланган меъёрлардан ортиқча зарарли моддалар чиқарган корхоналарга нисбатан тўловлар устама коэффицентларда ҳисобланиб, 90534478 сўм миқдорида тўловлар ҳисобланди ва ундириб олинди.

**ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ АНАЛИТИК
НАЗОРАТГА ИХТИСОСЛАШГАН ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ
ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР МОНИТОРИНГИ**

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аналитик назоратга ихтисослашган инспекцияси «Атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланиши мониторинги Дастури» асосида фаолият олиб боради.

Аналитик назорат инспекцияси томонидан юқорида қайд этилган дастур асосида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши бўйича 8 та иншоотда (ҳар ойда), ер усти ва оқова сувлар назорати бўйича 8 та манбада (ҳар чоракда), тупроқ ифлосланиши бўйича 11 та (баҳорда ва кузда) вилоят ҳудудидаги турли нуқталарда кимёвий таҳлиллар учун намуналар олиниб, таҳлил ва кузатув ишлари олиб борилди. Назоратга олинган 65 та корхонанинг 400 га яқин ифлослантирувчи манбаларидан 500 га яқин намуналар олиниб 2000 дан ортиқ кимёвий таҳлил қилинган. Олиб борилган кимёвий таҳлил натижаларига кўра, аниқланган меъёрдан ортиқ ифлослантирувчи моддалар ташлаган, оқизган ва жойлаштирган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли, 2006 йил 6 февралдаги 15-сонли «Атроф-муҳит ифлослантирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш ва компенсация тўловларини амалга ошириш» бўйича тўлов суммалари индексация қилинмоқда.

Инспекция томонидан асосан нефть маҳсулотлари корхоналарининг барча тармоқлари, «Қишлоқхўжаликкимё» вилоят бирлашмасининг барча тизимлари, «Заҳарли химикатлар қабристон», оқова сувларни тозалаш иншоотлари, газчанг тозалаш ускуналари манбаларидан, собиқ қишлоқ хўжалик аэродромлари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида кимёвий таҳлил учун намуналар олиниб, доимий мониторинг кузатувлари олиб борилмоқда.

2004 йилда Жаҳон банкининг «Табиатни муҳофаза қилиш» гранти асосида Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аналитик назорат инспекцияси Россияда ишлаб чиқарилган «Ганк-4» автоматик равишда атмосфера ҳавосидаги фторли водород, CO_2 , NO_2 , SO_2 миқдорини аниқлайдиган газанализатори билан таъминланди. Тожикистон алюминий заводининг тупроққа бўлаётган салбий таъсирини ўрганиш мақсадида 3 та кузатув нуқтасидан 30 дан ортиқ тупроқ намуналари олиниб, ёзнинг иссиқ пайтларига нисбатан намгарчилик пайтларида тупроқ таркибида фторли водороднинг миқдори 0,5-0,8 мг/кг дан ошиб бориши ҳолатлари қайд этилиб борилмоқда.

Атмосфера ҳавосини назорат қилиш сектори томонидан мониторинг дастури асосида 8 та ишлаб чиқариш корхонасида 80 дан ортиқ мониторинг кузатувлари ўтказилиб, асбобий усулда ўртача 200 га яқин намуналар олиниб, кимёвий таҳлиллар ўтказиб борилмоқда. Денов «Сурхонозиқ-овқатсаноати, Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси, Шарғун кўмир кони бошқармасининг оҳак цехларида доимий меъёрдан ортиқ зарарли ташламалар ташланаётгани аниқланиб, маъмурий ва бошқа иқтисодий чоралар кўрилди.

Вилоят аналитик назорат инспекцияси ер ости ва оқова сувларни назорат қилиш сектори томонидан Дастур асосида 8 та корхонада йилига 40 га яқин мониторинг кузатувлари ўтказилиб, корхоналарнинг 61 та ифлослантирувчи манбаларидан 1500 га яқин кимёвий таҳлиллар олиб борилди. Термиз шаҳар сув тозалаш иншооти, «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятига қарашли сув тозалаш иншооти, Денов ва Сариосиё марказий касалхоналарининг оқова сувларни тозалаш иншоотларидан олинган намуналар кимёвий таҳлилларига кўра тозалаш иншоотларининг самарадорлиги 40-90 фоиз атрофида эканлиги қайд этилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг атроф-муҳит ифлослантирилганлиги, оқова сувлар оқизилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини жорий қилиш тўғрисидаги қарорлари асосида ваколат доирасида чоралар кўрилди, шу жумладан, компенсация тўловлари миқдорини ҳисоблашда индексациялаш қўлланилмоқда.

Аналитик назорат инспекцияси ер ости ва оқова сувлар назорати сектори томонидан 2002 йилдан бошлаб “Учқизил” сув омбори сувларининг ер ости нефть қудуқларининг ишдан чиқиши оқибатида нефть оқиб сувни ифлослантириши устидан ҳам назорат ўрнатилган бўлиб, олиб борилган комплекс тадбирлар натижасида суткасига оқиб чиқаётган нефть миқдорини 300 дан 6 килограмгача камайтирилишига эришилди.

Назорат саволлари

1. Вилоятда экологик хавфсизликни таъминлашдаги асосий устувор йўналишлар нималардан иборат?
2. Табiiй ресурслардан чиқитсиз технологияларни қўллаб оқилona фойдаланиш деганда нимани тушунаси?
3. Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқувчи технологиялар нималардан иборат?
4. Экологик таълим тарбия нима?
5. Экологик маданият-чи?
6. Экологик фалокат, кулфатларни олдини олиш нималардан иборат?

Семинар машғулот мавзулари

1. Экологик хавфсизликни таъминлашдаги асосий устувор йўналишлар.
2. Ҳайвонот дунёси омилларидан оқилona фойдаланиш мавзусида семинар ёзинг.
3. Ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламининг биосферадаги ўрни.

Мустақил иш мавзулари

1. Сурхон давлат қўриқхонасига саёҳат.
2. Термиз ҳайвонот боғига саёҳат.

ГЛОССАРИЙ

Абиотик муҳит	биоценотик муҳитнинг асоси ҳисобланиб, унга “ўлик” табиат, қуёш ёруғлиги, ҳарорат, тупроқ, намлик ва бошқа иқлим унсурлари киради.
Абиотик ландшафт	тирик материянинг деярли таъсирсиз вужудга келган ландшафт.
Абиотик муҳит	тирик организмларни ўраб турган нотирик жисмлардан иборат муҳит.
Абиотик омил	муҳитнинг физик ва кимёвий шароитларининг организмларга кўрсатаётган таъсири.
Автотроф	организмларнинг фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан ҳаво ва тупроқдаги ноорганик моддалардан фойдаланиб озиқланиши.
Агломерация	шаҳар типдаги тузилган бир бутун фазо ва функционал гуруҳ бўлиб, у ижтимоий-иқтисодий ва экологик тизимдан ташкил топади.
Агроэкосистема	агрофитоценозлардаги ўсимлик
Адаптация	атроф-муҳит шароитларига организмларнинг мослашиш жараёни.
Адсорбция	(лот.ad-устиди ва sorbere-ютиш, сўриш)-модданинг эритма ёки газдан маълум (адсорбент деб аталувчи) қаттиқ жисмлар сирти томонидан ютилиши; биологик жараёнларнинг кечишида, моддаларни тозалаш жараёнларида ва табиатни муҳофаза қилиш технологияларида муҳим аҳамиятга эга.
Антропоген	ер тарихидаги инсон яшаб келаётган давр.
Антропоген таъсир	инсон ҳўжалик фаолияти натижасида табиат ва унинг ресурсларига кўрсатиладиган таъсир.
Антропоген ифлосланиш	инсон томонидан биосферага саноат, қишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш ва транспорт таъсирида ифлосланиши.
Анаэроблар	(юн. ап-инкор маъноси ва аер-ҳаво)-кислородсиз, органик ва аорганик моддаларнинг парчаланиш (ачиш, бижғиш) жараёнида ҳосил бўлган энергия ҳисобига яшовчи организмлар.
Атмосфера	ер юзидаги ҳаво қобиғи ҳисобланиб, барча тирик организмларни космоснинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилади.
Атмосферанинг димиқиши	сайёранинг секин-аста илиши. Атмосферада карбонат ангидрид, CO ₂ ва бошқа газларнинг кўпайиши.
Атроф-муҳит мониторинги	инсон таъсирида атроф-муҳит ҳолатини ўзгаришини кузатиш, баҳолаш ва башорат қилишдан иборат

	комплекс тизим.
Атроф-муҳитнинг ифлосланиши	тавсифи, жойлашган ери ёки миқдорига кўра атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир қиладиган моддаларнинг атроф-муҳитда мавжудлиги.
Атроф-табiiй муҳит	инсонга бевосита ёки билвосита таъсир этувчи табiiй абиотик ва биотик омиллар мажмуаси.
Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш	табiiй бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тадбирлар тизими.
Аутэкология	экологиянинг айрим турларнинг ташқи муҳит шароитларига мосланишини ўрганадиган бўлими.
Аллергия	атроф-муҳитдаги бегона баъзи бир омиллар таъсирига организмнинг ўта сезгир бўлиши.
Альбедо	(лот. albus-ёруғ)-юзанинг акс қайтарувчанлик қобилиятини тавсифловчи кўрсаткич.
Аэропланктон	ҳаво қатламида тарқалган тирик организмлар.
Бентос	ҳавзалари тубида ўтказишга мослашган барча тирик организмлар йиғиндиси.
Биосфера	тирик организмлар тарқалган қобик.
Биосфера қўриқхонаси	ЮНЕСКОнинг биологик хилма-хилликни асраш ва унинг компонентларидан барқарор фойдаланиш куроли бўлган “Инсон ва биосфера” халқаро дастурига киритилган, ер усти, қирғоқ бўйи ва денгиз экотизимларининг муҳофаза қилинадиган ҳудуди ёки улар комбинацияси.
Биогеоценоз	замбуруғлар ҳамда айрим содда ҳайвонлардан ташкил топган микроорганизмларнинг биргаликда яшаши.
Биогенез	тирик организмлар томонидан органик бирикмаларни ҳосил қилиш жараёни.
Биологик моддалар алмашиниши	ўлик табиат билан тирик организмлар ўртасидаги ўзаро ва экологик алмашиниш.
Биомасса	тўғри келувчи оғирлик ёки энергия бирликларидаги ифодаланган умумий вазни.
Биоценоз	куруқликдаги ёки сув ҳавзаларидаги муайян майдонларда тарқалган ўсимлик, ҳайвон, замбуруғ ва микроорганизмларнинг ўзаро биргаликдаги йиғиндиси.
Биологик хилма-хиллик	турларнинг хилма-хиллиги, генетик хилма-хиллик, экосистемалар хилма-хиллиги.
Биоёқилғи	1)ёққанда энергия чиқариш хусусиятига эга ҳар қандай биомасса (ёғоч, торф, сув ўтлари ва ш.ў.);

	2)бижғиш жараёнида парникларга, иссиқхоналарга ва б. иссиқлик бера оладиган органик чиқиндилар (ахлат, гўнг, қипик).
Биологик маҳсулдорлик	туркумнинг модда ва энергиядан фойдаланиш асосида органик моддани қайта ишлаб чиқариш хусусияти.
Биота	(юн. biote-хаёт) организмларнинг тарқалиш минтақаси умумийлиги туфайли бирлашиб, тарихан шаклланган туркуми.
Биотоп	(юн. bios-хаёт, topos-жой) ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонларнинг маълум турлари учун яшаш шароити ёки муайян биоценознинг шаклланиши учун мос бўлган бир жинсли қисми.
Биофилтр	оқова сувларни биологик усулда тозалаш учун фаол микробиологик парда билан қопланган филтрловчи материалдан ёхуд сунъий равишда тузилган “тозаловчи” организмлар туркуми эгаллаган макондан тозаланадиган сув массасининг аста-секин оқиб ўтиши принципида қурилган иншоот.
Биоцид	тирик организмларни батамом йўқ қилиш ёки уларга зиён етказиш хусусиятига эга модда.
Буюртмахона	ҳудуд ёки акватория қисми бўлиб, унда доимий ёки вақтинча табиий манбаларнинг баъзи турларидан фойдаланиш ман қилинади (ўсимлик, ҳайвонот, фойдали қазилмаларнинг баъзи турлари). Кўпинча ов аҳамиятига молик ҳайвонларни асраш ва кўпайтириш мақсадида барпо қилинган овчилик мавжуд.
Галофит	шўрланган тупроқларда ўсувчи ўсимлик тури.
Геобионт	(юн. ge-ер ва bion-яшовчи) тупроқнинг унумдор устки ва остки қатламида яшовчи тур.
Гетеротроф	тайёр органик моддалар ҳисобига ҳаёт кечирувчи организмлар.
Генофонд	маълум гуруҳдаги индивидларнинг (популяциялар, популяциялар гуруҳи ёки турнинг) барча генлари йиғиндиси
Гидросфера	сайёранинг сув қобиғи (дарё, кўл, денгиз, океан ва бошқалар).
Гипоксия	кислород танқислиги – организм тўқималарида кислород билан етарли таъминланмаганлигида ёки O ₂ қабул қилиши бузилишидан пайдо бўладиган ҳолат.
Гигрофит	ортиқча намлик шароитида яшашга мослашган ўсимликлар.
Гидрофит	фақат остки қисми сувда бўлган сув ўсимликлари.
Глобал	ифлосланиш манбаидан жуда узоқ масофада,

ифлосланиш	сайёранинг деярли барча нукталарида аён бўлувчи атроф-табiiй муҳитнинг ифлосланиши.
Гомойотерм	ташки муҳит ҳароратига боғлиқ бўлмаган ҳолда тана ҳарорати доимий бўлган (иссиқ қонли) ҳайвонлар.
Гумус, гумус моддалар	тупроқдаги тўқимали тузилишини йўқотмаган, лекин тирик организмлар ва уларнинг қолдиқлари таркибига кирмайдиган барча органик бирикмалар йиғиндиси.
Дам олиш ёки рекреация ҳудуди	аҳоли томонидан анъанавий фойдаланиладиган ёки қисқа ва узоқ муддатли дам олиш, туризм ёки санаторий-курорт шароитида даволаниш учун махсус ташкил қилинган табiiй ҳудуд.
Дамба	соҳил бўйлаб тўлқин эрозиясидан сақланиш мақсадида кўтарилган сунъий тепалик ёки тўсиқ.
Доминант	жамоадаги микдор жиҳатдан кўп бўлган ҳукмрон тур.
Демография	аҳолининг ривожланиш тартиби, қайта тикланиши ва ижтимоий-тарихий хусусиятларини ўрганадиган фан.
Демографик портлаш	(юн. demos-халқ) ер юзида XX асрда ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий ва умумий экологик шароитларининг (шу жумладан, соғлиқни сақлаш) ўзгариши билан аҳоли сонининг кескин ўсиб кетиши.
Депрессия	(лот. depressio-тушкунлик) жуғрофияда кенг маънода ер сиртининг ҳар қандай пасайиши, денгиз сатҳидан паст ётувчи ботикликлар, товоқсойлар.
Дефляция	(лот. deflatio-совурилиш) шамол кўчириб юрувчи минерал парчалари билан тоғ жинслари ва тупроқнинг совурилиши, силлиқланиши ва тарашланиши.
Дренаж	(ингл. drain-қуриштиш) ортиқча намланган ерларни сувни махсус зовур ва ер ости қувурлари – дренажлар ёрдамида бошқа жойга оқизиш йўли билан қуриштиш усули.
Ер (қуруқлик) экотизми	қуруқликда жойлашган экотизим.
Ер кадастри	ерларнинг табiiй, ҳўжалик ва ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тўплами.
Ерларни қайта тиклаш	инсон фаолияти ёки табiiй жараёнлар таъсирида бузилган ерларга аввалги ҳосилдорлигини қайтариш.
Жамият	кишиларнинг тарихий таркиб топган биргаликда фаолият кўрсатиш модели йиғиндиси.
Ижтимоий муҳит	кишилар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ҳисобланиб, улар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг инсонга таъсири.
Ижтимоий экология	“табиат-жамият” тизими ўртасидаги ўзаро алоқа муносабатларини ўрганувчи фан. Жамият билан табiiй муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш

	натижасида табиатдан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқади.
Инсон ташқи муҳит	одамлар ва уларнинг хўжалик фаолиятига бевосита таъсир этувчи абиотик, биотик ва ижтимоий муҳитлар йиғиндиси.
Интродукция	(лот. introductio-кириш) ҳайвон ва ўсимликларнинг табиий ареалдан ташқарида тарқалиши.
Иссиқхона эффеќти	атмосферада ер юзасидан узун тўлқинли иссиқлик нурланишига халаќит берувчи углеводород (карбонат ангидрид, ис гази) ва фтор-хлор-углеводород бирикмаларининг аста-секин кўпайиши натижасида ердаги ҳароратнинг кўтарилиши ва иқлимнинг умумий иссиқланиши.
Ифлосланиш	зарарли физик, кимёвий ва биологик моддаларни миқдорининг ортиб кетиши.
Ифлосланиш меъёри	норматив ҳужжатлар асосида муҳитга кўшиладиган моддаларнинг рухсат этиладиган меъёри.
Кам чиқиндили технология	чиқиндиларни минимум даражада чиқарадиган ишлаб чиқариш технологияси. Қаттиқ, суюқ, газсимон чиқиндиларни камайтиришга имкон берадиган технология.
Консумент	фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан тўпланган тайёр органик моддаларни истеъмол қилувчи организмлар йиғиндиси.
Кислотали ёмғирлар	атмосферадаги намлик ҳисобига саноат чиқиндилари эриб, ёмғир ва қорлар ҳолида ёғиши.
Мегаполис	жуда йирик шаҳар агломерацияси.
Мезофит	ўртача тупроқ намлиги шароитида ўсувчи ўсимлик.
Миграция	одам ва ҳайвонларнинг фазода кўчиб юриши, кимёвий элементларнинг тупроқ қатламларида кўчиб юришидир.
Миллий боғ	табиий шароитлари сезиларли даражада инсон фаолияти орқали ўзгармаган ёки инсон фаолияти тарих мобайнида табиат билан уйғунлашган кенг муҳофаза этиладиган ҳудуд.
Миграция	ҳайвонларнинг мавсумий кўчиб юриши.
Нитратлар	ўсимликларнинг озикланиши учун зарур бўлган нитрат кислота тузлари
Ноосфера	биосферанинг ривожланиш босқичи ҳисобланиб, бунда табиат билан инсоннинг уйғунлигини таъминлаш учун табиий ресурслардан фойдаланиш илмий асосда ташкил этилади.
Нураш	атмосферанинг турли вакиллари, грунт ва ер сирти сувлари, организмлар ҳаётий фаолияти ва улар

	чириганда пайдо бўлган маҳсулотлар таъсирида тоғ жинслари ҳамда ер сирти ва литосфера сиртига ёндош қатламларнинг механик емирилиши ва улардаги кимёвий ўзгаришлар жараёни.
Озон туйнуги	сайёрамизда озон қатламидаги озоннинг маълум даражада (50%гача) камайган фазо.
Озуқа занжири	бири иккинчисига озуқа бўладиган организмларнинг кетма-кет келадиган бўғини.
Оғир металллар	атом оғирлиги 50 а.б. дан юқори бўлган кимёвий элементлар.
Оқова сувлар	саноат ва маиший ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган, ҳар хил таркибдаги минерал ва органик қўшимча моддаларга эга бўлган ифлосланган сув.
Санитар ҳимоя-худуди	аҳоли, уй-жой пунктларини саноат корхоналаридан ажратиб турувчи ҳудуд.
Санитар-гигиеник меъёрлар	одам саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган энг юқори ва энг паст миқдор ва ёки сифат кўрсаткичлари. Баъзи ифлослантирувчи (масалан канцероген) моддалар учун санитар-гигиеник меъёрлар экологик меъёрларга қараганда қатъийроқ бўлиши мумкин.
Стандарт	кенг маънода: ўхшаш объектларни улар билан таққослаш (солиштириш) учун қабул қилинган андозалар, эталонлар, моделлар. Одатда С. деганда меъёрий-техник ҳужжат тушунилади.
Сувнинг “гуллаши”	сув ҳавзасида фитопланктоннинг жадал ривожланиши натижасида сувнинг ранги ўзгариши. Бунга сабаб – сув режимининг номақбул ўзгариши (сувнинг туриб қолиши, органик моддалар ва минерал ўғитлар билан ифлосланиши, бегона ўтлар қоплаши ва х.к). бу эса сувда эриган кислород миқдорининг камайиб, балиқлар ва сувда яшовчи б. жонзотларнинг димиқиб ўлишига олиб келади.
Смог	чанг ва заҳарли газлар сақланиб, йиғилиб қолган қуюқ туманлар.
Соғлом турмуш тарзи	меҳнат, турмуш ва дам олиш гигиенаси, экологик маданият, ўз организмни физиологик жиҳатдан нормада сақлаш ва атрофдагиларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриш каби комплекс омиллар.
Симбиоз	организмларнинг алоқа шаклларида бири.
Синэкология	экологиянинг жамоалар тузилиши, энергетикаси, динамикаси, шаклланиши, ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси кабиларни ўрганадиган бўлими.
Стратосфера	тропосферадан юқори, 8-16 км дан 45-55 км


	баландликкача бўлган атмосфера қатлами.
Пестицидлар	ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ёғочдан, жундан, пахтадан ва теридан тайёрланган материалларни ҳимоя қилиш ҳамда хавфли касалликларни қўзғатувчи ташқи текинхўрларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар.
Планктон	сувнинг оқимиға фаол қаршилиқ кўрсата олмайдиган сув қатламида яшовчи организмлар.
Продуцент	ноорганик моддалардан органик моддалар тўпловчи автотроф организмлар.
Популяция	бир турға мансуб бўлган индивидлар йиғиндиси.
Редуцентлар	ҳаёт фаолияти давомида органик қолдиқларни ноорганик моддаларға парчаловчи организмлар.
Рекультивация	бўш ерлар, ифлосланган саноат майдонлари ва ҳоказоларни фойдаланиш, хусусан, уй-жой қурилиши, боғлар яратиш, деҳқончилик учун яроқли ерларға айлантириш.
Рухсат этиладиган меъёр	сув, ҳаво ва бошқалардаги қўшимча зарарли моддаларнинг, ўсимлик, ҳайвонлар ва одамларға зарарли таъсир этмайдиган, рухсат этиладиган меъёр.
Табиат	1)кенг маънода оламдаги барча моддалар, энергетик ва ахборот дунё ҳақидаги сўз; 2)кишилиқ жамияти яшайдиган табиий шароитлар йиғиндиси.
Табиий ареал	Инсон фаолияти натижасида ўзгармаган макон, ареал.
Табиий офатлар	Табиат кучлари – зилзила, тошқин, сел оқимлари ва қор кўчкилари, ҳароратнинг кескин кўтарилиши ёки пасайиши, қурғоқчилик, пўртана, торнадо каби хавфли ҳолатларни келтириб чиқаради.
Табиий ресурслар	жамиятнинг моддий, илмий ва манавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ёки фойдаланиш мумкин бўлган табиий объектлар, жараёнлар.
Табиий экотизимлар	биогеоценозларнинг синоними. Биогеоценоз, биоценоз, биотопдан ташкил топган элементлар механизми.
Табиатни муҳофаза қилиш	давлатлараро, миллатлараро ва ижтимоий чоратадбирлар тизими ҳисобланиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва тиклаш, атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бузилишдан муҳофаза қилиш, кишилиқ жамияти учун қулай шароит яратиш (ҳозирги даврда ҳамда келгуси авлодларни моддий ва манавий эҳтиёжларини қондириш)дан иборат.

Таназзулга учраган тупроқлар	антропоген ёки табиий характердаги салбий жараёнлар таъсирида маҳсулдорлиги ёки ундан олинаётган маҳсулот сифати пасайишига олиб келган ва шунга кўра уларни ишлаб чиқариш даражасига тиклаш учун катта маблағ талаб қилинадиган тупроқлар
Техносфера	биосферанинг бир қисми ҳисобланиб, инсон томонидан техник объектлар қуриш учун ўзгартирилган (йўллар, бинолар, механизмлар) жойлар.
Терморегуляция	иссиқ қонли ҳайвонларнинг тана ҳарорати доимийлигини таъминловчи физиологик биокимёвий жараёнлар йиғиндиси.
Тропосфера	атмосферанинг энг қуйи қатлами (унинг баландлиги 8-18 км).
Тупроқ эрозияси	тупроқнинг табиий ёки инсон хўжалик фаолияти натижасида емирилиш жараёни.
Тупроқнинг зичланиши	тупроқ таркибининг физикавий ёки кимёвий емирилиши натижасида унда бўш ғовакчалар ҳажмининг камайиши жараёни.
Тупроқнинг иккиламчи шўрланиши	сув режимининг сунъий ўзгартирганда сувда осон эрувчан тузларнинг минераллашган суғориш сувлари ёки ер ости сувлари билан олиб кирилиб тупроқда йиғилиши.
Тупроқнинг ифлосланиш даражаси	тупроқдаги ифлослантирувчи модда миқдорининг унинг СТЧК қийматига нисбати.
Тупроқнинг чўкиши	тупроқнинг кескин ўтириши ёки ер юзасининг аста-секин чўкиб бориши, бунда унинг бироз горизонтал силжиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.
Тупроқнинг шўрланиши	Асосан, грунт сувларининг буғланиши, ўзак жинсларнинг шўрлиги билан тупроқда эриган тузларнинг тўпланиши (шўрхокланишини) келтириб чиқарувчи жараён.
Физик ифлосланиш	экотизимга унинг ҳарорат-энергия, тўлқин, радиацион ва б. физик хоссаларини меъёрдан ошишига олиб келувчи бегона физик энергия манбаларининг кириб келиши.
Фитонцидлар	(юн. phulon-ўсимлик ва лот. caedere-ўлдирмоқ) – олий ўсимликлар чиқарадиган ва бактериялар, замбуруғлар, оддий организмлар ўсишига тўсқинлик қиладиган моддалар.


Фотосинтез	(юн. photos- ёруғлик ва synthesis- бирлашиш)- яшил ўтлар, сув ўтлари ва айрим микроорганизмлар тўқималарида ёруғлик таъсири остида углекислота ва сувдан органик моддаларнинг ҳосил бўлиши ва кислороднинг ажралиб чиқиши.
Шовқиндан ифлосланиш	физик ифлосланиш тури ҳисобланиб, табиий ҳолатда ортиб кетиши билан тавсифланади.
Экосистема	организмлар ва уларнинг яшаш муҳитидан иборат табиий ёки сунъий антропоген мажмуи.
Экологик сиёсат	экологик стратегия ва мақсадларга эришиш учун, яъни экологик сиёсий вазифаларни ҳал этиш учун экологик муносабатлардан фойдаланиш ҳолатлари.
Экологик маданият	барча инсон яшайдиган муҳитни ифлослантирувчи моддалар, энергиялар ва ахборотлар билан глобал ифлосланишдан муҳофаза қилиш учун шахснинг хатти-ҳаракатлари, маданиятидир.
Экологик таълим	умумий экологик-назарий ва амалий масалаларни ўзлаштириш учун йўналтирилган таълим тизими. У табиатдан фойдаланиш масалаларининг пойдевори ҳисобланади.
Экологик тарбия	шахснинг дастлабки туғилган давридан бошлаб, то умрининг охиригача табиий мажмуалар ва ижтимоий-психологик йўлланмалар бериш мақсадида онгига таъсир этиш жараёнидир.
Экологик танглик	инсон ва табиий омиллар таъсирида келиб чиқадиган атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашиши.
Экологик экспертиза	(корхонани лойиҳалаш) – муайян ишлаб чиқариш корхонаси қурилишнинг, одамлар ҳаёт муҳити ҳолатига хавф солмайдиган даражада, тасодифий экологик оқибатларга олиб келишини аниқлаш.
Экологик этика	ИИТ ва атроф-муҳитни ўзаро таъсири натижасида келиб чиққан соҳа ҳисобланиб, инсон билан табиат ўртасидаги этик муаммоларни ўрганади.
Экологик омил	тирик организм мосланиш характериға жавоб берадиган ташқи муҳитнинг ҳар қандай унсури.
Экологик инқироз	инсон фаолияти ёки табиий омиллар (мас. иқлимнинг ўзгариши) таъсири остида атроф- муҳит ҳолатининг турғун, нисбатан аста-секин, қайтариш мумкин бўлган ёки қайтариш мумкин бўлмаган равишда ёмонлашуви (структурасининг соддалашиши, энергетик ёки экологик потенциалининг пасайиши.)
Экологик низо	маълум ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсад ва воситаларнинг табиатнинг ўзини-ўзи тиклаш қобилиятлари билан ўзаро номутаносиблиги.

Экологик тоза маҳсулот	тегишли экологик сертификатида белгилаб қўйилган талаб ва шартларига тўла-тўқис жавоб берадиган маҳсулот.
Экологик хавф	аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолатининг ўртача статистик кўрсаткичларидан оғишига сабабчи бўлиши мумкин бўлган номақбул вазият. Атроф-муҳит ҳолатини ифлословчи айрим параметрлари, аломатлари, омилларининг белгиланган (оптимал, йўл қўйилиши мумкин бўлган) қийматларидан четлашиши.
Экологик-иқтисодий жавобгарлик	экологик қонун бузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаш.
Экологик толерантлик	организмнинг атроф-муҳитнинг салбий таъсирига бардош бера олиш қобилияти
Экологик тур	турнинг ирсий ва таксономик белгиларига жавоб берадиган ҳамда манба ва муҳит шароитларига бир хил муносабатда бўлган организмларнинг пировард тўплами
Экологик экспертиза	(лот. expertus-тажрибали) – таклиф этилаётган лойҳанинг атроф-муҳитга кўрсатиладиган таъсир оқибатларини олдини олиш мақсадида унинг таъсир самарасини олдиндан аниқлашга қаратилган фаолият.
Экотизим	А. Тенсли томонидан киритилган бўлиб, у таркибидаги органик ва анорганик омиллар тенг ҳуқуқли компонентлар бўлмиш динамик мувозанатдаги нисбатан барқарор тизимини ифодалайди. Бошқача айтганда, тирик мавжудотлар жамоалари ва уларнинг яшаш муҳитини ўз ичига қамраб олган функционал тизимга экотизм дейилади.
Экотизм эволюцияси	кенг ҳудудларда экотизмдаги автохтон ва аллохтон жараёнларининг ўзаро ҳаракатлари натижасида содир бўладиган жадал тараққиёт.
Эфемерлар	(юн.ephemeris – бир кунлик, калта умрли) бир йиллик, вегетация даври (1.5 ойгача) асосан кузда, қишда, баҳорда кечадиган ўтсимон ўсимликлар.
Яшил ҳудуд	шаҳар яқинида белгиланган тартибда ажратилган яшил ўсимликлар билан қопланган ва шаҳар учун алоҳида муҳитни ҳимоя қиладиган, санитар-гигиеник, рекреацион ва хўжалик аҳамиятига молик ҳудуд.
Ўғит	тупроққа ёки сув ҳавзасига солинганда уларнинг биологик маҳсулдорлигини оширувчи моддалар.
Ўрмон	бир-бирига яқин турган ва ҳар хил зичликдаги дарахтзорларни ташкил этувчи, бир ёки кўп турдаги дарахтлардан иборат бўлган табиий ҳудудий мажмуа.


Қизил китоб	ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги организмларнинг рўйхати.
Қўриқхона	худуд ёки акватория участкаси бўлиб, унда бутун табиий мажмуа ва биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида хўжалик фаолиятининг барча ишлаб чиқариш шакллари ман қилинади ва ўтказилиш услублари табиий жараёнлар табиийлигини бузмайдиган илмий изланишларга йўл қўйилади.




YER OSTI SUVLARI KONLARI



TUPROQ XARITASI



TUPROQLAR TAVSIFI VA ULARDAGI GUMUS MIQDORI




ZOOGEOGRAFIK XARITA


SHARTLI BELGILAR

LANDSHAFT TURLARI

	Subnival		To'qay
	O'tloqi dasht		Antropogen
	O'rmon		Cho'l:
	Quruq dasht		Iyosli cho'llar
	Chala cho'l		qumli cho'llar
			sho'rxosimon cho'llar




TABIYI-GEOGRAFIK RAYONLASHTIRISH XARITASI



Masshtab 1:1 000 0

TABIYI-GEOGRAFIK RAYONLASHTIRISH XARITASI



Masshtab 1:1 000 0

HAYVONLAR Sutemizuvchilar

- * Buxoro qo'yi
- Bo'ri
- * Ilvirs (to'g qoploni)
- * Jayron
- * Keng quloqli qat-qat lab
- Ko'rsichqon
- * Morxo'r
- Olaqo'zon
- * Oq qorinli o'q quloq
- Qaraganqa-tulki
- Qizil pishchuxa
- * Qoplon
- Qumsichqon
- * Qo'ng'ir ayiq
- * Sirtlon (do'ita)
- Tyanshan yovvoyi qo'yi, arxar
- * Turkiston silovsini
- To'ng'iz
- * Uzun ignali kirpi (tipratikan)
- * Xongul (Buxoro bug'usi)
- Cho'l mushugi
- * O'rta Osiyo qunduzi

Qushlar

- * Boltayutar
- * Burgut
- * Ilonburgut
- * Itolg'i
- Kaklik
- * Kichik burgut
- * Kuyka (cho'l miqqiysi)
- * Mallabosh lochin
- * Oq peshonali kichik g'oz
- * Olaqanot
- * Oq boshli qumoy
- * Qiyqirdoq oqqush
- * Qizil q'oz
- * Qora laylak

- * Qoshiqburun
- So'fitor'g'ay
- * Tasqara
- * To'xta tuvaloq
- Cho'l kakligi

Baliqlar

- * Amudaryo gulbalig'i
- Amudaryo katta kurakburuni (qilquyruq)
- * Amudaryo kichik kurakburuni (toshbakra)
- * Orol mo'yabdari (shimbaliq, qayaz)
- Orol tikanagi
- * Parrak (nashtarqanot)
- * Turkiston laqqachasi
- * Turkiston mo'yabdari
- * Cho'rtansifat oqqayroq (kalbaliq, cho'rtanmarka)

Sudralib yuruvchilar

- * Afg'on litorinxi
- * Bo'z echkamar
- Dasht agamasi
- Falanga
- * Hind boygasi
- * Kapcha ilon
- * Ko'ndalang yo'lli bo'ritish
- * Qorahoidor kaltakesak
- Qora chayon
- Sariq qorin

Umurtqasizlar

- * Glaukonoma
- * Hisor arvothkapalagi
- * Kol latiragoqusi
- Tillaqo'ng'iz
- * Tomiris
- * To'qay kokildori
- * To'qay feruzaqanoti
- * To'ranqi arvothkapalagi
- * To'ranqi pillakashi
- * Shohona xlorion
- * Shumtol arvothkapalagi

SURXON TOG'-O'RMON DAVLAT QO'RIQXONASI



O'SIMLIKLAR


- * Anna kirpio'ti
- Archa
- * Ayrishox sutlama
- * Binatsha gulli arg'uvon
- * Bobotog' oksitropisi
- * Bobur flomoidesi
- Bodom
- * Buxoro astragali
- * Buxoro tuyatovoni
- Bug'doyiq
- Eremurus
- * Kesselring savrinjoni
- * Martius qilicho'ti
- Na'matak
- * Nor kovrak
- * Oq lola
- * Oshanin piyozi
- * Oshlovchi totim (Sirka daraxti)

Qiyof o't

- * Rozanov kovuli
- * Sadaf piyoz
- * Sangardak yurineyasi
- * Turkiston dipkadiysi
- * Turkiston eulofiyasi
- * Ulug'vor ko'zagul
- * Viktor omonqorasi
- Yalpiz
- * Yovvoyi anjir
- * Yovvoyi anor
- * Yovvoyi chilonjiyda
- Yulg'un
- * Yumaloq tupgulli astragal
- * Yupqa pardali oksitropis
- Zarang
- * Zebo marmarak
- * Cho'ziq po'lanak
- Shuvoq


* O'zbekiston Respublikasi "Qizil Kitob"ga kiritilgan hayvonlar va o'simliklar

TABIATNI MUHOFAZA QILISH XARITASI



EKOLOGIK XARITA

SUV YUZASI MONITORING STVOVLARI BO'YICHA MA'LUMOTLAR
Daryolar kuzatuv postlarida suvning ifloslanish darajasi (PChK)



Janubiy Surxon suv omborining kuzatuv postlarida suv ifloslanish darajasi



Ifloslanish komponentlari

- Nitritlar
- Mis
- Fenollar
- Kisloroddan kimyoviy foydalanish (KKF)
- Mineralizatsiya



SHARTLI BELGILAR

- Postlar
 - Postlarning soni
 - Suv ifloslanishini nazorat qiluvchi postlar va ularning raqamlari
 - Kommunal - maishiy xo'jalik (suvsozlar) oqim suvlarining tashlamalari
 - Sanoat va boshqa tarmoqlarda oqim suvlarining tashlamalari
 - Toza
 - Mo'tadil-ifloslangan
- 2007, 2009, 2011 yillar uchun nazorat qiluvchi postlarda Sining o'zgarish dinamikasi

EKOLOGIK HOLAT DARAJASI	LANDSHAFTLARNING EKOLOGIK GURUHLARI			
	mezomorf	galomorf	kseromorf	antropogen
qoniqarli				
mo'tadil-qoniqarli				
mo'tadil				
keskin				


Masshtab 1:1 000 000

SEYSMIK RAYONLASHTIRISH

SURXONDARYO VILOYATI HUUDIDAGI ENG KUCHLI ZILZILALAR

№	Yil	Nomi	Magnituda	Ballar, XSK-64 shkalasi bo'yicha	Chuqurligi (km da)
1	1907	Qoratog' II	7,3	9	24
2	1907	Qoratog' III	7,0	9	20
3	1935	Boysun	6,2	8	16
4	1968	Boysun	5,0	6-7	15

XSK-64 - Xalqaro seysmologik komissiya



SHARTLI BELGILAR
YeMS-98 SHKALA BALLARI VA MAKSIMAL TEZLANISH QIYMATIDAGI UMUMIY SEYSMIK RAYONLASHTIRISH (USR-2011, R=99%)

Tuproq zarrasida tebranish (sm/sek ² da)	Intensiv silkinish ehtimoli, ballarda (YeMS-98 shkalasi bo'yicha)
451 - 500	9 ball
401 - 450	
351 - 400	8 ball
301 - 350	
251 - 300	
201 - 250	
151 - 200	7 ball
101 - 150	




Eslatmalar:

1. YeMS-98-1998 yilda qabul qilingan Yevropa makroseysmik shkalasi.
2. R=99% - 50 yil davomida intensiv tebranish 99 foizdan oshmaslik ehtimoli.
3. USR - Umumiy seysmik rayonlashtirish.
4. Ko'rsatilgan seysmik intensiv tavsifnomalar II - toifali tuproqqa tegishli.

Masshtab 1:1 000 000

GEOLOGIK XARITA



IQLIM XARITASI

SHARTLI BELGILAR

HAVO HARORATI (°C da)

- 4 yanvar izotermalari
- +30 iyul izotermalari
- 23° yanvarda havo haroratining mutlaq minimumi
- +49° iyulda havo haroratining mutlaq maksimumi

SHAMOLLARNING KO'P KUZATILADIGAN YO'NALISHLARI

- yanvarda
- iyulda


YOG'INLARNING O'RTACHA YILLIK MIQDORI (mm da)

- 200 dan kam
- 200 - 400
- 400 - 800
- 800 dan ko'p

Gidrometeorologik boshqarma va uning nomi

Gidrometeorologiya stansiyalar

Gidrologik postlar



GIDROMETEOROLOGIK KUZATUV TARMOG'I

No	Stansiyalar nomlari	Boshqarma va stansiyalar turlari	Stansiyalarda kuzatish turlari	Stansiyalardagi meteorologik kuzatuvlar davri (yillarda)
1	Surxondaryo	Gidrometeorologik boshqarma	Meteorologik Gidrologik Agrometeorologik	75-100 yil
2	Boysun	Meteorologik	Meteorologik Gidrologik Agrometeorologik	75-100 yil
3	Denov	Gidrologik	Meteorologik Gidrologik Agrometeorologik	75-100 yil
4	Termiz	Aviameteorologik	Meteorologik Aviameteorologik Aktinometr Gradiyent	75-100 yil
5	Sherobod	Meteorologik	Meteorologik Gidrologik Agrometeorologik	75-100 yil
6	Sho'rchi	Meteorologik	Meteorologik Agrometeorologik	50-75 yil

GIDROLOGIK POSTLAR


No	Postning joylashgan joyi	Tashkil topgan sanasi
1	Yangiobod q	1927
2	Kenguzor q	1927
3	Obizarang d. quyilish joyi	1928
4	Dashnobod q	1929
5	Sho'rchi sh	1929
6	Qorliq sh-cha	1951
7	Darbend q	1956
8	Sariosiyo sh-cha	1977

ATMOSFERA METEOROLOGIK JARAYONLARI

Maksimal chang-to'zonli kunlar soni

Maksimal tumanli kunlar soni

Maksimal momaqal-diroqli kunlar soni



Sh TERMIZ

Sh DENOV

Masshtab 1:1 000 000

✓

1. jadval

1. jadval

04 Surxondaryo viloyati bo'yicha vegetatsiya davrining gidrotermik tavsifi

04 Surxondaryo viloyati bo'yicha vegetatsiya davrining gidrotermik tavsifi



2 jadval

2 jadval

2 jadval



SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

SI

Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 13 июль
2. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017-2021йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” [Http://Strat.Egy.Regulation.Gov.Uz/Uz/ Document/2](http://Strat.Egy.Regulation.Gov.Uz/Uz/Document/2)
3. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 11 Сентябрь
4. *Мирзиёев Ш. М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь
5. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш-асосий вазифамиздир”.//”Халқ сўзи”, 2017 йил, 10 декабрь.
6. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси.//”Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь
7. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 30 декабр

II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992.08.12 “Ўзбекистон”, 1992.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”.-Т.,2017.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Жинойят кодекси”.-Т.,2017.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1993.- № L.37-модда.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1993,- №5.221- модда.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1997,- №2.52-модда.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013й, 41-сон, 543-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997й., №11,12. 295-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,-1997.-№ 11-12. 296-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1998.-№ 9.165-модда.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.// “Халқ сўзи”, 2016 йил, 20 сентябрь.

19. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни.//”Халқ сўзи”, 2016 йил, 22 сентябрь.

20. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-1999.-№5. 122-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси.-2000.5-6-сон, 144-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. -2002. № 4-5.72- Модда.

23. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.-2003. №1.5-модда.

24. Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -2005. № 1,1-м.

25. Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013.-№ 52. 688-модда.

26. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни.//”Халқ сўзи”, 2015 йил 27 август.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Концепцияси

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.2013 йил 1 март.// "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"//2013 йил, 10-сон, 124-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январь “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-5024-сон қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2915-2017 йил 21 апрелдаги фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2916-сонли қарори.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 4 май, ПҚ-2954-сон қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги, “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги, “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.//”Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 24 август.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25 сентябрь 2017 йилги қарори.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Ҳаракатлар дастури”.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.2013 йил, 22-сон, 282- модда.

40. “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”./ /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 9-сон, 91-модда; 2015 й., 26-сон, 338-модда; 2017 й., 34-сон, 899-модда.

41. “2015-2018 йилларда Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокатининг оқибатларини енгиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар комплекс дастури тўғрисида”.

42. “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 499-модда.

43. “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 500-модда.

VI. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

44. Каримов И. А, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

45. Каримов И. А. “Ўзбекистон: буюк келажак сари”. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

46. Алланов Қ.А., Абдумўминов Б.О. “Топография ва географик ахборот тизимлари”. Сурхон-Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. Хива-2018-1

47. “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолиятлари”. Тошкент-2010.

48. Бекмуродов А.С. “Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари”. –Nihol nashriyoti Тошкент-2018

49. Зокиров Х.Х. “Агрокимё”. – Т.: Университет, 1998

50. Зокиров Х. Х. “Дехқончилик кимёсига доир қўлланма”. - Т.: Университет, 1998.

51. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш.А. “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанининг умумий масалалари”. – Қарши. Насаф, 2010.

52. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фанининг ҳозирги замон масалалари”, Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.

53. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш.А. “Табиатни муҳофаза қилиш фанининг илмий назарий ва методологик асослари”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.

54. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.

55. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммолари”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.

56. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш”. - Қарши, Насаф, 2010.

57. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Биологик ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши:

Насаф, 2010.

58. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Ер ости қазилма бойликлари ва ландшафтларни муҳофаза қилиш”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф 2010.

59. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Табиатни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф 2010.

60. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Табиатни муҳофаза қилиш ва халқаро ҳамкорлик”. - Қарши: Насаф, 2010.

61. Зокиров Х. Х., Қўлдошева Ш. А. “Табиатни муҳофаза қилиш фанининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик жиҳатлари”. Ўқув-услубий қўлланма. - Қарши: Насаф, 2010.

62. Зокиров Х.Х., Нормуртов О.У. ва бошқалар “Почвенно-климатические условия Сурхондарьи”. Научный журнал UNIVERSUM: химия и биология Москва 2018.

63. Зокиров Х.Х., Аллаяров С.К., Зокирова Ю.Х. “Экология ва тупроқшунослик фанларидан тажриба машғулоти”. “Сурхон-Нашр”. Термиз-2018.

64. Зокиров Х.Х., Зокирова Ю.Х., Чориева Ш.Қ. “Иқтисодий инқирозга сабаб бўлувчи экологик омиллар”. “Сурхон-Нашр”. Термиз-2018.

65. Зокиров Х.Х., Ибрагимов А.Ж., Умарова М.Х. “Экология ва география мутахассислик фанларидан ўқув-дала амалиёти”. “YANGI NASHR” Тошкент-2015.

66. Зокиров Х.Х. “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш”. Дарслик. Сурхон-Нашр-2020.

67. Ибрагимов А.Ж. “Сурхон давлат қўриқхонаси флораси”. “YANGI NASHR” 2016.

68. Ибрагимов А., Эшбоев М. “Сурхондарё вилояти флорасининг эндем ва камёб турлари”. Насаф, 2019

69. Исаев А. “Маънавият ва тарбия”. - Т.: Янги аср авлоди, 2001.

70. Рўзиев А.Н., Мирзаев Ш.П., Бараталиев У. “Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари”. Тошкент-1997.

71. Саидов М, Зокиров Х.Х., Алматов Б. “Тупроқшунослик”. “Сурхон-нашр”, 2019.

72. Сатторов Ж. С. “Антропоген шароитида тупроқ ҳосил бўлиши, унумдорлиги, тупроқни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш муаммолари”. - Т.: Университет, 1995.

73. Сатторов Д., Мусаев Б. “Тупроқшунослик, агрокимё ва мелиорацияга оид халқаро атамалар бўйича русча-ўзбекча луғат”. “Меҳнат” Тошкент -1992.

74. “Система ведения земледелия в Сурхондарьинской области Узбекский ССР”. Тошкент-1983.

75. Справочник эколога-эксперта. “КО’НИ-NUR”. Тошкент 2009.

76. Сурхондарё вилояти ўлкашунослик атласи. Тошкент-2016

77. Турсунов С., Қобулов Э., Муртазаев Б., Пардаев Т., Умаров И. “Термиз тарихи”. “YANGI NASHR” Тошкент 2019

78. Турсунов С., Қобулов Э., Тўхтаев А. “Тарихнинг ибратли зиёлилари”.

79. “Ўзбекистоннинг биоэкологик муаммолари”. Республика илмий ва амалий-техник анжумани. Термиз-2016.

80. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. Тошкент-2016.

81. Ўзбекистон Энциклопедияси. - Т., 1978-1980 й. й. - 1-14- жилдлар.

82. “Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида кимёнинг ўрни”. Республика илмий-амалий конференцияси, Самарқанд-2018

83. “Ўзбекистон демографик йиллик тўплами”. Тошкент-2019

84. “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби”, 1, 2-томлар “CHINOR ENK”, Тошкент 2009.

85. Ўринов Б.И. таҳрири остида “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолиятлар”. CHINOR ENK 2010.

86. “Жанубий Оролбўйи биологик хилма-хилликни сақлаш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг экологик масалалари”. Халқаро илмий анжуман материаллари. 2-бўлим. Нукус-2018.

87. “Бойсун-моддий ва номоддий маданият бешиги”. Халқаро илмий-амалий конференцияси. Термиз-2018.

88. Холмирзаев А. “Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари”. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 2001.

89. Холмуродов Н. “Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси”. Тошкент, “Чинор”, 1998.

90. Холмуратов М.А., Қодирова Д.Н. “Сурхондарё вилоятининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва ноёб ўсимликлари”. Сурхон-нашр-2017.

91. Холмўминов Ж.Т. “Қишлоқ хўжалигини барқарорлаштириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш”. Тошкент-2018.

92. Хуррамов Ш.Х. умумий таҳрири остида. “Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси”. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент, 2008.

93. Эгамбердиев Р., Қодиров Ш.Ю., Жуманиёзов Ш.И., Досчанов М.Б., Нормуратов О.У “Инсон экологияси ва унинг муаммолари”. Хоразм, Урганч-2016.

94. Экология хабарномаси. - 2002-2008 й.

VII. ГАЗЕТА МАҚОЛАЛАРИ

95. Х. Х. Зокиров, “Боғ қилишнинг ҳикмати”, “Сурхон тонги” 2017 23 декабрь, 76 (17398)-сон 3-бет.

96. Х. Х. Зокиров, “Тупроқ унумдорлиги ва иқлим ўзгариши”, “Сурхон тонги”, 2018 йил 22 декабр 98-99 (174991)-сон 3-бет.

97. Х. Х. Зокиров, “Соғлом бўлай десангиз, боғ яратинг”, “Экомувозанат” 2018, 17 январь 2 (67)-сон 6-бет.

98. Х.Х.Зокиров, “Яшил кўрғон ҳимояга муҳтож”, “Халқ сўзи” 2018, 22 февраль 36 (6994)-сон 4-бет.

99.

МУНДАРИЖА

1	СУРХОНДАРЁ ТАБИАТИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ.	4
2	ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ВА ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ	19
3	АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ	52
4	СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ	62
5	ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ	72
6	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ	88
7	ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОФАЗАСИ	108
8	СУРХОН ВОҲАСИ ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ ВА УНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ	126
9	СУРХОН ВОҲАСИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ ВА УНИНГ МУҲОФАЗАСИ	149
10	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ	169
11	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АСОСИЙ УСТИВОР ЙўНАЛИШЛАР	196
12	ГЛОССАРИЙ	205
13	ИЛОВАЛАР	215
14	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	230

ОГЛАВЛЕНИЕ

1	ОБЩЕЕ СВЕДЕНИЕ О ПРИРОДЕ СУРХАНДАРЬИ	4
2	ОБЛАСТНОЙ КОМИТЕТ ЗАЩИТЫ ПРИРОДЫ И КРАТКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТЕРМЕЗСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА	19
3	АТМОСФЕРНЫЙ ВОЗДУХ И ЕГО ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ	52
4	ЗАЩИТА ВОДНЫХ РЕСУРСОВ И ЭФФЕКТИВНОЕ ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЕ	62
5	ЗЕМЕЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ И ИХ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ	72
6	РАСПРОСТРАНЁННЫЕ ПОЧВЫ НА ТЕРРИТОРИИ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ИХ СВОЙСТВА	88
7	ПОДЗЕМНЫЕ БОГАТСТВА И ИХ ЗАЩИТА	108
8	РАСТИТЕЛЬНЫЙ МИР СУРХАНСКОГО ОАЗИСА И ИХ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ	126
9	ЖИВОТНЫЙ МИР СУРХАНСКОГО ОАЗИСА И ИХ ЗАЩИТА	149
10	КОРОТКО СВЕДЕНИЕ О РАЙОНАХ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ	169
11	ОСНОВНЫЕ ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ	196
12	ГЛОССАРИЙ	205
13	ПРИЛОЖЕНИЯ	215
14	ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА	230

CONTENT

1	GENERAL INFORMATION ABOUT THE NATURE OF SURKHANDARYA.	4
2	BRIEF DESCRIPTION OF THE REGIONAL COMMITTEE FOR NATURE PROTECTION AND TERMEZ STATE UNIVERSITY	19
3	ATMOSPHERIC AIR AND ITS ENVIRONMENTAL PROBLEMS	52
4	PROTECTION AND RATIONAL USE OF WATER RESOURCES	62
5	LAND RESOURCES AND THEIR ENVIRONMENTAL PROBLEMS.	72
6	SOILS DISTRIBUTED IN THE TERRITORY OF SURKHANDARYA REGION AND THEIR PROPERTIES	88
7	UNDERGROUND RICHES AND THEIR PROTECTION	108
8	SURKHON OASIS PLANT WORLD AND ITS ECOLOGICAL PROBLEMS	126
9	WILDLIFE OF THE SURKHON OASIS AND ITS PROTECTION	149
10	BRIEF INFORMATION ABOUT THE DISTRICTS OF SURKHANDARYA REGION	169
11	THE MAIN PRIORITY DIRECTIONS OF ENSURING ENVIRONMENTAL SAFETY IN SURKHANDARYA REGION	196
12	GLOSSARY	205
13	APPLICATIONS	215
14	REFERENCES	230

ҚАЙДЛАР УЧУН

ИЛМІЙ-ОММАБОП НАШР

Х.Х.ЗОКИРОВ

СУРХОНДАРЁ ТАБИАТИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Муҳаррир: Т.Мустафоев
Мусахҳих: О.Низомиддинов
Техник муҳаррир: А.Бўриев
Компютерда саҳифаловчи: Б.Эшмуродов

Теришга 05.06.2021 йилда берилди. Босишга 10.06.2021 йилда
рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 15 босма табоқ.
Буюртма №13. Times New Roman гарнитураси.
Офсет усулда чоп этилди. 100 нусхада. 240 бет.

Термиз давлат университети НММ нашриёти.
Термиз давлат университети НММ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй.